

ШАДИЕВА Г.М., КАЛАНОВА М.Б.

ТУРИСТЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

**ШАДИЕВА Г.М. ,
КАЛАНОВА М.Б.**

**ТУРИСТЛАРНИНГ
ОВҚАТЛАНИШИНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ
(Ўқув қўлланма)**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан ўқув қулланма сифатида тавсия етилган

**«FAN BULOG’I»
САМАРҚАНД-2022**

UDK: 379.83:642.5(075.8)

Ш 16

ВВК: 75.81я73

36.99

Шадиева Г.М., Каланова М.Б. Туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш. Ўқув қўлланма – Самарқанд: «FAN BULOG’I» nashriyoti, 2022.- 264 б.

Тақризчилар:

М. Аманбаев – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Туризм ва сервис” кафедраси мудири

И. Шукуров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Сервис” кафедраси мудири

Ўқув қўлланмани тайёрлаш хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасида билим олаётган мутахассисларга туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш бўйича билимлар бериш ва амалиётини ўргатиш талабаридан келиб чиқди. Ўқув қўлланмада фанининг мақсади ва вазифалари белгиланди, шунингдек, ўқув қўлланманинг мазмуни ва моҳиятини тўлиқ қамраб олувчи - туристлар учун овқатлантириш хизматини ташкиллаштиришнинг хусусиятлари, туристларнинг овқатланишида ишлаб чиқариш технологиясини ташкил қилиш, туристларнинг овқатланишини амалга оширувчи овқатланиш корхоналари, туристларнинг овқатланишини меҳмонхонада, транспортда ва дам олиш жойларида ташкил қилиш, дунё мамлакатларидаги ошхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари, туристларни кутиб олиш ва овқатлантириш, туристларга хизмат кўрсатувчиларга қўйиладиган талаблар каби мавзуулар кенг ёритилган.

Ўқув қўлланма хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасидаги бакалаврлар, ва шу соҳаларда фаолият олиб бораётган мутахассисларга мўлжаланган.

ISBN: 978-9943-8336-1-6

© Г.М.Шадиева, М.Б.Каланова. СамиСИ 2022.

© «FAN BULOG’I» нашриёти, 2022.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	6
<i>1 - боб.</i> Ўзбекистон Республикасида туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши. Фанининг мақсади ва вазифаси, обьекти ва предмети.....	8
1.1. Туризм-ижтимоий-иктисодий сайдерий жараён сифатида	8
1.2. Ўзбекистон Республикасида туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши.....	21
1.3. Фанинг мақсади, вазифаси, обьекти ва предмети.....	30
<i>2 - боб.</i> Туризм индустриясида хизматлар, хизматлар кўрсатишда овқатланишин ташкил қилишининг аҳамияти.....	34
2.1. Туризм индустриясидаги хизматлар.....	34
2.2. Туризмнинг соҳалари ва турларида туристларни овқатлантириш хизматлари.....	43
<i>3 - боб.</i> Туристлар учун овқатлантириш хизматини ташкил қилиш хусусиятлари.....	53
3.1. Туризмдаги маршрутлар, маршрутларда туристларни овқатлантириши.....	53
3.2. Овқатлантириш корхоналари ва улардаги овқатлар ва ичимликлар.....	56
<i>4 - боб.</i> Туристларнинг овқатланишида ишлаб чиқариш технологиясини ташкил қилиш.....	69
4.1. Туристлар овқатланишига боғлик ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг умумий тамойиллари.....	69
4.2. Овқатланиш корхоналаридаги технологик жараёнлар.....	71
<i>5-боб.</i> Туристларнинг овқатини тайёрлаш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.....	77
5.1. Туристлар овқатини тайёрлашда ва овқатланиш хизматини ташкиллаштиришда уларнинг кайси давлатдан, давлатнинг географик ўрни, иклими, ижтимоий шароитлар, урф-одатларини хисобга олиш.....	77
5.2. Хорижий давлатларнинг туристлари учун овқатлар тайёрлаш.....	89
<i>6 - боб.</i> Туристлар овқатланишини овқатланиш корхоналарida ташкил этиши.....	97
6.1. Умумий овқатланиш корхоналарининг мөхияти.....	97

**SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI**
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 65463

6.2. Туристлар овқатланишини овқатланиш корхоналарида ташкил этиш, уларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш қоидалари.....	98
6.3. Мижозлардан буюртма қабул қилиш ва уларни бажариш қоидалари.....	100
6.4. Рестораннинг савдо хоналари.....	107
6.5. Рестораннинг интеръери. Савдо ва банкет залларига қўйиладиган асосий талаблар.....	110
6.6. Савдо ва зиёфат заллари жиҳозлари.....	116
6.7. Ресторан ва кафеларда идиш-товоқларни ювишни ташкиллаштириш.....	123
6.8. Ресторан, кафе ва бар идишлари, асбоблари ва сочиқ-дастурхонларига қўйилган талаблар.....	128
7 - боб. Туристларнинг овқатланишини меҳмонхонада, транспортда ва дам олиш жойларида ташкил қилиш.....	131
7.1. Туристларни жойлаштириш корхоналари.....	131
7.2. Меҳмонхона хўжалигидаги хизматлар.....	134
7.3. Меҳмонхоналарнинг турлари ва таснифи.....	136
7.4. Туристларнинг овқатланишини меҳмонхоналарда ташкил қилиш хизматлари.....	143
7.5. Ўзбекистон туризмida транспорт хизматлари.....	153
7.6. Туристларнинг овқатланишини транспортда ташкил қилиш.....	158
7.7. Туристларнинг овқатланишини дам олиш жойларида ташкил қилиш.....	164
8 - боб. Дунё мамлакатларидаги ошхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари.....	170
8.1. МДҲ давлатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятлар.....	170
8.2. Евropa мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятлар.....	174
8.3. Араб мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятлар.....	179
8.4. Америка мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятлар.....	181
8.5. Осиё мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятлар.....	184

8.6. Ўзбек миллий ошхонасининг асосий хусусиятлари.....	187
9 – боб. Туристларнинг овқатланиши корхоналарини овқатланишга мажмуали тайёрлаш.....	191
9.1. Туристларнинг меҳмонхоналарда овқатланишни ташкил қилишдаги тайёргарлик.....	191
9.2. Номерларга хизмат қилиш бўлимидаги хизматлар.....	194
9.3. Таомномаларни тайёрлаш.....	198
10 – боб. Туристларни кутиб олиш ва овқатлантириш хизматлари.....	203
10.1. Туристларни кутиб олиш.....	203
10.2. Буюртма қабул қилиш.....	204
10.3. Буюртмаларни бажариш.....	206
10.4. Столни сервировкалаш (безатиш).....	209
10.5. Официантнинг иш техникаси.....	215
10.6. Банкетларда хизмат кўрсатиш.....	218
11 – боб. Туристларга хизмалар кўрсатувчиларга қўйиладиган талаблар.....	230
11.1. Чет эллик туристларга хизмат қиладиган ходимлар ташки қиёфасига қўйиладиган талаблар.....	230
11.2. Овқатланиш корхоналари ходимларининг хизмати сифатига қўйиладиган талаблар.....	231
11.3. Туристларга хизмат кўрсатишнинг психологик хусусиятлари.....	233
11.4. Этика, этикет ва эстетикани хизмат кўрсатишдаги ўрни.....	235
12 – боб. Туристларнинг овқатланишида қўлланиладиган ошхона жиҳозлари.....	243
12.1. Ошхона столлари.....	243
12.2. Ошхона дастурхонлари.....	243
12.3. Форфорли ва фаянсли идишлар.....	244
12.4. Шиша ва хрустал идишлар.....	246
12.5. Метал идишлар.....	248
12.6. Ошхона анжомлари, асбоблари.....	249
Глоссарий.....	256
Фойдаланилган адабиётлар.....	262

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришни ўзининг асосий мақсади қилиб белгилаб олди. Бу ишда туризм соҳаси ҳам етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Туризм ўтмишни ўрганиш, ўзга халқлар ва элатлар билан танишиш, уларнинг маданий ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш билан бирга туризм катта бизнес ҳамдир. Туризм фаолиятини йўлга қўйиш эса мутахассисларга боғлиқ бўлиб, бунинг учун малакали кадрларни тайёрлаш ҳозирги куннинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тажрибалар шуни қўрсатадики, туризм тарихи, унинг асосий йўналишлари, турлари, туристик хизматлар, умуман туризм илми билан боғлиқ барча масалалар ҳақида билим бериш, туризмга оид тушунча ва атамаларнинг ҳар бирини таснифлаш муҳим ахамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10-октябрдаги “Умумий овқатланиш ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича” Қарорига¹ асосан Ўзбекистон Ошпазлар Уюшмаси қошида миллий ошпазлик санъати Халқаро Маркази ташкил қилинди. Узок тарихга эга анъаналарнинг борлиги ва миллий таомларнинг турли-туманлиги ўзбек ошпазчилигининг хорижий мамлакатларда кенг оммалашишига олиб келиши ушбу ҳужжатда белгиланган. Ўзбекистоннинг 2012 йилнинг октябрида “Бутунжаҳон Ошпазлар Уюшмаси”га аъзо бўлиши ҳамда “Миллий Ошпазлик санъати Халқаро Маркази”нинг ташкил этилиши ўлкамизда миллий туризмни ривожлантиришда туристларни, айниқса хорижий туристларнинг овқатланишини сифатли ва самарали ташкил қилишни туризми ривожида кун тартибига чиқарди.

Кейинчалик эса туризм таълимида ўқитилаётган мутахассисларга туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш бўйича билимлар бериш талаблари келиб чиқди. Бу ҳолатда туристларни сифатли овқатлантириш масалаларига эътибор бериш, лозим бўлади. Бу масалаларни ечиш учун албатда тайёрланаётган мутахассисларга замонавий ўкув адабиётларини яратиш талаб қилинади.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 5610100-“Хизматлар соҳаси (ресторан иши)” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмокда. Бу мутахассислар учун туризм соҳасидаги олий ўкув юртлари Давлат таълим стандартлари ва ўкув дастуридаги ихтисослик фанлар блокида

¹ «Umumiy ovqatlanish tashkilotlarining faoliyatini yanada takomillashtirish va xodimlarining kasbiy darajasini oshirish chora-tadbirlari to’g’risida» O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yildagi 289-sonli qarori.

турган «Туристларнинг овқатланишни ташкил қилиш» фани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бу фан бўйича бакалаврлар учун ушбу ўкув қўлланма тайёрланди. Ўқув қўлланма туризм таълимидаги университетлар, институтлар ва коллежларнинг талабалари, шунингдек, туризм соҳасидаги тадбиркорларга мўлжалланган.

1 – БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ. ФАННИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ, ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ

1.1. Туризм–ижтимоий-иқтисодий сайёравий жараён сифатида

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда ва ушбу мақсадга эришиш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий – иқтисодий ҳаётдаги мавқеи ва ролини ҳар томонлама кўтаришда устивор йўналишлардан бири туризм соҳаси ҳисобланади.

Туризм – халқ хўжалигининг бир тармоғи бўлиб, қўплаб мамлакатларнинг иқтисодиётини кўтаришда тобора муҳим ўринни эгаллаб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу давлатларда туризмни ривожлантириш учун катта маблағлар ажратиласпти. Чунки, туризмнинг ривожланиши ўз навбатида моддий ва номоддий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи катор тармоқларнинг юксалишига замин ва шароитлар яратилиши ҳам маълум бўлди. Туризм жараёни хозирги вақтда халқимизнинг барча катламларини тобора, ўзига хос тарзда қамраб олмоқда. Бу ҳолат маҳаллий халқнинг ижтимоий-иқтисодий хаётига ижобий таъсир қилмоқда.

„Туризм” сўзи дастлаб француз тилида – *tourisme* – tour – сайд, томоша, сафар қилиш маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам „турист” ўзининг кўнгил очиши, хузур– ҳаловати учун бир макондан иккинчи маконга ҳаракат қилиб, маълум бир вақтда яна ўз маконига қайтувчи шахс ҳисобланади.

«Sporting Magazine» журнали 1811 йилда ҳар қандай экскурсияларни, диққатга сазовор жойларга, табиий ландшафтларга, бирор-бир обьектларни кўришга, томоша қилишга, илмий хусусиятларга эга бўлган барча саёҳатларни туризм тушунчасига қўшди. Кейинчалик французларнинг адабиётларида қайд қилинган саёҳатларда қатнашувчиларнинг ҳаммасини туристлар деб номлашди.

Расмий жиҳатдан «туризм» тушунчаси илмий адабиётда биринчи маротаба XX асрнинг 30-йилларидан, яъни «Берлин туризм тадқиқотлари институти»нинг журналидаги (1930-1931) «Archiv fur Fremdenverkehr» мақоласидаги сўзбошида келтирилди ва туризм тушунчаси-туристик ҳаракатларнинг барчаси деб таърифланди². Лекин бу таъриф туризм анча умумийлашганлиги учун туризм тадқиқотчилари томонидан тан олинмади.

². Ердавлетов С. Р. География туризма: история, теория, методы, практика, Алматы, 2000.-331 с.

Туризм – бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён, тизим бўлиб, ўз таркиби жиҳатидан ҳар-хил, турли-туман, ўзаро бир-бири билан боғланган ва бири -бирини тақозо қилган кўплаб қуи тизимлардан иборат. Туризмнинг ўрни аниқланганда яна бир мухим, асосий жиҳатларга этибор бериш лозимки, туризм ижтимоий соҳанинг бир қисми бўлиб, унинг асосий фаолиятларида истеъмолчига истеъмол жараёнида моддий ва номоддий мухитни яратиш учун хизматлар қилиш, дам олиш ва фаолият ишларини ўзгартириш, алмаштириш учун шароитлар яратиш, аҳолининг умуний маълумоти ва маданий техник даражасини шакллантиришда мухим ахамиятга эга.

Хозирга келиб, туризмнинг мазмун ва моҳиятини англашда ва белгилашда асосан Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) нинг тавсиялари, таклифлари кўпроқ ишлатилмоқда. Лекин Ўзбекистонда ҳам, биз кўпроқ ўрганаётган Россия Федерацияси давлатидаги туризм мутахассислари ҳам туризмнинг таснифланишида турли хуносаларни, тавсияларни яратмоқдалар. Туризм соҳасини республикада ривожлантириш жараёнида эканмиз туризмдаги турларни, соҳаларни, йўналишларни алоҳида–алоҳида тавсифлаб, таърифлаб олишимиз лозим бўлади.

Туризм индустрясини келтириб чиқарувчи турист атамасига Миллатлар Лигаси 1937 йилда таъриф берган эди. Бу таъриф бўйича бир макондан иккинчи маконга кўчиб юрувчилар мақсадларидан қатъий назар „саёҳатчи” деб аталди. Бу атамани кўплаб давлатлар қабул қилди. Шундан кейин Халқаро туристик ташкилотларнинг Халқаро иттифоқи (МСОТО) 1950 йил–Дублин шаҳрида, 1957 йил Лондон шаҳрида турист сўзининг тушунчасига ўзгартиришлар киритди.

БМТ нинг халқаро туризм сайҳатлар бўйича 1963 йилдаги Рим шаҳридаги конференциясида туризм ва саёҳатларга “туризм” тушунчasi мақомини бериш таклиф қилинди, лекин конференцияда қатнашаётган давлатлар вакиллари бир қарорга келолмасдан туристни “вақтинча келиб кетувчи”, туризмни у – “мавсумий хизматлар соҳаси” деб белгиладилар³.

Туристнинг таърифи Бутунжаҳон туризм ташкилотининг 1986 йилдаги Манила шаҳридаги конгресси, Туризм бўйича парламентлараро конференцияда (Гаага, 1989 й). ҳам “турист” сўзининг назарий ва амалий жиҳатларига қўшимчалар, тўлдиришлар киритилди. Бироқ бу вақтга келиб ҳам туристнинг таърифини кўплаб давлатлар ўzlари қабул қилинган қонунлар бўйича берган эдилар.

³. Александрова А.Ю., География туризма. Москва, КноРУС, 2010- 592 с.

Хозир саёрамиздаги барча давлатлар „турист”нинг таърифини Бутунжаҳон туризм ташкилотиниг „Туризм ва саёҳатлар” бўйича халқаро конференцияси ишлаб чиқсан ва БМТ нинг Статистика комиссияси тасдиқлаган тавсиясини қабул қилган. Ушбу тавсияларга асосан Ўзбекистон республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонунда туризм тушунчасига қўйидагича таъриф берилган: Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан согломлаштириш, маърифий, касбий – амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) хақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган холда узоги билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)

Келиб кетувчилар туризмдаги асосий ҳаракатларига биноан “халқаро туристлар”га ва “ички келиб кетувчилар”, “ички туристлар” гурӯҳларига ажратилади. Халқаро туристлар бирон мамлакатда туристик фаолият кўрсатувчи кишилар бўлиб, бу давлатда унинг доимий турар жойи мавжуд бўлмайди ва 12 ойдан ошмаган муддатгача яшайди

Ички туристлар–бирор мамлакатда доимий яшовчи бўлиб, у шу давлатнинг қайсиdir қисмига, обьектига саёҳат қилувчи шахсdir. Халқаро ёки ички туристлар деб аниқлаш нисбий бўлиб, ҳар қайси давлатда бу аниқлашдан, белгилашдан бироз чекка чиқишлиар ҳам бўлиш мумкин. Бизнинг мамлакатдаги халқаро туристларга статистик маълумотларга кўра чегарамиздан ўтиб келиб кетувчи туристларнинг барчаси қўшилади.

Туризм ижтимоий-иктисодий категория бўлиб, давлатлар келган туристларга маҳаллий хизматни сотади, ўз ишчиларига иш жойи шароитларини яратади, кириб келаётган валютадан даромад олади. Тор маънода туризм соҳаси ўзида бир томондан туристларга бевосита хизмат қилувчи тармоқни таклиф қиласи, иккинчи томондан, кенг маънода туризм бозорига йўналтарилган хизмат қилиш ва моддий ишлаб чиқариш каби бири – бирига қўшилган тармоқларнинг ўзаро боғланган тизимини белгилайди.

Туризм – бу ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ягона жараёнидир. Истеъмол обьекти туристик товар ва хизматлар ҳисобланиб, истеъмол даврида истеъмолчини бу товарлар ва хизматлар қониқтириши лозим. Туристик истеъмол бир томондан товарларга ва пуллик хизматга эга бўлишни, иккинчи томондан товарлар кўринишига эга бўлмаган жой, яхши муҳитни ўз ичига олади.

Туризмдаги хизматлар худудий географик жиҳатдан бўлинган, яъни ахборотлар ва воситачиларнинг хизматларини турист ўзининг доимий яшаб турган жойидан, транспорт, янги ахборотларни саёҳат даврида, овқатланиш,

жўнаш, даволаниш, ишга доир самарали учрашувлар, кўнгил очар хизматларни етиб келган мамлакатлардан олади.

Туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш билан туристик ташкилотлар, туроператорлар ва турагентлар шуғулланади. Туроператорлар – турни сотувчи ва туристик маҳсулотларни тайёрловчи ташкилот; турагент – туроператор тайёрлаган товарларни сотиб олувчи турларга йўлланма чиқарувчи ва уларни истеъмолчига сотувчи ташкилот. Корхона бир йўла туроператор ҳам, турагент ҳам бўлиши ва хусусий мулкчиликнинг акционерлик жамияти, қўшма корхона ва бошқа шакллари каби бўлиши мумкин.

Туризм географиясини ривожлантиришда туризм соҳаларини, туризмнинг турларини алоҳида-алоҳида ажратиш, таърифлаш муҳим ахамиятга эга. Россиялик, туризм соҳасида таъникили олим, проф. А.П.Дурович туризмни таснифлашда йил, даража (категория) тур ва шаклларга ажратади. Унинг хулосалари бўйича туристнинг келиб чикиши туризмнинг типини белгилайди ва у БТТ тавсиялари бўйича туризмнинг қўйдаги типларни белгилайди⁴:

- ички туризм – аҳолиниг ўз малакати худудидаги саёҳати;
- кириш туризми – бошқа давлат фуқаросининг маълум бир давлатга кириб келиши;
- чиқиш туризми – бир мамлакат фуқаросининг бошқа бир мамлакатга чиқиши ва туристик фаолиятда бўлиши.

Дурович А.П. юқоридаги туризм типларнинг бир-бирига қўшилишини хисобга олиб қўйидаги даражаларга ажратади:

- бир давлатнинг чегараларидаги туризм – ички туризм ва кириш туризмларни бирлаштиради;
- миллий туризм - ички туризм ва чиқиш туризмларни бирлаштиради;
- ҳалқаро туризм - чиқиш туризм ва кириш туризмларни бирлаштиради.

Юқорида кўрсатилган туризм типлари ва категорияларини қўллаб давлатлар ўзларига маъқул бўлган вариантларда ишлатмоқдалар.

Туризмни таснифлашда кўплаб олимлар туристнинг саёҳатга чиқиш максадлари бўйича туризм турларига ажратишади⁵:

⁴. Дурович А.П. Организация туризма. Минск,«Новое знание», 2006.-632 с.

⁵. Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. Москва, „Финансы и статистика”. 2003.-660 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. Издания 9-е переработанное и дополненное – Спб.: «Издательский дом Герда», 2007.-576 с.; Дурович А.П. Организация туризма. Минск, «Новое знание», 2006.-632 с.; Александрова А.Ю. География туризма. Москва, КноРУС, 2010.- 592 с.

- рекреация туризми;
- даволаниш туризми;
- билиш туризми;
- ишчанлик туризми;
- диний туризм;
- этник туризми.

Туризмни ташкил қилиш бўйича юқоридаги мутахассислар қуйидаги 2 гурӯҳни белгилашган:

1. *Ташкиллаштирилган туризм* – олдиндан туристик ташкилотларнинг ташаббуси бўйича ишлаб чиқилган дастурларга ўзаро шартномалар бўйича туритслар таклиф қилинади ва шу дастур асосида хизматлар кўрсатилади.

2. *Ташкиллаштирилмаган туризм* – туристнинг ўзи ташкиллаштирган, бунда туристик фирманинг иштироки бўлмаган туристик фаолият. Бу туризмда турист ёки туристлар бутун туристик хизматларни, туристик маршрутларни ўzlари ишлаб чиқадилар. Улар факат жойлаштириш ва овқатлантириш, қисман транспорт хизматларига ҳақ тўлайдилар.

Шунингдек, туристлар ёшлари бўйича туризмда қуйидагicha таснифланади.

- болалар туризми;
- ёшлар туризми;
- ўрта ёшдагилар туризми;
- “учинчи” ёшдагилар, яъни қариялар туризми;

Туристик фаолиятини молиялаштириш бўйича туризмдаги тасниф қуйидаги 2 та гурӯҳни ташкил қиласди:

- тижорат туризми;
- ижтимоий туризм;

Инсоннинг туристик фаолиятини ташкил қилишни, одатда, Россиялик мутахассислар 3 та шаклга бўлишади. Бу бўлиниш асосан туризм амалиётида кўпроқ ишлатилади:

1. *Индивидуал (якка) туризм* (1 туристдан то 5 туристгача). Бу туризм амалиётда қимматбаҳо туризм деб юритилади. Аксарият ҳолда якка туризмдагилар қиммат хизматларга (жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, кўнгил очар ўйинлар ва бошқалар) буюртма беришади. Шунингдек, бу туризмдаги туристлар қиммат туристик маршрутларни танлашади.

2. *Гурухли (жамоавий) туризм* - бу гурухдаги туристлар учун бир хил шароит ва бир хил хизматларни биринчи варианта турфирмалар таклиф қилади, иккинчи варианта гурухлар буюртма шаклида сўрайдилар. Бу гурухда хизматлар нархи анча паст бўлади (жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, кўнгил очар ўйинлар)ни улар кўпинча рад қиладилар, қўшимча хизматларга ҳам буюртма беришмайди.

3. *Оилавий туризм* – бир ёки бир нечта оила бўлиб саёҳатга чиқиш. Бу туризмда оилалар иқтисодига қараб қиммат ва арzon хизматларни танлашади.

Бундан ташқари, туристнинг жисмоний ҳолатига қараб ҳам туризмда 2 йўналиш таснифланади:

1. *Актив (фаол) туризм* – бу туризмда турист жисмоний жиҳатдан кўп харакат қилиши тушинилади. Масалан, спорт туризми, саргузаштли туризми, алпинизм ва пиёда юриш туризмларида кўп жисмоний куч талаб этилади. Бу туризмда фаолият кўрсатувчиларни кўпинча ёшлар туризми деб ҳам аташади.

2. *Пассив (суст) туризм* – бу туризмдагилар ўзларига жисмоний юклама беришдан қочадилар. Кўпинча улар туристик обьектда сайр қилишни, сухбатлашишни ёки чойхўрлик, шахмат–шашка ўйинларини, қуёшда қорайишни хуш кўришади.

Россиялик туризм мутахассислари туризм таснифига экологик туризм, спорт, қишлоқ (агротуризм), форшунослик, саргузашт, шаҳарсозлик туризми каби туризм турларини қўшадилар. Россия давлатда ҳам туризм худди биздагидек ривожланиш босқичида эканлигидан хорижий туризмнинг бу давлат туризмига бўлган талаблари ва эҳтиёjlари натижасида туризмнинг янги – янги турлари ташкил қилинмоқда⁶.

Юқорида қайд қилинган туризм таснифланиши хар ҳолда анча мукаммал бўлиб туризм соҳасини тўлалигича қамраб олади. Сабаби бу таснифланиш мутахассисларнинг фикрича асосан Бутунжаҳон туризм ташкилотининг тавсияларига асосланган.

Туризмнинг маъно ва моҳияти, мазмунини БТТ тавсияларига асосланиб ўз хулосаларини ёзган олимлар кўп ҳолларда туризмнинг турларини ҳам, соҳаларини ҳам аралаштириб нотўғри атамаларни келтирганлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Биз бу хар-хил атамаларни талабалик йилларида ҳам ўқидик ва эшитдик. Кейинчалик институтимиз олимлари туризмда категориялар ҳам типлар ҳам йўқлигини туризмда

⁶.Александрова А.Ю. География туризма. Москва, КноРУС, 2010-592 с.; Кусков А.С.,Голубева В.Л., Одинцова Т.Н. Рекреационная география. Саратовский государственный университет. Саратов- 2005.-503 с.

фаолият турлари, соҳалари ва турлари мавжудлиги ҳақида тушунарли тадқиқотларни эълон қила бошлади. Шундай тадқиқотлар ва аниқ атамаларни Р. Ҳайитбоевнинг хulosалари бўйича тўлиғича келтирамиз⁷.

Туризмдаги асосий турлар. Туризмнинг барча турлари ишлаб чиқариш ва инсониятнинг ижоди ва яратувчилик соҳаларидан келиб чиқган. Зиёратгоҳ жойлар, тарихий обидалар, диний раҳномоларнинг даҳмалари жаҳоннинг машҳур кишилари ҳаётидир. Фақатгина экологик туризм турлари табиат маҳсули ҳисобланади. Ишлаб чиқариш соҳаларининг ёки инсонлар гурухининг мўжизакор, мукаммал ва ҳайратомуз кўринишга эга бўлган маҳсулотлари, иншоотлари инсонлар оқимини ўзига жалб қилиши туризм соҳасини келтириб чиқарди, соҳадаги турларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳам ана шу омилларга боғлик.

Дунёнинг 7 мўжизасини кўриш, уларнинг сиру-асрорлари билан танишишга қизиқиши қадим цивилизацияда туристлар оқимини ташкил қилганлиги маълум. Бу вақтда «туризм» сўзи ҳали кашф килинмаган, таърифи берилмаган эди.

Ўзга ерлардаги одамларни, табиатни кўришга қизиқиши, асосий ҳолларда бойлик излаш, янги ерларни топиш учун чиқган кишилар ҳозирда буюк географик кашфиётчилар номини олган. Бу давр ҳам жаҳонда туризмнинг ривожланишида алоҳида босқич ҳисобланади.

Ҳозирга келиб инсон ўзининг қизиқиши соҳаларини кўриб улгуриш, қониқиши олиш, ўрганиш, танлаш хусусиятлари ва имконият даражаларидан тўғри фойдаланиш учун ишлаб чиқариш соҳаларини, табиий биологик ресурсларни, инсонларнинг яшаш тарзларини алоҳида-алоҳида туризм турларига айлантириди.

Дастлаб инсон ўзидаги пайдо бўлган эътиқод ҳисси нуқтаи-назаридан ўз динидаги баркамол инсонлар, авлиё ва шайхларга, кейинчалик уларнинг қабрига сифинди, бу ҳаракатлари унга хотиржамлик, осойишталик келтиришини сезди. Бундай ҳаракатлар туризмда зиёратгоҳ ёки диний туризм номини олди.


Кейинчалик ўтмишдаги ўз аждодлари қурган мўъжизакор, маҳбатли қурилиш иншоотларига, инсониятнинг машҳур саркардалари қурдирган қасрларни кўришга интилди. Бу ҳаракатлар ҳозирда тарихий обидалар туризми деб номланган. Шу тариқа туризмнинг турлари рўйхати тўлиб борди. Ҳозирги Россиялик мутахассисларнинг ёзишича жаҳонда

⁷.Ҳайитбоев Р. Туризмнинг турлари ва соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари. «SERVIS» журнали, №3, Самарқанд, 2015.- 43-48 б.

туризмнинг асосий турлари 20-22 йўналишдан иборат. Америка Кўшма Штатларида эса 100 дан зиёд ва ҳакозолар.

Туризмнинг ҳакиқий моҳияти, бу соҳанинг ривожланиш манбаи, ўзаги, ядроси туристик ресурслар ва бу туристик ресурслардан фойдаланишда аниқ мавзули, ресурс мазмунини, моҳиятини англатадиган турни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Тур номи эса биринчидан, туристик ресурснинг, (объектнинг) моҳияти мазмунидан (масалан, диний зиёратгоҳ туризми ва ҳакозо) иккинчидан, туристнинг хошиши, кизиқишидан (масалан, спорт туризми, соғломлаштириш туризми, дам олиш туризми, касбий фаолият туризми ва ҳакозо) келиб чиқади. Шунингдек, соҳаларини ҳам туризмдаги турларга аралаштириш, қўшиш бутунлай нотўғри хулосаларни келтириб чиқарадики, бундай ҳолатта асло йўл қўйиб бўлмайди.

Тур – турист учун маълум маршрутда, маълум туристик обьектга, маълум муддатда тақдим этиладиган, турли хизматлар (жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизмати, майший, туристик экскурсия ва бошка) тўпламидир (БТТ-Бутунжаон туризм ташкилоти) (1-чизма).



1-чизма. Туристик турнинг таркиби⁸

Туризмнинг турларини белгилашда Ўзбекистон учун қулай бўлган усулни қўллашимизни ҳеч ким такиқламайди. Республикаизда туризмни ривожлантиришга жадал киришилаётган экан, туризмдаги турларни салоҳиятига қараб, уларга келадиган туристик окимларга қараб маълум бир гурухларга ажратишимиз мумкин.

⁸Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. Москва, "Финансы и статистика". 2003. -660 с

Туристик ресурслар салоҳиятига қараб Республикаизда туризмдаги қуйидаги асосий турларни ривожлантириш мумкин ва бу турларни *асосий турлар* деб қабул қилиш лозим.

Зиёрат туризми – Ислом дини оламидаги машхур кишиларнинг қабрларини зиёрат қилиш; Маккага, Мадинаға “Ҳаж” ва “Умра” сафарлари; Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент шаҳарларига келиб масжидларда «жума» намозларини ўқиш, шунингдек, ушбу шаҳарлардаги муқаддас қадамжолар бўлган – Имом-ал-Бухорий, Бухоролик пирлар, Хўжа Аҳрор Вали, Рухобод мажмуаларида номоз амалларини бажариш тушунилади.

Тарихий обидалар туризми – Бухоро, Хива, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент шаҳарларидағи ва Республикаиз туманларидағи тарихий обидаларни кўришга қизиқиши.

Экологик туризм – Ватанимизнинг гўзал табиат минтақаларига, бетакрор табиат гўшаларига, ноёб ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёсига, 4 фаслнинг иқлимий хусусиятларини кўришга қизиқиши.

Археологик туризм – Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Термиз, Тошкент шаҳарларининг қолдиқлари, қадимий қалъалар харобалари, кўхна қадимий Марказий Осиё халқлари ҳаёти ҳақидаги археологик топилмаларга қизиқиши.

Спорт туризми – Халқимизнинг ҳозирда жаҳон бўйича оммавийлашиб бораётган миллий кураш, теннис, футбол, чанғи спорти, бокс, олимпиада, миллий ва халқаро спорт ва бошқа спорт-беллашув мусобақаларига қизиқиши.

Соғломлаштириши туризми – Ватанимизнинг соғломлаштириш марказларида, курорт ва санаторияларида, минерал, шифобахш сувлари масканларида, шифобахш қум-балчиқларида, маъданли сувлари манзилларида даволанишга қизиқиши.

Рекреацион туризм – Табиат бағридаги мўжизакор гўшаларда, тоғ ўрмонларидағи шифобахш дараҳтлар ичида, табиий шаршаралар, зилол булоқлар ёнида вактинчалик дам олишга, чарчоқни йўқотишга интилиш, қизиқиши.

Овчилик туризми – Республикаизда ов қилишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари яратилганлиги, овчилик майдонларининг катта ҳудудларни эгаллаши, овчилик обьектларининг аниклиги, овда ҳаракатланишининг эркинлигидан қурол ва қуролсиз овчиликка қизиқиши.

Касбий фаолият туризми – касбий фаолият юзасидан чет давлатларга боришга, чет элликларнинг республикаизга келишига, тижоратчилар, тадбиркорлар, савдоғарлар, кўшма корхоналар тузувчиларнинг

мамлакатлардаги ўз қасби фаолияти доирасида малакалар ошириш, маҳсулотлар, асбоб-ускуналар ва замонавий технологияларни сотиб олишга ёки танишишга (кўргазмаларга) қизикиш.

Илмий туризми – Ватанимизда ва хорижда таълим олиш, ҳалкаро илмий марказларда ўкиш, ҳалкаро йирик Университетларда илмий-амалий маҳтакаларини ошириш, ҳалкаро илмий-амалий конференциялар, симпозиумларга катнашиш, ҳалкаро илмий грант лойиҳаларни бажаришга, магистратура ва докторантурани хориж мамлакатларда, ватанимизда тказишга қизикиш.

Савдо туризми – Ватанимизда ва хорижда факат савдогарчилик масалаларига, мол олиб келиш ва олиб кетиш, айрибошли, савдо марказлари очиш, нарх-наво ўзгаришига, валюталар баҳосига, янги бозорларга, ҳаридор талаб моллар савдосига қизикиш.

Ижтимоий туризми – Давлат томонидан ёки шахс ишлаб турган корхона хисобидан саёхатга чикиш, согломлаштириш, дам олиш масканларига, курорт ва санаторияларга боришга қизикиш. Ўзбекистонда бундай имтиёзларни Ўзбекистон касабачилар уюшмаси федерацияси ишлаб чиқади.

Экскурсия (танишув, кўриш) туризми – бу тур асосан мамлакат ичкарисида кўпроқ ривожланади. Якка шахс ёки гурӯҳ бўлиб ташаббускор (ўқитувчи, эколог, инженер, мутахассис) бошлиқ раҳбарлигига киска муддатларда ўлкашунослик, тарихий, маданият музейларини, ботаника боғларини, завод, фабрикаларнинг иш фаолиятларини, яқин масофалардаги оромгоҳлар, табиий ландшафтларни, ҳайвонот боғлари, сув ва дарё ҳавзаларини кўришга қизикиш.

Шаҳарсозлик туризми – ўз ватанида ва хориж давлатларидаги замонавий шаҳарларни кўришга қизикиш. Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида янги обидалар ва янги типда кенгайтирилган шаҳарлар, айниска чўлларимизда бунёд этилган Навоий, Зарафшон, Учқудук, Зафаробод каби шаҳарларига қизикиш ички туризмда ҳам ҳалкаро туризмда ҳам ўзининг туристик бозорини топишни таъминлашимиз лозим.

Қайд килинган 14 та туризм тури мамлактимизда талаблар даражасида ривожланиши мумкин. Чунки бу туризм турларига (ички ва ташки туризмда) туристларнинг – қизиқинчлари – ҳақида – батагенг маълумотлар бор. Иккинчидан, қайд килинган турларнинг туристик ресурслари – обьектлари хилма-хиллиги, жойбадорлиси, масмундорлиги, диккатга сазоворлиги, улуғворлиги, муқаддасиги, ноббатиги, беракорлиги

жихатлари, кўринишлари таърифлари телевидение, интернет ахборотлар тизимида реклама қилинмоқда. Шунингдек, туризм ривожланган давлатлардаги тажрибалардан маълумки, бу турларга туристларнинг оқими жуда катта микдорларда бўлади. Шунинг учун ҳам қайд қилинган турларни туризмдаги *асосий турлар* деб номлаш ҳам тўғри бўлади.

Туризмнинг соҳалари дейилганда халқаро статистикада саёҳатларнинг йўналишлари бўйича қўйидаги соҳаларни ажратиш мумкин:

1. *Ички туризм* – ўз давлати чегарасида саёҳат. Экспертлар хулосасига кўра сайёҳ 80-100 км дан ошган масофага саёҳат қилса, туризм сайёҳи дейилади.

2. *Кириш туризми* – Ўзбекистонга бошқа давлатлардан туристларнинг келиши.

3. *Чиқиш туризми* – агар Ўзбекистонлик Малайзияга саёҳат қилса, чиқиш туризми (турист) бўлади. Малайзияга боргандан кейин, у турист Малайзия учун кириш туризмига киради.

4. *Миллий туризм* – кириш, ички ва чиқиш туризм шаклларини бирлаштиради.

5. *Халқаро туризм* – жаҳон давлатларида туристларнинг дунёдаги мамлакатлар бўйича туристик фаолиятлари ҳисобланади.

6. *Ўзбекистоннинг халқаро туризми* – Ўзбекистонликларнинг хориж давлатларига туризм мақсадларида чиқиши ва хорижий давлатлар фуқароларининг Ўзбекистонга туризм мақсадларида келиши ҳисобланади.

Ҳозирда туристик фирмалар ва туристик ташкилотларнинг туристик фаолиятларида маълум бир йўналишга, маълум бир соҳасига, туризмнинг маълум бир хизматларига ихтисослашиш, мослашиш бўлмаганлигидан қўплаб туристик фирмалар меҳмонхоналар факат нолишдан иборат хулосаларга келишмоқда.

Туризмнинг турларини туризмдаги соҳаларга аралаштиришимиз туризмдаги соҳаларни, тармоқларни яхши билмаганлигимиз ҳисобланади. Масалан, қишлоқ туризми, экологик туризм ва зиёрат туризмларини ҳам туризмдаги соҳалар деб нотўғри тушунувчилар ҳам кўп. Бундай хулосалар мамлакатимиздаги туризм тадбиркорлигини, туризмга қизиқиши чалкаштириб юборади. Ваҳоланки, халқ хўжалигидаги ҳар бир тармоқнинг дастури, бошқаруви, хукуқий-меъёрий ҳужжатлари давлат томонидан тайёрлангандигина у соҳа дейилади, эркин ва тартиб билан ишлайди.

Шунинг учун ҳам қайд қилганимиздек, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришни оммавий тарғиб қилиш учун ҳам, туризмдаги тадбиркорликни тўғри ташкил қилишимиз учун ҳам биринчи навбатдаги

вазифамиз туризм соҳаларининг таъриф ва тавсифларини, унинг фаолият чегараларини яхшилаб билиб олишимиз керак.

Туризмнинг турлари ва соҳаларига батафсил тўхталишимиз шу сабабданки, туристларни овқатлантириш хизматлари туризмнинг соҳаларида ҳам турларида ҳам ўзига хос бўлган хизматларни талаб қиласди. Булар ҳақида кейинги мавзуларда тўхталамиз.

Бугунги кунда туризм индустряси жаҳонда хизматлар савдоси соҳасида нисбатан динамик тарзда ривожланиб келаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Сўнгги 20 йил ичидаги дунё бўйича хорижий туристлар сонининг йиллик ўсиш суръати ўртача 5,1%, туризмдан келадиган даромад, яъни валюта тушумлари эса ўртача 14% дан ошиб бормоқда.

Жаҳонда туризм аҳамиятининг тобора ортиб бориши, аввало, унинг миллий иқтисодиётлардаги улушкининг кўпайиши билан изохланмоқда. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари (ЯЎШМ) дунё харитасида каттагина худудни эгаллаган 26 та давлатни ўз ичида олади. Улар Шимолий Африка, Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфазида жойлашган араб давлатлари ҳамда Туркия, Эрон ва Истроил каби араб бўлмаган давлатлардан иборат. Ушбу мамлакатларнинг аксарияти иқтисодий жиҳатдан ва туризм нуқтаи назаридан ниҳоятда жозибадор ҳисобланади.

Иқтисодий жиҳатдан жозибадорлиги уларнинг аксариятида углеводород қазилма бойликлар заҳирасининг мавжудлиги бўлса, туристик нуқтаи назардан эса мазкур минтака мамлакатларининг, деярли, барчаси денгиз соҳиллари ва бой тарихий–маданий ёдгорликларга эга эканлигидадир.

ЯЎШМ да туризм индустрясининг ривожланиши ва ундан келаётган даромадларнинг ортиб бориши мазкур давлатлардаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Хусусан, туризм индустрясининг шаклланиши ва такомиллашиб бориши, янги иш ўринларининг яратилиши, тарихий – маданий ёдгорликларнинг қайта тикланиши ва экологик мувозанатни саклашга эътиборнинг кучайиши шулар жумласидандир.

2017 йил маълумотларига кўра, ЯЎШМ ичидаги Туркия мамлакатга ташриф буюрган сайёхлар сони ва даромади бўйича пешқадамлик қиласди, дунё бўйича эса Франция (86,9 млн. киши), Испания (81,8 млн. к.), АҚШ (76,9 млн. к.), Хитой (60,7 млн. к.), Италия (58,3 млн. к.) дан кейин 6-ўринда (37,6 млн. к.) туради. Мазкур мамлакатларнинг халқаро туризмдан кўрган даромади, мос равишда, 69,9 млрд., 68,4 млрд., 251,4 млрд., 32,6 млрд., 44,5 млрд. ва 31,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Аслида Туркияга келган сайёхлар сони бўйича рекорд кўрсаткич – 39,8 млн. киши 2014 йилга тўғри келади. Бироқ, 2015 йилдаги содир этилган терактлар туфайли ушбу кўрсаткич 2016 йилда 23,3% га камайиб, 30,3 млн. кишига тушиб қолди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий вазият тинч мамлакатларда туризм анча барқарор ривожланган ва сайёхлар сони муттасил ошиб борган. Бироқ, ижтимоий-сиёсий вазият бекарор ва нотинч давлатларда туризм талофат кўрган. Хусусан, Миср Араб республикаси ва Тунисда рўй берган «араб баҳори» оқибатида сайёхлар сони кескин камайиб кетган. Шу каби, 2015 йили Туркияда содир этилган терактлар бир йил ичида сайёхлар сонини, қарийб, чорак бараварга қисқартириб юборган. Аксинча, Баҳрайн, БАА ва Марокаш каби сиёсий барқарор ва тинч мамлакатларда туризм мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлган ва ҳозирда ҳам ривожланишда давом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, туризмнинг ривожи, аввало, мамлакатдаги тинчлик-хотиржамликка бевосита боғлиқдир. Шунингдек, ҳукумат томонидан халқаро туризмни хар томонлама кўллаб-кувватлаш, инфратузилмани мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш каби чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Албатта, Ўзбекистон учун эса ЯЎШМ мамлакатлари туризм индустриясини ривожлантириш тажрибасидан унумли фойдаланиш максадга мувофиқдир⁹.

Туризм давлатлар ўртасида ижтимоий-иктисодий, маъданий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга ўзини ҳиссасини қўшиб, дунёда жадал ривожланаётган ва юкори даромад келтирувчи соҳалардан бирига айланган. Сўнгги йилларда, дунё ЯИМда туризмнинг улуши ўртача 11 %ни ташкил қилган жаҳон иктисодиётининг асосий экспорт қилувчи соҳасига айланган. Охирги 40 йил давомида бошқа мамлакатларга чиқиб кетган туристлар сони деярли 20 баробарга, туризмдан даромад 60 маротаба ва халқаро туризмдан тушган тушумлар 400 миллиард доллардан ортиқ суммани ташкил этмоқда. Туризм соҳаси 192 миллион ишчиларни иш билан таъминлаб келмоқда, бу эса, ўз навбатида дунё аҳолисининг 8% ини ташкил қиласи.

Мамлакатимизда ҳам туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун тегишли ҳуқукий замин яратилди. “Туризм тўғрисида” қонун қабул

⁹.Абдуллаев Р.В. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари туризм индустрияси ривожидаги тенденциялар. «Миллий иктисодиётнинг барқарор ривожланишида туризмнинг аҳамияти» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. 11 май 2019 йил Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, Тошкент, 2019.-17-19 б.

қилинди. Ўнлаб турли қонуности ҳужжатлари яратилди. Келажакда туризм соҳаси жадал ривожланадиган соҳага айланиши тайин. Чунки биздаги катта туристик салоҳият мавжуд. Буларни инобатга олиб, мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да ушбу соҳа иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сифатида жадал ривожланиши кўзда тутилган. Бу вазифаларнинг ҳаммаси ўз навбатида соҳада кадрлар тайёрлаш, иқтисодий механизмларни шакллантириш ва замон талабидан келиб чиқкан ҳолда такомиллаштириш лозимлигини тақозо қиласди¹⁰.

1.2. Ўзбекистон Республикасида туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қаторида туризм соҳасининг Марказлашган маъмурий бошқарув тизими 1971-1991 йиллар даврига тўғри келди. Бу даврда салбий оқибатлар ҳам кўзга ташлана бошлади: қурилмай қолган туристик – рекрация мақсадидаги обьектлар сонининг кўпайиши, мавжудларида эса мижозларга кўрсатилган хизматларнинг сифати бўйича кўплаб эътиrozлар пайдо бўла бошлади. Ижтимоий тадқиқотларга кўра меҳмонхоналар, турбазалар, дам олиш уйлари ҳамда пансионатлар томонидан таклиф қилинадиган 50% гача бўлган барча хизматлар фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқарган. Жойлаштириш ва овқатланиш хизматлари билан бирга ҳордиқ чиқариш ва тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасида бўлмаган. Туристик хизмат турлари ва хажми сезиларсиз ва сифатсиз бўлган.

Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ривожланишни шартли равиша бешта босқичга ажратиш мумкин¹¹.

Биринчи босқич. Мустақилликка эришгач 1991 йилдан кейин Ўзбекистонинг туристик хизматлар бозори шаклана бошлади, айнан шу даврда республика ўзининг иқтисодий мустақиллигини ва мустақил равиша ташки дунё бозорларига чиқишини эълон қилди. Шу даврда қабул қилинган ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун туристик хизматларни сотувчи корхоналарга янги асос яратди. Натижада тармоқда янги бошқарув тизимини шакллантириш, туристик бизнесни юритишга ёрдамлашадиган қўшимча бизнес турларини яратиш, соҳага хизмат қиласдибанк, аудит, маслаҳат хизматларини ташкил этиш, вилоятларда

¹⁰. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Мехмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография, Тошкент, «Иқтисодиёт», 2013.-212 б.

¹¹. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г. Туризм асослари. Дарслик. Тошкент. 2014.-330 б.

туризм тармоғининг минтақавий бўлинмаларини тузиш, халқаро миқиёсда туризм маҳсулотини реклама қилиш, хусусийлаштирилган туристик корхоналарни лицензиялаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди. Мустақилликдан кейин туризм соҳасида бир вақтнинг ўзида учта муҳим жараён амалга оширилди:

- эски усулдаги корхона ва ташкилотларнинг таназзулга учраши (экскурсия бюроси, саёҳат бюроси), ўзларининг тузилиши ва фаолият турига кўра янги ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермай қолди;
- туроператор ва турагент каби янги туризм ташкилотлари тузилди;
- эски туристик корхоналарни қайта қуриш йўли билан Ўзбекистон ва хорижий истеъмолчилар талаб қилувчи туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш йўлга кўйилди.

1992 йилда республикада «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ташкил этилди ва туризм соҳасида бу компания барча ташкилий, бошқарув ҳамда мувофиқлаштириш фаолиятларини амалга ошира бошлади. 1993 йилда «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси Бутунжаҳон туризм ташкилотига (БТТ) ҳақиқий аъзо бўлиб кирди ва бу ўз навбатида мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1994 йилда БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Ўзбекистон хукуматининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд Декларацияси қабул қилинди.

Бу босқич мобайнида, яъни 1994 йилда ишлаб чиқилган «Туристик корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастури» чуқур тизимли - институционал ўзгаришларни амалга оширишда жуда катта аҳамият касб этди. 1994-1995 йиллар мобайнида ««Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг 87,8% туристик обьектлари хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилган эди.

Амалга оширилган ўзгаришлар туристларни қабул қилиш шаклини жадаллик билан ривожлантирди. 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар» тўғрисидаги Фармони¹² Буюк Ипак йўлида туристик маҳсулотни тиклаш борасида стратегик аҳамиятга эга бўлди.

Бу ўз навбатида Ўзбекистон туризм соҳасидаги ислоҳотларнинг **иккинчи босқичини** бошлаб берди. Натижада Буюк Ипак йўлидаги

¹² “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил 3 июн.

шахарлар ва туристик манзиллар рўйхатга олинди, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Мотрудий, Маҳмуди Аъзам, Ҳаким ат-Термизий, Ҳазрати Имом, Шайх Шамсиддин Кулол, Бурхониддин Марғиноний, Бухородаги Чор Бакрлар каби алломаларимизнинг мақбаралари таъмирланди ва зиёратгоҳ мажмуаларга айлантирилди, 1998 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида муңтазам равишда Ҳалқаро туристик кўргазма ташкил этила бошланди, меҳмонхоналардаги ҳалқаро талабларга жавоб берувчи ўринлар сони 4,8 баробарга кўпайтирилди.

Бу босқичда Ўзбекистоннинг туризми соҳасида қўйидаги масалалари амалга оширилди:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни;
- янги хорижий инвесторларни жалб қилиш;
- ташқи бозорларга чиқишнинг янги йўлларини излаш;
- ҳалқаро кўргазмаларга чиқиш (Берлин, Лондон, Мадрид, Москва);
- туристик корхоналар ва саёҳатчиларнинг манфаатларини химояловчи нодавлат ташкилотларнинг вужудга келиши;
- туристик йўналишларнинг ранг-баранглигини таъминлаш, маҳсулотнинг экологик талабларини кучайтириш, янги ҳудудларни туристик диққатга сазовор жойлар сифатида очиш;
- Ўзбекистон меҳмонхоналарида хорижий менежментни қўллаш;
- кичик меҳмонхоналар тармоғини кенгайтириш;
- туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш (ўрта маҳсус ҳамда олий таълим босқичида);
- хорижий тажрибаларни ўрганиш;
- илмий лойиҳалар тайёрлаш;
- БТТ тадқиқот гуруҳининг Ўзбекистонга келиши ва «Туризм туғрисида»ги Қонунни тайёрлаш борасидаги ишлар;
- турфирмаларнинг нодавлат ва коорпоратив ташкилотлар «Устоз», «Мерос», «Экосан» ва ҳ.к. билан алоқалари йўлга қўйилди.

Туризм соҳасидаги ислоҳотларнинг **учинчи босқичида**, 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди, шу йилнинг 20 августида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Туризм туғрисида» ги Қонун қабул қилинди. Бунинг асосида туризм соҳасидаги бозор муносабатлари узил-кесил йўлга қўйилди ҳамда

халқаро бозорда рақобатбардош туристик маҳсулот яратила бошланди, туризм тизимини бошқаришнинг марказлаштирилишига чек қўйилди. Кўпчилик туристик обьектлар ўзларини мустақил равишда бошқара бошлади, хизматлар бозорида рақобатлаша олмайдиган корхоналар ёпилиб, улар ўрнига самарали ишловчи янги корхоналар ташкил этилди.

2000 йилдан бошлаб, Республикаиз туризм соҳаси юқори суръатлар билан ривожлана бошлади. Туризм соҳасидан олинаётган даромадлар йилига 20 ва ундан ортиқ фоизларда ўса бошлади. 2001 йил охирида Афғонистондаги толибонларга қарши харакатларнинг бошланиши ўлкамизга келаётган туристлар оқимини икки йил давомида анча камайтириб юборганидан сўнг, 2003 йилнинг иккинчи ярмига келиб ўлкамиз туризми яна ўзини ўнглаб олди. Шарқий Осиёда ўтган йилларда тарқалган одатдан ташқари Пневмания (Сарс) ва Парранда гриппи каби касалликлар Ўзбекистон туризмига 2001 йил 11 сентябр воқеалариdek кучли таъсир кўрсата олмади.

Туризм соҳасидаги ислохотларнинг **тўртинчи босқичи 2000 йилдан-2016 йилгача давом этди**. Бу даврда хусусий туристик ташкилотлар ассоциациясига ва ташкил этиладиган бошқа туристик ассоциацияларга (масалан, Гид-таржимонлар ассоциацияси, Мехмонхона эгалари ассоциацияси, Транспортчилар ассоциацияси) «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг бир қатор ваколатларини ўtkазиш устида изланишлар олиб борилди. Бу ўлкамиз туризм хизматлар бозорида фаолият юритувчи корхоналарнинг янада тезроқ суръатларда ривожлантиришга ёрдам берди.

Ўзбекистон Республикасининг бу даврдаги амалга оширилган улкан ишларини ҳисобга олиб, Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилди. Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидаги, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги мислсиз хизматлари учун Тошкент шахри шундай юксак ва фахрли унвонга сазавор бўлди.

Бешинчи босқич 2016 йилдан то ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бешинчи босқичнинг бошланиши Ўзбекистон республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик вазифасини бажаришидан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жсадал ривожлантиришини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-

4861 сонли Фармони мамлакатимизда миллий туризмни, ривожлантиришда туб бурилишни, янги босқичнинг заминини, истиқболли ислоҳатларнинг шароитларини яратди. Президент фармонида¹³:

- “Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргалиқда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини;

- зиёрат қилиши, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаши-соғломлаштириши, қишлоқ, саноат, ишибилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлиар туризмини, оиласвий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириши;

- ички, кириши ва чиқиши туризмини комплекс ривожлантиришининг миллий ва ҳудудий дастурларини ишилаб чиқиши ва амалга ошириши” белгиланган.

Бу Фармон Ватанимизда миллий туризмни ривожлантиришнинг хуқукий-меъёрий асослари сифатида муҳим тарихий ҳужжат бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 февралдаги “Кириши туризмини ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сонли Қарори ҳам, мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантиришни давлат миқёсидаги долзарб вазифалар қаторига киритилди¹⁴. Қарорда республикага туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмини миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш мақсади белгиланди.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим хуқукий-меъёрий асос бўлиб қолган бу Қарорда:

1. Виза режимини янада соддалаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;

2. Кириш туризмини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;

3. Туризмни ривожлантириш масалаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришни таъминлаш бўйича маъсуллар бириктириладиган мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхати тасдиқланди.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сонли Фармони. 2016 йил 2 декабр.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сонли Қарори.

Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириши учун қулай шартшароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, худудларни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тариҳий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида “Ички туризмни жадал ривожлантиришини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 февраль, ПҚ-3514-сонли Қарори Ватанимизда миллий туризмни ривожлантиришнинг истиқболли босқичини бошлади¹⁵.

Ўзбекистоннинг миллий туризмини ривожлантириш тарихига зархал сўзлар билан ёзилиб қолинадиган бу қарор Ўзбекистон халқарида ўз ватанини англаш, билиш ва ўрганиш, дам олиш, миллий ғурур ва ватанинни севиш, унга меҳр-муҳаббатли бўлиш, табиати ва табиати бойликларини келажак авлодлари учун саклаш ва муҳофаза қилиш ҳис-туйғуларини шакллантиради.

Президент карорида мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришда қўйидаги муҳим давлат дастурлари, йўналишлари ва режалари белгиланган:

- «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;
- туризм инфратузилмасининг бандлигини ҳисобга олган ҳолда худудлар ҳамда жалб этилган ташкилотлар миқёсида турлар ва эккурсияларни ташкил қилиш жадвалларини тузиш;
- ёшларни туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича ахборот-тарғибот тадбирларининг мунтазам ўтказилишини таъминлаш;
- туристлар оқимиининг мавсумийлиги ҳамда ҳудудларнинг туризм инфратузилмаси тўлиқ жалб этилишини инобатга олиб, шу жумладан туризм фаолияти субъектларини жалб этган ҳолда Амалий чора-тадбирлар режасининг самарали амалга оширилиши учун зарур чоралар кўрилиши.

Президентимиз мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш ҳақидаги бу муҳим қарорни ўрганар эканмиз туризм соҳасидаги барча туристик фирмалар ва ташкилотлар, таълим тизимидағи барча фаолият

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сон Қарори. Тошкент ш., 2018 йил 7 февраль.

йўналишларида самарали тадқиқотлар ва самарали ишлаш учун шу куннинг долзарб муаммоларини ечишнинг давлат миқёсидаги дастурлари, қўрсатмалари ва йўл-йўриклари, имкониятлари яратилганлигини, берилганлигини кўрамиз. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, туризм соҳасида фаолият юритаётганлигимиздан бу қарорнинг бажарилишига ўз хиссамизни қўшишга маъсул эканлигимизни англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони¹⁶ 2018 йил 3 февралда қабул қилинди.

Бу Фармон бўйича Ўзбекистон Республикаси бой маънавий-маданий меъросга, турли-туман тарихий-археологик объектларга, қулай табиий-иклим шароитига ва кўп тармоқли ижтимоий инфратузилмага эга бўлиб, бу эса туризмнинг турли шаклларини илдам ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратди.

Қисқа вақт ичидаги Республикада туристик соҳани ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини комплекс равишда ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди, улар ўз навбатида туризм соҳасидаги янги давлат сиёсатига асос бўлди, туризм соҳасидаги субъектларга аҳамиятли тарзда солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликларини берди.

Шу билан бир қаторда, соҳада бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжудлиги, шу жумладан хорижий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари секин олиб борилаётганлиги, улар учун электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги, бой ички ва зиёрат туризмлари салоҳиятидан суст фойдаланилганлиги, инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар секин жалб этилаётганлиги сабабли туризм инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари етарлича татбиқ этилмаётганлиги соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келаётганлиги таъкидланди.

Мазкур Фармонда Истроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам

¹⁶. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 3 феврал.

авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилди.

Шунингдек, Европа иттифоқи, Шарқий Осиёning бир қатор давлатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларининг, ҳамда Хиндистон Республикаси, Канада, Янги Зеландия, Америка Кўшма Штатлари каби 39 та мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига тақлиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни кўзда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг 2018 йил 10 февралдан эътиборан соддалаштирилган тартиби киритилди.

Мамлакатнинг туристик, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича ишларни янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги «Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази» ДУК Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги «Миллий PR-маркази» ДУК сифатида қайта ташкил этилди ҳамда унга республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилди. Шу билан бирга, 2018 йилнинг 1 июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визаларини бериш тизими жорий этилади.

Фармон қабул қилиниши билан республикада «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» номи остида мамлакат бўйлаб таништирув саёҳатлари ва турларини ташкиллаштиришнинг кенг миқёсли дастури ишга туширилмоқда, унинг доирасида бир миллионга яқин фуқароларимиз, шу жумладан ўқув муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ногирон болалар ва кам таъминланган оиласалар фарзандлари, ишчилар, нафақахўрлар, маҳалла фаоллари, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламлари ҳам мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имконига эга бўлдилар.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳмонхоналар, улар бўйидаги йўл, мухандислик ва коммуникация инфратузилмаларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун туризм соҳаси тадбиркорлик субъектларига кредит маблағларини ажратиш мақсадида

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит линияларини очиш назарда тутилди.

Асосий фаолияти тематик хиёбонлар хизматларини ташкиллаштириш- дан иборат бўлган юридик шахслар мавзули истироҳат боғларини фойдаланишга топшириш санасидан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғини ҳамда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилди. Шунингдек, тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари томонидан 2022 йил 1 январгача олиб кирилаётган жиҳозлар, техника, хом ашё, бутловчи буюмлар ва захира қисмлари ва қурилиш материаллари ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган бошқа материаллар божхона тўловларидан озод этилди.

Бундан ташқари, туризм соҳасида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари республика худудига олиб кирилаётган туристик тоифадаги транспорт воситалари ҳамда канат йўли, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа шунга ўхшаш обьект ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун жиҳозлар, механизмлар ва захира қисмлари, шунингдек, ҳаво шарлари, аэростатлар, квадроцикллар ва моторли қайиқлар учун 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод этилади.

Фармон билан Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинган лицензияга эга бўлган туризм операторларига истисно тариқасида экстремал турларни ташкил қилиш учун олиб кирилаётган двигатели ҳажми 2,4 л. дан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган транспорт воситаларига автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш бўйича алоҳида давлат раками сериясини татбиқ этган ҳолда ва улардан фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси худудида фойдаланиш шарти билан 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш орқали амалдаги ставканинг 25 фоизи микдорида бож тўловларини тўлашга рухсат этилди.

Ахборот-коммуникация технологияларини туризм соҳасига жадал татбиқ этиш мақсадида Фармон билан қуидагилар белгиланди:

- 2018 йилнинг 1 январидан эътиборан туризм маҳсулотларини сотиш ва/ёки туризм хизматларини онлайн бронлаш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга электрон тўловлар, бронлаш, эквайринг ва бошқа электрон хизматларни татбиқ қилиш, шунингдек, туризм хизматларининг замонавий турларини таклиф қилувчи

ихтисослаштирилган интернет-сайтлар ва порталларни йўлга қўйишини рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзларини тақдим қилиш;

- ўз ҳудудида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларин (Wi-Fi) ўрнатган хўжалик юритувчи субъектларга тегишли сифатдаги симсиз уланиш ҳудудини кенгайтириш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш ва интернет-трафикни сотиб олишга йўналтирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш;

- туну-кун намойиш этиладиган «Dunyo Bo‘ylab» телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмини ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан қўриқланадиган табиат ҳудудларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича ахборот ҳамкори сифатида белгиланган.

Фармонда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон миллий туризмини жадал ривожлантириш ва уларнинг бой салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш учун янада қулай шароитлар яратиб келмоқда¹⁷.

1.3. Фаннинг мақсади, вазифаси, объекти ва предмети

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 10-октябрдаги “Умумий овқатланиш ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича” Қарорига¹⁸ асосан Ўзбекистон Ошпазлар Уюшмаси қошида миллий ошпазлик санъати Халқаро Маркази ташкил қилинди. Узоқ тарихга эга анъаналарнинг борлиги ва миллий таомларнинг турли-туманлиги ўзбек ошпазчилигининг хорижий мамлакатларда кенг оммалашишига олиб келиши ушбу ҳужжатда ўз аксини топган.

Ватанимизнинг вилоятларида, туманларида, шаҳарларда ва қишлоқларида факат шу жойларга тайёрланадиган таомлар мавжуд бўлиб, унинг мазаси ва таркиби бошқа манзилларда тақорланмайди. Шу жиҳатлари билан бундай таомлар маҳаллий аҳоли учун ҳам, хорижий туристлар¹⁶ учун ҳам мазали ҳисобланади.

¹⁷. ЎзА. 6.02.2018 й.

¹⁸. «Umumiy ovqatlanish tashkilotlarining faoliyatini yanada takomillashtirish va xodimlarining kasbiy darajasini oshirish chora-tadbirlari to’g’risida» O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yildagi 289-sonli qarori.

Шунинг учун ҳам туристларнинг, айниқса харижий туристларнинг Ўзбекистон халқарининг миллий ошхонаси, ундаги миллий таомлар ва пазандачилигидан баҳраманд бўлишини ташкил қилиш ва амалга ошириш мамлакатимиизда миллий туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг 2012-йилнинг октабрида “Бутунжаҳон Ошпазлар Уюшмаси”га аъзо бўлиши ҳамда «Миллий Ошпазлик санъати Халқаро Маркази»нинг ташкил этилиши ўлжамиизда миллий туризмни ривожлантиришда туристларни, айниқса хорижий туристларнинг овқатланишини сифатли ва самарали ташкил қилиш туризми ривожида кун тартибиға чиқарди.

Кейинчалик эса хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида ўқитилаётган мутахассисларга туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш бўйича билимлар бериш талаблари келиб чиқди. Бунда ўрганаётган фанимизнинг шаклланиши қайд қилингандар билан боғлиқ эканлиги маълум бўлади.

“Туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш” **фанининг мақсади** – талабаларга туристларнинг овқатланишини самарали ташкиллаштиришнинг Ўзбекистон миллий туризмини ривожлантиришдаги аҳамияти, асосий усуслари, овқатлантириш хизматлари, техникаси ва ташкиллаштиришни такомиллаштириш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

“Туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш” **фанининг вазифаси** қўйидагиларни ўз ичига олади:

- талабаларга туризмнинг ижтимоий-иқтисодий глобал жараён сифатидаги ўрни ҳақида билимлар бериш;
- талабаларга Ўзбекистон Республикасида туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида маълумотлар бериш;
- туризм индустрисида хизмат, хизмат кўрсатишда овқатланишни ташкиллаштиришнинг аҳамиятини тушунтириш;
- туристларнинг овқатланишида ишлаб чиқариш технологиясини ташкиллаштиришни ўргатиш;
- дунё мамлакатларининг ошхоналаридағи миллий таомлар тайёрлашнинг асосий ҳусусиятлари ҳақида билимлар бериш;
- туристларнинг овқатини тайёрлаш технологиясининг ўзига хос ҳусусиятларини ўргатиш;
- туристларнинг овқатланишини меҳмонхонада, транспортда, дам олиш жойларида ташкиллаштиришни ўргатиш;
- туристларнинг овқатланиши хоналарини овқатланишига тайёрлаш;

- хорижий туристларни овқатлантириш хизматларини ўрганиш;
- туристлар овқатланишини ташкиллаштириш усуллари, сервис хизмат кўрсатиш фаолияти, техникаси ва технологиясини ўргатишдан иборат.

“Туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш” **фанининг объекти** – мамлакатимиздаги умумий овқатланиш корхоналарининг барчаси хисобланади.

“Туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш” **фанининг предмети** – ушбу фанни тайёрлаш ва талабаларга ўқитиш, ўргатиш жараёнларида келиб чиқадиган воқеъликлар ва муносабатлар йифиндисидан иборат.

Таянч сўзлар: туризм, турист, якка туризм, гурухли туризм, оилавий туризм, фаол туризм, суст туризм, ташкиллаштирилган туризм, ташкиллаштирилмаган туризм.

Назорат саволлар:

1. Туристик фаолият қандай йўналишларда ташкил қилинади?
2. Ташкиллаштирилмаган туристик фаолият қандай амалга оширилади?
3. Ташкиллаштирилган туристик фаолият қандай амалга оширилади?
4. Турнинг таркибида нималар режалаштирилади?
5. Ушбу фаннинг мақсади ва вазифаларида нималар белгиланган?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. “Туризм–ижтимоий-иктисодий глобал жараён сифатида” мавзусида маъруза тайёрланг ва амалий дарсларда маъруза қилинг.
2. Ўзбекистон Республикасида туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини тушунтириб беринг.
3. Фаннинг мақсади, вазифаси, объекти ва предметини тушунтиринг.
4. “Туризм” ва “турист” атамаларидаги фарқларни тушунтиринг.
5. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ҳақидаги Қарорларида белгиланган режаларни айтиб беринг.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси БТТга қачон аъзо бўлган?

а) 1993 йил	б) 1994 йил
в) 1995 йил	г) 1996 йил

2. Туризм бўйича Самарқанд декларацияси қачон қабул қилинган?

- а) 1994 йил
- б) 1993 йил
- в) 1996 йил
- г) 1997 йил

3. «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат Дастури т ўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қачон қабул қилинган?

- а) 1999 йил
- б) 1998 йил
- в) 2000йил
- г) 2001йил

4. Туризм соҳасидаги хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари туризм соҳасидаги ривожланишнинг қайси босқичига тўғри келади?

- а) иккинчи босқич
- б) биринчи босқич
- в) тўртинчи босқич
- г) учинчи босқич

5. Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни қачон Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилган?

- а) 2007 йил
- б) 2006 йил
- в) 2008 йил
- г) 2009 йил

6. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳозирги босқичи қачон башланди?

- а) 2016 йилдан
- б) 2017 йилдан
- в) 2018 йилдан
- г) 2019 йилдан

2 – БОБ. ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИДА ХИЗМАТЛАР, ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШДА ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

2.1. Туризм индустриясидаги хизматлар

Бугунги кунда «туризм индустрияси» тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, бундай таърифлардан энг мукаммалрорклидан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1971 йилда ўтказилган савдо ва тарақкиётга бағишланган анжуманида берилган эди¹⁹. Ушбу анжуманда эътироф этилганидек, туризм индустрияси туристлар эҳтиёжини кондириш учун туристик маҳсулотлар яратишга йўналтирилган барча туристик ташкилотларнинг турли фаолиятлар йиғиндисидан иборат.

Кейинги йиллар давомида ушбу таърифнинг мазмун ва моҳиятини аниқлаштириш ҳамда туризм индустриясининг таркибий қисмларини тавсифлаш йўлида кўплаб тадқикотлар бўлди²⁰. Аммо бунга қўл урган тадқиқотчи ва амалиётчилар турли қийинчилик, тўсиқларга дуч келдилар. Бундай қийинчиликларнинг юзага келишига асосий сабаб, туризм индустриясининг иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғликлигидадир. Туризмнинг кенг даражадаги эҳтиёжини кондиришда саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо соҳалари ягона, алоҳида бир тузилмалар сифатида иштирок этадилар. Шу сабабли туризм индустриясини бошқа соҳалардан кескин чегаралашга уччалик ҳам эътибор қаратиш шарт эмас.

Туризм индустрияси табиий бойлик, моддий ва маънавий манбалардан фойдаланиш асосида туризм моддий-техника базасини, унинг кадрлар захирасини яратиш ҳамда туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш, унинг истеъмолини таъминлаш имконини берадиган турли хўжалик ва ишлаб чиқариш соҳалари ҳамкорлигининг йиғиндисидан иборатdir.

Хозирги кунда фаол истеъмолчи ўзига керакли хизматлар ҳакида индивидуал тасаввурини шакллантиради ва бу таклифга бевосита таъсир ўтказади. Натижада туризм индустрияси ўз таркибини ўзгартириб, янги, замонавий туристнинг хоҳиш-истаклари хисобга олинган туристик-рекреация объектларни яратади ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш

¹⁹ <http://www.unwto.org>

²⁰ Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. Москва, «Финансы и статистика». 2003.-660 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. Издания 9-е переработанное и дополненное – Спб.: «Издательский дом Герда», 2007.-576 с.; Дурович А.П. Организация туризма. Минск, «Новое знание», 2006.-632 с.; Александрова А.Ю. География туризма. Москва, КноРУС, 2010- 592 с.; Пардаев М.К., Атабасев Р. Туризм асослари. Самарқанд, 2006.-76 б.; Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р. ва бошқалар. Туризм асослари. Дарслик. Тошкент, 2014.-331 б.

соҳасига яшаш тарзининг қулайлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифатлилигини, ўзига хослигини таъминлаш учун зарур бўлган янги фаолият турларини жалб этади.

Бу эса, ўз навбатида, туризм инфраструктурасини ташкил этувчи муҳит ва ресурслардан жадал фойдаланишга ҳамда авваллари туристик хисобланмаган янги ресурсларни (қишлоқ ва экологик туризм) муомалага жалб этишга ундейди. Туризм индустряси мавжуд ресурслардан шунчаки фойдаланиб қолмасдан, балки муҳитга нисбатан ўз индивидуал талабини шакллантириб, ўзаро таъсир хусусиятларини ўзгартиради.

Туризм индустряси – бу меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш обьектлари, кўнгил очиш обьектлари ва воситалари, даволаш, соғломлаштириш, спортга доир, диний-маросимчилик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентлигини амалга оширувчи, шунингдек, туризм инфратузилма ташкилотлари мажмуидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Конунида туристик индустря тушунчаси куйидагича таърифланади: *туристик индустря* – жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш обьектлари ва кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, даволаш-соғломлаштириш, жисмоний тарбия-спорт ҳамда бошқа мақсадга мўлжалланган обьектлар, туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, экскурсия хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар мажмуи, шунингдек экскурсия етакчиларининг, гидлар (гид-таржимонлар) ҳамда йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари мажмуи, деб берилган.

Туроператор ва турагентлар фаолияти. Туризм индустрясининг ташкилотчиларига туризм соҳасидаги икки хил корхона тўғри келади: туроператорлар ва туристик агентликлар. Бу корхоналар туризм хизматининг ўзи билан бевосита шуғулланмайдилар, балки факат истеъмолчи (турист) билан бевосита хизмат кўрсатувчининг ўртасида воситачилик вазифасини бажарадилар. Ўз навбатида уларнинг фаолияти ҳам хизмат кўрсатишнинг асосини ташкил қиласади.

Франциянинг туристик қонунчилигида бу корхоналарни уларнинг моҳияти ва вазифасининг ҳарактерига мувофиқ равища туризм ташкилотчилари деб тўғри номлайдилар. Туризм индустрясининг шиддат билан ривожланиши, туризм бозорида рақобатнинг юзага келиши ва кучайиши туроператорлар фаолиятига таъсир кўрсатди ва уларнинг кейинги ихтисослашувини аниқлаб берди.

Туроператор бу – тижорат мақсади учун туризм махсулотини сотишга таклиф этувчи, уни тайёрлаш ва режалаштиришда бевосита иштирок этувчи туризм бозорини фаол субъекти ҳисобланади.

Туроператор ўз фаолияти давомида ваколат имтиёзига эга харидор агентлари номидан туристик хизматларни бир неча муддат илгари харид этиш, бронлаштириш, ўзлаштириш, турпакетлар ҳозирлаш жараёнларини ҳам амалга оширади.

Туроператор – туристик пакет ишлаб чиқувчи сифатида у туристик йўналишлар ишлаб чиқиши ва турлар комплектацияси билан шуғулланади, уларнинг амал қилишини таъминлайди, рекламани ташкил қилади, бу йўналишлар бўйича нархларни ҳисоблайди, турларни тўғридан-тўғри ёки туристик агентликлар воситасида туристларга сотадилар. Туроператор туристларни турли туристик хизматлардан танлаш имконини таъминлаб беради ва бир вактнинг ўзида бошқа шаҳар ва жойларда хизмат кўрсатишига буюртма бериш вазифасини ўз зиммасига олиб осонлаштиради.

Туроператорлар туризм индустрясида махсус ролни бажарадилар. Улар турмаҳсулотларни (жойларни-самолётда, номерларни-мехмонхонада) сотиб оладилар, туристик хизматлар пакетини шакллантирадилар ва фойда олиш мақсадида турли тўғри ёки билвосита фойдаланувчиларга (туристларга) сотадилар. Туроператор туристик хизматларни алоҳида ҳам сотиши мумкин. Бу ё фойда олиш, ёки зарурият юзасидан қилинади. Масалан, имтиёзли нархларда сотиб олинган самолётдаги жойлар сонини тўлдириш учун у чипталарни ҳам сотиши мумкин ва бунда у воситачи сифатида бўлади.

Биринчи ҳолда туроператор пакет шакллантираётганда у турмаҳсулотлар ишлаб чиқарувчиси сифатида фаолият юритади. Иккинчи ҳолда, туроператор хизматларини алоҳида сотаётганда туристик хизматларнинг улгуржи диллерига айланади. Бу ҳолат туроператор ишлаб чиқарувчидан туристик пакетни шакллантириш учун керагидан ортиқча туристик хизматлар сотиб олганда бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирда оммавий сотиб олгани учун меҳмонхоналар ва хизматлар етказиб берувчилар орасида тегишли имтиёзларга эга бўлган махсуслашган улгуржи туроператорлари мавжуд. Туроператорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у туристлар учун иқтисодий қулай бўлган туристик пакетларни шакллантириш учун оладиган хизматларининг нархи ўзгаришидан кафолатлана олиш қобилиятига эга. Улгуржи туроператор нархлари ҳар доим меҳмонхоналар нархларидан арzon бўлади.

Аммо барибир туроператорлар маҳсулотларнинг кенг кўламининг улгуржи сотувчиси сифатида эмас, балки янги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи сифатида кўриб чиқиш лозим. Туроператорнинг асосий фаолияти турлар ёки турпакетларни шакллантиришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси «Туризм тўғрисида»ги Қонуни бўйича ўз туристик маҳсулотини шакллантирадиган ва унга ўз йўлланмасини чиқарадиган туристик ташкилотгина туроператор ҳисобланади. Бундай талабларни туристик фирма бажаради.

Туроператорлик фаолиятида хизмат кўрсатишни шакллантириш ва сотиш жараёнларида туроператорларнинг турни ишлаб чиқищдаги ташкилий босқич ишлари қуйидаги кетлиқда амалга оширилади:

- талабни ўрганиш;
- истиқболни режалаштириш;
- хизматларини таъминловчилар билан шартномалар тузиш;
- йўлланма баҳосини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш;
- турни товар-усуллар билан таъминлаш;
- туристларни хужжатлари билан таъминлаш;
- реализацияни амалга ошириш;
- реклама ва ахборотлар билаш шуғулланиш;
- турни ўтказиш ва хизмат кўрсатиш сифати юзасидан назорат ўрнатиш.

Туроператорлар ва турагентлар ҳамкорлиги ҳар иккала томонга манфаат келтиради. Туроператорда мавжуд тармоқланган контрагентлик тармоғи унга туристик сафарларни сотиш ҳажмини ўстиришга имкон беради, янги бозорга чиқади, жумладан чиқиш туризмининг худудий бозорига кириб боради. Бу билан ўз ходимларини таъминлаш харажатларини, ижара биноларини, уларни ускуналарини тежайди.

Ўз навбатида турагент сафарларни охирги истеъмолчисига сотиб бергани учун воситачилигига комиссион мукофот олади. Унинг ҳажми одатда сотилган туристик масҳулот баҳосига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади ва 10 % ни ташкил қиласди. У кўпайтирилиши ҳам мумкин (масалан, келишилган ҳажмдан кўпроқ туристик хизмат сотилганда). Комиссион мукофот турагентликнинг асосий даромад манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Туроператор ҳар доим сотиш учун турмаҳсулот заҳирасига эга бўлади, турагент бўлса мижоз сотиб олиш истагини билдирган ҳолдагина маълум хизматларни талаб этади. Бироқ амалиётда баъзан туроператор ва турагент орасидаги фарқни ажратиб бўлмайди, чунки ҳар иккаласи ўхшаш

вазифаларни ҳал қилишлари мумкин. Масалан, фирма туроператор сифатида йўналишлар ишлаб чиқиши, туристлар ва бошқа агентликларга сотиши ҳам мумкин. Худди шу вақтда айнан шу туристик ташкилот турагент сифатида бошқа фирмалардан хизматлар сотиб олиши ва туристларга сотиши ҳам мумкин.

Туристик агентликлар (турагент) – бу истеъмолчига, яъни туристга ёки мижозларга айрим туристик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсdir.

Агентлаштириш соҳасида фаолиятнинг бир нечта турлари фарқланади, шахс номидан ва корхонанинг топшириғи бўйича турларни сотиш. Моҳиятан бу турли хилдаги туроператорларнинг «туристик йўлланмалар дўкони» дир. Туристик йўлланмада доимо бундай сотишни амалга оширган туроператор ва турагентнинг барча реквизитлари тўлиқ кўрсатилади, агентлик фоизи тушунчasi бор бўлган мамлакатларда, агентлик фоизининг суммаси доимо туристик хизматларнинг чеки ёки ваучерида кўрсатилган бўлади.

Бундай мамлакатларда йўлланмалар юк *ваучер* бўлиб, унда касса аппаратидаги маълумотни ёзиб қўйиш учун маҳсус хошия мавжуд. Бундай ҳолда агентликнинг ўзи барча оқибатлари ва жавобгарликни бўйнига олган ҳолда туроператорлик функциясини бажаради.

Ҳозирги пайтда турларни истеъмолчига Интернет тармоғи орқали сотиш шаклланмокда, лекин истеъмолчига факат ахборот бериш ва маҳсулот таклиф этиш, уни мижознинг талабномаси бўйича ўзлаштириш босқичларгина автоматлаштириш имкониятига эга, баъзи ҳолларда, масалан, банқдаги ҳисоб-китобларни ёки кредит карталарининг рақамларини кўрсатишда хақ тўлаш ҳам назарда тутилади.

Туроператорлар турни ишлаб чиқиши жараёнида туризмдаги асосий хизмталар кўрсатувчи корхоналар (транспорт хизматлари, жойлаштириш хизматлари, овқатлантириш хизматлари, гид-экскурсия хизматлари ва бошқалар) билан мустаҳкам алоқада бўлади ва улар билан хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш бўйича шартномалар тузади. Ўз ўрнида туризмда асосий хизматлар кўрсатувчилар ҳам туроператор хизматларидан манфаатдор ҳисобланади.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг ёки туристик марказнинг ижтимоий тузилишидан қатъий назар туризм индустриясида туристик фаолиятни амалга оширувчи бир қанча турли хилдаги корхоналар, туризмни ташкиллаштирувчи туроператор ва туристик агентликлар мавжуд. Бундан ташқари туристларни ташувчи, меҳмонхоналар ва жойлаштириш

тизимининг бошқа корхоналари, умумий овқатланиш, аттракционлар ва кўнгил очар жойлари, шунингдек, улар қаторига банк соҳасидаги муассасалар, суғурта хизмати ва бошқалар киради.

Туризмнинг маҳсус турларида даволаш муассасалари, ўқитиш тизими муассасалари ҳамда аниқ туристик маҳсулотнинг мақсадларига мувофиқ келадиган спорт ва бошқа муассасалар иштирок этишлари мумкин. Бу ташкилотларнинг барчаси бир-бирларини уйғун равишда тўлдириши ва истеъмолчи учун зарур бўлган ҳамда ассортимент бўйича етарли даражадаги барча хизматларни кўрсатади.

Бугунги кунда туризм жаҳондаги учта етакчи соҳалар қаторига киритилмоқда, тез суръатларда ривожланмоқда ва унинг муҳим ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга бўлиши қуидаги омиларга таъсири билан белгиланади:

- маҳаллий даромадни ўстиради;
- янги иш ўринларини яратади;
- туристик хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча соҳаларни ривожлантиради;
- сайёхлик марказларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиради;
- ҳалқ хунармандчилик марказлари фаолиятининг ривожланишини тезлаштиради;
- маҳаллий аҳоли яшаш даражасининг ўсишини таъминлайди;
- валюта тушумлари миқдорининг ўсишига ёрдам беради ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунидаги айrim моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида туристик хизматлар тушунчаси келтирилган бўлиб, унга қуидагicha: “*жойлаштириши, овқатлантиши, транспорт, экскурсия ва маслаҳат хизмати кўрсатиш бўйича хизматлар, шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантишига қаратилган хизматлар*” таърифланади.

Қонуннинг 21-моддаси: «Туристик хизматларни сертификатлаштириш», - деб номланиб, унда қуидаги жумлаларни ўқиймиз: Туристик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Туристик хизматлар – турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган харакатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, характеристига ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганлигига жавоб бериши ҳамда

умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифига кўра, туристик хизматлар – туристларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланувчи туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Умуман хизматлар – бу кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир. Хизмат бевосита истеъмол жараёнида юзага келади ва алоҳида ҳолда бўлмайди, бу хизматнинг моддий товарга нисбатан асосий фарқидир. Бундан ташқари, товар истеъмолчига олиб келиб берилади, туристик хизматда эса истеъмолчи бевосита хизматнинг амалга ошириладиган жойига олиб борилади. Шунинг учун ҳам туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш моддий товарларни сотишга алоқадор бўлган қонунлар асосида эмас, балки бошқа қонунлар мажмуи билан бошқарилади.

Туристик хизматлар икки турга бўлинади: асосий ва қўшимча хизматлар.

Асосий ва қўшимча туристик хизматларнинг бир-биридан фарқли томонлари қуйидагилардан иборат:

1. *Асосий хизматлар* (ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш, гид-экскурсия ва бошқалар) турпакетга киритиладиган хизматларdir.

2. *Қўшимча туристик хизматлар* эса турпакетга киритилмайди.

Асосий туристик хизматлар олдиндан сотиб олинган (саёҳатни бошлашдан олдин) яъни тўлов олдиндан амалга оширилган бўлади. Қўшимча туристик хизматларда тўлов – хизматдан фойдаланиш жараёнида амалга оширилади.

Юқоридаги фарқлардан келиб чиқкан ҳолда, қўшимча туристик хизматлар деганда – турпакетда назарда тутилмаган, турист ўзининг қўшимча тўлови асосида фойдаланадиган хизматлар тушунилади.

Бутунжахон туристик ташкилоти қўшимча туристик хизматларнинг 400 хил турини келтириб ўтган. Қўшимча туристик хизматларнинг аҳамияти шундаки, унда турист юзага келган эҳтиёжларини тўлақонли қондиради, маълум бир вазифаларни бажаришда ўзини уринтирмайди (масалан: меҳмонхонада яшайтганида кийимини тозалаш ёки дазмоллаш учун меҳмонхона ходимларига мурожаат қиласи). Турист қўшимча туристик хизматлар туфайли тўла дам олишга эришади. Натижада ўз саёҳатидан кўнгли тўлади.

Тур пакетнинг танаффус қисмида ёки турист бўш қолган вақтда фойдаланадиган хизматлар (масалан: кечкурун бўладиган “Регистон” майдонида намойиш этиладиган овозли ва нурли панораманинг томошаси).

Асосий хизматлар кўрсатилиши давомида ёки турист эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади (масалан: қўшимча гид хизмати).

Туристга биринчи вазиятдаги қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш учун қўйидагиларга эътибор бериш керак:

- туристлар қизиқишлигини инобатга олиб иложи борича туристларга факат яхши кайфият бағишлидиган қўшимча хизматлар тақдим этиш ўринли ҳисобланади. Шу ўринда бу хизматлар туристга ижобий таъсурот қолдира олиши керак. Масалан: ўзбек миллий тўйларига ва оиласарга олиб бориш, туристни миллий концерт, фестивалларга таклиф этиш. Бунинг учун Республикада туристларга хизмат қиладиган миллий ансамбль гурухларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

- турист учун янгилик бўлган ва бундай вазиятга олдин дуч келмаган қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш. Масалан: Самарқандда бир – бирига масофа жиҳатидан яқин жойлашган ёдгорликлар (Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ансамбли ва бошқалар) га саёҳат қилишда туристларни тужа, от-араваларда олиб бориш чуқур таъсурот қолдирувчи хизматлардир. Бунинг учун шу ёдгорликлар жойлашган худудда пиёда туристик йўлаклар ташкил этиб, туристик-тomoша худудига айлантириш керак;

- туристларни миллий урф–одатлар ва анъаналар билан таништириш орқали миллий ҳунармандчилик ва касаначилик жараёнларида бевосита қатнашишини ташкил этиш. Ёки ўзбек миллий таъомларининг пишириш жараёнини томоша қилиш каби хизматлар кўрсатиш. Бунинг учун мамлакатимизда ҳунармандчилик, касаначилик ва миллий ошхоналарни туризмга жалб қилиб бу соҳаларни ривожлантириш.

Туристга иккинчи вазиятдаги қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш учун қўйидагиларга эътибор бериш керак:

- меҳмонхоналардаги қўшимча туристик хизматларни ривожлантириш. Бу хизматларга: номерга таом ёки меҳмон буюртмаларини етказиб бериш хизмати, кийим тозалаш ва дазмоллаш хизмати, сейф хизмати, телефон, интернет, почта хизматлари, тренажор зали хизмати, бассейн (очиқ ёки ёпик), массаж, сауна, сартарош хизмати, техникани таъмиrlаш хизмати, валюта айрибошлаш хизмати, ижара хизмати ва бошқалар.

- овқатланиш корхоналарида қўшимча туристик хизматлар маҳсус турист буюртмаси ва танловига асосан кўрсатиладиган хизматлардир.

Кўшимча туристик хизматлардан турист кетма-кет равища ҳам фойдаланиши мумкин. Яъни, турист бўш вақтида шаҳардан ташқарига

төгли манзараларни кўриш учун борганда у валюта алмаштириш хизмати, автомобил ижара хизмати, қўшимча овқатланиш хизмати (шаҳардан ташқарида)дан кетма-кет фойдаланади.

Хизмат кўрсатиши класслари ва хизматлар пакети. Хизмат кўрсатиши класслари тақдим этилаётган хизматлар сифатини белгилаш учун ишлатилади. Туристик маҳсулот турли-туман хизматлар йиғиндисидан иборат бўлғанлиги учун уларни туристга сотишда даражасини белгилаш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади. Турлар ва хизматларнинг даражасини белгилаш бўйича бизнинг мамлакатимиз бозорларида ҳам халқаро бозорда ҳам меъёрий стандартлар мавжуд эмас. Шунинг учун туроператор ва турагентлар турни сотишда шартли равишда тур бўйича хизматларни люкс, биринчи класс, туристик класс, эконом (иқтисод) класс килиб белгилайди.

Люкс класс. Ушбу класс бўйича турларни ташкил қилишда одатда энг юқори даражали хизматлар жалб қилинади: 5 юлдузли хашаматли меҳмонхоналар, биринчи класс ва бизнес авиация самалётларида учиш, хашаматли ресторанларда овқатланиш, алоҳида транспорт люкс класс машиналарида, алоҳида гид хизматлари ва х.к. Бундай турлар VIP-хизмат кўрсатиши туркуми (разряди) бўйича тақдим этилади.

Биринчи класс – бу ҳам нисбатан юқори даражали хизмат кўрсатиши бўлиб, 4-5 юлдузли меҳмонхоналарга жойлаштириш, бизнес класс даражадаги самалётларда учишни, обрўйли ресторанларда овқатланишни, индивидуал трансфертни, гид хизматларини назарда тутади.

Туристик класс. 2-3 юлдузли меҳмонхоналарда жойлаштиришни доимо авиарейсларнинг иқтисод классларида учишни, швед столи бўйича овқатланишни, гурухли трансфертни назарда тутувчи энг оммалашган хизмат кўрсатиши туридир.

Иқтисод класс. Энг арzon хизмат кўрсатиши туридир. Одатда иқтисод классидан талабалар ва кам таъминланганлар фойдаланади. Ушбу класс дастурлари юқори даражада бўлмаган хизматларни кам микдорда тақдим этишни кўзда тутади: 1-2 юлдузли меҳмонхонада жойлаштириш, ётоқхона ва хостелларда жойлаштириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиши тамоили бўйича фаолият юритувчи кичик ва кооператив меҳмонхоналарда жойлаштириш, чартер авиарейсларида учиш, кутиб олиш ва кузатиш жамоат транспортида амалга оширилиши мумкин. Бир сўз билан айтганда ҳаммаси тежамли ва арzon.

2.2. Туризмнинг соҳалари ва турларида туристларни овқатлантириш хизматлари

Туризмнинг соҳаларида туристларни овқатлантириши. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, сайёхларга хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш ва улар учун барча шароитларни яратиш мақсадида янги туристик мажмуалар, меҳмонхоналар, кемпинглар, ресторонлар, барлар, транспорт соҳалари, қурилиш учун катта маблағлар ажратилмоқда. Бундай суръатда туризмни ривожлантириш албатта умумий овқатланишни ҳам ривожлантиришини тақоза этади, чунки барча туристлар гоҳ ички турист бўлсин, гоҳ ташқаридан келсин, улардан қатъий назар ресторан хўжалигига ёки овқатланиш тармоғидан фойдаланишга мажбур.

Акс ҳолда, инсонлар овқатланиш учун барча маҳсулотларни ўzlари билан олиб юриши керак ёки уй шароитларида тайёрлаб, истеъмол қилиши керак. Аммо туристларда бундай имкониятлар йўқ, шунинг учун ҳам улар овқатланишдан фойдаланишга мажбурдир ва мана шу холатларнинг мавжуд бўлиши туризм умумий овқатланишни уйғун ҳолда ривожлантириши учун имкон беради. Шунинг учун ҳам туризмда асосий хизмат турларидан бирини овқатлантириш хизмати ташкил этади.

Овқатланиш хизматлари - истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда мижозларнинг овқатланиш билан боғлиқ хизматларга бўлган талаб ва унинг қондирилишини (таклифини) амалга ошириувчи жараён ҳисобланади.

Умумий овқатланиш корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш долзарб ҳисобланади.

Умумий овқатланиш корхоналари ўз фаолиятларида давомида қўпроқ эътиборни истеъмолчиларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга қарата бошлидилар. Чунки бундай йўл тутишга уларни соҳада вужудга келаётган овқатланишдаги янги хизматларни жорий этилиши сабаб бўлмоқда. Бундай хизматларга рақамли овқатланиш хизматлари мисол бўла олади.

Рақамли овқатланиш хизматлари - бу истеъмолчиларнинг сифатли овқатланишини таъминловчи замонавий рақамли технологияларга асосланган (“онлайн – мижоз” эҳтиёжига асосан) истеъмолчиларнинг юқори талабини қондиришга асосланган хизмат кўрсатиш жараёнидан иборат.

Рақамли овқатланиш хизматлари умумий овқатланиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш ундаги ишлаб чиқаришни янги

инновацион ютуқлар асосида жадаллаштириш ва иқтисодиёт таркибини такомиллашишига боғлиқ бўлади.

Туристларга умумий овқатлантириш хизматини кўрсатиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Умумий овқатланиш хизматлари кўрсатиш - бу истеъмолчиларнинг умумий овқатланиш шаҳобчаларида (субъектларида) хизмат кўрсатиш жараёнини амалга ошириш тизимидан иборат.

Туристлар билан ишлайдиган туроператорлар ва гид-бошловчиликар умумий овқатланиш корхоналарининг фаолиятлари ва уларда тайёрланадиган таъомлар ва ичимликларни ёддан билишлари талаб қилинади. Чунки, туристлар билан бирга ишлаганда хизматлар дастурига, режага киритилмаган, кутилмаган вазиятлар келиб чиқиши мумкин. Ана шундай, балки, шошилинч ҳолатларда туристларнинг тез ва сифатли овқатланишини ташкил қилиш жуда муҳим.

Овқатланиш хизматлари сифати - бу истеъмолчиларнинг овқатланишга бўлган юқори талаб ва овқатланиш сифат стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ҳамда мижозда шу хизматдан юқори қоникиш ҳосил қиласидиган, хизмат кўрсатадиган жараёнидан иборат.

Озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тоифалари: люкс, олий ва биринчи тоифали деган номлар ресторон ва барларга берилади. Кафе, ошхона, тамаддихоналар тоифаларга бўлинмайди.

Туристларни овқатлантиришнинг ягона кўрсатмаси ёки тавсияномаси йўқ. Бундай кўрсатмалар ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш ҳам ўта мураккаб ҳисобланади. Чунки, туристларни овқатлантириш туризмнинг соҳаларида ҳам туризмнинг турларида ҳам ўзига хос бўлган, бири-бирига ўхшамаган хизматларни талаб қиласиди. Дастреб туризмнинг соҳаларида туристларни овқатлантиришни кўриб чиқганимизда туризмнинг соҳаларида туристларни овқатлантиришни шартли равишда қуйидаги икки гурухга бўлиш мумкин:

1. Ички туризмда туристларни овқатлантириш.
2. Халқаро туризмда туристларни овқатлантириш.

1. *Ички туризмда туристларни овқатлантиришининг ҳам турли ташкилий усуллари мавжуд. Ички туризмда шартнома ёки турни сотиб олган туристларни овқатлантириш муаммоларни келтириб чиқармайди. Чунки турпакетни олдиндан сотиб олган турист ёки туристлар турпакетдаги оавқатлантириш хизматларини (таомларни ҳам) биладилар(турпакетда уларга кўрсатиладиган барча хизматлар номма-ном ёзилган, нархлари кўрсатилган бўлади).*

Иккинчи йўналишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон ички туризмida туристларнинг овқатланиши уларнинг ҳоҳишлиари бўйича, ихтиёрий келишув асосида амалга оширилмоқда. Бунда туристлар туроператордан транспорт, жойлаштириш ва гид-бошловчи хизматларини сўрашади. Овқатланишни ўзларининг танлови асосида амалга оширишади.

Ички туризмда келтирилган иккала йўналишда ҳам қўп ҳолларда туристларнинг овқатлантириш умумий овқатлантириш корхоналарида ёки ҳаммамизга қулай ва манзур бўлган чойхоналарда амалга оширилади.

2. *Халқаро туризмда туристларни овқатлантиришида* анча муаммолар бор. Бу муаммолар қўйидагилардан иборат:

- халқаро турист ёки туристлар олдиндан сотиб олган турпакетида қўйилган миллий таомлардан воз кечиши мумкин;
- халқаро турист ёки туристлар овқатлантириш турпакетда белгиланган овқатлантириш корхонасида овқатланишга қарши бўлиши мумкин;
- халқаро турист ёки туристлар овқатлантириш хизматларидан қониқмаслиги мумкин ва бошқалар.

Келтирилган ҳар уччала ҳолатлардан чиқиш учун тадбиркор туроператор уларга ўзларининг танлови бўйича овқатланишни таклиф қиласди ва улар олдиндан сотиб олган турпакетдаги овқатлар ва овқатлантириш хизматларининг нархлари албатда ўзгаради.

Туризмнинг турларида туристларни овқатлантириши. Туризмнинг турларида туристларни овқатлантиришнинг ҳам ўзига хос бўлган хусусиятлари, талаб ва тартиблари мавжуд. Масала шундаки, туризмниг бир турида ҳар-хил ёшдаги туристларни овқатлантиришга тўғри келади.

Зиёрат туризмida туристларни овқатлантириши хизматлари. Зиёрат туризмida туристларни овқатлантириш анча жиддий ва эътиборлиликни талаб қиласди. Халқаро зиёрат туризмida шундай ҳоллар ҳам бўлганки, замонавий таҳоратхоналар йўклигидан зиёратчи халқаро туристлар турпакетда ваъда қилинган жойлаштириш хизматларидан ҳам, овқатлантириш хизматларига ҳам рад жавобини берган.

Шунинг учун ҳам зиёрат туризмida зиёратчиларга барча хизматларни кўрсатувчи туроператор халқаро динлар ва улардаги тартиб-қоидаларни жуда яхши билишлари керак.

Иккинчидан, овқатлантиришда танланган таомларнинг таркиби билан ҳам зиёратчи туристларни олдиндан таништириш ҳам кўпгина кўнгилсизликларнинг олдини олади. Масалан, Доғистондан келган зиёратчи туристларнинг дастурхонига ноёб колбасалар қўйилган. Тушликдаги бу

холатни кўриши билан улар дастурхондан тезликда узоклашган. Туроператор ва гид-бошловчи Доғистонликларнинг мусулмон динида эканлиги ва улар колбаса маҳсулотларини умуман истеъмол қиласликларини билишмаган.

Учинчидан, зиёрат туризмида зиёратчи туристларни овқатлантиришда дастурхонга спиртли ва шунга яқин (пиво, вино ва бошқ..) ичимликларнинг қўйилиши мутлақо мумкин эмас.

Тўртинчидан, овқатлантириш хизматлари амалга ошириладиган корхонада ёки унинг яқинида албатда барча диний талабларга жавоб берадиган(тахоратхоналар, номозхоналар, қандайдир диний амалларни бажарадиган, бошқа динлар учун ҳам тоат-ибодатни эркин амалга оширадиган шароитларнинг бўлиши ва бу ҳақида зиёратчиларнинг ахборотланганлиги уларнинг яхши кайфият ва иштаха билан овқатланишини таъминлайди.

Экологик туризмда туристларни овқатлантириши хизматлари. Жаҳон туризмида шиддат билан ривожланиб бораётган туризмнинг яна бир тури-экологик туризмда овқатлантириш хизматлари ўзига хос бўлган, бошқа турларда ишатилмайдиган овқатлантириш хизматларини талаб қиласди. Яна бир хусусияти шундаки, экологик туризмда овқатлантириш хизматлари жойлаштириш ва дам олиш хизматлари билан бир мажмууда кўрсатилади. Бу мажмуулилек қуидагича²¹.

Экотуристларни жойлаштириш шаҳарларда муаммо эмас. Экотурист ёки экотуристларнинг ҳоҳиш-истакларига қараб уларни турли даражадаги меҳмонхоналарга жойлаштириш мумкин. Жойлаштириш муаммолари шаҳардан узок масофалардаги туристик объектларга сайёҳатлар давомида юзага келади. Республикаизда туризмни ривожлантиришдаги энг оғрикли, муаммоли масала ҳам экотуризм, археологик туризм, овчилик туризм каби туризм турларига маршрутлар ишлаб чиқишида юзага қалқиб чиқади. Ўзбекистоннинг табиат минтақаларига туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаётганлигининг асосий сабаблари ҳам бу туристик маконларда туристлар учун тунаш жойларининг йўқлигидадир.

Экотуризм, археологик туризм ва овчилик туризмини ривожлантиришни режалаштирас эканмиз биринчи навбатда туристларнинг тунashi (жойлаштириш) шароитларини яратишимиз керак бўлади. Шаҳарлардан узокда бўлган туризм ресурсларида (экотуризм, рекреация туризми) туристлар учун тунаш жойларини ҳозирча туристик базалар ёки туристик лагерлар усулида яратиш имкониятлари мавжуд. Лекин, туризмда

²¹. Ҳайитбоев Р., Экологик туризм, Ўқув қўлланма, «Барҳаёт файз медиа», Тошкент, 2016-248 б.

экологик туризм тадбиркорлигининг кенгаймаётганлигидан бундай тунаш жойлари ҳозиргача яратилмаяпти.

Агарда табиат бағридаги экотуризм масканида (ресурсида) бундай тунаш жойлари яратилғанда эди. Туристларнинг ҳам тунаш, ҳам дам олиш ва овқатлантириш муаммолари бирданига ҳал қилинган бўларди. Бу муаммоли ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли экотуризм, рекреация туризми ёки овчилик туризмдаги туристик ресурсларга маршрут ишлаб чиқишида ресурсга яқин жойдаги аҳоли уйларини ижарага олиш ҳисобланади. Лекин, унутмаслик лозимки, халқаро туристлар ҳар қандай шароитларда ҳам тунаб қолавермайди. Шунинг учун ҳам бундай шароитлардан маҳаллий туризмдаги туристларни жойлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Табиат ландшафтларида туризм масканларига (ресурсларига) маршрут ишлаб чиқишидан олдин бундай жойларда туристик базалар ва туристик лагерлар барпо қилишга қатъий равишда киришишимиз лозим. Туристик лагерларни палаткали ёки юрта (чўпоннинг кора уйи) усулида тезкор вақтларда мавсумларга мослаштириб куриш имкониятлари жуда катта.

Экотуристлар шаҳар меҳмонхоналарига жойлаштирилганда уларни овқатлантириш муаммо эмас. Чунки, экотурист жойлашган меҳмонхонада ҳам шаҳарнинг ҳар бир кўчасида ҳам туристнинг эҳтиёжини қондирадиган ресторон, кафе, ошхона ва чойхоналар бор.

Шаҳарлар меҳмонхоналарида жойлашган экотуристларни овқатлантиришда халқаро меъёрлардаги таклифлар қуйидагича:

- тўлиқ пансион – 3 марта овқатланиш (нонушта, тушлик, кечки овқат);
- ярим пансион – 2 маротаба овқатланиш (нонушта–тушлик, нонушта-кечки овқат ёки тушлик-кечки овқат);
- фақат нонушта;
- фақат тушлик;
- фақат кечки овқатланиш.

Овқатланишда хизматлар шакли қуйидагича:

- «Швед столи» - ўз-ўзига хизмат. Бу усулда ресторан ёки ошхонада турли-туман овқат хиллари тайёрланган бўлади. Экотуристлар (мижозлар) ўзлари ёқтирган овқат ва ичимлик хилларини хоҳлаганларича (эҳтиёжаларига яраша) олиб, еб-ичишлари мумкин. Овқатланиб бўлгандан кейин турист (мижоз) идиш–товоркларни йиғиштирмайди.

- «Табльот» - ҳамма мижозлар учун фақат битта меню тайёрланади (мижозларга овқат танлаш хукуқи берилмайди).

- «А ля карт» - ресторан менюсида туристлар овқат хилини эркин танлайдилар.

Овқатланишнинг қайси шаклари бўлмасин шаҳарда ва туман марказларида туристларни овқатлантириш юқорида қайд қилганимиздек муаммо туғдирмайди. Факат туристик маршрутда шаҳарда (туманда) овқатлантириш жойи ва шароитлари ёзиб қўйилса етарли бўлади. Туристларни овқатлантиришдаги муаммолар шаҳарлардан (туманлардан) узоқ масофадаги туристик обьектларга маршрут ишлаб чиқишида қийин вазиятларни келтириб чиқармоқда.

Келтирилганлардан хулоса шулки, туристларни овқатлантириш туризмнинг соҳалари ва айниқса турларида бири-бирига ўхшамаган хизматларни талаб қилас экан.

Дунё бўйича овқатланиш корхоналарининг ягона таснифлари мавжуд эмас. Лекин, шунга қарамасдан ҳам, кўп мамлакатларда оммавий тарқалган маълум бир кўринишдаги (типдаги) овқатланиш корхоналари ажратилиб қўрсатилади. Миллий ошхонага эга бўлган ресторанлар ҳам мавжуд. Дунёда италянча, хитойча, грекча, туркча, инглизча, америкача, ҳиндча, французча, немисча каби ресторанлар жуда машхур. Уларнинг айримлари нархларининг жуда арzonлиги билан ажралиб турса, айримлари эса қимматлилиги билан ажралиб туради.

Одатда туристлар қайси мамлакатда бўлсалар, ўша мамлакатнинг ошхонаси билан танишишга қизиқадилар. Кўп ҳолларда мезбон шаҳарларнинг қизиқарли миллий ҳамда арzon ресторанлари ҳақида маълумот бериб ўтади, миллий ресторанлар билан таништириш нуқтаи назардан ҳам саёҳатлар ташкил этилади. Масалан, Баварияда туристларни Бавария (Германия) ошхонаси билан, яъни машхур оқ сосискалар ҳамда баварча пиво билан меҳмон қилишади.

Мюнхенда эса туристни албатта «Хофбрайхаус»га, яъни энг катта пиво залига олиб боришади. Австрияда дунёда энг машхур бўлган венча шницелларни (котлет тури) тамадди қилишга олиб боришади ва албатта Италияда эса тушлик овқатланиш пастасиз (макаронли таом) ўтмайди. АҚШда ва барча кўпгина мамлакатларда афғонча, колумбча, ҳиндча, чехча каби ресторанлар ишлаб келмоқда. Сўнги пайтларда вегетерианларга хос ошхоналар ҳам пайдо бўла бошлади, ёки яхудийлар учун маҳсус тайёрланадиган таомлар ресторанлар ҳам фаолият қўрсатиб келмоқда.

Овқатланишнинг тури – эрталабки нонушта, ярим пансион, тўлиқ пансион доимо туристик хизматлар қўрсатиш таркибида белгиланган бўлади. Ярим пансионда (икки марта овқатланиш) эрталабки нонушта ва

тушлик ёки кечки овқат назарда тутилган бўлади. Пансион – бу уч марталик овқатланишдир. Қимматбаҳо хизмат қўрсатиш варианларида бутун кун давомида ва хаттоки тунда исталган вақтда ва исталган миқдорда овқатланиш ҳамда ичимликлар (спиртли ичимликларни ҳам қўшиб хисоблаганда) ичиш имконияти назарда тутилиши мумкин.

Нонушта масаласида энг яхшиси шундаки, турист меҳмонхонадан ташқарига чиқмаслиги керак, гарчи овқатланиш пунктлари назарда тутилмаган, туристларга эса яқинроқда жойлашган ресторанда овқатланиш мумкинлиги тавсия қилинган жойлаштириш воситалари ҳам мавжуд бўлсада. Бундай ҳолда жойлаштириш хизматининг қиймати кескин пасайиб кетади.

Овқатлантиришни ташкил этиш туристнинг соғлигини ҳам ҳисобга олган бўлиши керак. Нотўғри овқатланиш, ёмон тайёрланган овқат заҳарланишга олиб келиши мумкин. Масалан, 40% гача туристлар Миср ва Ҳиндистонга боргандарида диареядан азият чекадилар. Айниқса, кўчадаги майда сотувчилар қўлидаги сув ва овқат шунингдек, ресторанлардаги сифатсиз таомлар хавфлидир.

Айрим тоифадаги туристлар руҳида диний белгилар бўйича умумий қабул қилган чекланишлар (чўчка гўштини истеъмол қилмаслик, рўза тутиш), вегетерианларни ўзига хос талаблари, болалар овқати талабарини ҳам ҳисобга олиш керак. Овқатланишга бўлган бундай талабарнинг ўзига хослигини туристлар тур сотиб олаётганларида қўрсатишлари керак.

Ресторан хўжаликларида чет эллик туристларни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки чет эллик туристларга одатда овқат ейишни ташкил қилиш алоҳида залларда ёки умумий залнинг чегараланган қисмида амалга оширилиб уларга хизмат қўрсатиш жуда ҳам эътибор ва дид билан тайёрланган жойларда бўлиши керак.

Туристларни ресторан ҳудудида овқатланиш жараёни ресторан биносидаги савдо заллари ва қўшимча ёрдамчи хоналарни тартибга келтириш, стол ва стулларни қабул қилинган тартибда қўйиш, идиш-товоқ олиш, столларга дастурхонни ёйиш, тушлик столларини ва официантларни ишга тайёрлаш жараёнлари киради. Ресторан ишни ташкил қилиш унинг биносини ички ва ташки кўринишини гўзал бўлиши ва ресторан очилишига қадар тайёр бўлиши керак.

Шунингдек, туристларни турли хилдаги сервислардан фойдаланиши учун имкониятни яратиб қўйиш керак. Туристларни қабул қилиш ва уларга сифатли хизмат қўрсатиш мақсадида ходимлар ресторан корхонасидаги мебелларни жойланишига ҳам эътибор қартиш керак, столларни тўғри

чизиқ ёки шахмат тартибida ўрнатиш, ўрталаридан бемалол юра оладиган бўлиши, шунингдек бошқа жиҳозларни ҳам туристларни ҳоҳиш иродаси, қайси юртдан келаётганини ва ҳоказоларни ҳисобга олган қўйилишини таъмин этиш керак.

Халқaro туристларни овқатлантириш туризм фаолиятида туристлар учун хизмат кўрсатишининг муҳим қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам туристлар учун хизмат кўрсатиш тури икки қисмдан иборат: биринчиси – ошхона ва бошқа озиқ-овқатларни сифати ва ассортименти, иккинчиси – озиқ-овқат ва хизматларни истеъмолчиларга сотишда сифат жараёнини такомиллаштиришdir. Сифат ва ассортимент умумий овқатлантириш корхоналарининг турига ва уни турли категорияларига қарамасдан барча учун бир хил аҳамиятга эгадир.

Озиқ-овқат ва хизматларни туристларга сотиш ва истеъмолчиларни талабларини қондириш шартларидан бири бу ўз вақтида маҳсулотларни сотиш ва барча талаб қилинган хизматларни қондиришдан иборатdir. Масалан корхонада ёки меҳмонхоналарда тез хизмат кўрсатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, буларга буюртма қилинган таомнинг столга берилиши тезлиги ва хўранданинг ўзини-ўзига хизмат қилиши киради. Ресторанларда эса хизмат қилиш сифати меҳнат турлари яъни ходимларни қайси хизмат билан шугулланишга боғлиқ бўлади. Буларга маъмурий хизмат, официантлар, гардеробдагилар ва бошқалар шу хизмат кўрсатувчилар категорига киради.

Овқатланиш соҳасида бу фаолиятининг хизмат кўрсатиш сифати ва кўрсаткичлари қўйидагилардан иборатdir:

- бериладиган таом, десертнинг иссиқ совуқлиги ва таом сифатини юқори даражада ташкил этиш;
- ресторанда бериладиган таомлар ассортиментининг турли-туманлиги, ичимлик ва бошқа маҳсулотлар тури бўйича мижозларга мос келиши;
- овқатланиш жараёнида хизмат кўрсатилаётган шахсга нисбатан тез ва хушмуомала бўлиш, меню-карточкаларидан харидорнинг ўзи фойдаланиши, харидорлар талаб-эҳтиёжларига хушёр бўлиб туриш лозим; Буюртмачининг буйругини бажарилиш тезлиги ва овқатланиб бўлгандан сўнг таом ҳақини тўлаш усулини қўллаш;
- таом истеъмол қилинадиган вақтда хўрандаларга хизмат кўрсатиш, официантларни вино ва ичимликларни рюмка ва фужерларга қутиш, улар столига хизмат кўрсатиш жараёнида официантлар барча қоидаларга риоя қилиши шарт;

- залдаги тозалик ва шинамлики таъминлаш, маданий инсон дидига жавоб берши, хизмат кўрсатиладиган шахсларга залларда бошқа шароитлар яратиши зарур; шахсий гигиена, ташқи кўриниш ресторон категорияларига жавоб берши керак.

Таом ва ичимликларни сертификация асосида ва белгиланган нархларда истеъмолчиларга етказишдан иборатdir.

Ҳозирги иқтисодий модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган бир пайтда иқтисодиётнинг асосий қисмини хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари эгалламоқда. Уларнинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, давлат бюджетига тўланадиган соликларда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалал+арда муттасил ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этиши ҳукуқий-меърий хужжатлар билан мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар мавсумий даврда келганликлари учун биз уларга доимий шаклда хизмат кўрсата олмаймиз. Шунинг учун биз фаолият муддатига кўра йилнинг маълум мавсумларида, куннинг аниқ бир овқатланиш даврида туристларга хизмат кўрсатамиз. Бундан кўриниб турибдики, туризм фаолиятида овқатлантириш хизматининг ўрни ҳам бекиёсдир.

Таянч сўзлар: туроператор, турагент, асосий хизматлар, қўшимча хизматлар, пансион, яrim пансион, тўлик пансион, “швед” столи, “табльдот”, “а ля карт”, “а парт”.

Назорат саволлари:

1. Туризм индустрисининг таркибига нималар киради?
2. Туроператорлар фаолияти қандай амалга оширилади?
3. Турагентлар фаолияти қандай амалга оширилади?
4. Туризмнинг соҳаларида туристлар қандай овқатлантирилади?
5. Туризмнинг турларида туристлар қандай овқатлантирилади?
6. Овқатлантириш хизматлари сифати нима?
7. Умумий овқатланиш хизматлари кўрсатиш тушунчасига изоҳ беринг?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Ички туризмда туристлар қандай овқатлантирилишини амалий дарсларда гапириб беринг.
2. Халқаро туризмда туристлар қандай овқатлантирилишини амалий дарсларда гапириб беринг.

3. Туристларни овқатлантириш усулларини амалий дарсларда гапириб беринг.

4. Туризм индустриясидаги асосий хизматлар ҳақида амалий дарсларда гапириб беринг.

5. Туризм индустриясидаги қўшимча хизматлар ҳақида амалий дарсларда гапириб беринг.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Туроператор ва турагент ўртасида тузиладиган хужжат нимадан иборат?

- а) шартнома
- б) франчайзинг
- г) фактура
- д) агент битими

2. Туризм индустриясига тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

- а) туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишини таъминловчи турли субъектлари
- б) туризм соҳасига хизмат қилувчи туристик ресурслар
- г) туризмнинг асосий ва қўшимча хизматларини ташкил этувчи мажмуа
- д) тарихий, маданий, археологик туристик обьектлар

3. Пансионлар овқатлантириш усуллари. Нуқталар ўрнига тегишли жавобни белгиланган.

- а) туристларни
- б) меҳмонларни
- г) мутахассисларни
- д) хизматкорларни

4. Туризм индустриясида турагентнинг асосий вазифаси нималардан иборат?

- а) турмаҳсулотларни туроператордан сотиб олади
- б) турни тайёрлаш ва режалаштиришда иштирок этади
- г) туристик экспурсияларни ташкил этади ва иштирок қиласди
- д) гид-бошловчи хизматларини кўрсатади.

5. Туризм индустриясида туроператорнинг асосий вазифаси нималардан иборат?

- а) тижорат мақсади учун туризм маҳсулотини сотишга таклиф қиласди
- б) турни тайёрлаш ва режалаштиришда иштирок этади
- г) туристик экспурсияларни ташкил этади ва иштирок қиласди
- д) гид-бошловчи хизматларини кўрсатади.

3 – БОБ. ТУРИСТЛАР УЧУН ОВҚАТЛАНТИРИШ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Туризмдаги маршрутлар, маршрутларда туристларни овқатлантириш

Халқаро туризмни шунингдек, миллий туризмни ривожлантиришнинг асосларидан бири туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва бу маршрутларга туристларни жалб қилиш ҳисобланади. Пухта, қизиқарли ишланган туристик маршрут туристларнинг барча талабларини қондиради ва натижада кўплаб туристларни ўзига жалб қиласди. Шунинг учун ҳам, туристик маршрутларни мукаммал ишлаб берадиган малакали мутахассисларга талаб жуда катта бўлиб, туризм маршрутларини ишлаб чиқиши ўқитиш, ўргатиш Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги энг долзарб масала ҳисобланади.

Инсон кўриб, эшишиб юрган ҳар қандай мўжизавий, қизиқарли иншоотлар, табиатнинг сўлим гўшалари, қадимдан сақланиб келинаётган тарихий обидалар, дарёлар, шаршаралар, ҳайвонот ёки турли–туман ўсимликлар ўсадиган жойлар, томоша боғларининг ҳаммасига маълум бир йўлдан борилади. Бу йўл туризмда «маршрут» дейилади.

Маршрут – французча –“*marche*” – юриш, олдинга ҳаракат, “*route*” – йўл.

Республикамиздаги барча туристик ресурсга–объектга-манзилу-маконга – масканга турли йўллар мавжуд. Бу йўллар асфальтли, тошли, маҳаллий тупроқ йўллари, сўқмоқлар ва ҳакозо кўринишларида бўлади. Лекин, бу йўлларни туристик маршрутга айлантирилгандан кейингина туристик ресурсда туристлар сони кўпайиши мумкин.

Туристик ресурсга ҳозирги йўллар билан ҳам туристлар олиб борилади. Лекин бу йўлда туристнинг эркин ҳаракатланиши, у ҳохлаган вақтда тўхташи, қизиқиб қолган йўл бўйи «объектлар»га экскурсияга чиқиши талаб қилиши, ёки чой ичиб дам олишни ҳохлаши мумкин. Туристик маршрут қайд қилинган, кутилмаган «таклифлар»нинг бажарилиши ёки «хизматлар» мажмуаси аъло даражада кафолатланиши учун ҳам туристик маршрутлар дейилади. Туристларнинг барча эҳтиёжларини, талабларни бажаришда фойдаланадиган йўллар туристик маршрутлар ёки туристик йўллар дейилади²².

²²Ҳайитбоев Р.,Ҳайдаров С.,Абдуҳамидов С., ва бошк. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш.Ўкув қўлланма, Самарқанд,2016.-180 б.

Туристларни маршрут давомида аникроғи маршрут бажариладиган (самалётда, поездда, автобусда, маҳаллий транспорт турларида ва бошк..) вақтларда овқатлантириш мумкин. Келтирилган транспорт воситаларида туристларни овқатлантириш масалаларига тўхталишнинг эҳтиёжи йўқ. Чунки, бундай маршрутларда туристларни транспорт компаниялари овқатлантиришиди.

Лекин олдинги мавзуда келтирилганидек, доимо ҳаракатдаги туристик маршрутларда туристларни йўл-йўлакай, маршрут давом этаётган вақтларда ҳам овқатлантириш мумкин. Бу ҳолатлар қўпинча туристларни узоқ масофалардаги туристик обьектга олиб боришда кўлланилади. Узоқ масофадаги (шаҳарлар орасидаги масофалар, экологик туризм ресурсларида масофалар, тарихий обидаларнинг узоқ масофаларда жойлашганлиги ва бошк..) туристик ресурсга туристларни олиб боришда туроператор албатда маршрут ўтадиган шаҳарлар, туманлар катта посёлкалар ва кемпинглар билан овқатлантириш вақти ва таомлар турлари бўйича шартномалар тузиб қўйиши лозим.

1-жадвал

Туризм маршрутларидағи хизматларнинг хиллари ва шароитлари

№	Маршрутдаги хизматларнинг хиллари	Хизматлар кўрсатиши шароитлари
1.	Транспорт хизматлари	Транспорт воситалари (поезд, автомобил, автобус, самолёт, маҳаллий транспорт турлари), йўлда юриш қоидалари, чегараланган тезлик, транспортда юришдаги ҳаёт хавфсизлиги, тўхташдаги талаблар, транспортдаги ўринлар, кўчма дам олиш транспорт воситалари, транспорт ва экологик омилларни назарда тутиш
2	Жойлаштириш хизматлари	Жойлаштириш воситалари (мехмонхона, туристлар базаси, туристлар лагери, кемпинг, ижара уйлари, очик экспедиция кўрпаларида, ҳавода-ухлаш палаткада)нинг манзиллари, даражалари, шароитлари, хизматлар кўрсатишининг даражалари
3	Овқатлантириш хизматлари	Овқатлантириш корхоналарининг хиллари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона, бар, манзиллари, даражалари, хизматлар қилиш даври, вақти (нонушта, тушлик, кечки овқат), овқатлантириш хиллари (швед столи, тўлиқ пансион, ярим пансион, маҳсус овқатлар, аля карт, табльот, палатка усули, экспедиция усули,) экологик омилларни назарда тутиш

4	Экскурсия хизматлари	Экскурсияларнинг сони, мавзулари, мазмуни ўтказиш шакли (пиёда, транспортда, ўтказиш кетма-кетлиги) экскурсияда дам олиш, овқатлантириш масалалари, экологик омилларни назарда тутиш
5	Туристик маршрутнинг хужжатлари	Маршрутнинг мавзуси, мазмуни, технология харитаси, маршрутдаги ахборотлар, маршрут қатнашчиларига кўрсатмалар, маршрут схемаси, маршрутни амалга ошириш учун рухсатнома, хизматларни амалга оширувчилар, (ҳайдовчи ва унинг ёрдамчиси, таржимон, сув, чой берувчилар, ошпазлар, юк ташувчилар, ахборотчилар, бошловчилар ва бошк.) ҳақида хужжатлар. Маршрут ҳақида ҳисбот хужжатлари

Туризм маршрутларида қўйидаги хизматлар кўпроқ талаб қилинади²³(1-жадвал):

1. Дам олишни ташкил қилиш хизматлари (маршрут давомида қисқа муддатли дам олишда йиғма стол-стулларнинг бўлиши, кофе ёки чой тайёрлаш, тунаш-палаткаларда, йиғма кароватлар, қўчма теле-радио воситалари, меҳмонхонада).
2. Туристик маршрут ишлаб чиқишида агар маршрут экотуризм, овчилик туризми, саргузашт туризми ёки ғоршунослик ва рекреация туризми мавзулари бўйича ишлаб чиқилганда туристларни «палатка усули»да овқатлантиришни ташкил қилиш мумкин. Бу усулда туристларни қизиқтириш учун миллий экзотика вариантини – яъни қўчма қозон–товоқ усулида – «табиат бағрида табиийлик» шароитида овқат тайёрлашда таклиф этиш ва овқатлантириш.
3. Қайд қилинган туризм мавзуларида туристик маршрут ишлаб чиқилганда туристик маконда – обьектда овқатлантиришни туристик лагер (мавсумий–палатка усулида) ташкил қилиш мақсадига мувофиқ.
4. Ҳар қандай мавзуда туристик маршрут ишлаб чиқишида маршрут давомида минерал сувлар, термосда иссиқ чой, совутилган чой ва экологик тоза шарбатлар бўлишлигини таъминлаш шарт.
5. Туристик маршрутда экскурсияга чиқилганда экспедиция усулида овқатланишни (консервалар, қотирилган колбасалар, тушонкалар ва ҳоказолар) иссиқ чой билан ташкил қилиш мумкин.

²³Хайтбоев Р., Ҳайдаров С., Абдуҳамидов С., ва бошқалар. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Ўқув қўлланма, Самарқанд, 2016.-180 б.

3.2. Овқатлантириш корхоналари ва улардаги овқатлар ва ичимликлар

Мамлакатда яшаётган фуқаролар учун ҳам туристлар учун ҳам овқатланиш инсоннинг кундалик ҳаётидан ажралмас жараён ҳисобланади. Ҳозирга келиб таомларнинг ва хизматларнинг қимматлилигига қарамасдан овқатланишни ресторанларда ташкил қилиш тобора кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолатнинг асосий сабаби овқатларнинг сифатлилиги ва ресторанларнинг шинамлилиги ҳисобланади. Кузатувлардан маълумки, туристлар асосан ресторанларда овқатланишади. Бу мавзуда ресторанларга қисқача таъриф бериб, туристларнинг оавқатланишини ташкил этишда овқатлар ва ичимликлар ассортименти умумий овқатланиш корхоналарининг қайсиларида бўлишлиги ҳақидаги маълумотлар билан танишамиз.

Туристлар билан ишлайдиган туроператорлар ва гид-бошловчиликар умумий овқатланиш корхоналарининг фаолиятлари ва уларда тайёрланадиган таъомлар ва ичимликларни ёддан билишлари талаб қилинади. Чунки, туристлар билан бирга ишлаганда хизматлар дастурига, режага киритилмаган, кутилмаган вазиятлар келиб чиқиши мумкин. Ана шундай, балки, шошилинч ҳолатларда туристларнинг тез овқатланишини ташкил қилиш жуда муҳим.

Озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тоифалари: люкс, олий ва биринчи тоифали деган номлар ресторан ва барларга берилади. Кафе, ошхона, тамаддихоналар тоифаларга бўлинмайди.

Люкс тоифа стандартда айтилишича, ресторан ва барларга берилади. Улар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: бино ички безагининг олий даражада бўлиши, қўзни қамаштирадиган чирой, хизмат қилиш соҳасининг кенглиги, ноёб ассортимент, кўнгилдагидек буюртма ва фирма таомларининг бўлиши, ресторан маҳсулотлари, буюртма ва фирма ичимликларининг кенг ассортименти.

Олий тоифа номи ҳам ресторан ва барларга берилади. Уларнинг ҳам ноёб бинолари, бино ичи безаклари, чиройли жиҳозлари, ноёб ассортимент, кўнгилдагидек буюртма ва фирма таомлари ва маҳсулотлари, шунингдек, мураккаб усулда тайёрланган ичимликлар, алкогольсиз ичимликлари бўлади.

Ресторан – мураккаб тарзда тайёрланган таомларнинг кенг ассортиментини тайёрлайдиган умумий овқатланиш корхонасидир. Булар ичига буюртма ва фирма таомлари, вино-ароклар, тамаки ва қандолат маҳсулотлари киради. Мижозларнинг яхши дам олишлари учун юксак даражада хизмат қилинади.

Ресторанлар марказий, одамлар гавжум кўчаларда, темир йўл, автомобил вокзалирида, аэропортлар, кемалар тўхташ жойларида, теплоход, денгиз кемаларида, сузуви дам олиш уйларида, шунингдек, стадион, шаҳарлараро худудларда, маъмурий, томоша масканлари мажмуаларида, тарихий ва архитектура ёдгорликлари жойлашган ерларда, Ўзбекистон шароитида шаҳарларнинг марказларида, катта бозорлар, ўйингоҳлар яқинида очилади.

Ресторанларда хўрандаларга ресторан ходимлари, бош официант ва официантлар хизмат қиласи. Таомлар ва ичимликларни олий даражадаги пазандалар тайёрлайди. Ресторанда хизмат қилувчи ходимлар бир хил кийимларда бўлади, уларнинг пойафзаллари ягона намунага эга бўлиши шарт. Хорижий туристларга хизмат қиладиган ресторан официантлари биронта чет тилни билиши ва меҳмонлар билан гаплаша олиши лозим.

Ресторанлар айрим хўрандаларгагина хизмат қилиш билан чекланмайди. Давлат миқёсидаги катта анжуманлар, мажлислар, конференция, семинар, расмий кечалар, қабул маросимлари, тўйлар, оила тантаналари, банкет, тематик кечалар ва бошқаларга хизмат қиласи.

Ресторанларда мижозларга асосан тушлик ва кечки овқат берилади, катта йигинлар, кенгашлар, конференция қатнашчиларига таомнинг тўла рациони берилади. Кўпгина ресторанларда байрам куни олдидан, шанба ва якшанба кунлари миллий таомлар таъмини аниқлаш (дегустация) тадбири ўтказилади.

Баъзи ресторанлар фаолиятида оилавий овқатланиш тажрибаси амалга оширилмоқда. Хизматнинг бу турида маҳсус таомнома тузилади, бунда ёш болалар хисобга олинади, аммо озиқ-овқат унча қиммат бўлмаслиги керак. Люкс тоифадаги ресторанда буюртма ва фирма таъомларидан ташқари таомномада ёзилмаган таомларнинг буюртмасини ҳам қабул қилиш мумкин. Ресторанда маҳсулотлар ассортиментида шоколад, конфетлар, хўл мевалар ва бошқалар бўлиши керак.

Ресторан залларида мижозлар учун қулайликлар яратиш мақсадида архитектура-конструктив манзарали элементлар, мебель ва бошқа жиҳозлар ўрнатиш учун майдонлар барпо этилади. Ресторанларда мебелларнинг асосий турлари: икки, тўрт, олти киши сиғадиган столлар (тўғри бурчакли, квадрат, думалоқ ва бошқа шаклда); ресторан креслолари, диванлар, официантлар учун серванлар, гулдонлар, хизмат учун столлар ва ҳоказо.

Люкс тоифадаги ресторанлар учун ошхона идиш-товорклари, приборлар маҳсус буюртма бўйича тайёрланади (зангламайдиган пўлатдан, олий даражадаги чинни, шишадан энг яхши ишлов берилиб тайёрланади).

Ошхона ва хизмат хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда идиш-товоқлар танланади. Чиннидан ясалган ҳар бир буюмда уни ишлаб чиқарувчининг тамғаси бўлиши шарт. Банкетларда, қабул тантаналарида чиннидан ва биллурдан ишланган буюмлардан фойдаланилади.

Ошхоналарда фойдаланиладиган матодан қилинган буюмлар-сочиқлар, дастурхон, салфеткалар, қўл сочиқлари зал хусусиятига қараб буюртма билан тайёрланади. Бу буюмларнинг ҳар бирида ресторон тамғаси бўлиши шарт. Столларга дастурхон ҳар бир янги меҳмон учун янги ёзилади.

Люкс тоифадаги ресторонларда албатта қўйидаги қўшимча хизматлар бўлиши шарт: байрам таомлари тайёрлаш ва хизмат уюшириш, уйга овқат олиб бориб бериш, таом ва бошқаларга буюртмалар қабул қилиш, маълум муддатга жойни банд қилиб қўйиш, мижоз илтимосига кўра такси чақириб бериш, гул ва совғалар сотиш.

Люкс ва олий тоифадаги ресторон таомномаси босмахонада чоп этилиши зарур. Бу ресторонларда хорижий меҳмонларга хизмат қилинадиган бўлса, таомнома уч тилда: инглиз, француз, немис тилларида босилади. Таомноманинг фирмали жилди, реклама афишалари, буклетлар, варакалар, табрик ва таклиф қоғозлар ва бошқа нашр рекламалари зич, қалин қоғозлар ёки ялтироқ ишлов берилган картондан тайёрланади. Таомноманинг жилдиди ресторон номи ва тамғасидан ташқари рестороннинг мавзу йўналишини ифодаловчи расм ҳам бўлади.

Люкс ва олий тоифадаги ресторонларда оркестр чиқишига мўлжалланган жой бўлади. Ансабллар, театр гурухлари концерт дастурлари билан мижозларнинг яхши дам олишига шароит яратилади. Люкс тоифали ресторонларда юқори сифатли стереофоник радио-аппаратурадан фойдаланилади, ҳар бир столда овозни бир меъёрда тартибга соловчи динамиклар бўлади.

Ресторонлар бир-бирларидан қўйидагилар билан фарқланади:

- тайёрлаб бериладиган таомлар ассортименти бўйича (балиқ, миллий таъомлар, хорижий мамлакат таомлари);
- ўрнашган жойи шаҳарда, вокзалларда, меҳмонхонада, дам олиш зонаси, вагон-ресторон ва бошқалар.

Шаҳар ресторанлари шаҳар ичida жойлашган бўлади, белгиланган маълум соатлардагина ишлайди. Улар таом, газаклар, ичимликларнинг кенг ассортиментини тавсия этади, асосан тушки ва кечки овқатлар тайёрлайди.

Вокзал ресторанлари – темир йўл, аэропортларда жойлашган бўлади ва йўловчиларга кечаю-кундуз хизмат қиласи. Бу ресторонлар таомномасида таомлар, газак ва ичимликлар чекланган бўлади.

Мәхмөнхона мажмуаларига тегишли мәхмөнхона тармоғи таркибига иккита ресторан-серхашам фирма таоми бўлган ва кичик, таом ва ичимликлари баҳоси юқори даражада бўлмаган ресторонлар киради.

Шаҳар ташқарисидаги, миллий ва тематик ресторанлар таомномаларида таом ва ичимликлар миқдори индивидуал шароитда фирма таоми ва маҳсулот ассортименти асосида тузилади. Махсус рецептура бўйича бир корхонада ишлаб чиқариладиган таом фирма таоми дейилади.

Кема ресторанни туристлар ва йўловчиларга хизмат қилишга мўлжалланган. Бу ресторанларда нонушта, тушлик, кечки овқат тайёрланади, овқат, қандолат маҳсулотлари, совутилган ичимликлар, йўл анжомлари сотилади. Йўловчиларга хизмат қилиш официантлар томонидан амалга оширилади. Озиқ-овқатлар учун абонементлар сотиш қўлланилади.

Йирик йўловчи теплоходлари бир ёки бир неча салон-ресторонларга, буфетлар, барлар, жиҳозланган ошхонага эга. Салон-ресторонларда жойлар 48 дан 150 гача бўлади. Улар қуйидаги мебеллар билан жиҳозланади: стол, стул, сервант. Залда буфет ҳам бўлади. Стол ва сервантлар полга маҳкамлаб ўрнатилади.

Вагон-ресторонлар узок масофаларга қатновчи темир йўл поездларида бўлади. Одатда бундай ресторанлар бир кеча-кундуздан ортиқроқ сафарга борувчи йўловчилар учун хизмат қиласи.

Купе-буфетлар бир кеча-кундуздан кам йўл юрадиган поездларда бўлади. Купе-буфетлар учун поездда 2-3 та купе савдо қилиш ва ёрдамчи хона сифатида ажратилади. Купе-буфет салондан тўсиқ-витрина билан ажратилади, совутгич шкаф ва вагон ости яшикларига эга. Асосий ассортименти: бутерброд, пиширилган тухум, сут-қатик маҳсулотлари, сосискалар, сарделкалар, иссиқ ичимликлардан – чой, кофе, какао бўлади, қандолат ва нон-булка маҳсулотлари, алкогольсиз ичимликлар, шарбатлар, мева ва бошқалардир. Йўловчиларга буфетчи хизмат қиласи. Овқат ташувчи официант бошқа вагонлардаги йўловчиларга таомлар етказиб беради.

Автосайёҳлар учун ресторан – катта йўл чорраҳаларида, йирик автостанцияларда жойлашади, сайёҳлар бу ерларда овқатланади, ҳордиқ чиқаради.

Бар – кичкина ресторан, илгари майхона деб ҳам атаганлар. Кенг ассортиментда ҳар хил ичимликлар сотилади. Шунинг билан бирга барда таомлар, газаклар, қандолат маҳсулотлари ҳам бўлиши мумкин. Барларнинг вазифаси – бу ерга келувчиларга яхши хизмат кўрсатиш, шинам жиҳозланган, чиройли жойда кўнгилдагидек дам олиш шароитини яратиш, мусика, саноаткорлар чиқиши, видеоэшиттиришлар ташкил қилиш.


Ассортиментларига қараб барлар қуидаги турларга бўлинади: пиво барлари, вино, сут-қатик, коктейль-холл, коктейль-барлар. Коктейль-холл коктейль-бардан залининг катталиги, жиҳозланишининг турли-туманлиги билан ажралади. Барлар одатда маъмурий-маданий ва савдо марказларида, микрорайонларда, ресторон, кафе, меҳмонхоналар қошида очилади.

Алкогол ичимликсиз барлар пайдо бўла бошлади, бу барлар ёшларнинг оммавий ҳордиқ чиқариш жойларига айланди, ҳар хил касбга эга ёшлар учрашади ва алкогольсиз ичимликларни тарғиб ташвиқ қиласди. Яхши жиҳозлангани, дид билан ясатилгани, мусика хизматининг аъло даражада йўлга қўйилганлиги туфайли бу барлар тезда кўзга ташланади, ёшларнинг севимли дам олиш масканига айланади.

Салат – барлар - маҳсус пештахта билан жиҳозланган, очиқ совутгич витринасига эга. Маҳсус идишларда тайёрланган ҳар хил салатлар, кўк салат, бодринг, редиска, помидор, тухум, картошка, сабзи, қизилча, укроп, пиёз, петрушка, карам, шунингдек, гўшт, балиқ, колбаса, пишлок ва бошқалар қўйилади. Алоҳида идишларда: ёғ, сирка, горчица, крем, қаймоқ, майонез, шакар, туз, гаримдори берилади. Ўз диди ва иштаҳасига қараб ҳар бир хўранда тегишли маҳсулотлардан идишларига солиб олади. Бу барлар «швед дастурхони»нинг бир кўринишидир.

Бар таомномаларида аралаш-ичимликлар, шунингдек, табиий кучли алкоголь ичимликлар бўлади. Ҳар хил газаклар мяжозлар ҳоҳишига қараб берилади. Ҳамма барларда стереофоник овоз чиқарадиган аппарат, телевизор, видеомагнитафонлар, ўйин автоматлари бўлиши керак. 50 дан қўп кишига мўлжалланган рақсга тушиш майдончалари ҳам бўлади.

Хизмат кўрсатиш корхоналари биноларининг тузилишига қараб барлар турлича жойлашади (2-чизма).



2-чизма. Биноларнинг тузилиши бўйича барларнинг жойлашиши.

Бу чизмадан кўриниб турибдики, барларнинг турларидан келиб чикиб, уларнинг жойлашишини куйидагича тушунтириш мумкин:

- вестибюлларда - бу ерда кишилар учрашадилар, сухбат қиласадилар;
- ресторан барлари - бино ичидаги залда жойлашади;
- ёрдамчи барлар - меҳмонхона қаватларида жойлашади;
- банкет барлари - банкет залларида жойлашади;
- мини-барлар - меҳмонхонанинг меҳмонлар учун мўлжалланган хоналарида жойлашади.

Хўл мева барлари – умумий овқатланиш корхоналарининг янги бир тури. Ижтимоий вазифаларни хал килишга қаратилган, алкоголь ичимликлар истеъмолини камайтириш назарда тутилган тадбир сифатида пайдо бўлди. Бу хилдаги барлар ўзига хос усулда биноларда жойлашган, оддийгина жиҳозланган: пештахталар қўйилган, витриналарда 15 хилгача шарбатли ичимликлар, сут коктейллари, электро-кофейниклар, самоварлар. Хўрандалар шарбатлардан ташкари чой, кофе ичишлари, ресторанинг қандолат цехидан келтирилган қандолат маҳсулотларидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Сут маҳсулотлари барлари – ўз маҳсулот ассортименти билан бошқалардан фаркланади. Сут ва сариёғ коктейлларидан ташкари барнинг кундалик таомномасида бутербродлар, пишлок, колбаса, бир неча хил сутли таомлар, куймоқлар, қаймоқли, творогли сомсалар, ун – қандолат маҳсулотлари, ширин таом ва ичимликлар бўлади. Овкат тайёрлашда мижозларнинг ўzlари катнашадиган барлар кенг оммалашиб бормоқца.

Сут маҳсулотлари барлари фирма сут маҳсулотлари магазинлари қошидаги йирик савдо марказларида барпо этилади. Уларнинг асосий

мақсади хўрандалар таомни татиб кўриши билан мазасига тушунади ва бар машхур бўла боради. Бу барларда турли сутли маҳсулотлар ҳам сотилади.

Диско-барлар – қундуз қунлари кафе сифатида иш олиб боради, кечқурин эса бар хизматини ўтайди. Бу ерларда доимо дискотека уюштирилади. Диско-барлар алоҳида биноларда ёки меҳмонхоналарнинг яrim ертўлаларида фаолият кўрсатади. Бу барларда оркестрлар, ашулачи, актёрлар иштирокида ёшларнинг дам олиш кечалари ўтказилади. Тавсия этиладиган маҳсулотлар ассортименти турличадир: бутерброд, қандолат-ширинликлар ва ҳоказо истеъмолбоп ейимликлар.

Диско-бар таомномасида одатда, енгил, совутилган, аралаш ичимликлар, газаклар бўлади. Иссик таомлар бўлиши ҳам мумкин. Охирида музқаймоқнинг турли хиллари тавсия қилинади: кулупнайли, шафтоли шарбатли, ўрикли, кофели, ёнғокли ва ҳоказолар.

Диско-бар заллари замон талабига жавоб берарли даражада бадиий безатилиши керак. Рақс майдони рангли паркет билан қопланиши, умумий кўринишга мос ёруғлик берилиши шарт. Диско-барларда слайдлар кўрсатиш учун катта экран ўрнатилади, қуввати кучли музика аппарати, ёруғликни ҳар хил қилиб кўрсатиш учун асбоблар, шунингдек телевизорлар, видеомагнитофонлар жойлаштирилади. Мусиқий дастурни диско-бар ходими бошқариб боради.

Экспресс-барлар (бир зумда хизмат қилиш) – савдо марказларида, меҳмонхона ва вокзалларда фаолият кўрсатади. Маҳсулотлар ассортименти бар вазифасига мос тушиши керак: бутербродлар, парчаланган, қиймаланган гўшtlар нон бетига қўйилган таомлар, ҳар хил қандолат ва сут маҳсулотлари. Тикка туриб овқатланиб кетадиган барларда таом ассортименти чекланган бўлади. Була-биштекслар, лангетлар, парранда гўшидан тайёrlанган овқатлар, чанқов-босди ичимликлар, шарбат, коктейл, кофе.

Пиво барлари -махсус жойларда пиво қуйиб сотилади ёки шишаларда берилади. Қуйиб сотиладиган пиволар махсус идишлардан ёки ишлаб чиқарган завод автоцис-тернасидан бевосита автоматлар орқали қуйиб сотилиши мумкин. Савдода мевали ва минерал сувлар бўлиши тавсия қилинади. Ҳисоб-китоб официантлар чеки орқали, ўз-ўзига хизмат қилиш жойларида буфетчи ёки сотувчига тўланади.

Пиво барлари пиво сотиши билан бирга иссиқ ва совуқ газаклар ҳам сотади. Булар жумласига: бутерброд, пивога мос келадиган пишлоклар, ҳар хил тузланган нарсалар, қуритилган балиқ, қаламча қилиб қовурилган

картошка, қуритилган қора нон, тешик кулча, шўр данак, шўр бодом ва бошқалар киради.

Вино барлари-мехмонхоналар, ресторан, кафелар қошида фаолият кўрсатади. Енгил овқатланиш ҳам мумкин, вақти чекланган, шошилган одамлар тез тамадди қилиб кетиши учун жуда қулай. Бундай барлар йирик ресторанлар ичида жойлашган бўлса, дўстлар билан учрашиш, меҳмонлар кутиш, сухбатлар қилиш мумкин бўлади. Хотиржамлик билан бир пиёла чой ёки кофе ичиб кетиши мумкин.

Гриль-барлар – савдо марказларида, шаҳар мавзеларида, дам олиш зоналарида, одамлар гавжум магистралларда, ресторанларда жойлашган бўлади. Гриль-барда хўранда танқис, ноёб овқатларни олиши мумкин. Бу ердаги таом ассортименти хўранданинг тезлик билан овқатланишига имкон беради. Бу барларда энг кўп тарқалган овқатлардан қовурилган балиқ, жўжа, кабоб, бифштекс бўлади. Гриль-барларда таом хўранданинг кўз олдида тай-ёрланади. Гриль-барларда бар пештахталари рўпарасида столчалар ёки узун курсилар қўйилади. Пештахтанинг ички томонида сотувчи хизмат қилади. Таомни чала тайёр маҳсулотлардан унинг ўзи тайёрлайди.

Кафе (қаҳвахона) – истеъмолчилар овқатланиши ва дам олишини таъминлайди. Ресторан маҳсулотларига қараганда булар ассортименти кам. Кафе фирма ва буюртма таъомлар тайёрлаш, хўрандаларга етказиб беришдек вазифани бажаради. Буларнинг ассортименти чекланган ва таом тайёрлаши мураккаб эмас. Кафеда иссиқчой, кофе, какао, муздай шарбатлар, минерал сувлар, қатик-сут, қандолат ва ширин таомлар мавжуд. Иккинчи таом сифатида тайёрланиши осон бўлган - қовурилган тухум, сосиска, сарделка, қуймоқлар, биринчисига шўрва берилиши мумкин.

Алкоголсиз кафеда ичимликлар ассортиментидан вино-ароқ маҳсулотлари олиб ташланади, алкоголсиз ичимликлар ва қандолат маҳсулотлари сотиш қўпайтирилади. Бу кафеларда дискотека бор. Тўйлар, юбилейлар, оиласий тушликлар, янги таом ва маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилади.

Маҳсулот ассортименти ва мижозлар таркибига қараб кафелар икки гурухга бўлинади:

- ассортименти бўйича маҳсулотларни сотиш-музқаймок кафеси, қандолатлар кафеси, сут маҳсулотлари кафеси;
- истеъмолчилар таркиби бўйича-ёшлар кафеси, болалар кафеси ва ҳоказо.

Музқаймоқ кафеси – ҳордиқ чиқариш учун энг гавжум жой. Ҳамма оиласалар ҳам ресторан ёки барга боравермайди, чунки у жойлар ёши жиҳатидан катта тоифадагиларга мұлжалланган, нарх-навоси ҳам юкори. Музқаймоқ кафелари эса ҳаммабоп, бутун оила аззолари билан келиб музқаймоқ истеъмол қилиш ва дам олиш мүмкін. Музқаймоқ тайёрлаш жараёни ҳам ўзига хос. Ишлатиладиган асбоблар зангламайдиган пўлатдан ясалади. Жиҳозларни саклаш учун стеллажлар, идишларни ювадиган жой, очик ва ёпиладиган, деворга ўрнатилган жовоончалар, қуи даражали музлатгичлар, стол ва бошқалар бўлади. Музқаймоқ кафеси учун унча катта майдон талаб қилинмайди.

Музқаймоқ кафелари савдо залида: паст ҳароратли витринада музқаймоқ ассортименти намуналари қўйилади. Мебель бўлади, чой ва кофе қайнатадиган анжомлар ёрдамида мижозларга иссиқ чой, кофе тайёрланади. Бундан ташқари музқаймоқ кафесида ҳар хил пишириклар, қандолат маҳсулотларини ҳам харид қилиш мүмкін.

Кафетерийлар – йирик озиқ-овқат ёки ноозик-овқат магазинларида ташкил қилинади. Кафетерийларда иссиқ ичимликлар, сут-қатиқ маҳсулотлари, бутербродлар, қандолат маҳсулотлари ва бошқалар тайёрланиши ва сотилиши мүмкін, унча қийин бўлмаган маҳсулотлар бўлади. Алкогол ичимликлар сотиш тақиқланади. Ҳисоб-китобни буфетчининг ўзи бажаради.

Ошхона-тегишли мижозлар талабини қондириш, озиқ-овқатлар истеъмол қилинадиган умумий овқатланиш маскани. Ҳафтанинг кунлари бўйича таомнома тузилади, таъомлар тайёрланади ва хўрандаларга тақдим этилади. Умумий овқатланиш корхоналари орасида ошхоналар энг кенг тарқалган умумий овқатланиш жойи ҳисобланади. Асосий фаолияти – ўз маҳсулотидан аҳоли учун таомлар тайёрлаш, уларнинг хўрандалик талабларини қондириш, нонушта, тушлик, кечки овқатлар ёки уларнинг бир қисми тайёрланади. Ошхоналардан уйга ҳам овқат берилади, олдиндан буюртмалар қабул қилинади, шунингдек, овқат маҳсулотлари, чала тайёр маҳсулотлар сотилади.

Ошхоналар бир-бирларидан фарқланади:

- маҳсулотлари ассортименти бўйича: умумий ва парҳез таомлар ошхоналари;
- хизмат кўрсатиладиган мижозлар: мактаб болалари, талабалар ва шунга ўхшашлар;
- манзили бўйича: ҳамма учун, ўқув юрти ва корхона, муассаса ходимлари учун.

Тамаддихона – таомлар ассортименти чекланган умумий овқатланиш маскани. Тегишли хомашёлардан тез ва осон таом тайёрланади, хизмати ҳам тез амалга оширилади. Истеъмол таъомлари ассортименти-совуқ ва иссиқ таъомлар, ҳаммабоп ва тез тайёрланадиган таомлар: сосиска, сарделкалар, чучвара, қовурилган тухум. Спиртли ичимликлар сотиш тақиқланади.

Тамаддихоналарда хоҳлаган овқат танланади, кўп ҳолларда тиктуриб тамадди қилинади. Таом танлангач, ҳисоб-китоб бирданига амалга оширилади. Бу иш автомат-кассалар орқали ҳам бўлиши мумкин. Тамаддихоналарда ҳамма ишлар жуда тез бажарилади. Шошилган, вақти зих кишилар бир зумда овқатланиб, йўлига равона бўлишлари мумкин. Тамаддихоналар одамлар қатнови сероб, кўзга тез ташланадиган жойларга курилади.

Тамаддихоналар маҳсулотлар ассортиментини сотиш бўйича умумий ва маҳсус турларга бўлинади. Маҳсус тамаддихоналарда чучвара, пиширилган гўшт, кабоб, сомса, котлет, сосиска, бутерброд ва бошқалар тайёрланади.

Буфетлар – овқат маҳсулотлари сотишга мўлжалланган бўлади. Улар ичкарида ва ташқарида жойлашиши мумкин. Чала тайёр, ҳар хил бошқа маҳсулотлар, энг кўп талаб қилинадиган иссиқ ичимликлар билан савдо қиласи. Мактаб ва билим юртлари буфетларидан ташқари ҳамма буфетлар тамаки маҳсулотлари билан ҳам савдо қиласи. Ўз-ўзига хизмат қилиш амалга оширилади. Ҳисоб-китоб буфетчи ёки савдо автомати орқали бажарилади.

Буфетлар қўйидаги жойларда фаолият кўрсатади: меҳмонхоналарда, томоша масканларида, спорт майдонлари атрофида, вокзалларда, дарё, денгиз кемаларида, ишлаб чиқариш ва транспорт корхоналарида, курилиш ва бошқа муассасаларда. Одатда буфетлар маҳсулотларни ўзларига қарашли умумий овқатланиш корхоналаридан олади.

Мактаб ва билим юртлари қошидаги буфетлар куни узайтирилган мактабларда қолувчи ўқувчилар ва мактаб ходимлари учун нонушта ва тушликлар беради. Умумтаълим мактабларида мактаб қурилиш лойиҳасида белгиланган тартибда буфетлар жойлаштирилади. Оммавий ўйин-томуша жойларидаги буфетларда олий сифатли қандолатлар, конфетлар, мева ва маъданли сувлар, ҳўл мевалар бўлиши керак. Спиртли ичимликлар билан савдо қилиш мумкин эмас.

Бахт уйлари қошидаги буфетларда мева-чевалар, шоколад, конфетлар, шунингдек гуллар ва совға буюмлари бўлади. Никоҳдан

ўтувчиларнинг хоҳишига қараб, олдиндан дастурхон тузатилиши ва официантлар хизмат қилиши мумкин.

Овқат магазинлари – аҳолига ҳар хил овқат ва қандолат маҳсулотлари, чала тайёр маҳсулотлар, кўшимча бошқа нарсалар сотади. Бу магазинларда ҳар хил таомлар, қандолат маҳсулотлари, чала тайёр маҳсулотлар, хомашё-нинг янги турларини тайёрлаш, столларга дастурхон ясатиш бўйича маслаҳатлар берилади. Овқат ва қандолат маҳсулотлари кўргазмасида савдо ташкил этилади. Сотиладиган маҳсулотларга олдиндан буюртма қабул қилинади. Йирик овқат магазинларида иссиқ ичимликлар ва қандолат маҳсулотлари сотадиган кафетерийлар ташкил этилади. Сотиб олинган моллар ҳисоб-китоби назорат касса машинаси орқали амалга оширилади.

Овқат магазинлари аҳоли яшовчи биноларда ва одамлар гавжум бўладиган кўчалардаги алоҳида уйларда жойлашиши мумкин. Улар ресторон, ошхона ва бошқа корхона филиаллари ҳисобланади.

Чойхоналарда чой ва ундан тайёрланган пишириклар, қандолат маҳсулотлари, гўшти овқатлар, балиқ, тухум, мол гўшти, қовурилган тухум, колбаса ва бошқалар сотилади. Бу ерда асосан ўз-ўзига хизмат қилиш амалга оширилади. Бу чойхоналар Марказий Осий ва бошқа араб мамлакатларга хос.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда чойхоналарга кенг имкониятлар берилди. Ўтган 25 йил ичида шундай чойхоналар бунёд этилдики, улар фақат чой ичиш жойигина эмас, ажойиб ҳордиқ чиқариш, кўнгил очиш, дўстларнинг суҳбатлашиш маконига айланди. Бу ерда мижозларнинг ўзлари хоҳлаган овқатларини тайёрлашлари, айниқса, чойхона палови жуда машхур. Чойхоналар маданий дам олиш масканига айланди. Минглаб одамлар тўпланган чойхонада етук санъаткорлар чиқишлари, чойхона жойлашган худуд аҳлининг қўлга киритган ютукларини қўриш, эшитиш қандай қувонч баҳш этади.

Туристларни овқатлантиришда кўп ҳолатларда, суҳбатларда швед столи усулида овқатлантиришнинг афзалликлари келтирилади. Энди эътибор қиласилик – бизнинг чойхоналаримиздаги хизматлар қандай?. Бу мураккаб савол эмас. Дикқат қилсак, чойхоналаримиздаги хизматларни халқимиз азалдан швед столи усулида ташкил қилган. Балки шведлар бу усулни бизнинг чойхоналаримиздан олгандир. Бу ерда энг муҳими, меҳмонларни овқатлантиришдаги қулай усулларни биринчилардан бўлиб халқаро овқатлантиришга тавсия қилишдир. Шведлар бунинг уддасидан чиқишиди.

Кафе – истеъмолчиларга кенг ассортиментли кофе ичимлигини тавсия қиласидиган махсус корхона. Бутун дунёга машхур бўлган энг машхур ичимликлар уларнинг таомномасида қўйидагилар бўлади:

- табиий кофе;
- капучино кофеси: қайнаган сут кўпигига ўхшаш кўпикка эга бўлган кучли қора кофе, баъзан долчин ва майдаланган шоколад қўшилади;
- люц кофеси: кучли мева ликери билан;
- корретто кофеси: узум ароғи билан;
- варшава кофеси: пиширилган сут ва сут кўпиги билан;
- турк кофеси: қанд билан қўшиб қайнатилган;
- эспрессо кофеси: кучли қора кофе, махсус аппаратда майдаланиб, қатламлари орқали қайноқ сув ўтказиб тайёрланади.

Кафеда мижозлар кофега ўхшаш бошқа ичимликлар-шарбатлардан тортиб то қучли алкогол ичимлигигача ичишлари ҳам мумкин. Муқобил ичимлик сифатида таомномага қора, кўк ва ўт чой киритилиши мумкин:

- кўк чой;
- наъматак;
- ялпиз чой;
- кўкат ўт чой;
- ромашка чойи;
- муз билан чой;
- қора чой .

Кафеларда газаклар худди ресторан ёки кафелардагидек бўлади, таомлар тўлалигича таъомномага киритилади.

Таянч сўзлар: маршрут, палатка усули, экспедиция усули, официант, ассортимент, газаклар, буфет, бутербродлар, коктейллар.

Назорат саволлари:

1. Маршрут атамаси нимани англатади?
2. Туризм маршрутларида туристлар қандай овқатлантирилади?
3. Овқатлар ассортименти дейилганда нимани тушунасиз?
4. Дискобарларнинг фаолияти нималардан иборат?
5. Ресторанлар бошқа овқатлантириш корхоналаридан ажралиб туришининг сабаблари нималардан иборат?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Ресторанларнинг фаолиятларини тушунтириб беринг.
2. Экотуристларни “палатка усули”да овқатлантиришни гапириб беринг.
3. Инглизча усулда туристларга таомлар ва ичимликлар қандай қўйилишини кўрсатиб беринг.
4. Фаранглар усулида туристларга таомлар ва ичимликлар қандай қўйилишини кўрсатиб беринг.
5. Немисча усулда туристларга таомлар қандай қўйилишини гапириб беринг.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. “Маршрут” сўзининг маъносини аниқланг.

- а) французча - юриш, олдинга харакат
- б) русча - йўл
- в) ўзбекча - маъноси йўк
- г) инглизча - йўл

2. Экспедициядаги туристлар ... усулида овқатлантирилади.

- а) транспортда
- б) далада
- в) палатка
- г) ресторанда

3. Тамаддихона бу - ...

- а) таомлар ассортименти чекланган умумий овқатланиш маскани.
- б) чойхонанинг бир тури
- в) кафеларнинг бир тури
- г) буфетлар

4. Ҳозирда таом беришнинг нечта усуллари анча оммабоп хисобланади?.

- а) 2 та усули
- б) 3 та усули
- в) 4 та усули
- г) 5 та усули

5. Кафе бу - ...

- а) истеъмолчиларга кенг ассортиментли кофе ичимлигини тавсия қиласиган маҳсус овқатлантириш корхонаси.
- б) тезкор овқатлар тайёрлайдиган овқатлантириш корхонаси
- в) фақат ичимликлар тайёрлайдиган буфет
- г) фақат ширинликлар тайёрлайдиган корхона

4 – БОБ. ТУРИСТЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

4.1. Туристлар овқатланишига боғлиқ ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг умумий тамойиллари

Озиқ-овқатларнинг маҳсулотларини ишлаб чиқари ва тайёрлаш ҳамиша фойдали ишлаб чиқариш йўналишларидан бўлиб келган. Озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг пасайиши мумкин эмас. Аксинча, дунё аҳолисини озиқ-овқатлар билан таъминлаш яшаётган асримизнинг энг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, вакт ўтган сари озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам, таомларнинг ўзини ҳам сифат ва санитария-гигиена меъёрлари бўйича тайёрлаш такомиллашиб боради.

Бу такомиллаштириш усулларини, технологияларини ишлаб чиқиш туристлар, айниқса халқаро туристлар учун жуда муҳим ҳисобланади. Тўғри овқатлантириш учун биринчи навбатда замонавий асбоб-ускуналар ва исботланган технологиялар лозим.

Озиқ-овқатларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиши. Озиқ-овқатларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш озиқ-овқатлар тайёрланадиган маҳсулотларни хомашёларни мавжуд технологиялар асосида сақлашдан бошланади. Агар уларни сақлаш меъёрлари бузилса, сифатли таомлар тайёрлашда бу салбий ҳолатлар билинади ва таомлар тезда бузилишни бошлайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари албатда совутгичда (маҳсулотнинг хилларига қараб картон яшикларда, бидонларда, шишаларда ва бошқ..), озиқ-овқатнинг баъзи хиллари ер ости бункерларида, катта ва кичик цистерналарда сақланиши мумкин.

Иккинчи босқичда озиқ-овқат маҳсулотларини турли хил бирикмалардан тозалаш бошланади. Аслида бу жараёнда маҳсулотларни таомларни тайёрлаш бошланади. Бу жараёнда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланадиган таомлар бўйича майдаланиши ёки турли микдорларда аралаштирилиши, тайёрланган хом ашёларга тайёрланадиган таомларнинг турлари бўйича белгиланган ҳарорат, совутиш ҳам берилиши мукин.

Технологиялар бўйича кимёвий ёки биологик қўшимчалар қўшилиши ҳам мумкин. Тайёрланган хомашёлар қадокланади ва уларга товар белгилари қўйилади. Ана шу қадокланган хомашёларга ушбу маҳсугот ҳақидаги барча ахборотлар (номи, тўйимлилиги, фойдалниш турлари, дориворлиги, витаминлар, тайёрлаш усуллари, маҳсулотни тайёрлаган корхона, сақлаш муддатлари ва бошқ..) ёзма шаклда қўйилади.

Юқори технологиялар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини тез тайёрлашга қуидагилар мисол бўла олади:

- меваларни тезлиқда совитиш;
- нон маҳсулотларини ва хамиртурушларни тайёрлаш;
- сут ва сут маҳсулотларини стериллаш.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишида маҳсус ускуналардан фойдаланиш талаб қилинади. Бу ускуналар энергияни кўп тежовчи технологиялар бўйича ишлайди ва экологик тоза маҳсулотларни тайёрлашга мослашган.

Озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш учун ускуналар. Озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш учун ускуналар тайинланган меъёrlар ва стандартларга тўлиқ жавоб бериши шарт қилиб қўйилган.

Энг муҳими шундан иборатки, озиқ-овқатларни ва таомларни тайёрловчилар ўзларига мос бўлган қандай асбоблар ва қандай ускуналарни танлашнинг уддасидан чиқишилари лозим. Шунинг учун ҳам озиқ-овқатларни тайёрлайдиган корхоналарда озиқ-овқатлар тайёрлашда ишлатиладиган маҳсус асбоблар ва ускуналарни яхши билувчи маҳсус мутахассис штати бўлиши керак.

Сўнги вақтларда экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга талаблар ортиб бормоқда. Одамлар хар-хил кимёвий бирикмалар қўшилмаган тоза таомларни сўрашмоқда. Шунинг учун ҳам Европа давлатларида таомларда 95% органик моддалар бўлган таомларни экологик тоза таом деб ҳисоблашади.

Бу ерда шуни таъкидлаш керак-ки, экологик тоза озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш қандайдир табакалар ёки айнан халқаро туристлар учунгина эмас балки, умум аҳоли учун ҳам ишлаб чиқарилиши лозим. Экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари дехқончилик ва чорвачиликдаги маҳсулотларнинг назоратига боғлиқ ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи бу икки қишлоқ хўжалиги соҳаси этиштириладиган маҳсулотларни фақат табиий шароитларда, минерал ўғитлар ишлатмасдан, кимёвий бирикмалар қўшмасдан таёrlаши лозим.

Озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзларининг муваффақиятли ишлари ва мижозлар талабларидаги озиқ-овқатларни ишлаб чиқариши учун қуидаги хужжатларга ҳам эга бўлишлари керак:

- санитария-эпидемиология ташкилотининг рухсатномалари;
- ишлаб чиқаришнинг техник шароитлари(ТШ);
- ёнғинга қарши ташкилотнинг рухсатномаси;

- озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишловчиларнинг тиббиёт дафтари, маҳсус кийим-бош;
- корхонанинг санитария-гиёна талабларига тўлиқ жавоб бериш далолатномаси;
- ишлаб чиқариш лицензиялари ва сертификатлари ва бошқалар.

4.2. Овқатланиш корхоналаридаги технологик жараёнлар

Овқатланиш корхоналарининг барчасида хўрандалар тайёр овқатларни қабул қилишади. Овқатларни тайёрлаш эса анча чўзиладиган вақтни, маълум мақсадларга йўналтирилган, ўзига хос бўлган технологик жараёнларда иборат.

Овқатланиш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотларидан таомлар тайёрлашни ташкил қилишнинг уч шакли мавжуд:

- маҳсулотлар ишлаб чиқаришни хомашёдан бошлаб тайёрлаб, то истеъмолгача етказиш;
- ярим тайёр маҳсулотлардан маҳсулотлар тайёрлаб, истеъмолгача етказиш;
- тайёр таомларни олиб истеъмолчига етказиш.

Таомларни тайёрлашда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўла ва тўла бўлмаган технологик жараёнларга бўлинади.

Тўла технологик жараёнга ташкилотларда хом-ашёни қабул қилиб олишдан, омборхонадан олиб чиқишдан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқилиб, реализация қилиниши билан тугаган технологик жараён киради.

Тўла бўлмаган технологик жараёнда ярим тайёр маҳсулотлар марказлашган тартибда сақланади, савдо ташкилоти уни олиб тайёрлайди ва реализация қиласди.

Овқатланиш корхоналарига олиб келинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини шартли равишда хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларга бўлиш мумкин.

Хомашё – корхонага олиб келиниб, кулинар ишловига бериладиган маҳсулотлар (сабзавот, гўшт, балик., тухум, ёрма, ун ва ҳоказолар) улар тўла технология схемаси бўйича ишланади:

- хомашёни ишлаш;
- таом тайёрлаш;
- реализация қилиш.

Ярим тайёр маҳсулотлар – бир ёки бир неча кулинар ишловдан ўтган, аммо ҳали кулинар ишлови меъёрига етмаган кулинар маҳсулотини

таом даражасига етказиш керак, уни таом сифатида истеъмол қилиб бўлмайди. Ярим тайёр маҳсулотларга ишлов бериш натижасида тайёрглиги турли даражада бўлади.

Тайёрглиги юқори даражадаги ярим тайёр маҳсулотлар – бу маҳсулотлар механик, иссиқлик, кимёвий ишловдан қисман ёки тўла ўтган, яна бир оз ишланса, таом ёки кулинар маҳсулот сифатига етказиладиган озиқ-овқатлардир.

Кулинар маҳсулотлар – кулинар тайёргарлик даражасига етказилган, яна озгина иситилса ёки ишлов, шакл берилиб сузилса бўлаверадиган босқичда.

Тайёр кулинар маҳсулотлар – умумий овқатланиш корхоналарида бу кулинар ёки қандолат маҳсулотларини истеъмолга тайёр, реализация қилиш мумкин деб ҳисобланади. Тайёр таом ва кулинар маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик жараёни икки босқичдан ўтади:

1. Хомашёнинг механик кулинар ишлови (ярим тайёр маҳсулотларни тайёrlаш) – тайёrlов цехида амалга оширилади (гўшт, балиқ, сабзавот).

2. Иссиқлик таъсирида ярим тайёр маҳсулотлар ва озиқа маҳсулотларига кулинар ишлов берилади (тайёр ҳолга келтирилади).

Ошхона, қаҳвахона, ресторанларда реализация олдидан механик, иссиқлик бериш билан тайёrlанадиган маҳсулотларни шу корхоналарнинг ўзлари ишлаб чиқарган бўлади. Кулинар ишловисиз сотиладиган маҳсулот ва товарлар харид қилинган товарлар дейилади. Умумий овқатланиш корхоналари тайёр кулинар маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга турли ярим тайёр маҳсулотларни ҳам сотади.

Хомашё ишлатадиган умумий овқатланиш корхоналарида технологик жараённинг қуйидаги тизими мавжуд:

- хом ашё омборхоналарга жўнатилади, у ерда узоқ вақт сакланмайди; омборхонанинг бир қисмида тез бузилувчи маҳсулотлар (гўшт, балиқ, сабзавот ва бошқалар) учун совутгич камераси бўлади, бошқа қисмида - қуруқ маҳсулотлар (ун, ёрма, шакар ва бошқалар) учун одатдаги жой бўлади, учинчисида - картошка ва шунга ўхшаш маҳсулотлар сакланади. Булардан ташқари идишлар, анжомлар ва бошқалар сакланадиган хоналар ажратилади;

- хомашёга механик ишлов берилади, иссиқ цехларда улардан ярим тайёр маҳсулотлар тайёrlанади;

- ярим тайёр маҳсулотларни тайёrlов цехига юборилади, у ерда таом ва кулинар маҳсулотлари ва олий даражадаги ярим тайёр маҳсулотлар тайёrlанади;

- тайёр таомлар тарқатиши бўлимига юборилади;
- тайёр маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотларни залда, буфетда, кулинар дўконида сотилади;
- чиқинди, озиқа-чиқиндилар ҳамма цехлардан чиқиндилар камерасига жўнатилади.

Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат таксимотида сифат ҳолати юз беради; битта ташкилотда ярим тайёр маҳсулотлар тайёрланади, бошқаларида булардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бундай ёндашиш таом тайёрлашнинг саноат усулини жорий қилиш, айрим меҳнат жараёнларини механизациялаш имконини беради.

Кулинар маҳсулотларини марказлашган музлатиш ва совутиш жойларидан олинса фойдалидир. Умумий овқатланиш корхоналарида таом ва кулинар маҳсулотлар маҳсус рецепт асосида тайёрланади, таркибиға кирадиган маҳсулотлар номи ва миқдори кўрсатилади. Сарфланадиган хом ашё меъёри ва олинадиган ярим тайёр маҳсулот, тайёр маҳсулот қайд қилинган дафтар ҳамма овқатланиш корхоналарида расмий хужжат бўлиб хизмат қиласи.

Кулинар маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни шартли равища икки босқичга булинади:

- маҳсулотга механик ишлов бериш;
- иссиқлик орқали пишириш.

Хом ашёга механик ишлов бериш натижасида ярим тайёр маҳсулот олинади, ўз навбатида бундан тайёр ва кулинар маҳсулотлари тайёрланади. Механик ишлов қуйидагилардан иборат: хомашёни муздан тушириш; ифлосланган ва истеъмолга тўғри келмайдиган жойларини тозалаш; қисмларга бўлиб чиқиш; тегишли шаклга, ўлчамга келтириш; маҳсулотларни тартиблаш.

Иссиқлик билан кулинар ишлови бериш – бу таомни пишириш, ярим тайёр маҳсулотларни иссиқлик воситаси билан тайёр ҳолга келтиришдан иборат. Таом тегишли ҳароратда қизитилгач, мазаси, ҳиди жалб қилувчи кўриниш олади, ёқимли ҳид таратади. Буларнинг ҳаммаси таом яхши хазм бўлиши учун заминдир. Бундан ташқари пиширилган таомда заарли элементлар куйиб кетади, юқори ҳарорат микроорганизмларни ўлдириб ташлайди.

Механик ва иссиқлик ишлови қуйидаги жараёнлардан иборат:

- механик жараён;
- гидромеханик жараён;
- иссиқлик жараёни;

- биокимёвий жараён;
- кимёвий жараён.

Механик жараён - маҳсулотларни турларга ажратиш, майдалаш, тўграш, аралаштириш, эзиш, пресслаш, миқдорларга бўлиш, маҳсулотга шакл бериш.

Гидромеханик жараён – ювиш, ивитиш, сувга солиб қўйиш, маҳсулотни фильтрдан ўтказиш.

Иссиқлик бериш жараёни – иситиш, совутиш, буғлаш, бир хароратда сақлаш.

Биокимёвий жараён – ачитиш.

Кимёвий жараён – маҳсулотга бирон модда қўшиб сифатини ўзгартириш. Бунда сирка ёки бошқа нарса қўшилиб, маҳсулотда ўзгариш хосил қилинади.

Овқатлантиришнинг йирик корхоналари ҳар хил цехга эга, улар хомашё: гўшт, балиқ, сабзавот, иссиқ, совук, қандолат маҳсулотларини қайта ишлашга ва маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган. Омборхона, идишлар, санитария техника хўжалиги ва баъзи бошқа хизматлар ёрдамчи цехларга қарашлидир.

Цех – корхонанинг дастлабки ишлаб чиқариш бўлимиdir, унда хомашёни механик, кулинар ишлаб чиқариш амалга оширилади, яrim тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар тайёрланади.

Овқатлантириш корхоналарида қуидаги цехлар мавжуд:

- тайёрлов цехи (гўшт, балиқ, парранда, сабзавотни) пиширишга тайёрлаб беради;
- пишириш цехи (совук, иссиқ таомлар);
- маҳсус цех (хамирли таомлар, қандолат, кулинар маҳсулотлар).

Залда мижозлар ўтирадиган ўринларнинг қўпайиши билан унинг цех тизими ҳам мураккаблашади, хизмат ва ишлаб чиқаришни яхшилаш вазифалари кенгаяди. Ҳар бир цехда технологик линия – технологик жараённи белгиловчи, зарур анжомлар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш участкаси ташкил этилади. Цех тизимининг устунлиги шундаки, техник жараённинг айрим операцияларини бажариш натижасида ходимлар ўз малакаларини, касбини мунтазам равишда ошириб боради.

Цехсиз тизим – яrim тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, унча катта, кучли бўлмаган, маҳсулот ассортименти чекланган корхоналарда бўлади. Буларга ошхоналар, тамаддиҳоналар, чучварахона, кабобхона ва бошқалар киради. Маҳсус ошпазлар бўлмайди. Ҳамма ишни битта ёки иккита бригада бажаради.

Таянч сўзлар: хом ашё, кимёвий қўшимча, биологик қўшимча, экологик тоза, минераллар, механик жараён, гидромеханик жараён, иссиқлик жараёни, биокимёвий жараён, кимёвий жараён.

Назорат саволлари:

1. Озиқ-овқатларни ташкил қилишнинг биринчи босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
2. Озиқ-овқатларни ташкил қилишнинг иккинчи босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
3. Озиқ-овқатларни тайёрлаш қандай талабларга жавоб бериши керак?
4. Механик ва иссиқлик ишлови қандай жараёнлардан иборат?
5. Цех тизимиға нималар киради?
6. Биокимёвий жараёнлар қандай мақсадда амалга оширилади?
7. Кимёвий жараёнлар қандай мақсадда амалга оширилади?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Тайёр таом ва кулинар маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги технологик жараённи тушунтириб беринг.
2. Овқатлантириш корхоналарида қандай цехлар мавжудлигини ўрганинг.
3. Тўла технологик жараённи айтиб беринг.
4. Тўла бўлмаган технологик жараённи айтиб беринг.
5. Экологик тоза маҳсулотлар қандай тайёрланишини тушунтириб беринг.
6. Озиқ-овқатларга механик ишлов бериш талабларини ўрганинг ва уйингизда машқ қилинг.
7. Хом ашё ишлатадиган умумий овқатланиш корхоналарида технологик жараёнларни ўрганинг.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

- 1. Озиқ-овқатларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ... дан бошланади.**
 - а) озиқ-овқат маҳсулотларини йиғищдан
 - б) озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашдан
 - в) озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашдан
 - г) озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишдан
- 2. Озиқ-овқатларни ташкил қилишнинг иккинчи босқичида қандай ишлар амалга оширилади?**

- а) озиқ-овқат маҳсулотлари сараланади
- б) озиқ-овқат маҳсулотлари қайта ишланади
- в) озиқ-овқат маҳсулотлари сақлашга қўйилади
- г) озиқ-овқат маҳсулотлари реклама қилинади

3. Озиқ-овқатларни ташкил қилишнинг учинчи босқичида қандай ишлар амалга оширилади?

- а) озиқ-овқат маҳсулотлари қадоқланади
- б) озиқ-овқат маҳсулотларига савдо маркалари қўйилади
- в) озиқ-овқат маҳсулотларининг озиклиги ҳақида тавсифлар ёзилади
- г) озиқ-овқат маҳсулотлари сотувга чиқарилади.

4. Механик ва иссиқлик ишлови нечта жараёнлардан иборат?

- а) 5 та жараён
- б) 6 та жараён
- в) 4 та жараён
- г) 3 та жараён

5 – БОБ. ТУРИСТЛАРНИНГ ОВҚАТИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

5.1. Туристлар овқатини тайёрлашда ва овқатланиш хизматини ташкиллаштиришда уларнинг қайси давлатдан, давлатнинг географик ўрни, иқлими, ижтимоий шароитлар, урф-одатларини ҳисобга олиш

Ҳар бир давлатнинг ўзига хос миллий ошхонаси ва унда бошқа бир мамалакатда тақорорланмайдиган, асрлар оша сақланиб келаётган, ўзининг тақорорланмас меҳмондўстлиги ва миллий таомлари бўлган ошхонаси мавжудdir. Масалан, Японияда туристлар гид бошловчи ёрдамида уларнинг миллий таоми бўлган «суси»ни тайёрлаш учун маҳсулотлар харид қилишади ва сайёхлар кўз олдида машхур бош ошпазлар томонидан «суси» тайёрланади. Паста – назаримизда Италия сарҳадларидан чиқиб кетган жуда ҳам оддий таом бўлиб кўрингани билан, саёхатда турист бу таомнининг турли хиллиги, унинг тақорорланмас таъми ва бир хил рецептда турли хил ошпазлар томонидан тайёрланган пастанинг мўъжизавий таъми билан танишади ҳамда уни бир-бири билан қиёслайди.

Голландия, Швейцария ва Италияга пишлокли турларда саёҳатчилар пишлокларни энг сара навини татиб кўриши ва пишлокли ярмаркаларга ташриф буюриши мумкин. Германия, Австрия, Чехия, Бельгия бўйлаб пиво турларида бу ичимлик ишқибозларига пивонинг турли-хиллигидан ташқари, пиво тайёрланиш хоналари, машхур пиво барлари ва фестивалларга ташрифи билан ҳам ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлатни ўзига хос миллий таомлари салоҳияти мавжуд.

Мавзунинг бу саволини тушуниб олишида ҳалқаро туристлар билан ишлайдиган туроператорларнинг хорижий давлатлар ҳақидаги билимлари жуда юқори бўлиши лозим. Чунки, хорижий давлатлардан келган туристлар биринчи навбатда албатда ўзлари билан иш бошлаган туроператор ёки гид-бошловчи билан кўпроқ мулоқатда бўлишиади. Ушбу мулоқатлар давомида уларнинг давлатлари ҳақида гапириб берши ёки қандайдир муҳим маълумотларни суҳбат давомида келтириши туроператор ёки гид-бошловчининг туристлар ўртасидаги обрўйини, ҳурматини оширади. Ўз давлат ҳақида яхши хуносаларни бошқа давлатнинг одамидан эшиятган туристлар жуда хурсанд бўлишиади.

Хорижий давлатларни ўрганишда имкон қадар энг муҳим маълумотларни қисқача келтириш мумкин. Қуйида биз ахолининг асосий қисми ислом динидаги Малайзия давлати ҳақидаги маълумотларни қисқача

келтирамиз²⁴. Туризмдаги тадбиркорлар бошқа давлатлар ҳақидаги маълумотларни ҳам қуйида келтирилганидек түплаб, йиғиб бориши керак.

Малайзия жанубий-шаркий Осиёning марказида жойлашган. Бу давлатнинг дунё харитасидаги ўрни ярим ойсимон кўринишга эга ва куррамизнинг белбоги ҳисобланувчи экваторга яқин бўлиб,¹ ва 7° шимолий кенгликда,¹⁰⁰ ва 119° шаркий узоқликда жойлашган. Малайзия худуди икки алоҳида-алоҳида ерлардан ташкил топган бўлиб, тор Кра буғозидан бошланади ва жанубда Жохар штатигача тўғри чўзилган Малакка ярим ороли ва Борнео оролидаги Сабах ва Саравак штатларидан иборат.

Малайзиянинг 750 километрли кирғонини жанубий Хитой денгизи сувлари ювиб туради. Ярим оролдаги қисми, шимолда Таиланд давлати билан чегарадош бўлиб, жанубида Сингапур Республикаси билан денгиз устида қурилган кўприк орқали уланган. Ғарбда Малайзия Малакка бўғози орқали Индонезия давлатининг Суматра ороли билан чегарадош. Малайзиянинг Борнео оролидаги Сабах штати шимолда Филиппин давлати билан Балабан бўғози орқали чегараланади.

Майдони – 330,434 км². Шундан Малакка ярим ороли – 131,598 км² ни, Борнео оролидаги Саравак штати – 124,449 км², Сабах штати – 73,367 км² ни ташкил қиласди (1-расм).



1-расм. Малайзия дунё харитасида.

²⁴ Ҳайитбосв Р. Ассалом Малайзия. Туристик рисола. Самарқанд, 2019.-46 б.

Иқлими. Малайзия Ҳинд океани ва жанубий Хитой денгизи ҳавзасида ҳосил бўладиган ҳаво массалари таъсирида юзага келадиган шамоллар ҳарорати билан боғлиқ иқлим минтакасида жойлашган давлат. Октябр-феврал ойларидаши шимолий муссонлар вактида Малакка ярим оролига жуда кўп ёмғир ёғади. Бу намлик вактида Саравак ва Сабах штатларининг шимолий қисмига кисман ёмғир ёғади. Жанубий-ғарбий муссонлар май ойининг ўрталаридан бошланиб сентябр ойигача давом этади. Йиллик ёғин микдори 2,032 мм.дан 2,540 мм.гача. Айрим жойларда 3000 мм.гача ёғин тушади.

Малайзиянинг барча қисмida ўртача йиллик ҳарорат 21^0+36^0C , асосан $+26^0+32^0\text{C}$ атрофида. Энг паст ҳарорат $+20+22^0\text{C}$. Ҳаво намлиги жуда юқори, 80% атрофида. Айни экваториал тропик иқлим. Очик ҳавода 1-1,5 соатда ички кийимлар жикка хўл бўлади. Шунинг учун уйларда, транспортда барча бино ва меҳмонхоналарда совутгичлар куйилган.

Аҳолиси. Малайзия аҳолиси 32 млн. киши. Аҳолининг асосий қисмини туб жойликлар-малайялар ташкил килади (2-расм). Шу билан бирга хитойликлар, хиндулар ва европаликлар ҳам яшайди. Малайзия аҳолисининг 17 миллиони (67,6%) малайялар, 27,2% ини хитойликлар, 8,9% ини ҳиндлар ва 2,3% ини бошқа миллатлар ташкил килади.

Тил. Баҳаза Малайя тили расмий жиҳатдан Малайзия давлат тилидир. Шу билан хитойликлар хоккеин, сантониз, ҳакка, ҳайнан, диалектларида, ҳиндулар эстамил, малай-алам, панҷаби, ҳинди, гужарат ва урду диалектларида гаплашадилар. Инглиз тили асосан тижорат ва саноатдаги савдо тилидир.



2-расм. Малайзиянинг истиқболдаги эгалари.

Дин. Конституция бўйича ислом дини Малайзияда давлат томонидан расмий жиҳатдан кабул қилинган дин. Аҳолининг 66 % и ислом динида. Бошқа диний ташкилотлар ҳам ўзларининг диний фаолиятини эркин равишда тузишади. Малайзияликлар ва Малайзиядаги кўпчиликни ташкил қилган хитойлик ва ҳиндуларнинг анча қисми исломни кабул қилишган. Шу

билин бирга уларнинг қўпчилиги таоист буддистлари дир. Хиндуларнинг қўпчилиги сикхлар. Хитой ва хиндуларнинг бир кисми, Саравак ва Сабахликларнинг туб жой аҳолиси христианлардир. Кўп миллатли Малайзия аҳолиси ўз динлари билан боғлик урф-одатларини ўзлариниг этник келиб чиқишига қараб ўтказадилар.

Давлат тузилиши ва Давлат маъмурияти. Малайзия давлатини расмий жиҳатдан конституцион монарх-қирол бошқаради. Олий Бошлиқ 5 йил муддатга сайланади. У Боз Вазир ва унинг маҳкамасида конун бўйича бош маслаҳатчи. У олий судни ва суд конунларини бошқарадиган Боз судьяни тайинлайди. Шу билан бирга У Малайзия армиясининг олий қўмондони, Малайзияда ислом ва бошқа динлар учун ҳам олий маъсулиятли бошлиқ.

Малайзия парламенти ўз таркибига олий Бошлиқ ва икки палатани: Девон Негарани (давлат девони-сенат) ва Девон Раият (вакиллар) палаталарини ўз ичига олади. Девон Негарада 69 аъзо бўлиб шундан 43 аъзони Олий Бошлиқ тайинлайди. Колган 26 аъзо Малайзиядаги 15 штатнинг конун чиқарувчи ассамблеяси томонларидан сайланади. Ҳар бир штат параламентта икки сенатор сайлади. Штат бошлиғи Султон ва унинг вакили Девон Негарага сайланиши мумкин. Сенаторлар 3 йилга икки муддатдан кўп бўлмаган вактгача сайланади. Девон Раият аъзолари тўлиқ сайлаш орқали тузилади.

Олий Бошлиқ Вазирлар Кенгашини тайинлайди ва хукуматни бошқариш ваколатини беради. Бу кенгаш Боз вазир ва унинг вазирлари бўлиб уларнинг барчаси парламент аъзоларидан бўлиши шарт.

Давлатнинг герби ва байроғи 3, 4-расмларда келтириб ўтилган.



3-расм. Малайзия давлатининг герби.



4-расм. Малайзия давлатининг байроғи

Гербдаги ёзувлар «куч бирликда» маъносини билдиради.

Давлат сиёсати вазирлар ва унинг тармоқлари учун катта қуролдир. Малайзиянинг 14 штатида ўз конституциялари ва ўз штати давлат маъмурияти мавжуд. Малайзия ярим оролидаги ҳар бир штат районларга бўлинган. Район раҳбари давлат номидан иш кўрувчидир. Ҳар бир районлар эса муқимларга (хўжаликларга) бўлинган. Муқимлар маъмурияти бошлиқлари сайлов йўли билан қўйилади. Муқимлар қишлоқларга бўлинган. Муқим маъмурияти қишлоқ бошлигини тайинлади.

Байрамлар ва дам олии. Малайзия кўп миллатли ва кўп динли мамлакат бўлганлигидан байрамлари ҳам кўплаб диний кўринишдаги байрамлардир. Миллий мустақиллик байрами ҳар йили 31-августда Мердека (мустақиллик) майдонида ўтказилади. Ушбу кун Малайзияликларнинг энг улуғ, энг катта байрамидир. Бу куни кинолар бепул кўрсатилади. Истироҳат ва дам олиш боғларидағи ўйинлар ҳам бепул. Болаларга биттадан совға, катталарга майдонларда бепул овқат беришади. Бундан ташқари кўплаб кўргазмалар, томошалар ташкил қилинади. Малайзия меҳнаткашларининг ва ҳарбий қисмларнинг тантанали паради ўтказилади.

Олий ҳоким туғилган кун. Малайзия Федерация штатлари олий ҳокими, конституцион монарх-қирол туғилган кунини нишонлаш байрами. Бу байрам ҳар йили июлнинг биринчи чорсанба кунида ўтказилади. Бу байрамнинг бошқаларидан фарқланиб туришининг маъноси шундаки, ўзининг хизматлари билан Малайзияда обрў-эътибор қозонган кишилар хақида кўплаб яхши гаплар, сухбатлар, эшиттиришлар, кўрсатувлар бўлади. Ҳукумат мукофотлари топширилиб, лавозимларга янги келганларни табриклишади.

Ийд-ал-Фитри байрами. Мусулмонларнинг муборак рамазон ойи тугаши билан бошланадиган ҳайит байрами. Эрта тонгда намоз ўқилади. Намоздан сўнг уйлар безатилиб ҳар хил ширинликлар, овқатлар пиширилади. Меҳмон, қариндошлар кутилади ёки борилади. Болаларга пуллар берилади.

Ийд-ал-Адха. Муқаддас Макка шахрида ҳажни бажараётган мусулмон ларнинг ислом дини календари бўйича 12-ойи кечасининг 10-кунида байрам қилинади (5-расм).



5-расм. Малайзиянинг байрамлардаги миллий кийимлари.

Мұхаммад(с. а.в.) пайғамбарнинг түгілган куни байрами ислом дини календари бўйича учинчи ойнинг 12 кунода нишонланади. Байрам тонги намоздан кейин муқаддас Қуръон оятларининг ўқишидан бошланади. Пайғамбарамизнинг хаёт йўли хақида муллалар кун бўйи хикоялар, ҳадислар айтиб беришади.

Хитойликларнинг янги йил байрами. Малайзиядаги хитойликлар ҳар йили хитойнинг ой календари бўйича биринчи ойнинг биринчи кунда (январ, баъзан феврал ойлари) катта байрам килишади. Бу байрам 15 кун давом этади ва байрам охирида Чак Ге Ми номига дуолар ўқилиб, курбонлик килинади.

Ой ширинлиги байрами хитойнинг ой календари бўйича саккизинчи ойнинг 15-куни нишонланади (сентябр-октябр). Хитойликлар ўзларича кундузи ой юборган ширинликлардан еган бўлади. Кечкурун болалар фонус ёруғида жим ўтиришади. Оналар эса оймома худосига дуолар ўқишади.

Резак куни байрами. Авлиё Будда туғилган май ойида байрам қилинади. Будда календари бўйича буддистларнинг муҳим байрами. Байрам давомида сиғинувчилар таёқлар олиб ёвуз руҳларни қувишади, курбонликлар киласи. Баландликларга чикиб кечаси ҳам бу жараёнларни давом эттиришади.

Дипавали. Будда календари ҳисобида хиндуларнинг октябр-ноябр ойларидаги жуда катта байрами. Қадимти мифология бўйича Авлиё Кришнанинг жинлар худоси устидан ғалаба қозонган кун. Бу кун одатда эрталабдан дуолар ўқилади. Сўнгра қариндош, дўстлар уйига борилади. Худога сиғиниш шамлар ёруғида кечасигача давом этади.

Христос байрами арафасида христианлар черковларга, меҳмонхона ларга тўпланишади. Дўстлар, оға-инилар бир-бирлариникига бориб Иусис Христос туғилган кун билан табриклашади.

Бундан ташкари Малайзияда кўплаб оммавий байрамлар, сайллар уюштирилади. Масалан, экинлар экиш мавсуми бошланиш куни, ҳосил байрами, рақслар ва уйинлар куни ва бошқалар. Бу байрамларни ўтказиш тартиби ва кунларини штат хокимиятлари ўзларича ҳал қилишади. Мусулмонлар янги йили, Куръон назли, ишчилар куни, муборак жума, 1-январ янги йил байрамлари шулар жумласидандир.

Таълим олиши. Мактаб таълими 6 ёшдан бошланади. Болалар 3 йил қуий синфларда, 3 йил катта синфларда ва 2 йил университетларга тайёрлов дастурлари бўйича ўқийдилар. Олий ва маҳсус қасб-хунар тизимида билим олиш Малайзиядаги 30 та коллежлар, 10 та политехника ва 10 та университетларда амалга оширилади. Бу ўқув даргоҳларида таълим олиш муддати 2 йилдан 6 йилгача. Ҳар хил даражалар олиш учун ўқиши 3-4 йил (6-расм).



6-расм. Малайзиянинг ўқувчилари.

Мактабда ўқитиши бепул. Олий ўқув юртларида тўлов мавжуд. Олий ўқитиши миллий тил бўлган малай баҳаза ва инглиз тилларида олиб борилади.

Бошланғич мактабларда Хитой ва Тамил тилларини ўрганиш имконияти ҳам яратилган. Мактабларда инглиз тилини ўрганиш иккинчи тил даражасига кўтарилиган бўлиб, мажбурий мақоми берилган. Давлат малай баҳаза ва инглиз тилларини яхши ўзлаштирган ўқувчиларга бу тилда яхши гаплашиш, ёзиш учун яна бир йил бепул ўқиши имтиёзини яратган.

Бошланғич таълимдан кейин барча ўқувчилар ягона асосий дастурлар асосида ўқиши учун “кичик” мактабларга ўтказилади. Ўқув академик йуналишларда, ихтисослашган фанларда ва мувофиқлаштирилган ҳунарни ўрганиш тизимида олиб борилади. Учинчи йил охирида ўқувчилар “кичик

олий мактаб”га кириш учун “кичик мактаб баҳолари” дастури асосида имтиҳонлар топширишади. Имтиҳон натижалари бўйича ўқувчиларга бошланғич таълимни битиргани ҳақида гувоҳнома берилади.

Академик мактаблардаги ва кичик таълим марказларидағи икки йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар “Малайзия дипломи” ни олиш учун имтиҳон топширишади. Кейинчалик бу ўқувчиларнинг 15-20 %и университетларда ўқиш учун тайёрлов курсларига қатнашади.

Малайзиянинг штатлари. Малайзия 14 та федерал штатга бўлинган. Ҳар бир штатнинг ўзига хос алоҳида номлари ва тавсифи бор. Федерал штатларни султонлар бошкаришади. Штатларнинг ҳокимияти ўз герби ва байроғини ўzlари белгилашади.

Петронас компанияси қурган “Эгизак бинолар” жаҳоннинг энг ноёб архитектура бинолари рўйхатига олинган (7-расм).



7-расм. Петронас компанияси қурган “Эгизак бинолар”кўриниши.

Куала Лумпур минораси Малайзиянинг энг чиройли биноларидан бири бўлиб баландлиги жихатидан Канаданинг СН - 553 метр, Россиянинг Останкино - 537 метр ва Хитойнинг Шанхай - 450 метрли телекурсатув биноларидан кейин жаҳонда тўртинчи ўринда туради (8-расм).



8-расм. Куала Лумпур минораси.

Малайзия хаётидан лавҳалар. Қўл бериб кўришиш Малайзиялик эркакларнинг саломлашиш белгисидир. Хотин-қизлар секин бош қимирлатиб, латофат ила жилмайган ҳолда саломлашишади. Болаликдан шундай тарбия беришади. Бири-бири билан ўпишиб кўришишдан воз кечган. Бу усулда эркаклар ҳам, хотин-қизлар ҳам саломлашишмайди.

Мехмондорчиликга борилса албатта аввал ҳабар қилишади. Таъомил шундай. Уйга келган меҳмонни уй эгаси кутиб олади ва икки қўли билан меҳмон қўлинни ўшлаб бироз энгашганича чин қалдан меҳмоннинг кутлайди. Ислом тартиби бўйича Малайзияда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш қатъяян ман қилинган. Хукумат тадбирлари, қонунлари билан халк орасида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш такиқланган. Дастурхондаги ичимликлар мева шарбатларидир.

Учрашув, тўй ва уйдаги меҳмондорчиликда қадаҳ сўзи айтилмайди. Тўйларда, жуда катта ошхоналарда, бозорлардаги сокинликни кўриб кайта-қайта таажубланасиз. Гуёки одамлар гаплашмай ўтиргандек. Аксинча, гаплашишади, бозорда савдо қилишади, кулишади ва хакозо. Факат бақириб-чакириб, тумтарокли қадаҳ сўzlарини айтишмайди. Тўйлар, байрамлар, туғилган кун ва жуда катта банкетлар тинч, уйин-кулги, дастурхон нозу-неъматларини ейиш, ширин сухбатлашиш билан ўтади.

Туризм соҳасида Малайзияда дунёда энг қулай, табиий-географик минтақада жойлашган давлатлардан биридир. Тропик иқлимли ўлка, ўзининг бетакрор ўсимлик ва хайвонот дунёси, беҳисоб дам олиш масканлари, кишини лол қолдирувчи денгиз кирғоклари билан ҳар йили

миллионлаб сайёхларни ўзига жалб қиласи. Ҳамма томони денгиз суви билан ўралган, йил давомида баҳор иклимига эга бўлган бу ўлкада дунёнинг кўплаб пулдор оиласи ҳам дам олишади.

Табиатнинг ноёб эҳсонидан Малайзияликлар имконият бор даражада фойдаланишади. Сайёхларнинг томошаси-ю, дам олиши учун ҳамма шароит муҳайё қилинган. Бу ўз навбатида мамлакат иқтисодига жуда катта фойда олиб келади. Таъкидлаганимиздек, 2 миллион аҳоли яшайдиган пойтахт шаҳар Куала-Лумпурда 90 та меҳмонхона бор. Жаҳон андозалари талаби бўйича меҳмонхоналар меҳмонларнинг дам олиши учун яратилган шароитга қараб юлдузлар билан белгиланади.

Энг юқори шароитли ва юксак даражадаги хизматли меҳмонхонага 5 та юлдуз қуйилади. Энди тасаввур қилинг Куала-Лумпурдаги 90 та меҳмонхона дан 15 таси беш, 13 таси тўрт, 8 таси уч, 46 таси икки, юлдузли меҳмонхона лардир, 48 та оддий меҳмонхона ҳам бор. Сайёҳлар, меҳмонлар ўзларининг имкониятларига қараб меҳмонхоналарни танлашади. Сайёҳлар ва меҳмонлар учун қайд қилинган шароит Малайзиянинг барча штатларида яратилган. Масалан, биргина Малакка штати туризм соҳасидан ҳар йили 8278700 АҚШ доллари миқдорида соғ фойда олади. Штатда 32 та меҳмонхона бор.

Ялпи ички маҳсулотнинг 50 % ини ташкил этадиган хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳадаги асосий йўналиш туризmdir. 2017 йили Малайзияга 20,8 миллион сайёҳ ташриф буюриб, бунинг натижасида мамлакат 14,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда кўрди. Малайзиянинг туристлар учун жозибадорлигини дунё мутахассислари мамлакатнинг қадимий маданияти билан юксак ривожланиш даражаси ажойиб тарзда уйғунлашиб кетганида деб ҳисоблашмоқда.

Пул бирлиги рингит дейилади. Бир рингит 100 сент (танга)га teng. Тангалар 1, 5, 10, 20, 50 сентлик. Қоғоз пуллар PM 1, PM5, PM10, PM20, PM50, PM100, PM500 ва PM1000 қийматига эга (PM-малайзия рингити). Малайзия Рингити Жанубий-шарқий Осиё Африка ҳатто, Европанинг кўплаб давлатлари пуллари орасида қиймати жиҳатидан устун туради. Бир АҚШ доллари 0,25 рингит 83 сентга teng.

Чет давлатлар билан алоқаси. Тинчликни шиор қилиб олган Малайзия давлати дастлабки ўринда ўзининг барча қушнилари Жанубий-шарқий Осиё давлатлари билан барча соҳаларда дустона алоқалар ўрнатган. Малайзиянинг ташқи сиёсати ҳарбий блокларга қушилмаслик, давлатларнинг тутган ички ва ташқи сиёсатларига аралашмасликдир.

Жанубий-шарқий Осиё давлатларининг жаҳон миқёсидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётида Малайзиянинг салмоқли ўрни бор. Бу минтақадаги барча давлатлар Малайзиянинг ислом ғоялари бирлигини сақлаш, давлатларнинг мустақил сиёсат юргизишни, иқтисодда замонавий технологияларни қўллаш соҳасида халқаро саммитларни ўтказувчи марказ ҳам деб билишади.

Малайзия жаҳоннинг 120 давлатлари билан дипломатик алоқалари мавжуд. Жаҳоннинг 84 мамлакати ўз элчихоналарини, дипломатик миссияларини Малайзияда очган. Малайзия БМТ ва БМТ қошидаги ташкилотлар, Жаҳон савдо ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон Банки, Жанубий-шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН), Осиё ва Тинч океани давлатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС) каби минтақавий ташкилотлар аъзоси.

Ўзбекистон-Малайзия: Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ва ҳамдўстликни ривожлантириш йўлида

Малайзия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йили 1-январ куни тан олган ва дипломатик муносабатлари 1992 йили 21 февралда ўрнатилган. 1993 йил июн ойида Тошкентда Малайзия элчихонаси очилди. 1999 йил декабр ойидан бошлаб Малайзияда Ўзбекистон элчихонаси фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат жамоатчилик доиралари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мақсадида 1998 йилда Тошкентда «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамияти ташкил этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг пойдевори Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йилда Малайзияга қилган расмий ташрифи ва Малайзия Бош Вазири Махатхир Муҳаммаднинг 1993 йилда Ўзбекистонга қилган расмий ташрифидаги музакораларда қўйилган эди.

2005 йил 2-4 октябр кунлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Малайзияда бўлди. Мазкур ташриф доирасида умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ўзаро савдо ва сармоявий битимлар имзоланган бўлиб, улар ахборот технологиялари соҳасида қўшма корхоналар ташкил этиш, электротехника саноати, майший электроника, мебел ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутади. Икки мамлакат ўзаро

муносабатларининг шартнома-хуқуқий асосларини 16 та хужжат ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Малайзия сармояси иштирокидаги 22 та корхона фаолият юритиб, уларнинг учтаси юз фоиз Малайзия маблағи ҳисобига ташкил этилган. Улар орасида, жумладан, нефт ва газ қазиб олий соҳасида фаолият юритувчи «ЎзМалОйл», қўшма корхонаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учун парвоз пайтида йўловчиларни овқатлантириш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона, тўқимачилик соҳасида фаолият юритаётган «Малика Тиэлвэй», мебелсозлик соҳасидаги «Файз Минт Плаза» қўшма корхона ларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Малайзиянинг «Петронас» давлат компанияси 2005 йилдан буён Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли кисмида нефт ва газ конларидан маҳсулот қазиб олиш мақсадида ташкил этилган консорциумда иштирок этмоқда. Бундан ташқари, «Петронас» мамлакатимизнинг жанубида амалга оширилаётган лойиҳаларда ҳам иштирок этмоқда.

Таълим соҳасида иккала томоннинг ҳам интилишлари, келишувлари ривожланиб бормоқда. 2007 йилнинг кузида ва 2008 йилнинг баҳорида Тошкентда Малайзиянинг 20 га яқин олий ўқув юртлари иштирок этган Малайзия таълим ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Малайзиянинг тарихий-маданий ўхшашлиги ҳамда мамлакатларимизнинг ривожланган сайёхлик инфратузилмаси икки томонлама ҳамкорликнинг такомиллашиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Малайзия вакиллари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида мунтазам иштирок этиб келади. 2007 йилда Жохор Бару штатининг «Газал Сери Махарани» анъанавий миллий мусиқа грухи танловда учинчи ўринни олишганди. Қисқаси Ўзбекистон-Малайзия: Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ва ҳамдўстликни ривожлантириши ўйли йилдан-йилга кенгайиб тобора равон бўлиб бормоқда.

МТСР (Malaysian Technical Cooperation Programme). МТСР (Кишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар) Малайзия ветеринария хизмати департаменти таркибида бўлиб маблағни ҳукумат хазинасидан олади. Бу халқаро миллий марказ 2-3 йилда жаҳоннинг 20-30 давлатларидан бир ёки 2 олимни ўз ўқув курсларига таклиф қиласи

МТСР фаолиятига тўхталганимизнинг маъноси шундаки, Ўзбекистонлик олимлар нуфузли бу халқаро илмий марказнинг барча мутахассисликлари бўйича ўқув курслари танловига қатнашиши мумкин. Ҳамма харажатлар МТСР ҳисобидан. Малайзия ҳукумати ўзининг техник

ҳамкорлик дастури доирасида Ўзбекистонлик мутахассисларнинг ўқишини ташкил қилиб келмоқда. Ҳозиргача Ўзбекистонлик 300 нафардан зиёд мутахассис ушбу дастур орқали турли курс ва анжуманларда иштирок этди.

Ўзбекистонда умум аҳолига овқатлар тайёрлашда ҳам, туристларни овқатлантиришда ҳам таомлар тайёрлаш ва овқатлантириш йўналиши жадал суратлар билан ривожланмоқда. Таомлар тайёрлаш ва овқатлантиришнинг бизнесдаги афзалликларини тушунаётган овқатлантириш турфирмалари сони тобора кўпаймокда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги «Умумий овқатланиш ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича» Қарорига²⁵ асосан Ўзбекистон Ошпазлар Уюшмаси қошида миллий ошпазлик санъати халқаро Маркази ташкил этилди. Узоқ тарихга эга анъаналарнинг борлиги ва миллий таомларнинг турли-туманлиги ўзбек ошпазчилигининг хорижий мамлакатларда кенг оммалашшиига олиб келиши ушбу ҳужжатда ўз аксини топган.

Бунинг учун бизда мавжуд, қадимдан шаклланган, экологик тоза ва инсон организмини тетик қиласидан миллий таомларимизни туристлар учун рекламани ташкил қилиш лозим бўлмоқда. Бунда антиқа миллий таомларимиз орқали гастрономия туризмини ҳам ривожлантириш режалаштирилмоқда. Вилоятларда, туманларда ва қишлоқларда факат шу жойга хос бўлган тайёрланадиган таомлар мавжуд бўлиб, унинг мазаси ва таркиби бошқа вилоятларда, туманларда ва қишлоқларида тақрорланмайди. Айнан шу жиҳати билан бундай таомлар хорижий туристлар ва маҳалий аҳоли учун ҳам мазали ҳисобланади.

5.2. Хорижий давлатларнинг туристлари учун овқатлар тайёрлаш

Хорижий давлатлардан келадиган туристлар учун таомлар тайёрлаш учун дастлаб хорижий давлатларда яшаётган аҳолиларнинг овқатланиши ва уларнинг хуш кўрган миллий таомларини, бу таомларнинг тайёрланишини билиш керак. Мамлакатимизда аста-секинлик билан Европа миллий таомлари, Франция миллий таомлари, Италия ва бошқа давлатларнинг номи билан аталган овқатланиш ошхоналари ташкил қилинмоқда.

²⁵. "Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларининг касбий даражасини ошириш чора- тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилдаги 10 октябрдаги 289-сонли қарор.

Иккинчидан, мамлакатимизда гастрономия туризмини ривожлантириш масалалари ҳам кун тартибиға чиқмоқда.

Учинчидан, хориж давлатларидан келаётган ҳалқаро туристларнинг барчаси ҳам бизнинг миллий таомларимизни истеъмол қилишдан бироз ҳадиксираши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда бундай туристлар албатда ўзларининг давлатларида тайёрланадиган таомларни сўраши аниқ. Шунинг учун ҳам, ҳалқаро туристларни овқатлантиришда улар яшаётган давлатларнинг таомларини ва бу таомлар билан овқатланишини ўрганиш ҳам ҳалқаро туристларни овқатлантиришдаги муҳим масалалар қаторида турибди.

Овқатланиш инсоннинг бутун ҳаётидаги асосий омиллардан ҳисобланиб келган. Маълумки, инсоният жамиятининг тараққиёти давомида турли давлатлардаги ҳалқларда овқатланиш маданияти ва бу маданиятда ўзига хос бўлган миллий анъаналар шаклланди. Озиқ-овқатларнинг маълум бир турлари инсоннинг яшаш шароитларидаги иқлимий ўзгаришларга ва диний эътиқодларига боғлик ҳолларда келиб чиқди.

Хозирги вақтда жаҳон туризмининг тобора ривожланиб бораётганлиги, ҳалқаро спорт ўйинларининг, олимпиадаларнинг, кўпайиб бораётганлиги бу мусобақаларда кўплаб спортчиларнинг қатнашиши, дунё давлатларидан меҳмонларнинг, журналистларнинг ва туристларнинг келиши уларнинг барчасини овқатлантириш масалалари тобора долзарб бўлиб бораяпти.

Франция, Англия, Италия, Ғарбий Европадаги давлатларининг ва Россияликлар Европа ошхонасини ва овқатларини танлайдилар ва хуш кўрадилар. Сўнги ўн йилликларда жаҳон туризмининг ривожланиши натижасида дунёдаги кўплаб ҳалқларнинг ошхонасидаги таомлар анча ўзгарди, кўплаб янги таомлар ихтиро қилинди ва шу билан бирга кўплаб таомлар бироз инқирозга ҳам учради. Ҳали ҳам, кўплаб ҳалқаро туристлар қайси давлатларда бўлмасин ўзларининг таомларини сўраши ҳам маълум.

Овқатланишнинг ривожланиши тарихини, жиҳатларини ўрганувчи олимларнинг хулосалариға биноан «Франция дунё ошхонасининг асосчиси» деб тан олинган.

Фаранглар денгиз маҳсулотларини (омар, лангуста каби катта денгиз қисқичбақалари, денгиз малюскалари), балиқ ва гўштли таъомларни, сабзавотлар ва меваларни хуш кўришади. Фаранг ҳатто тушликни бир ўзи қилаётган бўлса ҳам яхши вино унинг энг севимли ичимлиги ҳисобланади. Фаранглар тушликдан олдин бир рюмка спиртли ичимлик (портвейн

винолари, анисли ликёр, содали виски) ичишни ўзларининг овқатланиши маданиятига киритишган.

Кўп ҳолларда фаранглар тушлиқда бир бокал оқ винони, балиқ, денгиз маҳсулотларидан тайёрланган таомлар, гўштли таомларни ва пишлоқ билан тугатади. Фаранглар учун пишлоқ танқис ейимлик хисобланади. Пишлоқ ёки кофедан кейин улар мевалардан қилинган ароқ, кучли ликёр ёки конъяк ичишади.

Францияда биринчи таомлар-тиниқ кўринишдаги шўрва, пиёзли пюре шўрва, картошка пюРЕЛИ шўрва ва пиёзли шўрвалар кенг тарқалган ва оммавийлашган. Пиёзли шўрва анча қадимиЙ хисобланади. Эмил Золянинг 1873 йилда ёзган машҳур «Парижнинг туғилиши» асарида пиёзли шўрва батафсил тавсифланган.

Иссик таъомлардан фаранглар хуш кўргани- гўштли-ичи анча хом ва сирти енгилгина қовирилган бифштекс, Оқ соусли рагу хисобланади. Иккинчи таомга хар хил қўкатлардан, бодринг, помидор ва карамдан тайёрланган салатларни беришади. Франциялик туристларнинг Россия ошхонасини ҳам хуш кўриши маълум ва уларга Россияда танлаш учун ошхоналарининг барча менюсини дарҳол беришади.

Франциядан келган туристлар билан ишловчилар юқорида келтирилганларни яхши ўзлаштириб олишлари лозим.

Англияликлар гўшт, балиқ, сабзавотлардан тайёрланган таомларни ва миллий таомлари бўлган-сули кашасини хуш кўп истеъмол қилишади. Уларнинг биринчи овқати-булёнлар ва шўрва пюре. Улар учун икки бўлакчали қора чой, сутли қора чой анъанавий ичимликлардан хисобланади. Бундай таркибдаги чойларни узумли, сэндвич, озрок ширинлиги бўлган нон билан истеъмол қилишади. Танишлари келганида чой ичишни бир рюмка шерри ичимлиги билан «гўёки танишдик» маъносида тугатишади.

Англияликларнинг байрам дастурхонларининг асосий таомлари байрамда пишириладиган ғоз гўшти таомлари ва пудинг хисобланади. Англияликларнинг овқатланишини хисобга олиб, уларга колбасадан тайёрланган овқатларни, балиқ шўрваларини, лосос икраларини, ундан тайёрланган овқатларни таклиф қиласлик тавсия қилинади.

Немислар овқатларини тайёрлашда турли хил маҳсулотлардан фойдаланишади. Уларнинг биринчи таомлари мол гўштидан ёки чўчқа думидан тайёрланган пюре шўрва хисобланади. Улар бутербродларни, сут маҳсулотларидан тайёрланган шўрроқ таомларни хуш кўришади. Айниқса, сўндирилган карам ва кўплаб сабзавотлардан тайёрланган гарнирларни

иштаха билан истеъмол қилишади. Энг севимли ичимлиги-пиво. Германия ва Австриядан келган туристларга аччиқ таомларни тавсия қилишидан сақланиши керак.

АҚШ ва Канадаликлар гўшт ва парранда гўштларидан тайёрланган яrim фабрикатлар, консерваларни кўпроқ истеъмол қилишади. Уларнинг дастурхонларига сабзавотли, мевали салатлар, картошкали гарнирлар, шўрва –пюРЕЛИ бульёнлар, турли хил меваларнинг шарбатлари кўпроқ қўйилади. Уларнинг ошхоналарида дудланган балиқлар, ёғли гўштлар, чалоп ва шўр карамлар деярли ишлатилмайди.

Жанубий Америкадаги Перу, Уругвай, Бразилия, Парагвай ва Аргентина мамлакатларида чорвачилик яхши ривожланганлиги учун гўшт маҳсулотларидан тайёрланган овқатлар кўпроқ оммавийлашган. Чўчқадан тайёрланган овқатлар улар учун тансиқ таомлар хисобланади. Балиқ маҳсулотларидан тайёрланган овқатларни унчалик хуш кўришмайди. Гарнир сифатида кўпроқ гуруч ишлатилади. Уларнинг энг севимли ичимликлари-кофе хисобланади. Биринчи овқат турларини улар деярли сўрашмайди.

Скандинавия яrim орлида жойлашган давлатлардаги (Дания, Норвегия, Швеция, Финландия) аҳолининг ошхоналари таомлари асосан Европа ошхоналаридаги таомларга ўхшаш. Улар таомларни тайёрлашда балиқ маҳсулотларидан, сут ва гўшт маҳсулотларидан кенг фойдаланишади. Шириналар ва блинчикларни кўпроқ истеъмол қилишади. Мурабболар, мол, бузоқ ва чўчқа гўштидан қилинган тушонкаларни хуш кўришади. Севимли ичимликлари-турли хил усусларда тайёрланган кофелардир. Мехмонларга овқатлантириш хизматларини кўрсатишида дунёда энг оммавийлашган усул – “Швед столи”ни қўллашади.

Европанинг ошхоналаридаги анъаналарни *Фарбий Европаликлар*-булғорлар, чехлар, венгерлар, словаклар, поляклар ва бошқа халқалар ҳам қабул қилишган. Уларнинг барчаси сабзавотларни, меваларни, асални ва кондитер маҳсулотларини хуш кўришади. *Фарбий Европаликлар* овқатланишидаги битта ажралиб турадиган хусусият шундан иборатки, улар овқатланишида факат оқ нонни сўрашади.

Булғорларнинг ошхоналарида қўй гўшти, зираворлар ва қўшимчалар (саримсоқ пиёз, пиёз, шивит, петрушка, ва бошк..) кўпроқ қўлланилади. Булғорлар сутли шўрваларни, чалопларни, боршларни деярли ичишмайди. Улар овқатланишида факат оқ нонни дастурхонларига қўйишади. Севимли ичимликлари – қора кофе, кофени кўпроқ шарқ мамлакатларидаги усувлар бўйича тайёрлашади.

Полякларнинг ошхоналари таомларини тайёрлашлари кўпроқ Украина ва Россия ошхоналари таомларига ўхшайди. Улар кўпроқ сут маҳсулотларини, айниқса сметанани кўп истеъмол қилишади. Полякларнинг энг севимли овқатлари-тиник шўрвалар, сабзавотли ва мевали шўрвалар, балиқ, гўштли, паррандалар гўштларидан тайёрланган ва тухумли шўрвалардир.

Икинчи овқатларида картошка гарнирларини, карамни ва бошқа сабзавотларни кўпроқ ишлатишади. Ун маҳсулотларидан тайёрланган пирогларни, блинчикларни, турли хил шириналарни, музқаймоқларни, киселлар ва мевали салатларни хуш кўришади. Севимли ичимликлари – сутли қора кофе, мурабболарни эрталабки нонуштага кўпроқ кўйишади.

*Италянларнинг ошхонаси Ғарбий Европа давлатларининг ошхоналари таомларидан бироз фарқи шундаки, италянларнинг анъанавий овқатлари турли хил соуслар ва зираворлар қўшилган *паста-макарон* маҳсулотларидан тайёрланган таомлардир. Италянлар зайдун ёғи билан ишланган сабзавот салатларини, денгиз маҳсулотларидан тайёрланган таомларни жуда хуш кўришади. Шунингдек, уларнинг дастурхонларига мевалар, музқаймоқлар, бисквит тортлари, пирожнийлар, қора кофе ва вино қўйиш одат тусига кирган. Италиядан келган туристларга ёғ, чўчқа гўшидан тайёрланган таомларни, майдаланган гўшидан қилинган таомларни ва қора нонни асло тавсия қиласлик лозим.*

Араб давлатларининг (Миср араб Республикаси, Алжир, Сурия, Ироқ, саудия Арабистони, Ливан, Ливия ва бошқ..) ошхоналарида қўй, эчки, бузоқ, парранда гўштларидан тайёрланган таомлар устивор ҳисобланади. Улар консерва маҳсулотларини, сабзавотларни ва гуручдан тайёрланган таомларни хуш кўришади. Уларнинг oaқатланишида балиқ маҳсулотларидан, сут маҳсулотларидан тайёрланган таомлар кўпроқ. Айниқса, пишлок ва бринзаларни қўплаб истеъмол қилишади. Таомларни тайёрлашда пиёз, саримсоқ пиёз, зайдун ёғини, турли-туман қалампирларни, хушбўй ўтларни қўплаб ишлатишади. Севимли ичимликлари – чой, кофе, шарбатлар ва муз қўшилган сув ҳисобланади.

Шарқий Осиё (Хиндистон, Хитой, Япония, Корея, Вьетнам ва шу региондаги бошқа давлатлар) да яшаётган халқаларнинг асосий таомлари гуручдан тайёрланган таомлар ҳисобланади.

Ҳиндларнинг ошхонасида вегетарианлик устивор. Таомларнинг деярли барчасида гуруч ишлатилади, кучли таъмга эга қалампирлар, зираворлар ва соуслар дастурхонга кўпроқ кўйилади. Гўштли таомларида қўй ва эчки гўштларини оз микдорларда қўшишади.

Манбалардан маълумки, Ҳиндистон халқарининг жуда кўп қисми гўштили таомларни умуман истеъмол қилишмайди. Ҳиндлар ширин меваларни, меваларнинг шарбатларини, қадимдан анъанавий урф бўлган, сут қўшилган кучли чойни ичишади. Бу давлатда кофе ҳам жуда оммавийлашган. Кофени туркча тайёрлашади ва унга хушбўй ўтларнинг шарбатларидан томизишади.

Ўзбекистонда Ҳиндистонлик туристларга мол гўштидан тайёрланган таомларни таклиф ва тавсия қилишидан жуда ҳам сақланиш керак. Қорамол уларнинг асосий сизинадиган илоҳий ҳайвонларининг бири ҳисобланади.

Хитойликларда қадимдан қолган ва улар сақлаб келаётган қуйидаги мақол бор: - тоғда яшасанг, у ерда нима бор ўшалар билан овқатлан. Сувда яшасанг, сувда нима бор ўшалар билан овқатлан.

Хитойлик туристлар турли-туман зироворлар – шивит, кинза, ялпиз, саримсоқ пиёз, қалампир ва бошқаларни хуш кўришади. Кўплаб таомларига соя, гуруч, занжибал ва арпабодиёндан тайёрланган соусларни қўшишади. Хитой ошхонаси асосан гуруч, турли хил гўштлар, сабзавотлар, қўзиқоринлар ва ўсимликларнинг ёғларини ишлатишга ихтисослашган. Келирилганлар асосан иккинчи таомлар тайёрлашда ишлатилади.

Хитойлик туристлар уларнинг миллий овқати бўлган баракни, лапшаларни, ширин печенъеларни, русларнинг щисини, украинларнинг боршини, шашликни яхши кайфиятлар билан истеъмол қилишади. Миллий ичимлиги - чой.

Япония ва денгиз соҳилларидағи бошқа давлатларнинг асойи овқатлари денгиз маҳсулотларидан тайёрланган таомлар ҳисобланади. Булар: шўрва тайёрлашда ишлатиладиган акулаларнинг сузгичлари, сув ўтлари, денгиз малюскалари, денгиз қисқичбақалари ва типратиконга ўхшаш денгиз ҳайвонлари. Японларнинг овқатларида қўзиқоринлар, сабзи ва ловиялар кўп ишлатилади. Шунингдек, жуда кўп овқатларига соя ўсимлигидан олинадиган маҳсулотларни (соя сути, соя чаккиси) қўшишади. Японларнинг анъанавий ичимлиги-грунчдан тайёрланадиган ароқ-сақэ.

Келтирилган маълумотларни таҳлил қилганимизда шу ҳолатлар маълум бўладики, халқаро туристлар ўзларининг халқларида анъанавий бўлган озиқ-овқатларни хуши кўришади. Уларга хизмат қилувчилар бу талабларни яхши ўзлаштириб олишилари керак.

Халқаро туристларни овқатлантиришда яна бир мухим, эътиборли билимлар шундан иборатки, халқаро туристларни овқатлантиришда уларнинг қайси динга эътиқод қилишларини билишdir. Чунки, кўплаб

динларда бази бир ҳайвонларнинг гўштларини истеъмол қилиш тақиқланган. Ҳиндистонда қорамол гўштини истеъмол қилиш мумкин эмас. Бу ҳайвон улар учун илоҳий ҳисобланади.

Ислом динида чўчқа гўштини ишлатиш умуман тақиқланган. Ислом динидаги қўплаб давлатларда колбаса маҳсулотлари умуман дастурхонга қўйилмайди. Бази давлатларда қуён гўштидан таомлар тайёрлаш ман қилинган ва бошқ. Ислом динидаги туристларнинг дастурхонларига спиртли ичимликлар қўйиш умуман мумкин эмас. *Шунинг учун ҳам, ҳалқаро туристларни овқатлантиришда уларнинг динларга эътиқод қилишилари ҳам ўрганилади.*

Таянч сўзлар: кулинария, рецепт, тропик иқлим, ликёр, виски, сэндвич, гарнирлар, тансик таъом, блинлар, пироглар, соуслар, бисквит тортлари, вегетарианлар.

Назорат саволлари:

1. Ҳалқаро туристларни овқатлантиришда нима учун хорижий давлатларнинг ошхоналари ўрганилади?
2. Ҳалқаро туристларни овқатлантиришда уларнинг энг севимли миллий таомларини аниқлаш зарурми?
3. Европа давлатларида таъомлар тайёрлашда фарқлар ёки ўхшашликлар борми?
4. Фарнглар овқатланишда энг кўп истеъмол қилинадиган овқат ва ичимликлар номлари қандай?
5. Овқатланишдаги вегетарианлар кимлар?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Фаранглар дастурхонидаги энг кўп тайёрланадиган таомларни аниқланг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
2. Инглизлар дастурхонидаги энг кўп тайёрланадиган таомларни аниқланг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
3. Арабларнинг дастурхонидаги энг кўп тайёрланадиган таомларни аниқланг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
4. Хитойликларнинг севимли таомларни аниқланг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
5. Ўзбекларнинг севимли таомларни аниқланг ва амалий дарсларда гапириб беринг.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Ҳиндларнинг ошхонасида ... устивор ҳисобланади.

- а) гўштли овқатлар
- б) балиқли овқатлар
- в) вегетарианлик
- г) денгиз маҳсулотлари

2. Халқаро туристларни овқатлантиришда уларнинг ... ҳисобга олиш жуда муҳим.

- а) кийинишини
- б) диний эътиқодини
- в) қайси давлатдан эканлигини
- г) ташқи кўринишини

3. Хитойликлар ... ларни кўплаб истеъмол қилишади.

- а) гўштли овқатларни
- б) асосан зиравор
- в) денгиз маҳсулотларини
- г) ёғли таъомларни

4. Европаликлар овқатланишида дастурхонига фақат ... ни кўйишади.

- а) ичимликларни
- б) оқ нон
- в) тортларни
- г) соусларни

5. Қайси давлатларда асосан гуручдан тайёрланадиган овқатларни қилишади?

- а) Европа давлатларида
- б) АҚШ ва Канадада
- в) Араб давлатларида
- г). Шарқий Осиё давлатларида

6 – БОБ. ТУРИСТЛАР ОВҚАТЛАНИШИНИ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

6.1. Умумий овқатланиш корхоналарининг моҳияти

Туристларнинг озиқ-овқатга бўлган физиологик эҳтиёжини умумий овқатланиш корхоналари қондиради. Улар турлари билан бир бирларидан фарқланади. Туристлар овқатланиш корхоналари ресторон, кафе, бар, ошхона, овқатланиш жойлари ва бошқаларни ўз ичига олади. Туристлар учун турар жой бинолари билан таққослаганда, умумий овқатланиш корхоналари хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатига, шунингдек ошхона ва таклиф этилаётган таомлар турига, ўриндиклар сонига, ишлаш режимига, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш шаклига ва бошқаларга қараб таснифланади.

Кафе - бу меҳмонларга дам олиш ва кўнгил очиш билан биргаликда чекланган ассортиментдаги озиқ-овқат ва ичимликлар, қандолат маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлайдиган овқатланиш корхонасидир. Меҳмонхона мажмуаларининг аксарияти ўзларининг таркибидаги кичик кафега эга бўлишни афзал кўришади.

Бар - бу меҳмонларга турли хил ичимликлар, ширинликлар, ширин таомлар ва аператифлар билан таъминлайдиган ихтисослаштирилган овқатланиш корхонаси ҳисобланади. Барда қулай муҳит яъни мижоз дам олиш, мусика тинглаш имкониятига эга.

Ошхона – бу овқатланиш корхонаси сифатида ошхона кўпинча курорт меҳмонхоналари таркибида учрайди. Бундай овқатланиш корхонаси томонидан аҳоли қатламларига уйда дам олиш (таътил) вақтида нонушта, тушлик, кечки овқатларни истеъмолни ташкил этиш, ишлаб чиқариш, сотиш ва етказиб бериш учун мўлжалланган бўлиб, бу ерда турли хил қўшимча хизматлар ҳам тақдим этилади.

Ресторан - бу умумий овқатланиш корхонаси туристлар орасида жуда машҳур ҳисобланиб, меҳмонларга турли хилдаги таомлар, ичимликлар, қандолатчилик маҳсулотлари, шу жумладан маҳсус (фирменний) ва мураккаб пишириқларни таклиф қиласиган умумий овқатланиш корхонаси ҳисобланади. Ресторанларда юқори даражадаги хизматлар малакали ошпазлар, официантлар, бош официантлар томонидан кўрсатилади.

Ресторан ишини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти мижозларга юқори даражадаги хизмат кўрсатишдир. Синф - тақдим этилаётган хизматлар сифатини, хизмат кўрсатиш даражаси ва шартларини

тавсифловчи корхонанинг ўзига хос хусусиятларининг тўпламини ўз ичига олади.

Ресторанларда юқори даражадаги қулайликни таъминлаш учун кулай мебеллар билан жиҳозлаш ҳамда тегишли микроиклимини яратиш орқали эришилади.

Чет эллик сайёхларга хизмат кўрсатадиган ресторанларда официантлар ўз касбий вазифаларини бажариш учун зарур бўлган даражада чет тилларидан бирини билишлари шарт. Кўплаб ресторанлар миллий таомларга ихтисослашган бўлади. Менюда факат шу ресторанда тайёрланадиган маҳсус таомлар, газаклар, ичимликлар бўлиши керак.

Умуман олганда, ресторанлар инсоният жамияти ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Ресторанг “бориш” муҳим ижтимоий функцияга эга. Одамлар нафақат озиқ-овқат билан тўйинганлиги, балки бир-бири билан мулоқотга ҳам муҳтож. Ресторанлар ер юзидағи барча ҳис-туйғуларимиз умуний лаззатланиш туйғусини яратиш учун ишлайдиган кам сонли жойлардан биридир.

Ресторанларда тантанали зиёфатлар, учрашувлар, конференциялар, оиласвий тантаналар ва ҳ.к. учун хизмат кўрсатилади. Аксарият ресторанларда мусиқий дастур ва концертлар мавжуд.

Ресторанда хизмат кўрсатиш - бу ходимларнинг меҳмон билан учрашишдан то муассасадан чиқиб кетишга қадар бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигидир. Бу шунингдек, хулқ-атвор муносабатларини, алоқа белгиларини, ҳатто юз ифодаларини ва имо-ишораларни ўз ичига олади. Бу ерда аниқ қоидалар йўқ, воситаларни танлаш жамоатчиликнинг фикрлари ва бизнес концепциясига боғлиқ. Рестораннинг даражаси қанчалик баланд бўлса, хизмат кўрсатиш сифатига қўйиладиган талаблар шунчалик юқори бўлади, бу ерда авваламбор меҳмонларнинг истак ва ҳохишларига қараб хизматлар тезкорлик билан амалга оширилади.

6.2. Туристлар овқатланишини овқатланиш корхоналарида ташкил этиш, уларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш қоидалари

Туристларга хизмат кўрсатиш турларидан бири овқатлантириш ва сервис хизматидир. Туристларни овқатлантириш корхоналари қўйидагиларни ўз ичига олади: ресторанлар, кафе, бар, ошхоналар, буфетлар, озиқ-овқат магазинлари ва бошқалар киради. Туристлар асосан овқатланишда ресторанларга ташриф буюришади. Ресторанлар туристларни қабул қилиш ва хордик чиқаришини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ресторанда хизмат қилишнинг қуйидаги анъанавий шакллари қўлланилади:

1. Кундалик хизмат.
2. Банкетларда хизмат қилиш.
3. Хизмат қилишнинг маҳсус шакли.

Ресторанга мижозлар оқими келиши узлуксиз давом этганда мижозларга кундалик хизмат қилиш кучаяди. Ресторан хизмати қуйидаги асосий элементлардан иборат:

- хўрандаларни кутиб олиш ва жой -жойига ўтқазиш;
- буюртмалар қабул қилиш;
- буюртмаларни бажариш;
- буюрилган таом ва ичимликларни олиб келиб бериш;
- хизмат сўнггида ҳисоб-китоб қилиш.

Ресторан залига киришда келувчилар кутиб олинади, столларга кузатиб қўйилади, ўтқазилади ва таомнома билан таништирилади. Таом ва ичимликлар танлашда ёрдам берилади. Буюртма қабул қилинади.

Келувчиларни кутилган азиз меҳмон биринчи кимга рўпара келса, улар кутиб олади: энг аввал мижозларни швейцар ва гардероб соҳиби, сўнгра бош официант ва официант қабул қиласи.

Гардероб соҳиби келувчиларнинг уст кийими билан бирга қўлларидағи портфел, дипломат ва бошқа нарсаларни ҳам топширишни тавсия қиласи.

Бош официант - мижозлар билан ресторан хизмат қилувчиларини бир-бирига боғловчи звено. Бош официант ресторан зали олдида туриб, мижозларни кутиб олиши шарт, улар танлаган жойига кузатиб қўйиши ёки ўзи жой кўрсатиб ўтқазиши керак. Шу билан бирга бош официант мезбонлик вазифасини бажаради: келувчиларни ҳуш келибсиз деб кутиб олиши, уларга қараб мулојим жилмайиши лозим. Мехмонларнинг олдида то столгача юриб, ўтиришга ёрдам қиласи ва таомномани тавсия этади.

Агар мижоз ўзи жой танлаган бўлса, бош официант унинг орқасидан боради, танламаган тақдирда улар олдида бориб хоҳлаган жойига ўтқазади. Келувчилар гурух бўлса, неча кишига жой кераклиги ва залнинг қайси томонидан бўлишини сўрайдай. Уларнинг хоҳишини ҳисобга олиб, бош официант столларни кўрсатади ва мижозларни ўтқазади, у ерга бориш учун кулагай йўлни кўрсатиб, ўзи сал олдинроқда боради.

Бош официант ёки официант мижозлардан кимнинг қаерга ўтириши лозимлигини тавсия қиласи ва унинг билан бирга ахлоқ-одоб юзасидан қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- ўтиришга таклиф қилинган одам столини қулайроқ қилиб қўйиб бериш;
- олдин аёлларни, сўнгра эркакларни ўтқазиш керак, аёллар эркаклардан ўнг томонда, эркаклар столнинг ўнг бурчагида ёки аёлга қарама-қарши томонда ўтириши лозим;
- агар мижоз аёл билан келса, аёлни эркақдан олдин ўтқазади, эркакка эса ўтиришда бош официант ёрдам қиласди;
- борди-ю аёл официант хизмат қилаётган бўлса, у ҳолда ёши улуғларгагина ўтиришда ёрдам қилиши мумкин;
- мижозлар ўзлари жой танлаб ўтириб олсалар, уларни безовта қилиб, бошқа столга ўтқазишнинг ҳожати йўқ;
- бир жойдан иккинчи жойга ўтқазиш мижозлар хоҳиши билангина бўлиши мумкин;
- стайёрланмаган столга таклиф қилиш мумкин эмас;
- иш юзасидан учрашадиган мижозлар келса, уларни ҳам ўзларига қулий жойга ўтқазиш мақсадга мувофиқдир;
- гуллар столнинг марказига қўйилади.

Ресторанга гурух мижоз таклиф қилинганда таклиф қилган киши уларни кутиб олади. Бунинг учун бош официант кутувчининг қаерда туриши кераклигини олдиндан айтади.

6.3. Мижозлардан буюртма қабул қилиш ва уларни бажариш қоидалари

Мижозлар жой-жойларига ўтирганларидан сўнг бош официант ёки официант уларга таом ва ичимлик танлаш учун таомнома тавсия этади. Буюртма қабул қилинади ва бажариш учун киришилади. Бундай ҳолларда бош официант ҳам хизмат қилувчи официантга ёрдамлашиши мумкин.

Одатда, официант столнинг чап томонидан келиб, ичига таомнома жойлаштирилган папкани мижозларга беради. Гурухга хизмат қилаётганда таомномани ёши улуғ кишига тақдим этади, агар аёллар бўлса, улар орасидаги ёши каттароғига таомнома тутилади.

Агар мижозлар икки киши - эркак ва аёл бўлса, таомнома эркак кишига берилади, ўз навбатида, эркак киши таомномани аёлга узатади. Аёл таом танлаб бўлгач, эркак киши официантга буюртма беради. Гурух кўпчилик бўлган тақдирда таомномани официантга мурожаат қилган одамга берилади. Официант икки ва ундан ортиқ таомнома келтириши ҳам мумкин

Таомномани бериб, официант ичкарига кириб кетади. мижозларга таом танлашга имкон яратади, қайтиб келган официант ўнг томонда туриб буюртмани қабул қилиб олади. Агар мижозлар таом танлашда қийналса, официант ёрдам беради. Овқатлар номини ва сифатини айтиб, тавсия қилади. Агар официант билимдон, тажрибали бўлсагина таомлар мақтовини ўрнига қўйиши мумкин, мавсумга қараб таомлар, сабзавот, мевалар ҳақида ахборот беради, қандай суюқ овқатлар, иккинчи овқатлар ва ичимликлар, балиқли, сутли, хамирли таомлар ҳақида гапириб тавсия қилади. Совуқ тутпиши билан калорияли таомларга эҳтиёж ошади, буни ҳам ҳисобга олиш керак.

Таом танлашда мижозларга малакали ёрдам кўрсатиш учун официант қуидагиларни билиши шарт:

- хизмат қилиш жараёнини тезлатиш учун иссиқ цехда қанча тайёр таом борлигини;
- қанча вақт ичида овқат тайёр бўлишини;
- мавжуд гарнир ва қайла ассортиментини;
- таомларга тавсиф беришни.

Кафе ва ресторонлар учун идишларни ҳам кўл билан, ҳам идиш ювиш машинасида тозалаш осон, идеал даражада силлиқ, кимёвий ва ҳарорат

таъсирига чидамли бўлиши керак. Идишларнинг таркиби ташқи кўринишига, кимёвий таркибига, ҳидига ва таъмига таъсир қилмаслиги ва зарарли моддалар чиқармаслиги керак.

Ресторан ва кафелар учун ошхона анжомлари. Қозонлар, кострюлкалар, пишириш учун идишлар, мангаллар, қовуриш учун идишлар, чойнаклар, ўлчов идишлари ва бошқалар. Бундай идишлар овқат пишириш, иситиш ва порсиялаш учун ишлатилади.

Идишлар юқори гигиеник хусусиятларга эга бўлиши керак. Бу асосан пўлат, алюминий ва уларнинг қоришмаларидан ясалган металл идишлар киради. Иссиқликка чидамлилиги ва кимёвий қаршилиги жиҳатидан зангламайдиган пўлатдан ясалган идишлар билан таққосланадиган идишлар кам, бу эса пишириш ёки қовуриш учун маҳсулотлардан фаол фойдаланишга имкон беради.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун идишлар. Шиша ва пластик идишлар, бошқа шаклдаги идишлар. Бу ерда амалий ва функционаллик биринчи ўринда. Танлаш мезонлари: улардан озиқ-овқат ва ичимликлар ажратиб олиш қулайлиги, рационал шакли (кубик, силиндрсизмон), ёпиқ шаклда зичлик.

Пластик идишларга қўйиладиган асосий талаб кимёвий қаршиликдир. Сув ва қуйма маҳсулотларни сақлаш учун галванизли (оцинковий) идишлар қабул қилинади.

Идиш турлари. Шиша столлар, шу жумладан кафе, ресторон ва айниқса барларда ишлатиладиган буюмлар учун кенг тарқалган материалдир. Шиша идишлар озиқ-овқат ва ичимликларга хизмат қилиш учун ишлатилади.

Катта барнинг арсеналида 20 турдаги шиша идишлар мавжуд: бокаллар, стаканлар, рюмкалар ва кружкалар, баъзи ичимликлар ва ширинликлар учун мўлжалланган бокаллар. Шуниси эътиборлики, ҳашаматли ва юқори тоифадаги ресторон ва барларда факат билур ва пулланган шиша идишлардан фойдаланилади. Турли хил ва прессланган шиша идишлар кафе, ошхона, овқатланиш жойлари, шунингдек биринчи тоифадаги ресторон ва барларга мос келади.

Барча турдаги муассасаларнинг ошхонасида иссиққа чидамли пишириш идишлари ва пишириш идишларини қопқоғи шаффоғ шишадан тайёрланган идишлар ишлатилади.

Керамика идишлар. Бошқа кенг тарқалган идиш-товоқ материаллари - пишган лой ёки керамика. Хизмат кўрсатиш идишлари ва буфетларга хизмат кўрсатиш учун ҳар хил шаклдаги сопол идишлар ишлатилади.

Овқатланиш корхоналарида сопол идишлар (хар хил шаклдаги, ўлчамдаги ва турли хил), салат идишлари, пиёлалар, булон косалари, соусли идишлар, сут идишлари, селд косалари, чойнаклар, қаҳва идишлари, шакар идишлари ва бошқалар ишлатилади.

Чинни идишлар. Керамика идишлари одатда маҳсус сир билан қолланади.

Чинни керамиканинг бир тури бўлиб, янада нафис, нафис ва қиммат туради. Бу енгил ва жуда бардошли.

Ҳашаматли ва юқори тоифадаги ресторон ва барларда чинни идишлар кўпинча маҳсус буюртма асосида тайёрланган, ресторон логотипи туширилган чинни идишлардан фойдаланадилар. Керамика, ёғоч ва бадий металлни қайта ишлашдан тайёрланган идишлардан овқатланиш корхоналарида оқилона фойдаланишлари мумкин лекин миллий ресторонлар бундан мустасно.

Металл (қалай, қўйма темир, алюминий, пўлат, кумуш) идишлар. Металдан ясалган идишлар газак тайёрлаш, биринчи ва иккинчи таомларни пишириш учун ишлатилади (қозонлар, товалар (скавородкалар), товоклар), ичимликлар учун (кокот идишлари, шампан учун чеълаклар), ўлчов идишлари ва майдаловчи буюмлар (елка пичоклар, капкир, қисқич) сифатида ишлатилади. Металл вилкалар, пичоклар ва қошиқлар - кумуш, купроникел ёки зангламайдиган пўлатдан тайёрланиши мумкин. Энг кенг тарқалган майший анжомлар зангламайдиган пўлатдан тайёрланадилар.

Пластик идишлар. Мавжудлиги, енгиллиги, яхши гигиеник ва эксплуатацион хусусиятлари туфайли пластик идишлар асосан озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун ишлатилади. Бир марталик ишлатиладиган идишларни кўриниши эстетик жиҳатдан оддий ишланади ва бундай идишлардан овқатланиш жойлари, бистролар ва йўл бўйидаги кафеларда овқатланиш ёки узлари билан олб кетиш учун фойдаланиш мақбулдир.

Қоғоз идишлар. Прессланган қоғоз идишлар, ясси ликопчалар ва идишлар таомлар учун (масалан, пицца учун), чой ёки қаҳва учун стаканчалар ишлатилади. Юпқа пергамент қоғозидан торт ёки кексларучун тарталетка сифатида фойдаланиш мумкин. Буларнинг барчаси фақат бир марта ишлатиш учун мўлжалланган идишлардир.

Тўқилган буюмлар. Нақшли тўқилган буюмлардан нон маҳсулотлари ва пишириклар учун, шу жумладан швед столи тизимида ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, тўқилган тарелкалар, салфетка қўйгичлар ва мевалар учун саватлар мавжуд.

Силикон буюмлар. Овқатлар учун яна бир замонавий материал силикондир. Унинг афзаликлари енгил, эластик, иссикқа чидамлилигидадир. Силикон буюмлар – асосан пишириқлар тайёрлашда ишлатилади ва пиширикларга шакл бериш учун қолиплар, хар хил шаклдаги музлар қолиплари, кошиқ, лопатка, чүткаларидан фойдаланилади.

Идишларлар гигиеник тоза, чидамли, кулай шаклда, маълум ўлчамли, бир хил услубда бўлиши керак. Овқатланиш корхоналарида ёрилган, парчаланган идишлардан фойдаланишга йўл қўйилмаслик зарур.

Ошхона анжомлари купроникел, зангламайдиган пўлат ва алюминийдан тайёрланиши мумкин. Энг кенг тарқалган майший техника зангламайдиган пўлатдир. Замонавий жиҳозлар - кошиқлар, пичоқлар, вилкалар қулай шаклга эгадирлар.

Ошхона буюмлари икки гурухга бўлинади: асосий ва ёрдамчи буюмлар. Асосий жиҳозлар овқатланиш учун ишлатилади, ёрдамчи асбоблар билан официантлар хизмат қиладилар.

Асосий жиҳозларга куйидагилар киради ошхона, газак, балиқ, ширинлик ва мевалар учун идишлар.

Ёрдамчи жиҳозларга идишлар сервировкаси асбоблари ва кесиш учун мўлжалланган хизмат кўрсатиш мосламаларни ўз ичига олади.

Ошхона чойшаблари турлари. Овқатланиш корхоналарида ошхона чойшабларининг ҳар хил турларидан фойдаланилади. Ошхона чойшабларининг асосий турларига қуйидагилар киради; дастурхонлар, салфеткалар, кўл сачокчалари, сочиқлар ва бошқ (12-расм).



12-расм. Ошхона қўл сочиқлари.

Ошхона чойшаблари асосан зифир толалардан тайёрланади. Улар пахта толасига қараганда анча бардошли ва гигиеник тоза, бундай матолар юзаси силлиқ, натижада улар камроқ ифлос бўлиши, осон ювилиши, бу матоларнинг оқлиги ва ипакдай порлаши билан ажралиб туриши аҳамиятлиdir.

Бундай матодан тайёрланган сифат жиҳатидан ҳам, ташқи қиёфаси жиҳатидан ҳам эстетик дастурхонлардан фойдаланиши ва уларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Умумий овқатланиш корхоналарида катта нақшли (жаккард) тўқилган камчатка зифир толасидан тайёрланган оқ дастурхонларидан фойдаланади. Стол дастурхонларининг чеккалари нақшли кесилган ёки кружева (чеккаларига тикилган) бўлади. Ранги бўйича дастурхонлар оқ ва рангли бўлади. Оқ дастурхонлар залга тантанали кўриниш беради, улар барча хизмат турлари учун ишлатилади; рангли дастурхон асосан чой-банкети, қаҳва-банкетини уюштириш учун ишлатилади.

Тури бўйича дастурхонлар оддий ва зиёфатлар учун мўлжалланган.

Оддий дастурхонлар ўлчамлари, оқ дастурхонлар - 173x173 см; рангли - 135x135 см, 150x150 см.ни ташкил этади.

Банкет дастурхонлари ўлчамлари: 173x208, 173x250, 173x280, 173x500 см бўлади.

Шунингдек, ресторанларда 173 ва 140 см кенгликдаги оқ дастурхонлар зиёфатларда ишлатилади, ундан керакли узунликдаги 12 м.гача бўлган дастурхонлар тикилади, ҳар бири 5-6 метрдан бўлган дастурхонлар, 10-12 м узунликдаги дастурхон ўрнига иккитасидан фойдаланиш мақул ҳисобланади.

Ҳашаматли ва юқори даражадаги ресторанларда стол дастурхонлари кўпинча заллар ички қисмининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал буюртма асосида тайёрланади. Ҳар бир стол дастурхонида ресторан номи ёки унинг логотипи тасвирланган бўлади.

Банкетлар учун стол юзига “юбка” - деб аталадиган стол юзини ва столни полгача ёпадиган мато қопламалардан кенг фойдаланилади. Ушбу мато дастурхондан асосан ранги ва тикилиши билан фарқланади. Мато дантелга маҳкамланади ёки бурчакларидаги иплар билан 50 см оралиғида боғланиб маҳкамланади.

Таянч сўзлар: кафе, бар, ошхона, ресторан, хизмат кўрсатиш, овқатланиш анжомлари, савдо хоналар, интеръер, мебел, безак, жихозлар,

буфетлар, касса, стол сервировкаси, идишларни ювиш, идишлар, ошхона чойшаблар турлари.

Назорат саволлари:

1. Умумий овқатланиш корхоналаридан туристлар қайси биридан энг қўп фойдаланади?
2. Умумий овқатланиш корхоналари турларини айтиб беринг?
3. Ресторанда хизмат кўрсатишнинг қандай анъанавий шаклларидан фойдаланилади?
4. Ресторанда бош официант нима вазифани бажаради?
5. Ресторан қандай савдо хоналари мавжуд?
6. Стол сервировкаси неча босқичда амалга оширилади?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Мижозлардан буюртма қабул қилиш ва уларни бажариш қоидаларини ўрганинг ҳамда амалий дарсларда гапириб беринг.
2. Официант иш техникасининг умумий қоидаларини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
3. Ресторанда савдо хоналари қандай жойлашини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
4. Ресторанларда мебелларини тўғри танлаш ва улардан фойдаланишни ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
5. Ресторан буфет ва кассаларида қандай жараёнлар амалга оширилишини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
6. Ресторанда идиш-товоқларни ювишни ташкил этишни ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

- 1. Мижозлардан буюртма қабул қилгандан сўнг қанча вақт оралиғида буюртма келтирилиши лозим?**
 - а) 10-15 дақиқа
 - б) 15-25 дақиқа
 - в) 20-30 дақиқа
 - г) 30 дақиқа
- 2. Рестораннинг интеръери деганда нимани тушунасиз?**
 - а) Ресторан ички қисми
 - б) Ресторан ташқи қисми
 - в) Ресторан ховлиси

г) Ресторан майдони

3. Ҳаракатланувчи хизмат кўрсатиш столларининг оптимал баландлиги нечи?

а) 720 мм

б) 900 мм

в) 550 мм

г) 800 мм

4. Ресторанлардаги совитгичларда алкоголсиз ичимликлар қандай ҳароратларда сақланиши керак?

а) 10-12°C

б) 7-8°C

в) 4-5°C

г) 6-10°C

5. Стол сервировкаси неча босқичда амалга оширилади ?

а) 6 босқичда

б) 2 босқичда

в) 3 босқичда

г) 8 босқичда

7 – БОБ. ТУРИСТЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ МЕҲМОНХОНАДА, ТРАНСПОРТДА ВА ДАМ ОЛИШ ЖОЙЛАРИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

7.1. Туристларни жойлаштириш корхоналари

Туризм ижтимоий-иқтисодий фаолиятлар ва жараёнлардан иборат бўлганлиги учун ҳам туризм саноатида унинг барча тармоқлари, соҳалари ва йўналишлари фаолиятлари, ишлашлари бири-бири билан мустаҳкам боғлангандир. Бу боғликлик заифлашганда ёки бузилганда туристик фаолиятда сифатли хизматлар кўрсатиш тўлиқ амалга ошмайди. Шунинг учун ҳам, туристларни овқатлантиришни ўрганаётган талабалар биринчи навбатларда туристлар келиб тўхтайдиган- жойлаштириш корхоналарини мукаммал билишлари лозим. Чунки, туристлар ҳамма давлатларда ҳам факат меҳмонхоналарда жойлашишади.

Жойлаштириш - туризм индустрясининг энг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Меҳмонхона хўжалиги меҳмондўстлик тизимининг моҳиятидир. У инсоният тарихидаги ҳар қандай ижтимоий формацияга хос бўлган, меҳмонни ҳурмат қилиш, уни қабул қилиб олиш ва хизмат кўрсатиш тантаналари каби энг қадимги анъаналаридан келиб чиқади. Шуни таъкидлаш керакки, мутлақо транзит туристлар ва экскурсия хизмат кўрсатиш ҳисобига яшайдиган туристик марказ ва жойлар мавжуд.

Меҳмондўстликнинг (меҳмон қабул қилиш) индустряси - бу минтақа ёки туристик марказ хўжалигининг энг кучли тизмидир ва туризм иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмидир. Меҳмон қабул қилиш индустрясини коллектив ва индивидуал жойлаштиришнинг турли хилдаги отеллар, меҳмонхоналар, мотеллар, ёшларнинг хостел ва ётоқхоналари, апартаментлар, туристик қишлоқлар, шунингдек, туристларни жойлаштиришда иштирок этвчи хусусий сектор воситаларини ташкил этади. Меҳмонхоналарнинг қуидаги типологияси жаҳон амалийтида уларни ҳар бирини батафсил аниқ тафсилоти билан ифодаланган қўриниши 2-жадвалда берилган²⁶.

²⁶ Биржаков М.Б. Введение в туризм. Издания 9-е переработанное и дополненное –Спб.: «Издательский дом Герда», 2007.-576 с.; Волков Ю.Ф., Введение в гостиничный и туристический бизнес. – Ростов н/Д: «Финикс», 2004. - 352с.; Дурович А.П. Организация туризма. Минск, «Новое знание», 2006. - 632с.; Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. Москва, "Финансы и статистика". 2003. - 660 с. Тухлиев И.С., Құдратов Ф.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Тошкент, 2010. – 208 б.; Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г. Туризм асослари. Дарслик. Тошкент. 2014.-330 б.

2-Жадвал

Мехмонхоналарнинг типологияси

Мехмонхона -ларнинг хили	Тавсифи
Отел-люкс	Ўз сифими бўйича меҳмонхонанинг мазкур типи кичик ёки ўрта корхоналар сафига киради. Одатда шаҳар марказида жойлашади. Яхшигина таълим олган персонал-ходим конференция, хизмат учрашувлари иштирокчилари бизнесменлар бўлиб ҳисобланган талабчан мижозларга сервиснинг жуда юқори даражасини таъминлайди. Барча мумкин бўлган хизмат турларини ўз ичига олувчи номерларнинг нархлари анча киммат туради.
Ўрта (класс) бўғинли мехмонхона	Ўз сифими бўйича отелдан катта (400-200 ўринли) шаҳар марказида ёки шаҳар атрофида жойлашган. Етарли даражада кенг хизматлар турини тақдим этади, улардаги нархлар у жойлашган минтақа даражасига teng ёки ундан бир мунча юқорироқ бўлиши мумкин. Бизнесменлар, хусусий туристлар, конгресс, конференция иштирокчиларини ва ҳакозоларни қабул қилиши мумкин.
Мехмонхона -апартамент (апарт-отел)	Сифими бўйича кичик ёки ўрта ўлчами (400 ўрингача) йирик шаҳарнинг доимий бўлмаган аҳолиси учун хосдир. Вақтинчалик турар жой сифатида кўп йилларда ўз-ўзига хизмат кўрсатишдан фойдаланиладиган квартира (ижара) типидан ташкил топади. Меҳмонхонанинг мазкур типида нархлар қоидага кўра жойлашув муддатига боғлиқ равища (турланиб) туради. Узоқ муддатга тўхтаб ўтувчи оиласи туристлар, бизнесменлар ва ижарачиларга хизмат кўрсатади.
Иқтисодий бўғин (класс) мехмонхона си	Кичик ёки ўрта сифими корхоналар (150 ўринли ва ундан ортиқ) магистрал йўл ёқаларида жойлашади. Хизматлар тўпламини чекланганлиги, оддий ва тез хизмат кўрсатиш билан ажralиб туради. Истеъмолчилари – кўрсатилган (истеъмол қилинган) хизматлар учун ҳақиқий тўловни амалга оширишга интилевчи ва тўлиқ пансионга муҳтоҷ бўлмаган бизнесменлар, хусусий туристлар учун мўлжалланган.
Отел-курорт	Ўз сифими бўйича меҳмондорчиликнинг тўлиқ хизматлар

	тўпламини таклиф этиш билан ажралиб турадиган корхона. Бундан ташқари, бу ерда парҳез таомлар ва маҳсус тиббий хизмат қўрсатиш комплексини олиш мумкин. Курорт минтақаларида жойлашади.
Мотел	Шаҳар ташкарисида, шаҳар бўйида, магистрал йўл ёқаларида жойлашган оддий бир ёки икки қаватли бинолар. Бу кичик ёки ўрта корхоналардир (400 ўрингача). Кам сонли ходимларни ўрта даражали хизмат қўрсатиши ҳарактерлидир. Мижозлари бўлиб ҳаваскор автотуризмига урғу берилган турли категориядаги туристлар хисобланади.
«Тунаш ва нонушта» хилидаги хусусий меҳмонхона	АҚШда кенг тарқалган. Бу меҳмонхона кичик (баъзида ўрта) сиғимли. Шаҳар атрофида ёки қишлоқ жойларда жойлашган. Хизмат қўрсатишига, қоидага кўра, нонушта ва уй шароитидаги енгил тамадди киради. Мижозлари бўлиб уй шароитига интиладиган тижоратчилар ва йўналишдаги туристлар хисобланади.
Отел-гарни	Мижозларга чекланган миқдордаги хизматларни: жойлашув ва континентал нонуштани тақдим этувчи корхоналар.
Пансион	Хизматлар даржасини чекланганлиги ва оддий стандартли корхоналардир. Отел-гарнилардан фарқли равища бу ерда нонушта, тушлик ва кечки овқат (тўлиқ пансион) тақдим этилади. Бироқ овқатланиш хизмати фақат мижозларгагина қўрсатилади.
Меҳмонхона -ховли	Отеллардан сиғими, хизмат қўрсатиши, содда стандартлиги билан ажралиб турувчи корхона, учрашувлар ва меҳмонлар ташрифи учун қатор жамоа хоналарининг мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Меҳмонхона-ховли таркиби (структураси)да ресторон ёки барнинг мавжуд бўлиши мажбурийдир.
Ротел	Тунаш учун мўлжалланган креслолар жойлаштирилган бир ёки икки ўринли вагонлардан ташкил топувчи ҳаракатланадиган меҳмонхонадир. Хожатхона, ошхона, музлатгич ва кейиниш учун мўлжалланган хоналар мавжуд.
Ботел	Мос равищдаги жиҳозланган кичик кема сифатида фойдаланувчи сувдаги унча катта бўлмаган меҳмонхона.
Флотел	Кўп ҳолларда «сувдаги курорт» деб номланувчи катта меҳмонхона. Туристларга кенг турдаги хизматларни тақдим

	этувчи шинам номерлар: бассейн, сув чанғилари, балиқ овлаш учун шароит яратадиган, сув остида сузиш, сув ости ови, тренажер заллари, конференция ва конгресслар учун заллар, кутубхона, турли-туман таъминотлар (телефон, телефон, телетайп, телевизор, ва х.к). Сўнгги вақтларда турларга ўқитувчи конгресс-круизлар, конгресс-турлар, бизнес-турларни ташкил этиш учун фойдаланилади.
Флайт	Агромехмонхона ёки «учувчи отел». Фавқулодда қиммат ва меҳмонхонани камёб тури ҳисобланади. Қўниш майдончаси ва метеорологик хизмат алоқалари билан жиҳозланган.

7.2. Меҳмонхона хўжалигидаги хизматлар

Меҳмонларни рўйхатга олиш, уларнинг келиши ва кетишини бошқариш, меҳмонларга турли-туман хизматлар кўрсатиш меҳмонхонанинг жамоат қисмida амалга оширилади. Мижозларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш ишининг мураккаблиги турли-туман ишлар номенклатурасининг катталигига бўлиб, бу уларни бажариш вақтини келишишда муайян қийинчиликлар туғдиради. Меҳмонлар оқими ҳар хил: келувчилар, кетувчилар, яшовчилар. Меҳмонларга хизмат кўрсатишда меҳмонхона ходимлари ҳам, бошқа корхоналар (ташкилотлар, муассасалар)нинг ходимлари ҳам иштирок этадики, бу ушбу хоналар гурӯхида самарали технологияларни таъминлашни оғирлаштиради.

Жойлаштириш хизмати асосан қуйидаги ишларни бажаради:

- Меҳмонлар хужжатларига кўра қабул қилинади. Маъмур меҳмон билан яшаш жойини (номер тоифаси, унинг жойлашган ўрни ва ш.к.ни), кўрсатиладиган хизматларни, яшаш муддатини келишиб олади. Яшаш учун ҳақ олинади. Расмийлаштириш яқунланганидан кейин меҳмонга номер картаси ва калити берилади.
- Меҳмонлар номерда яшаши даврида уларга хизмат кўрсатиш яшаш муддатини узайтириш, меҳмонни бир номердан бошқа номерга ўтказиш (зарур холларда), яшаш учун ҳақ олиш, мижознинг хоҳишига қараб унга кўшимча хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади.

• Меҳмоннинг жўнаб кетишини расмийлаштириш чоғида кўрсатилган хизматлар учун у билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади (фойдаланилмаган аванс қайтариб берилади), мижоз номер ва калитни топширади. Мижоз билан ҳисоб-китоб нақд пул билан ҳам, пул ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ягона ҳисоб-китоб соати (12 соат) тизимини жорий этиш меҳмонхона маъмуриятига мижозлар билан

техник ҳисоб-китоб қилиш жараёнини соддалаштириш имконини беради. Мижозга кредит карталаридан фойдаланиш имконини бериш йўли билан меҳмонхона унинг эркинлик даражасини оширади.

Қабул қилиш хизматининг ишини ёнгиллаштириш учун ахборот ҳисоблаш тизимлари ишлаб чиқилган ва татбиқ этилмоқда.

Умумий холда ахборот ҳисоблаш тизими қўйидаги тўрт функционал қисмдан ташкил топади:

1. Жойларни олдиндан буюртма қилиш кичик тизимлари.
2. Хизматга доир ахборот берилишини таъминлаш тизимлари.
3. Навбатчи маъмур тизимлари.
4. Меҳмонхона маъмурияти тизимлари.

Ахборот ҳисоблаш тизимининг имкониятлари жуда кенг. Жойларни олдиндан буюртма қилиш жараёнини автоматлаштириш билан бир қаторда келаётганлар рўйхатга олинади, номер фондининг ҳисоби юритилади, мижозлар учун ҳисоб вараклар тайёрланади.

Меҳмонхона кенг қўшимча пуллик хизматлар кўрсатади. Зарур ахборот олиш, паспортлар ва туристик хужжатларни расмийлаштириш, экспурсияга рўйхатга олиш, валюта айирбошлаш, театр, музей, концерт заллари, стадионларга чипталар сотиш, самолёт, поезд ва бошқа қатнов воситаларига чипталарни буюртма қилиш, ижарага автомобил олиш шулар жумласидан.

Айrim меҳмонхоналарда иш юзасидан ташриф буюрган мижозлар учун бизнес марказлари ташкил этилади. Марказ мижоз ишлаши ва касбий таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Бизнес марказида хужжатларни таржима қилиш, қайта чоп этиш ишлари бажарилади, компьютер хизматлари кўрсатилади. Марказ телекс ва факсимил алоқа воситалари, видеомагнитофон ва проекцион аппаратлар билан жиҳозланади.

Меҳмонхона номери кўп функцияли аҳамиятга эга. У мижознинг тунаши, дам олиши, овқатланиши, ювениши, ишлаши, мулоқот қилишини таъминлайди. Номерда меҳмоннинг шахсий буюмлари сақланади. Номерлар ўринлар сони, хоналар сони, майдони, жиҳозланишига қараб таснифланади. Жаҳон амалиётида бир ёки икки кишига мўлжалланган бир хонали номерлар айниқса кенг тарқалган. Айrim меҳмонхоналарда ҳар бир яшовчига нисбатан бир хонали номерлар улуши номер фондининг 60-100% га етади. Номерларда мебел номернинг габарити, деворларининг оралиғи, иситиш хусусиятлари, технологик кўрсаткичларига қараб жойлаштирилади.

Мебел фойдаланувчи учун қулай бўлиши, санитария ва эргономика талабларига жавоб бериши, мижозлар дидига мос келиши керак.

Апартаментлар сони номерлар умумий миқдорининг 10% дан ошмайди. Улар хоналарининг сони ва вазифасига, ҳожатхонаси ва ваннасига, дахлизи, майдонига кўра жуда ҳар хил.

Ходимлар учун хоналарни жойлаштиришда иш вақтида ходимларнинг харакат йўналишларини қисқартириш зарурлигидан келиб чиқиши керак. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хоналари иш жойидан узоқ бўлса, бу қўшимча кувват сарфига, ходимлар кўпроқ чарчашига олиб келади. Шу сабабли қаватдаги номерларга бевосита яқин жойда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг бир қанча хоналари, чунончи: ходималарнинг хоналари, омборлар (тоза чойшаб ва ёстиқ жилдлари, сарфлаш материаллари, кир чойшаб ва ёстиқ жилдлари, тозалаш воситалари омборлари), официантларнинг хоналари, ахлат йиғғич ва б. жойлаштирилади.

Жойлаштириш хизмати номер фондининг эксплуатацион ҳолати хисобини юритади. Ҳар бир номерни тайёрлаш ва унга мижозларни жойлаштиришнинг кундалик тафсилотларига қуидагилар киради:

- номер мижозни жойлаштиришга тайёрланган пайт;
- мижозлар келган ва кетган пайтлар;
- мижозларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- номер бўш қолган соатлар;
- яшаш нархи ва суммаси;
- қўшимча хизматлар нархи ва уларга ҳақ тўлаш;
- бронга қўйиш вақти, номер таъмирлашда, санитария ишлови беришда бўлган вақт.

Халқаро статистика бўйича меҳмонхоналардаги туристларнинг вақти:

- меҳмонларнинг 95%и душ ва 5 %и ванна қабул қиласди;
- меҳмонларнинг 40%и эрталаб уйғонишни сўрайди;
- меҳмонларнинг 95% ҳар куни камида 1 соат телевизор кўришади;
- меҳмонлар орасида бизнес туристлар 40%ни, жуфт бўлиб саёҳат қилувчилар 43%ни, ёлғиз эркаклар 32%ни, ёлғиз аёллар 22% ни ташкил қиласди.

7.3. Мехмонхоналарнинг турлари ва таснифи

Мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, меҳмонхоналар ҳар хил функционал вазифаларни бажаради ва уларга ҳар хил талаблар қўйилади. Бундай меҳмонхоналарда мижозлар билан ишлаш улар бўйсунувчи

идоралар раҳбарияти томонидан тасдиқланган меҳмонхона хизматлари кўрсатиш қоидаларига асосан амалга оширилади. Аммо мазкур меҳмонхоналарда амал қилувчи қоидаларнинг бирорта ҳам банди Ўзбекистон Республикасининг меҳмонхона бизнесини ташкил этиш бўйича қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак. Функционал вазифасига қараб меҳмонхоналар:

- ишбилармонлар учун–умумий типда, идоравий, йиғилишлар, кенгашлар ва ҳ.к. учун;
- дам олиш учун меҳмонхоналар–туристик, курорт меҳмонхоналари, автотуристлар учун, мотеллар, кемпинглар;
- меҳмонхоналарнинг маҳсус турлари–транзит йўловчилар учун, спортчилар учун ва бошқалар учун қурилади.

Мамлакатимизда асосан маълум иш юзасидан нисбатан қисқа муддатга келувчи одамларга шунингдек, ҳар хил мақсадда саёҳат қилаётган фуқароларга мўлжалланган умумий типдаги меҳмонхоналар айниқса кенг тарқалган. Бундай меҳмонхоналар шаҳарнинг марказий қисмида, жамоат, маъмурий, савдо марказлари яқинида жойлашади ва шаҳарнинг турли туманлари билан яхши транспорт алоқасини назарда тутади.

Мазкур меҳмонхоналар одатда маҳсус қўкаламзорлаштирилмаган нисбатан кичкина ер майдонларига эга бўлади. Умумий типдаги меҳмонхоналарнинг номерлар фонди асосан бир, икки ўринли ва кўпинча уч ўринли номерлардан ташкил топади. Бу номерларда, қоида тариқасида, ишлаш учун жой мавжуд бўлади. Бир қанча меҳмонхоналарда бир ўринли номерлар микдори номерлар фондининг 40-50% ни ташкил этади. Меҳмонхоналарда алоқа бўлими, айрим ҳолларда банк бўлими ишлаб туради, музокара ва йиғилишлар ўтказиш учун алоҳида жойлар назарда тутилади.

Идоравий меҳмонхоналар умумий типдаги меҳмонхоналарнинг бир тури ҳисобланади. Бундай меҳмонхоналар асосан маълум идора, муассаса ёки корхонага иш юзасидан ташриф буюрган одамлар яшаши учун мўлжалланади. Идоравий меҳмонхоналар тегишли идора яқинида ёки жамоат транспорти яхши қатнайдиган жода қурилади. Бундай меҳмонхоналарда умумий хоналар тўплами кўпинча анча чекланган, ўзи хизмат кўрсатувчи корхона турига ва ундаги умумий аҳамиятга мўлжалланган маҳсус меҳмонхоналар молик хоналар таркибига боғлиқ бўлади.

Чет элда анжуманлар учун қуриш кенг тарқалган. Бундай меҳмонхоналар одатда «конгресс-отел» ёки «конференц-отел» деб

номланади. Чет элда шунингдек ишбилиармонлар учун ҳам маҳсус меҳмонхоналар – «бизнес-отеллар» курилади. Одатда бу меҳмонхоналарнинг шинамлик даражаси жуда юқори бўлади. Уларда конгресслар ўтказиш учун заллар, мажлислар, конференсиялар, симпозиумлар учун алоҳида жойлар, ҳар хил турдаги ресторонлар, алоқа ва банк бўлимлари, телетайп, телекс, бассейнлар, саunalар, кегелбанлар фаолият кўрсатади.

Ишбилиармон одамлар учун мўлжалланган меҳмонхоналарда кичик мажлислар, савдо операциялари ўтказиш, маҳсулотларнинг намуналари кўргазмаларини ташкил этиш, фирмаларнинг ваколатхоналарини жойлаштириш учун мўлжалланган жойлар, айrim ҳолларда трансформация қилинадиган – уларда келган одамларни қабул қилиш, кичик музокаралар ўтказиш имконини берадиган номерлар ҳам назарда тутилади.

Туристик меҳмонхоналар фаол дам олаётган туристлар учун мўлжалланади. Мамлакатимизда бундай меҳмонхоналар асосан уюштирилган грухли туризм-экскурсия ва спорт туризми учун мўлжалланган. Туристик меҳмонхоналар шаҳарда, шаҳар ташқарисида, туристик объектлар яқинида, яхши табиий омилларга эга жойларда, кўпинча яшил массивлар яқинида курилади.

Кўпчилик оилавий дам олишни ёқтирганлиги учун туристик меҳмонхоналарда асосан икки ўринли номерлар назарда тутилади. Номерда одатда кундузги дам олиш зонаси ажратилади. Бу зона лоджия ёки балконни ҳам ўз ичига олади. Ёшлар туризми учун мўлжалланган меҳмонхоналарда тежамкорликни ошириш ва яшаш учун тўланадиган ҳақни камайтириш мақсадида баъзан бешта ва ундан ортиқ одамга мўлжалланган умумий ётоқхона кўринишидаги номерлар назарда тутилади.

Туристик меҳмонхоналардаги умумий аҳамиятга молик бинолар ва хоналар асосан дам олиш учун мўлжалланган бўлади (кўп функцияли заллар, ҳоллар, каминли заллар ва ҳ.к.). Умумий овқатланиш корхоналари орасида баъзан «кўнгилочар овқатланиш» корхоналари (ракс барлари, варете ва ҳ.к.), тез ва арzon хизмат кўрсатиш корхоналари (экспресс-кафе, ошхона ва ш.к.), баъзан ўзига ўзи хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам бўлади.

Туристик меҳмонхоналарнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда туристик хизматлар кўрсатиш жойлари, шунингдек туристик-услубий ва инструкторлар хоналари (инструкторлар туристик грухлар билан методик иш олиб бориши учун) мавжуд бўлади. Бундай хоналар

мажмуи туристик маршрут турига ва мазкур маршрут бўйлаб туристларнинг ҳаракатланиш усулига боғлик.

Туристик-спорт меҳмонхоналарида туристик ва спорт анжомлари ва жиҳозлари (чанғи, конки, чана, ов ва балиқ ови анжомлари, қайиклар, байдаркалар ва х.к.)ни ижарага бериш шахобчалари назарда тутилади. Туристик-спорт меҳмонхонасининг хусусиятига қараб, бундай шахобчалар тўплами ҳар хил бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш анжомларни ижарага бериш шахобчалари курортлар ва дам олиш зоналарида жойлашган мотеллар ва кемпингларда ҳам бўлиши мумкин.

Туристик базалар, дам олувчиларнинг муайян тарзда тартибга солинган контингентига, юклаш, фойдаланиш ва иш тартибига эга бўлган туристик муассасаларнинг анъанавий тури сифатида, асосан маҳсус ишлаб чиқилган ва жиҳозланган пиёда, чанғи, сув, тоғ, от, чана, велосипед, автобус трассалари ёки аралаш туристик трассалардан ўtkазилган маршрутлар бўйлаб саёҳат қилувчи режали (қисман – мустақил) туристик гурӯхларни дам олишга қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади.

Туристик базалар одатда шаҳар яқинидаги дам олиш зоналарида, туристик-соғломлаштириш ҳудудлари ёки комплекслари таркибида жойлашади. Аммо тегишли тарзда иқтисодий асослантирилган ҳолларда туристик базаларни ўзига хос экспурсия обьектларига ва фаол дам олиш учун табиий-иклимий шарт-шароитларга эга бўлган аҳоли кам яшайдиган жойларда (яхши транспорт қатновини таъминлаган ҳолда) ҳам қуриш мумкин.

Курорт меҳмонхоналари бир жойда нисбатан узоқ вақт дам олиш учун мўлжалланади. Айрим ҳолларда бундай меҳмонхоналарда профилактик даволаниш ёки шифо олиш имконияти ҳам назарда тутилиши мумкин. Бунинг учун курорт меҳмонхоналарида курортнинг асосий соҳасига кўра даволаш-соғломлаштириш бинолари ва хоналари қурилади, парҳез овқатланиш ташкил этилиши ҳам мумкин.

Курорт меҳмонхоналарида оммавий-маданий хизматлар кўрсатиш бинолари ва хоналари таркиби (кўп функцияли заллар, дам олиш учун ҳоллар, кутубхоналар, билярдхоналар, ҳар хил ўйинлар учун мўлжалланган хоналар ва б.) анча ривожланган бўлади. Баъзан болалар дам олиши ва ўйнаши учун жойлар, шунингдек спорт иншоотлари (бассейнлар, спорт заллари, спорт майдончалари ва б.) ҳам назарда тутилади.

Курорт меҳмонхоналарининг номерлар фонди асосан бир-икки ўринли номерлардан ташкил топади. Айрим ҳолларда номерда ухлаш учун

учинчи ўринни (бola учун) жойлаштириш имконияти назарда тутилади. Курорт меҳмонхонасида мижозлар нисбатан узоқ муддат (1 ойгача) яшаганлиги учун номерларда кийим-кечак ва чойшабларни сақлаш учун нисбатан катта шкафлар ўрнатилади. Номерда кундузги дам олиш зонаси ажратилади. Бу зона ложия, балкон, верандани қамраб олади.

Таймшер – меҳмонхона хизматларининг нисбатан янги тури. Унинг номерлар фонди одатда 50-250 номердан ташкил топади. Алоҳида қурилмаларга эга бўлиши ҳам мумкин. Квартира типидаги номерлар фондига эга, хизматлар кўрсатиш шарт-шароитлари курорт меҳмонхоналаридаги ўхшаш. Алоҳида квартиралар хусусий мулкдорларга сотилади, аммо таймшер тўлиқ бошқарувчи компания томонидан назорат қилинади.

Таймшер баҳоси мавсум хусусиятларига, шунингдек бу ерда бўлиш вақтига боғлиқ бўлади. Йилнинг туристлар кам келадиган вақтларида таймшерда яшаш «олтин» мавсумдагидан анча арzonга тушади. Номер эгаси таймшерда яшаш учун тўлаган ҳаққа мутаносиб равишда маълум вақт мобайнida кўчмас мулқдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Апартаментли меҳмонхоналар. Узоқ вақт яшашга мўлжалланган апартаментли меҳмонхоналар, оддий меҳмонхоналарга қараганда, фойдали майдонининг катталиги ва уларда мижозлар узоқ вақт яшashi билан фарқ қиласи. Номернинг қўшимча майдони одатда қулай кресло ва диван қўйилган меҳмонхона ҳамда кўп функцияли қазноққа эга кичик ошхона шаклида бўлади.

Апартаментли меҳмонхоналар (ёки *апартотеллар*) турист оиласининг кўчиб келиши, узоқ муддатли хизмат сафари, семинарларга қатнаш зарурлиги туфайли шаҳарда узоқ вақт яшашга мажбур бўлган ўз мижозларига уйдагига ўхшаш шарт-шароитлар яратади. Аксарият меҳмонлар номерни узоқ муддатга олади. Яшаш муддатининг узоқлигига караб уларга кўпинча чегирма берилади. Бундай меҳмонхоналарда овқатланиш корхоналари, бизнес маркази, дам олиш жойлари назарда тутилади.

Жойлаштириш обьектларининг яна бир шакли – пансионлар ҳам жаҳон амалиётида анча кенг тарқалган. Уларда яшаш, одатдаги меҳмонхоналарда яшашга қараганда, анча арzon туради. Меҳмонхонадан пансионнинг асосий фарқи шундаки, у тоифаларга ажратилмайди. Аммо бу пансионда яшаш шароити меҳмонхонадаги яшаш шароитидан ёмон деган маънони англашмайди.

Пансионат жойлаштириш объектларининг эркин шакли бўлиб, у одатда курилиш пайтида меҳмонхона сифатида тасаввур қилинмаган биноларда ташкил этилади. Пансионнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у нисбатан кичкина, одатда 10-20 кишига мўлжалланган номерлар фондига эга бўлади. Кўпинча пансион бир оиласи тегишли бўлади. Бу оила пансионни бошқариш билан бирга, мижозларга хизмат ҳам кўрсатади. Пансионда яшаш баҳосига фақат уй шароитида тайёрланган нонушта киритилади. Бу ерда муҳит меҳмонхонадагига қараганда илиқроқ бўлади. Мана шу жиҳат, нархларнинг пастлиги билан бирга, мижозларни ўзига тортади.

Спортчилар учун мўлжалланган меҳмонхоналар спорт комплекслари қошида ёки табиий шароитларига кўра маълум спорт турини ривожлантириш имконини берувчи жойларда қурилади. Спортчилар учун мўлжалланган меҳмонхоналарда спорт анжомларини ижарага бериш шахобчалари, дам олиш учун мўлжалланган бир қанча муассасалар фаолият кўрсатади, спорт ва тиббий аҳамиятга эга бинолар ва қурилмалар мавжуд бўлади. Коида тариқасида, бу ерда умумий овқатланиш ва дам олиш корхоналари ҳам фаолият кўрсатади.

Автотуристлар учун мўлжалланган меҳмонхоналар ва мотеллар (мотор-отеллар) шоссе йўллар яқинида жойлашади. Шинам номерлар ва ресторон (ёки қаҳвахона)га ҳамда умумий аҳамиятга молик бошқа хоналарга эга меҳмонхона биносидан ташқари, бу меҳмонхоналар ва мотеллар автотранспорт воситаларини парковка қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш имконини беради (автомобилларга ёнилғи қуийш шахобчаси, таъмирлаш устахоналари, техник хизмат кўрсатиш станцияси ва х.к.га эга бўлади).

Мотелларнинг жойлашиши уларнинг вазифаси, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг жойлашган ўрни, автомобил йўллари тармоғи, келиш йўлларининг мавжудлиги, муайян жойнинг табиий-иқлимий шароитлари, даволаш манбалари, тарихий жойлар ҳамда туристик жиҳатдан дикқатга сазовор бошқа жойларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Автотуристлар дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиш, автомобил йўлининг шовқини ва чангидан номерларни тўсиш мақсадида мотелнинг дам олиш зonasи бу йўлдан маълум масофа (50-250м) узоқда жойлашиши керак. Бунда участка муайян туристик обьект йўлидаги автотуристлар асосий оқими йўналишининг ўнг томонида жойлашгани маъқул.

Мотелларни жойлаштиришда мамлакатнинг энг дикқатга сазовор тарихий жойлари ва худудларини боғловчи олдиндан белгиланган

маршрутлар бўйлаб узок муддатли саёҳатлар ташкил этиш имкониятини назарда тутиш зарур. Бу ҳолда юқорида зикр этилган барча талаблардан келиб чиқиб мотеллар тармоғини комплекс жойлаштириш автотуристларда доимий қизиқиш уйғотади ва улар саёҳат чоғида ранг-баранг таассуротлар олишини таъминлайди.

Кемпинглар мавсумий фойдаланиш учун мўлжалланган «енгил» типдаги меҳмонхона корхоналариdir. Улар автотуристлар дам олиши ҳамда уларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун мўлжалланади. Кемпингларда кўрсатиладиган хизматларнинг барча турлари соддалаштирилган бўлади: ухлаш жойлари ёзги типдаги, кўпинча ёғочдан қурилган, иситилмайдиган биноларда ёки чодирларда жойлашади; ванна ва ҳожатхона асосан умумий бўлади. Ўзига ўзи хизмат кўрсатишнинг хар хил шакллари анча кенг тарқалган. Баъзан кемпинглар қошида автомобилларга ёнилғи қўйиш шахобчалари ва автомобилларни енгил таъмиrlаш устахоналари бўлади. Сўнгги йилларда «мотел-кемпинг» аралаш тури ривожланмоқда. У мотел ҳудудида жойлашган кемпинг хисобига ёзда мотел сифимини кенгайтириш имкониятини назарда тутади.

Ротел – кўчма меҳмонхона. Бир ёки икки ўринли бўлимлардан иборат вагон-трейлер кўринишида бўлади. Ҳар бир бўлим вентиляция ва алоҳида ёритиш ускунаси билан жихозланган. Ротелда кийим алмаштириш, ювениш жойи ва ҳожатхона бор. Вагоннинг орқа қисмида ошхона ва музлатгич жойлашади.

Флайтеллар - қоида тариқасида, аҳоли гавжум жойлардан анча четда жойлашган бўлади. Уларга фақат ҳаво транспортида бориш мумкин. Флайтел яқинида аэродром, ангарлар, эллинглар, устахоналар жойлашади. Табиийки, ресторонлар, барлар, концерт заллари, дансинг ва ш.к. ҳам бўлади.

Айрим флайтелларда реклама ҳар хил калибрли (ҳажмли) ҳаво шарларида ва ҳар хил дирижаблларда сайд қилишни ваъда қиласди. Флайtel қошида ҳаво ва қуёш ванналари қабул қилиш учун мўлжалланган боғланма аэростатлар ҳам бўлади. Табиийки, буларнинг барчаси жуда катта пул турари ва улардан фақат жуда бой одамлар фойдаланиши мумкин.

Сув бўйлаб саёҳат қилаётган туристларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган сузувчи меҳмонхоналар ва меҳмонхона комплекслари жуда кўп мамлакатларда, чунончи: Франция, Греция, Швейцария, Дания, Нидерландия, Швеция, Испания ва бошқаларда лойиҳалаштирилмоқда ва қурилмоқда. Сузиш воситаларининг аксарияти причаллар, пирслар, сувга тушириш ва сувдан кўтариш мосламалари, шунингдек қайиқларни саклаш,

уларни таъмираш ва уларга ёнилғи қўйиш иншоотлари билан жиҳозланган. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш керакки, сузиш воситаларига техник хизмат кўрсатиш иншоотлари ва ускуналари сув бўйлаб саёҳат қилувчи туристлар учун мўлжалланган меҳмонхона комплексларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

«Ботел» атамаси–меҳмонхона бизнессидаги янги тушунча (*боат* – қайик, кема, *хотел* – меҳмонхона). Одатда, ботел деганда экскурия баржалари типидаги сузувчи меҳмонхона тушунилади. Ботеллар мавсумий ёки йил бўйи ишлайдиган муассасалардир. Бу гурухга «сув туризми марказлари» (Полша), «дам олиш базалари-شاҳарчалари» (Германия), флотеллар (Испания ва Югославия) киради. Бу муассасалар шинамлик даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Улар энг аввало ёзги сув туризми, қайик спорти ёки елканли спорт, кишида – бу ер спорти билан шуғулланиш учун мўлжалланган.

7.4. Туристларнинг овқатланишини меҳмонхоналарда ташкил қилиш хизматлари

Олдинги мавзуларда туристларнинг овқатлантиришда қўлланиладиган халқаро ва маҳаллий усусларнинг номланиши, ишлатилиши, бу усуслардаги талаблар келтириганди. Ушбу мавзу туристларни овқатлантиришда меҳмонхоналардаги хизматларни ўрганишга бағишлиланган бўлиб, меҳмонхоналарда туристларни овқатлантиришнинг асосий тамойиллари ва асосий хизматлари мажмуалари мавжуд.

Меҳмонхоналардаги фойда даромаднинг асосий қисмини уларда ташкил қилинган овқатланиш корхоналари аниқроғи ресторанлар, кафелар ва барлардан олишади. Ҳозирда мамлакатимиздаги меҳмонхоналарнинг деярли барчасида бундай овқатланиш корхоналари ташкил қилинган ҳисоби. Меҳмонхоналардаги ресторанлар ва кафелар турли даражаларда ташкил қилинган бўлиб халқаро овқатлантириш хизматлари ва меъёрлари бўйича қуидагича таснифланади:

- Люкс класс;
- Юқори класс;
- Биринчи класс.

Меҳмонхоналарнинг молиявий жиҳатдан тавсифлари уларда кўрсатилган классларнинг қайси бирлари ташкил қилинганлигига боғлиқ. Чунки люкс классли ресторанларнинг интерьери олий даражада безатилган, юқори даражалардаги комфортлилик, юқори малакаларда ишловчи ходимларнинг тайёрланганлиги, туристларга таклиф қилинадиган

хизматларнинг кўплиги ва замонавийлиги, оригинал ва фирма таомларининг катта ассортиментда эканлиги билан тавсифланади. Шунингдек, люкс барлар фирмали ва буюртмали ичимликлар ва коктейллар билан тўлдирилган бўлади.

Юқори классли реторанлар ва барларнинг тавсифлари люкс классга анча яқин. Биринчи класс ресторандар хизматларининг, таомларнинг ва ичимликларнинг бироз арzonлиги билан фарқланади. Бу классни туристлар кўпроқ танлашади.

Кўп ҳолларда класслар факат бўлинишга, умумийликга эга бўлиб қолишиади. Чунки, олдинги мавзуларимизда келтирганимиздек, меҳмонхоналарда овқатлантириш хизматларининг жуда кўплаб усуллари ва типлари мавжуд. Қуйида уларнинг тавсифлари аниқроқ келтирилади:

1. *OB, NA (only bad)* – овқатлантириш йўқ. Меҳмонхона мижозларига факат тунашни таклиф қиласи. Мижоз тунашдан кейин меҳмонхонанинг ташқарисида ўз ишлари билан машғул бўлади.

2. *Меню бўйича овқатланиш* – факат менюдаги овқатларни танлаш ва овқатланиш мумкин.

3. *A-la carte* – туристлар учун анча қулай варианти. Чунки, менюда ҳар бир таомнинг баҳоси кўрсатилган бўлади. Турист молиявий ҳолатига қараб таомга буюртма бериши мумкин.

4. *BB (bed & breakfast)* – туристнинг меҳмонхонада яшаси учун тўлаган маблағига факат бу ерда нонушта қилиш (швед столи) кўшилган. Турист қўшимча овқатланишига алоҳида пул тўлайди.

5. *HB (half board)* – бу ярим пансион. Меҳмонхонада яшаш нархларига нонушта ва кечки овқатланиш нархи қўшилган.

6. *HB+ (half board +, extended half board)* – кенгайтирилган ярим пансион. Бунда турист кун давомида алкогиз ичимликларни ичиши мумкин.

7. *FB (full board)* – тўлиқ пансион-нонушта, тушлик ва кечки овқатланиш швед столи усулида.

8. *FB+, EXTFB (full board+ extended half board)* – тўлиқ пансион. Овқатланиш давомида ичимликлар ичиш ҳам қўшилган.

9. *Mini all inclusive* – тўлиқ пансион. Бунда туристга маҳаллий шароитларда тайёрланган ичимликлар овқатланиш вақтида ҳам, кун давомида ҳам бепул берилади.

10. *ALL, All (all inclusive)* – Овқатланишнинг тўлиқ варианти. Нонушта, тушлик ва кечки овқатдан ташқари туристлар швед столидаги алкогиз ва алкогиз ичимликларни чегарланмаган ҳолда ичишлари

мумкин. Булар туристнинг меҳмонхонада яшashi нархларига қўшилган. Шунингдек, турист меҳмонхона барларида иккинchi нонушта, чала тушлик ва эрta кечки овқатни ҳам олиши мумкин, булар ҳам туристнинг меҳмонхонада яшashi нархига қўшилган бўлади.

11. *Continental Breakfast* – бу континентал нонушта дейилади. Яшаш нархларига қўшилган. Енгил нонушта-одатда чой, кофе, булкалар, ёғ ва мурабболардан иборат.

12. *English Breakfast* – англияча нонушта. Континентал нонуштага нисбатан тўлиқроқ. Шарбатлар, қовурилган тухумлар, ёғ, мурабболар ва кофе,чой.

13. *American Breakfast* – америкача нонуштага континентал нонуштадагиларга қўшимча қилиб ҳар хил тўғрамалар ва иссиқ таом берилади.

14. *HCAL (high class all inclusive)* – бунда телефондан, врач хизматларидан, сартарошхона ва бошка белгиланган хизматлардан фойдаланиш туристнинг меҳмонхонада яшаш нархларига қўшилган.

15. *UAL, UAI (ultra all inclusive)* – энг тўлиқ вариант. Бунда турист нонушта, тушлик ва кечки овқатланишда ҳоҳлаган таоми ва ҳоҳлаган ичимлигини олиши мумкин. Шу билан бирга турист ресторандаги бошқа халқларнинг ошхонасига мансуб миллий таомларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Ҳаммасига тўланган.

Халқимиздаги меҳмондўстлик анъаналаридан келиб чикиб, туристларни овқатлантиришда уларни меҳмонхоналарга жойлашгандан кейин биринчи овқатлантиришни ўта юқори даражада ташкил қилишимиз керак. Бу уларнинг овқатланишни шу меҳмонхонада давом эттиришга асос бўлади. Айниқса, эрталабки нонуштани ва хизматларни мукаммал ҳолатларда ташкил қилиш туристларни шу жойга боғлаб қўяди. Шунинг учун ҳам туристларни халқаро оммавийлашган нонушта усувларида овқатлантиришни ўрганиб олиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё туризмида нонуштани хизматларини ташкил қилишининг қўйидаги турлари жуда таниқли ва оммавийлашган:

1. Континентал нонушта. Бу ном инглиз тилидан олинган бўлиб (*continental breakfast*), жуда кўп йиллар илгари европаликлар учун қабул қилинган. Ҳозирги кунда турли мамлакатлардан келган меҳмонлар учун алоҳида тури мавжуд. Континентал нонушта: кофе, чой ёки иссиқ шоколад, шакар, қаймоқ, лимон, 2 турдаги повидло, жем ёки асал, турли нон маҳсулотлари сариқ ёғдан иборат. Якшанба кунлари совутилган тухум ҳам

берилади. Европанинг кўпгина шаҳарларида континентал нонуштанинг баҳоси меҳмонхона баҳосига қўшилади.

2. Кенгайтирилган нонушта. Бу турдаги нонушта 60 йил ўрталарида Европада кенг тарқалган бўлиб, континентал нонуштадан фарқли равища мөхмонларга шарбатлар (апельсинлар, грейпфрутли, томатли), ветченали, пишлоқли, колбасали, тухумли таомлар, йогуртлар, твороглар, қуруқ мевалардан иборат бўлади. Нонушта вақтида буфет сервиси асосида официантлар хизмат қиласи ёки шкопчаларни столга келтириб қўяди. Тухумли таом буюртма асосида тайёрланади.

3. Инглизча нонушта. Инглиз нонуштаси асосан хонага чой ёки кофе олиб келишдан иборат (иссиқ школад ҳам). Шунингдек, шакар, булочка маҳсулотлари, сариёғ, жем, асал, мурабболардан ҳам тайёрлаш мумкин. Бундай нонушта «Shortbreakfast» (қиска нонушта) деб аталади, унга қўшимча равища тухум, балиқ, ёрмалардан тайёрланган таомлар ташкил этади. Бу нонушта худди кенгайтирилган нонушта каби сервировкаланади. Агар мөхмон тухум ўрнига балиқли ёки сули ёрмасидан тайёрланган таомларга буюртма берса, унда қўшимча равища балиқка приболар ёки қошиклар билан сервировкаланади.

4. Америкача нонушта. Бунда қўшимча равища: муз бўлаклари билан оддий сув, мевали шарбат, мевалар (грейпрут, тарвуз, қаймоқли майда мевалар) ёки мевали компотлар (олхўри, шафтоли). Ёрмали таомлар (маккажўхорили, гуручли), оз микдордаги гўшти, ҳар хил пироглар ва бошқалар ҳам берилади.

Куйидаги З-жадвалда миллий нонушталарнинг бошқа турдагилари келтирилган.

З-жадвал

Миллий нонушталар турлари

Миллий нонушта тури	Ташкил қиласидиган маҳсулотлар
1-Австрияга оид	Қаймоқ ёки сутли кофе, булочка
2-Австрияга оид	Совуқ таомлар (колбаса, қайнатилган гўшт), иссиқ таомлар (димланган ёки қовурилган гўшт, қовурилган жигар), минерал сув, кофе
Голландларга оид	Кофе, чой, сут, голландча сухарилар, голландча пишлок, сутли бўтқа, начинкали блинчиклар, сельд, гўшти ассорти
Испанча ва португалча	Кофе, булочка, мармелад ёки иссиқ шоколад билан печеньелар

эрталабки	
Испанча ва португалча кечки (10:00-11:00)	Сабзавотлар, балиқли ва тухумли таомлар
Италянча	Мевалар, сутли аччиқ кофе. Мармелад билан булочка, асал ёки сариёғ
1-Немисларга оид (6:00 атрофига)	Сут ёки қаймокли кофе, мармеладли ёки жемли булочка, пишлокли ёки сариёғли бутербродлар
2-Немисларга оид (10:00-11:00)	Совуқ ва иссиқ таомлар, десерт, биринчи ва иккинчи таомлар
1-Полякларга оид	Чой, сутли кофе, булочка, мармелад ёки мураббо
2-Полякларга оид	Совуқ ва иссиқ таомлар. Десерт, кофе, сутли чой
Скандинавияга оид	Балиқли ва гүштли таомлар, қурутилган нон
Финларга оид	Сутли иссиқ ичимлик
1-Французга оид	Жуда кўп сутли аччиқ кофе, сариёғ, турли хилдаги пишлоклар, нон, булочка.
2-Французга оид	Совуқ таомлар (бутерброд канапе, сабзавотлардан тайёрланган салатлар, товуқ, балиқ, сариёғ, денгиз маҳсулотлари), иссиқ сабзавотли таомлар, балиқ ёки гүштли, сабзавот, мева гарнирли таомлар, кофе
1-Швейцарияга оид	Сутли кофе, булочка
2-Швейцарияга оид	Пишлок, гүштли ассорти, сулили бўтқа, балиқ ёки гүштли иссиқ таомлар, булочка, асал

5. Шампань, виноли нонушта. Бу нонуштанинг вақти соат 10:00 дан 11:30 гача. Кофе, чой, спиртли ичимликлар (шампан, вино), оз миқдорда иссиқ ва совуқ таомлар, шўрва, салатлар, десерtlар. Таклиф худди буфет каби. Шампан алоҳида талаб бўйича етказилади.

6. Кечки нонушта. Соат 10:00 дан 14:00 гача. Таркиби нонушта ва тушликда бериладиган таомлар ва турли маҳсулотлардан иборат, яъни иссиқ ва совуқ таомлар, ичимликлар, булочка, сариёғ, жем, колбаса, пишлок, десерт. Таклиф худди буфет каби. Альтернатив тушлик ва нонуштадан иборат.

Туристларни халқаро усулларда овқатлантириши. Ўзбекистон Республикасида алоҳида ажратилган ҳолда аҳолига қўрсатиладиган хизматлар таснифлагиchi мавжуд эмас. Шундай экан, овқатланиш

корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматларга «Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ)»да алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сервис турини танлашда «қанчалик қиммат бўлса, шунчалик сервис кўп бўлиши керак» деган тамойилга риоя қилиш зарур. Дунёда ресторон сервисларининг қуидаги турларини ажратишади:

Буффет (швед столи) – мижоз ўз идишига ўзи овқат солади. Бунда бир неча вариантлар мавжуд: таом катта лаълиларда ёки иситиладиган идишларга жойлаштирилади. Ошпаз мижозга гўшт кесиб беради, ошпаз турган столга мижозлар навбат кутиб турадилар ва б.

Plate service (америкача) – официантлар мижознинг чап томонидан туриб унинг тарелкасига таомни қўядилар, бўш тарелкаларни эса мижознинг ўнг томонидан оладилар.

Family service (оилавий) – таом стол ўртасида туради ва ҳар бир мижоз ўз тарелкасига ўзи олиб солади. Баъзида столда факат гарнирлар туради, гўшт (балиқ) эса официантлар томонидан тарелкага қўйилади. Сервиснинг бу турини инглизча ҳам дейишади.

Silver service – таъом официантлар томонидан катта идишда столга қўйилади, ушбу идишдан официант меҳмонлар тарелкасига чап томондан порциялар қўяди, тарелкаларни эса меҳмоннинг ўнг томонидан қўйиб чиқади. Ресторон сервисининг ушбу турини АҚШ ва Германияда русча, Францияда эса французча дейишади.

Guardon service – ресторан сервисининг энг олий тури бўлиб, унда официант таомни маҳсус аравачада меҳмон столи олдида тайёрлайди. Таъкидлаш жоизки, официант таомнинг факат якунловчи босқичини кўрсатади (спирт алангасида қовуриш). Нима қилаётганлигини у меҳмонларга тушунтира олиши керак . Францияда сервиснинг бу турини русча деб аташади.

Сервиснинг турига қараб қанча официант кераклигини аниклаш мумкин. Масалан, **Silver service** да битта официантга 10 та меҳмон, **Plate service** да битта официантга 18 та меҳмон. Ҳатто ҳар бир мижоз учун столда ажратилган масофа ҳам муҳим — **Silver service** да 75 см ва **Plate service** да 60 см.

Овқатланиш корхоналари турли хил бўлиши билан бир қаторда, улардаги хизмат кўрсатиш турлари ҳамда таом бериш усуллари хилмажилдир. Ҳозирда таом бериш усулларининг қуидаги 5 тури анча оммабоп ҳисобланади:

- французча

- русча
- инглизча
- европача
- немисча

Французча усулда:

- ошхона анжомлари ликопча устига қўйилади;
- чап қўл кафтига 4 тахланган қўл сочиғи (ручник), ўнг қўл ёрдамида таомни (ручникка) қўйилади, бунда барча анжомлар истеъмолчи тарафига қаратилган бўлиши керак;
- чап қўлда келтирилган барча салат, таомлар чап томондан таклиф этилади ва қўйилади;
- ўнг қўл ёрдами керак бўлмаса официант уни орқада тутиши керак;
- таомни истеъмолчига олиб келганда ликопчасига текиздирмаган ҳолда, оҳиста, қуиши ёки таомни чап қўлда ушлаб туриб ўнг қўл ёрдамида санчиқи ёки қошиқ ёрдамида истеъмолчиларнинг ҳар бирининг ликопчасига солиш керак;
- официант тирсакларини ўзига яқин ушлаши ва асосан, билаги билан ишлаши керак;
- асосий маҳсулот (гўшт, балиқ, куш) ликобчанинг марказига, гарнирлар эса ундан чапда ёки ўнгда, петрушка, селдерей, укроп тепадан ўнгда қўйилади;
- соусни ликопчанинг ўнг томонинига қўйиш афзалрок;
- асосий маҳсулот, соус, гарнир, сабзавот, кўкат каби порцияларга бўлинади.

Русча усулда:

- буюртирилган таом анжомлари билан стол устига кўп порциялик идишда олиб келинади;
- истеъмолчи таомни ўзи ўзига қўяди, официант факатгина ёрдам бераб туради, холос;
- таом тўлдирилган овал ёки айлана товоқлар тагига официант салфетка тўшайди, агар қопқоғи бўлса, маҳсус ликопчаларига қўйиши лозим;
- совуқ таом ва салатлар бирга олиб келинади ва столга қўйилади, иссиқ таомлар эса, кейинроқ; иссиқ таом олиб келгач, официант, ишлатилган идишни тозасига алмаштириши шарт;

- ичимликлар, чой ва кофе самовар, чойник ёки кофе учун маҳсус идишларда берилади; салқин ичимликлар ва компотлар графин, бутилка, кувшинларда узатилади.

Инглизча усулда:

- официант буютирилган таомни истеъмолчига қўрсатади ва унинг розилиги билан ликопчасига солади;
- истеъмолчи официант ҳаракатларини кузата олиши учун маҳсус силжувчи стол бўлиши керак ва унга оқ дастурхон тўшалади, буюртмалар шу столда олиб келинади;
- чап томондан таомлар, ўнг томондан эса гарнир солинади;
- истеъмолчига ликопчалар ўнг томондан, ўнг қўл ёрдамида ёки истисно юзасидан, чап томонда бўлса, чап қўли ёрдамида берилади;
- лангент, бифштекс, картофел, котлет, сабзавотли гарнирларни солишда классик усулдан фойдаланилади. Бунда қошиқ олинаётган маҳсулот тагига, санчиқини эса устидан ушлаган ҳолда истеъмолчи ликопчасига солиниши керак;
- димланган ва катта бўлакдаги гўштларни солиш учун эса, ҳам қошиқ, ҳам санчқи шу маҳсулот тагида бўлиши керак, бунда қошиқ санчқига нисбатан ёки бир йўналлишда ёки қарама-қарши йўналишларда бўлиши мумкин;
- ширинликлар, пудинглар, запеканкаларни официант ўнг қўлида қошиқ ва чап қўлида санчиқи ёрдамида ликопчага қўйиши керак, бунда анжомлар бир-бирига параллел ҳолатда ушланади.

Европача усулда:

- иккинчи иссиқ таомлар маҳсус қопқоқчали идишларда олиб келинади;
- официант меҳмонга ўнг томондан келиб таомни қўяди, қопқоғини очади ва қопқоғини маҳсус ёрдамчи столига олиб бориб қўяди.

Немисча усулда:

- таомлар катта товоқда қўл эркин етадиган жойга қўйилади;
- туристлар ўзлари танлайди ва таби бўйича овқатланади

Туристлар шаҳар меҳмонхоналарига жойлаштирилганда уларни овқатлантириш муаммо эмас. Чунки, турист жойлашган меҳмонхонада ҳам шаҳарнинг ҳар бир кўчасида ҳам туристнинг эҳтиёжини қондирадиган ресторон, кафе, ошхона ва чойхоналар бор.

Шаҳарлар меҳмонхоналарида жойлашган туристларни овқатлантиришда халқаро меъёрлардаги усуллар қуйидагича:

- түлиқ пансион – 3 марта овқатланиш (нонушта, тушлик, кечки овқат);
- ярим пансион – 2 маротаба овқатланиш (нонушта–тушлик, нонушта–кечки овқат ёки тушлик–кечки овқат);
- фақат нонушта;
- фақат тушлик;
- фақат кечки овқатланиш.

Овқатланишда хизматлар шакли қуидаги: Нонушта, тушлик ва кечки овқатни ташкиллаштиришда турли хизмат құрсатылған усуллардан фойдаланилади.

1. «А ля карт».
2. «А парт».
3. «Табльдот».
4. «Швед столи».
5. Буфет хизмат құрсатыш.

«A ля карт (à la carte)» хизмат құрсатыши. Мәхмөнлар меню (таомнома)дан ўзларига ёқадиган таомлар ва ичимликларни танлаб оладилар. Буюртма ошхонага берилади, шундан сүнг буюртмага асосан столни сервировкалаш бошланади. Бунда мәхмөнлар официантдан таом ва ичимликлар танлашда маслаҳат олиши мүмкін. Бундай пайтда ўзига хос сервис қўлланилади, яъни мәхмөнга таомни танлай олишини сингдириш, бу усул ресторандаги яхшигина даромад келтириши мүмкін.

Бу сервис мәхмөнларни мажбурий тарзда танлашда қўллаш учун эмас, балки уларга маслаҳатлар бериш мүмкинлигига имкон яратилади. Одатда официант мәхмөнга таниш бўмаган таомни татиб қўриш учун шароит яратади. Қайси таом билан вино ичиш мүмкинлиги тўғрисидаги маслаҳатни эса, улар бажонидил қабул қилишади. «А ля карт» усул бўйича хизмат құрсатыш кўп меҳнат талаб қилишига қарамай, кўпгина ресторанларда қўлланилиб келинмоқда ва бу мәхмөнларнинг ҳохиши бўйича амалга оширилади.

«A парт (apart)». Мәхмөнларга бундай усулда хизмат құрсатышда, тахминий буюртма олиниб, берилган вақт асосида бажарилади. Кўпгина дам олиш уйларида ва мәхмөнхоналарда фойдаланилади.

«Табльдот (tabled' hote)». «А парт»дан хизмат құрсатылған мәхмөнларга бир хил меню асосида, бир вақтда хизмат құрсатыш билан фарқланади. Ҳамма столга ўтиргандан кейин хизмат құрсатыш бошланади. Одатда пансионатларда, дам олиш уйларида ва бошқа биноларда фойдаланилади.

«Швед столи». Жуда кенг ассортиментли таомлар ва эркин танлаш. Бу қисқа таркибли ва кенгайтирилган ассортиментли столдан иборат бўлиши мумкин. Ҳаммаси отеллар категориялари ва қайси мамлакатлардан эканликларига боғлиқ.

Келтирилган хизмат кўрсатиш тури қуйидаги афзаликларга эга:

- ресторанга кириш фаолиятини кўпайтиради;
- хизмат кўрсатиш жараёнини тезлаштиради.

Малакали идора ходимларининг камроқ қатнашишларини таъминлайди. Ҳар бир меҳмон ўзига танлаш имконияти борлиги туфайли бу усулни хуш кўради.

Швед столи бўйича овқатланишни ташкиллаштириш, бу асосан йирик анжуманлар, конгресслар ва ҳ.к. қатнашчиларга хизмат кўрсатишни тезлаштириш мақсадида қўлланилади. Бунда нонушта учун 15-20 дақиқа, тушлик ва кечки овқат учун 25-30 дақиқа вақт сарфланади. Истеъмолчилар буюрган таомлар ва ҳисобни кутиб ўтирумайдилар.

Швед столи залда хизмат кўрсатиш учун қулай жойда ташкил қилинади. Кассанинг кўринадиган жойига иш тартиби, вақти, нонушта, тушлик ва кечки овқатнинг нархлари тўғрисидаги эълон осиб қўйилади. Швед столидаги ассортиментлар овқатланиш вақтига (нонушта, тушлик ва кечки овқат) қараб тузилади. Бунда ҳар бир истеъмолчи ўз ҳохишига кўра таом танлаш имкониятига эга.

Швед столини ташкил этишда маҳсус савдо-технологик жиҳозлар турли чет эл фирмалари олиб келинади. Улар қуйидагилар:

- патнислар учун прилавкалар;
- совук ва ширин таомлар учун совутувчи прилавкалар;
- суюқ ва иссиқ таомлар учун мармитли прилавкалар;
- иссиқ ичимликлар учун прилавкалар;
- ҳаракатланувчи тележкалар;
- стол анжомлари ва бошқалар учун прилавкалар.

Швед столини маҳсус баландлиги 75-90 см, эни 150-200 см (бир қаторнинг узунлиги 300-400 см) ёки тўғритўртбурчак шаклидаги столлардан иборат бўлади. Стол юзасини керагича кўпайтириш учун қўшимчалардан фойдаланилади. Стол усти оқ ёки рангли дастурхонлар билан қопланади, унинг узунлиги полгача етади (худди фуршет столидек). Швед столи учун хизмат кўрсатадиган маҳсус официантлар гурухи тузилади. Ундаги ҳар бир ходим аниқ бир вазифани бажариб, иш олиб боради. Официантлар бошлиғи ёки бош ошпаз нонушта, тушлик ва кечки овқат учун таомларни олиб, истеъмолчиларга етказиб бериш ва столга

керак бўлган ассортиментлар билан тўлдириб боришни назорат қилиб туради.

Сўнгги йилларда бундай хизмат кўрсатиш усулидан нонуштада кўпроқ фойдаланилади. Шунингдек, конференциялар, симпозиумлар, мажлислар қатнашчилари учун ҳам қўлланилади.

Овқатланишнинг маҳсус турлари қўп сонли истеъмолчиларга (илмий анжуманлар, симпозиум, сеъзд ва ҳ.к.) чегараланган вақтда сифатли хизмат кўрсатиш мақсад қилиб қўйилади. Бунда: зал-экспресс, стол-экспресс, швед столи (буфет) кабилар ташкил қилинади.

Зал-экспресс – ресторанларда чегараланган тушлик вақтида истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни тезлаштириш мақсадида ташкил қилинади. Бундай зал 4 кишидан иборат гурух хизмат кўрсата оладиган, унчалик ўринлар сони қўп бўлмаган ҳолда бўлади. Таомномаси эса комплекс тушлик, яъни 4 хил: совуқ таомлар, суюқ таомлар, асосий иссиқ таом ва десертдан иборат бўлади. Нон нархи эса тушлик таркибида киргизилади. Тушлик вақтида зал-экспрессдаги столларнинг ҳаммаси тайёр ҳолда бўлади. Сервировкалашда эса ўртacha ликопчалар, овқатланиш асбоблари ва фужерлардан фойдаланилади.

Ҳар бир столда таомномалар қўйилади. Столга хўрандалар ўтирганда официант енгил овқатларни олиб келади, ундан кейин суюқ таомлар, сўнг асосий иссиқ таом ва десерт олиб келинади. Бундай тушликда истеъмолчи одатда 15-20 дақика сарфлайди. Тушликнинг стандарт нархи аниқланган бўлиб, ҳисоб-китобни тезлаштиради. Ҳисоб тўлангандан кейин чек асосида берилади.

Стол-экспресс – 20 кишига мўлжалланган бўлиб, марказий қисми айлана ҳаракатига эга бўлади. Столда ҳар хил яхналар, таомлар, қандолатчилик маҳсулотлари, шарбатлар, ҳар хил салқин ичимликлар қўйилади. Истеъмолчи столга ўтириб марказий айланмани айлантириб керак бўладиган таомларни танлаши мумкин. Иссиқ ичимликларни эса официант талабга кўра олиб келади ва ҳисоб-китоб қилинади.

7.5. Ўзбекистон туризмида транспорт хизматлари

Туризм индустряси ишлаб чиқарадиган туристик маҳсулот, хизматлар ва товарларнинг таркиби анча катта ва ранг-баранг мажмуани ўз ичига олади. Бу маҳсулотдан кишилар саёҳат қилишда, шунингдек туризм доирасида дам олиш, ҳордиқ чиқариш, даволаниш, ўз билим ва касбий даражасини оширишда фойдаланишлари мумкин. Бунда туристик маҳсулотнинг асосий таркибий қисмига кирувчи транспорт хизматлари

жами хизматларнинг 27 фоизини ташкил қилади. Йўловчиларни, шу жумладан туристларни ташиш ҳар хил транспорт турларида, чунончи: ҳаво, ер усти, сув транспортида амалга оширилади. Туристик ташувлар учун транспорт турларининг оммавийлиги ёки талаб этилиш даражаси мамлакатнинг жўғрофий ўрни ва иқлим шароитларига, иқтисодий ривожланиш даражасига, миллий анъаналарига, одамларнинг ижтимоий ҳолати ва турмуш даражасига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - халқ хўжалиги ва аҳолини авиация хизмати (юк, йўловчи ташувлари, маҳсус авиааташишлар) билан таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Миллий авиакомпаниясидир. Авиакомпания 1992 йил 28 январда ташкил этилган. Ана шу вақтдан бошлаб самолёт паркини замонавийлаштириш, янги аэропортлар қуриш, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш, аэродромларни янги замонавий техника билан таъминлаш, юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи база ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган республика Фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури амалга кирди. Ўтказилган ислоҳотлар Ўзбекистон авиация транспортининг халқаро, иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларини ривожлантиришда етакчи соҳалардан бирига айланишига омил яратди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси халқаро авиааташувлар бозорида ўзининг муносиб ўрнига эга. У ўз фаолияти давомида бир неча маротаба нуфузли мукофотлар: фаол ишлари учун «Евромаркет – 2000» соврини, Халқаро авиация хавфсизлиги жамғармаси дипломи, Халқаро аэропортлар бирлашмаси мукофотларига сазавор бўлди. Авиакомпания Америка, Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари, Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё ҳамда МДҲнинг 40 ортиқ шаҳарларига мунтазам қатновларни амалга оширади.

Хозирги кунда миллий авиакомпаниямиз тасарруфида 12 та аэропорт мавжуд бўлиб, улардан бештаси — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Термиз аэропортлари халқаро мақомга эга.

“Тошкент” халқаро аэропорти. Пойтахтнинг «Тошкент»²⁷ аэропорти сўзсиз етакчи аэропортдир. Яқин чет эл мамлакатлари аэропортларига қараганда географик жиҳатдан жуда қулай, яни МДҲ давлатларидан Жануби-Шарқий Осиё, Европа ва Америкага ҳаво трассаларининг кесишиганди нуқтасида жойлашган.

²⁷.Маматкулов Х.М. «Туризм инфратузилмаси» Маъruzalар курси. СамИСИ. 2009.-212 б.; Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г. Туризм асослари. Дарслик. Тошкент. 2014.-330 б.

«Тошкент» халқаро аэропорти дунёning барча катта шаҳарлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган. У ИКАОнинг иккинчи категорясига эга бўлиб, турли русумдаги самолётларни қабул қиласди. Ҳар йил унинг хизматидан 2 миллиондан ортиқ йўловчи фойдаланади. Бундан ташқари аэровокзалда транзит йўловчилар учун алоҳида терминал ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳам мавжуд. Шаҳар транспортининг қулай йўналишлари ҳам йўловчиларни пойтахтнинг исталган жойига олиб боради.

Аэровокзал биносида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлари учун:

- барча қулайликларга эга кенг ва ёруғ кутиш заллари;
- туну-кун ишлайдиган паспорт, божхона, чегара хизматлари ;
- маълумотлар хизмати;
- багаж жўнатишнинг янги конвейр тизими;
- халқаро телефон алоқаси;
- билет сотиши ва бронлаштириш кассалари;
- Дюти-Фрее савдо шаҳобчаси;
- ресторан, бар, «бир зумда» овқатланиш пунктлари;
- валюта алмаштириш шаҳобчалари;
- VIP зали (юқори мартабали кишиларга хизмат кўрсатиш);
- СИР зали (юқори қулайликларга эга) жойлашган.

Маҳаллий йўналишлар терминали биноси ҳам барча қулайликларга эга. Бу ердан сиз республикамиз шаҳарлари, бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда вилоят марказларига боришингиз мумкин. Мамлакатимизнинг бош аэропорти дунёning 30дан ортиқ авиакомпанияларига хизмат кўрсатаяпти. Бу ерда ҳар куни ўнлаб бортлар ёнилғи билан таъминланади. «Тошкент» аэропортини ривожлантириш истиқболли режасида уни минтақалараро йўловчи, юқ ташувлари амалга оширувчи халқаро марказга айлантириш мўлжалланган.

«Самарқанд» халқаро аэропорти. Самарқанд шаҳри нафакат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда машҳур сайёҳлик марказидир. Замонавий РЖ-45 ҳаво кемаси 45 дақиқада сайёҳларни пойтахтдан қадимий шаҳарга етказиб келади. Ҳозирги кунда «Самарқанд» халқаро аэропорти халқаро транзит йўналишлар учун муҳим бўғинлардан бирига айланяпти. У қайта таъмирлангандан сўнг ИКАО (халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти)нинг биринчи категориясига эга бўлган аэропорт ҳисобланиб, ғарбда ишлаб чиқарилган турли русумдаги лайнерларни ҳамда шарқий ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Янги аэропорт соатига 400 йўловчини ўтказиш имкониятига эга. Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Симферопол ва Қозон шаҳарлари

билин ҳаво алоқалари ҳам ўрнатилган. Бу ерга Европа мамлакатлари ва Япониядан чартер қатновлар амалга оширилади. Аэропорт халқаро ташувларни амалга оширгани учун «Габриэл» ва «Сита» бронлаштириш тизимиға киритилган. 2012 йилнинг 9 ойи мобайнида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК хизматларидан 1 млн. 962 минг нафар йўловчи фойдаланган. Маҳаллий ҳаво йўналишларидаги қатновлар ҳажми ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда 16,4% ни ташкил этган.

«Бухоро » халқаро аэропорти 1997 йилда ишга туширилиб, халқаро мақомга 1999 йилда эришган, соатига 150 йўловчига хизмат кўrsатади. Унда кенг кутиш майдони, буфетлар, дуконлар, медпункт, юкларни саклаш хонаси, миллий анъаналарда безатилган VIP-ва СИР- майдонлари мавжуд. Бухоро аэропортидан Тошкент, Москва, Санкт-Петербург шахарларига, шунинг МДҲ мамлакатлари ва бошқа давлатларга учиш мумкин. “МДҲ мамлакатлари орасида йилнинг энг яхши аэропорти” унвони ташувлар ҳажми борасида 2012 йилда беш юз минг нафаргача йўловчига хизмат кўrsатган “Бухоро” халқаро аэропортига топширилди. 2013 йилнинг 9 ойида 1914 та ҳаво қатновига ва 74 минг йўловчига хизмат кўrsатган.

«Урганч» халқаро аэропорти. Фуқаро авиацияси «Аэропорт» Ассоциациясининг «МДҲ давлатлари бўйича йилнинг энг яхши аэропорти» танловида 2012 йилда «Ишлаб чиқаришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун» номинацияси ғолиби бўлди. «Урганч» халқаро аэропортида эса соатига 200 нафар мижозга хизмат кўrsatiш имконини берувчи, барча қулийликларга эга йўловчилар учеб келиш зали фойдаланишга топширилган. Шунингдек, республика аэропортларида сифат менежменти тизими жорий этилиб, сертификатлар билан тасдиқланган.

Янги Урганч аэропорти соатига 300 йуловчига хизмат кўrsатади. Унда кутиш майдони, тиббиёт пункти, барлар, кафе, валюта айирбошлиш шоҳобчаси, сувенирлар дўкони мавжуд, аэропортдан Тошкент, Москва шаҳарларига ва дунёning бошқа мамлакатларига учеб бориш мумкин.

Туристларни темирийўл транспортида ташиш. Темир йўл транспорти ўрта масофаларга туристларни мақбул нархларда тез ва қулий шароитда этиб боришлирини таъминлайди. Алоҳида ҳолларда темирийўл транспорти туристик саёҳат мақсадларида ҳам фойдаланиши мумкин. Туристларни темирийўлда ташиш туризм транспорт таъминотининг самарали воситаси ҳисобланади. Саёҳатнинг юқори шинамлиги, юқори тезлик ва мақбул нархларда туристлар гурӯҳини ихчам жойлаштириш бу транспорт турини кичик ва ўрта масофаларга харакатланишда рақобатбардошлигини оширади. Темирийўл транспортидан ички ва чегара

яқини туризмини шунингдек, сайру тамоша, экскурсион сафарлар ва дам олиш кунлари туризмини ташкил этишда кўпроқ фойдаланилади.

Темир йўл транспорти ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Шу боис ушбу тизим равнақига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида минглаб километр узунликда темир йўл линиялари барпо этилиб, янги йўналишлар ишга туширилмоқда. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Қарши йўналишларида “Registon”, “Sharq” ва “Nasaf” тезюарар поездлари қатнови йўлга қўйилгани, Истиқлолнинг 20 йиллиги арафасида эса Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” электропоезди қатнови амалга оширилгани бунинг яққол тасдигидир.

“Тошкент — Самарқанд” линиясида умумий узунлиги 100 километрга тенг янги электрлаштирилган йўл барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 январдаги “Тошкент – Самарқанд темир йўл линияси участкасида юқори тезликдаги поездлар ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши асосида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити ва “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК маблағи ҳисобидан амалга оширилди ва шу лойиха асосида биринчи тезюарар “Afrosiyob” электропоезди Тошкентга 2011 йилнинг 22 июль куни олиб келинди.

Мустақиллик байрами арафасида Испания ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик самарасида юртимизга келтирилган “Afrosiyob” поездларининг дастлабкиси “Тошкент -Самарқанд” линиясида ўз қатновини бошлади. Иккита локомотив, 8 та йўловчи ва битта вагон ресторанидан иборат поездда шу кунгача 7 мингга яқин йўловчи манзилига етказилди. 2011 йилнинг 9 декабрь куни «PATENTES TALGO S.L.» (Испания) компаниясида ишлаб чиқарилган иккинчи юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” электропоездининг ишга тушгани нафақат Республикамиз ахолиси учун, балки хорижий туристлар учун ҳам замоавий транспорт хизматидан фойдаланишга туртки бўлди.

Бундан ташқари яқинда эса юртимиздаги хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳлар учун мўлжалланган “Afsona” поезди “Тошкент-Марказий” вокзалидан “Тошкент-Самарқанд”, “Қарши –Бухоро-Урганч” йўналишлари бўйлаб йўлга чиқди. У, юқорида қайд этилганидек, айнан ўзимизда ишлаб чиқарилган ва модернизация қилинган янги вагонлардан ташкил топган эди.

Айтиш керакки, “Afsona” поезди илк бор 2013 йилнинг 11 апрелидан Тошкент-Самарқанд -Қарши -Бухоро -Урганч йўналишида ишга туширлди. Айни пайтда замонавий қулайликларга эга 8 вагон, қолаверса, люкс, купе ва вагон-ресторандан таркиб топган поезд мижозлар хизматида. Янги поезд сайёхлар ва йўловчиларни Ўзбекистоннинг бошқа жойларидан, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қаршидан Хоразм вилоятига етказиш учун йўлга қўйилган бўлиб, у Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига ёрдам беради²⁸.

7.6. Туристларнинг овқатланишини транспортда ташкил қилиш

Транспорт хизматлари – туризмдаги асосий хизматлар турига киради. Туристларга хизматлар кўрсатишида туристик фирмалар турли хил транспорт воситаларидан фойдаланадилар. Транспортларда саёҳатлар туроператорлар ишлаб чиқган туристик маршрутларда амалга оширилади. Албатда бу маршрутларда туристларни овқатлантириш дастурлари мавжуд бўлади. Бу дастурлар бўйича туристлар автомобил транспортларида, темир йўл транспортларида, авиа транспортларида ва сув транспортларида жойлашган овқатлантириш корхоналарида (вагон-ресторан, вокзаллардаги ресторонлар ва кафелар, сув транспортларидағи ресторонлар ва бошқ..) базида транспортнинг ўзида овқанлантирилади.

Автомобил транспортлари туризмда энг кўп ишлатиладиган транспорт тури ҳисобланади. Автохизматлар туризмда қуйидаги йўналишлар бўйича кўпроқ талабларга эга:

- автобусларда саёҳатларни ташкил қилиш;
- туристларнинг шахсий автоларида саёҳатлар ташкил қилиш;
- автомобилларни ижарага олиш.

Кулайлиги ва арzonлигидан автосаёҳатлар ҳамма мамлакатларда ривожланган ҳисобланади. Шу билан бирга автотранспортларда туристларни овқатлантириш ҳам тобора такомиллашиб бормоқда. Автотранспортларда туристларни овқатлантириш уларни ресторан хўжаликларида овқатлантиришдан кескин фарқ қиласди.

Автомаршрутларда туристларни овқатлантириш маршрутнинг узок ёки яқинлигига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Узок рейсларда туристларнинг ҳоҳиши ва истаклари эътиборга олинади. Чунки, туристлар йўл атрофларидаги сўлим жойларда, Улар учун қандайдир қизиқарли жойларда

²⁸www.Turkistonpress.uz.

тўхтаб томоша қилишни ва шу жумладан овқатланишни ҳам таклиф қилиши мумкин.

Ҳозирги замонавий автобусларда йўловчиларни овқатлантириш масалалари ҳам хисобга олинмоқда. Автобусларнинг техник жиҳозланишига қараб туристларга совуқ ва иссиқ таомлар бериш имкониятлари ҳам яратилмоқда. Кўп ҳолларда турмаршрутни бошқариб бораётган туроператор ёки гид-бошловчи туристларни автобусларда овқатлантиришни ўз зиммаларига олишмайди. Бу ҳақда улар туристларга сотган йўлланмаларида қайд қилинган бўлади.

Бундай ҳолларда туропратор ёки гид-бошловчи туристларни автобусларда яратилган кичик ошхоналарнинг фаолияти билан таништиради. Туристлар овқатланганда бу кичик ошхоналардан фойдалнишлари мумкин. Бундай ошхоналар автобусларда уларнинг классларига (даражаларига) боғлик ҳолда яратилади.

Ҳозирда қўйидаги классли автобусларда кичик-мини ошхоналар курилган:

- 3* даражасидаги туристик классли автобусда-кичик ошхона- кофе тайёрлаш чойнаги, мини-бар, совутгич, ичимликларни истиш ускуналари;
- 4* даражали комфорт классли автобусда-кичик ошхона, совутгич, ичимликларни иситувчи ускуналар;
- 5* даражали “эксклюзив” классли автобусда-совутгич, грил ошхонаси, микро тўлқинли печка, иссиқ ва салқин ичимликлар учун дозаторлар, овқатни истиш ускуналари, йиғма стол-стуллар, стаканларни қўйиш жойлари, чиқиндиларни солиш қўтичалари.

Келтирилган шароитли автобусларда туристларнинг ўzlари овқатланишни ташкил қилиши одатий бўлиб қолмоқда. Автобусдаги туристларни тўлақонли, кўнгилдагидек овқатлантириш факат йўл бўйидаги овқатлантириш корхоналарида амалга оширилади. Туристлар тунги дам олишга жойлашган меҳмонхоналарда ҳам уларнинг овқатланишини ташкил қилиш мумкин.

Ҳозирги вактда туризмни ривожлантираётган давлатлар автосаёҳатларнинг тобора жадал суратлар билан ривожланаётганлиги учун катта трассалар бўйлаб замонавий кемпинглар қуришмоқда. Бу кемпингларда автосаёҳатчиларни овқатлантириш муамоларни ҳосил қилмайди.

Темирйўл транспортида туристларни овқатлантириш. Темир йўл ранспорти аникроғи поездлар ҳар қандай сонли (якка, гурухли, оилавий туристларни саёҳат қилдиришда энг қулай бўлган транспорт воситасидир.

Шу ерда туризмнинг асосчиси бўлган Томас Кукнинг биринчи туристик саёҳатларни айнан поездларда бошлаганлигини эслаш лозим.

У биринчилардан бўлиб саёҳат мақсадида оммавий сафар уюштиришнинг моҳияти ва фойдалилигини англаб етди ҳамда 1843 йилда у дастлабки темир йўл орқали турни муваффакиятли ташкиллаштириди. 1851 йилда у мамлакатнинг барча худудларидан келган 165 минг кишини Париждаги қўргазмада иштирок этишини ташкил қилди. Қўргазмага қилинган саёҳат катта фойда келтирганлиги сабабли, Кук Англиялик туристларнинг 1865 йилда Парижга Бутунжаҳон қўргазмасига оммавий равишда ташриф буюришининг ташкилотчиси бўлди. 1856 йилдан бошлаб Европа бўйлаб турлар одатий ҳолга айланди.

Кукнинг туристик агентлиги ва унинг филиаллари тузилди. Туристик компаниянинг мисли қўрилмаган муваффакиятга эришганлигини Кук туристларга таклиф этган каталогдан 8 мингдан ортиқ меҳмонхоналарнинг ўрин олганлигини ҳам тасдиқлайди. Томас Кук 1872 йилда биринчи бўлиб саноат асосида жаҳон бўйлаб саёҳат уюштиришни таклиф қилган. Бугунги кунда «Томас Кук» компанияси бутун дунёда 12000 дан ортиқ туристик агентликларга эга бўлиб, йилига 20 миллиондан ортиқ туристга хизмат кўрсатади.

Поезда йўловчиларни ташиш қатъий белгиланган муддатларда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам, поездларда саёҳат қилувчилар поездларда ўринни брон қилганидан кейин бемалол саёҳатга тайёрланишади. Поездларда туристларни овқатлантириш асосан темир йўл вокзалларида ва йўлда амалга оширилади.

Туристларни йўлда овқатлантириш поездлардаги вагон-ресторанларда, вагон-буфетларда ва купе-вагон-кафеларда ташкил қилинади. Йўл юриш муддати бир суткадан ошадиган поездларда вагон-ресторанлар, бир суткадан кам юрадиган поездларда вагон-буфет, узоқ муддатли юрувчи поездларда вагон-ресторан ва купе-вагон-кафелар ташкил қилинган. Агар поездда туристларнинг сони 400-450 кишидан ошса бу поездларда 3 та вагон-ресторан ташкил қилинади.

Вагон-ресторанларда биринчи ва иккинчи иссиқ овқатлар, салқин газаклар, сутдан тайёрланган маҳсулотлар, минерал ва мевали сувлар, кондитер маҳсулотлари ва “йўл овқатлари пакетлари”ни тайёрлашади. Буфетдаги озиқ-овқатлар ва йўл овқатлари пакетлари купедаги туристларга кўпроқ тавсия қилинади ва хизматкорлар бу ишни ўз вақтида удалайдилар. Купедагиларнинг таклифларига биноан иссиқ овқатларни ҳам уларга олиб

бориши мумкин. Лекин асосий истеъмолчилар вагон-ресторанда овқатланишади.

Поездлардаги “Ўз-ўзига хизмат кафеларида 20 тагача ўрин бўлиши мумкин. Бу кафеда туристлар ўзлари ҳоҳлаган ичимликларни олиб схбатлашишлари учун шароитлар яратилган. Поездларда туристлар кунлик рацион билан овқатлантирилади. Поезддаги хизматчилар шу усулда туристларни овқатлантиришга улгуришади. Узоқ муддатли йўлда туристлар бир кунда уч маротаба (нонушта, тушлик, кечки овқат) овқатлантирилади. Улар қўшимча овқатларни поезддаги буфет-вагондан сотиб олишлари мумкин.

Вагон-ресторанларда официантлар хизмат кўрсатишади. Уларнинг иш вақти поезд йўлга тушган куни соат 9 дан то соат 23 гача. Иккинчи кундан бошлаб вагон-ресторанлар кеч соат 22 гача ишлайди. Вагон –ресторанларга кириш у ёпилишидан 30 минут олдин тўхтатилади.

Вагон-ресторанларда иккинчи овқатларнинг ва болалар учун парҳез таомларининг менюси ташкил қилинади. Вагон-ресторанда туристларга доимий равиша енгил сутли маҳсулотларини, булкаларни, сэндвичларни, тайёр кондитер маҳсулотларини таклиф қилувчи-барча вагонларни доимий равиша айланиб юради. Бу айланиб юришда у туристлардан овқатларга буюртмалар ҳам қабул қилиб олиши мумкин. Барча поездлардаги вагон-ресторанлар - “йўл овқатлари пакетлари”ни кўплаб тайёrlаб қўйишга жуда катта эътибор беришади. Кўпинча туристлар вагон ресторанларда овқатланишни йўл нархига қўшишади ва бемалол овқатланишади.

Сув транспортларида туристларни овқатлантириш. Халқаро туризмда сув транспортларидан фойдаланиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Денгизлар ва океанларнинг соҳилларида жойлашган давлатлар туризмини ривожлантиришда сув транспортидан фойдаланишда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Сув транспортида туристлар теплоходлардан, паромлардан, яхталар, кемалар ва турли ҳажмлардаги катта қайиқлардан фойдаланмоқда. Сув транспортида туризмни ривожлантиришда давлатлар ички сув ҳавзаларидан ҳам туризмда фойдаланишга рухсат беришган. Ўзбекистонда бу йўналиш ҳали шаклланмаган.

Кемаларда ресторан хўжалигини қай даражаларда ташкил қилиш албатда кемаларнинг оддий йўловчиларга ёки туристларга ихтисосувлашига боғлиқ. Дарё ва денгиз соҳилидаги сузувчи кемаларда салқин газаклар ва ичимликлар билан савдо қилувчи буфетлар ташкил қилинган. Бу буфетлар то 10-12 ўринга мўлжалланган савдо залларига эга. Агар зал бўлмаса савдо маҳсус туйнуклар орқали амалга оширилади.

Йирик йўловчи кемаларда бита ёки бир нечта ресторон-салонлар, буфетлар, барлар фаолият қўрсатишади. Ресторон-салонлар 50 дан то 200 йўловчини бирданига қабул қилиши шароитлари яратилган.

Хозир сув транспорти туризмида *круизлар* ривожланиб бормоқда. Круиз бу – денгизга саёҳатлардаги тур. Турнинг баҳосига кемадаги мажмуали хизматлар, каютада яшаш, овқатланиш ва дам олиш хизматларининг нархи қўшилади. Қисқаси круиздаги йўловчи бирон-бир нарсага муҳтоҷ ҳам бўлмайди, изламайди ҳам. Пули тўланган. Ҳамма хизматлар муҳайё қилинади. Овқатлантириш кунлик рацион асосида амалга оширилади.

Кеманинг юқори палубасида 360 йўловчилилар учун 180 ўринли ресторон зали қурилган бўлади. Туристларнинг нонуштаси, тушлиги ва кечки овқатларида официантлар хизмат қилишади. Булар каюталарга оақатларни олиб бориши ҳам мумкин. Ресторон заллари палубага яқин масофаларда, овқатланганда денгиз тўлиқ кўриниб турадиган шароитларни яратадиган ҳолатларда қурилади. Круиз саёҳатлари қиммат туради. Лекин туристлар бутун денгиз ҳаётини ҳар куни мирикиб томоша қилишади.

Круиз тугагандан кейин ресторанда барча туристлар учун бепул хайрлашув банкети ташкил қилинади. Бу кечада вино сотишга рухсат берилади ва маданий тадбирлар ўтказилади.

Туристларни ҳаво транспортларида овқатлантириш. Замонавий самолётсозликнинг ривожланиши туристларнинг халқаро транспорт хизматларидан фойдаланишини кучайтириб бормоқда. Шу билан бирга, уларни самолёт бортларида овқатлантириш ҳам такомиллаштирилмоқда. Самолётда узок масофаларга учганлар албатда самолётда овқатлантиришнинг лаззатлилиги ва ўзига хослиги яхши кайфиятлар билан гапириб беришади.

Туристлар ҳозирги вактларда қуйидаги ҳаво транспортларидан фойдаланишмоқда:

- катта ва кичик самолётлардан;
- ветолётлардан;
- ҳаво шарларидан;
- дельтапланлардан
- ҳар хил баландликдан паршютларда сакрашдан.

Туристлар ушбу ҳаво транспортларидан фойдаланилганда факат самолётда овқатлантирилади. Қолган ҳаво транспортларида туристик фаолиятда бўлганларида туристик фирма ўша жойларда ёки бошқа жойларда ташкил қилган овқатлантириш корхоналарида овқатланишади. Бу

ҳаво транспортидан фойдалниб ҳар хил күнгилочар ўйинлардан кейин туристлар туристик лагерларда ташкилотчилар буюртмасиз тайёрлаган овқатларни истеъмол қилишади.

Бундай овқатланишда асосан иккинчи таом ва ичимликлар қўйилади. Танлаш ёки буюртма бериш тавсия қилинмайди. Чунки, ветолётлардан, ҳаво шарларидан, дельтапланлардан ва ҳар хил баландликдан паршютларда сакраш машғулотларига асосан ёшлар иштирок этишади. Улар эса очик ҳавода тайёрланган ҳар қандай таомларни хуш кўришади.

Самолётларда туристларни овқатлантириш кўплаб меҳнат ва хизматларни талаб қиласди. Одатда туристларни уларга хизматлар кўрсатаётган туристик фирмалар кўпинча рейсларнинг кечикиб қолишида авиа вокзалларнинг ресторонларида овқатлантиришади. Чунки, авиачиптага овқатлантириш хизматлари ҳам кўшилган бўлади.

Авия йўловчиларнинг вақти камлигини билан авиа овқатлантириш корхоналарида факат ресторанларда официантлар хизмат қилишади. Қолган овқатлантириш корхоналарида ўз-ўзига хизматлар кўрсатиш амлга оширилади.

Самолёт бортида туристларни овқатлантиришда мажмуали рацион қўлланилади. Тўрт соатдан узоқ муддатли учишларда туристларга бир маротаба иссиқ овқатлар беришади. Олти соатдан кўп учадиган самолётларда туристлар икки маротаба овқатлантирилади. Барча авиа рейсларда туристларга салқин ичимликлар тарқатилади. Овқатлар эса маҳсус бир маротабали фойдаланадиган маҳсус пакет кутичаларда қўйилади.

Бортда овқатлантириш овқатлари авиа рейсларга хизматлар қилувчи ресторанларда тайёрланади ва самолётларга етказиб берилади. Бортда овқатлантириш:

- иссиқ нонушта(кечки овқат ҳам шундай);
- салқин нонушта(кечки овқат ҳам шундай);
- консерваланган нонушта(кечки овқат ҳам шундай);
- енгил нонушта(кечки овқат ҳам шундай);

Буларнинг ҳаммасига чой ва салқинлаштирилган ичимликлар қўшиллади.

Катта самолётларнинг бортидаги салонлари иқтисодий класс, бизнес-класс ва биринчи классларга бўлинган. Бу салонлардаги туристларни овқатлантириш ҳам нарх жиҳатларидан ҳар хил. Иқтисодий классдаги туристларнинг менюсига газаклар (ҳамма классларга берилади) икки, уч хил иккинчи таомлар (танлаш учун), минерал ва мевали сувлар, шарбат,

пиво ва бокал вино таклиф қилишади. Ҳамма озиқ-овқатлар бир маротаба ишлатиладиган пластмасса идишларда берилади.

Бизнес ва биринчи классли салонлардаги туристларга салқинлаштирилган сувлар, бир бокал вино беришади, виски жин ва конъяк таклиф қилишади. Уларга овқатлар чинни идишларда, зангламайдиган металлардан ишланган қошиқ ва вилкалар, сочиқ салфеткалар беришади.

7.7. Туристларнинг овқатланишини дам олиш жойларида ташкил қилиш

Туристларнинг овқатланишини дам олиш жойларида ташкил этиш бир томондан унчалик қийинчилик ҳосил қилмайдигандек туюлади. Чунки дам олиш масканлари (пансионатлар, курортлар ва санаториялар маълум бир ихтисосликга-дам олиш ва соғломлаштиришга мослаштирилган маҳсус корхоналар ҳисобланади. Лекин туристларни бундай жойларда овқатлантиришнинг ҳам талаб қилинадиган тамойиллари ва талаблари мавжуд.

Биринчидан, рационал овқатлантиришда туристларнинг жинсига, ёшига, ишлаётган ишининг турига, қайси иқлимий минтақалардан келганлигига ва соғлигининг ҳолатига жуда катта эътибор берилади. Буларни ҳисобга олган ҳолатда уларни рационал овқатлантириш қўйидаги асосий 3 та тамойиллардан иборат бўлади:

1. Танадаги энергиялар ўртасидаги тенглик белгилари. Турист овқатланганда овқатланишдан олган энергиялари ва унинг яшаш фаолиятидаги жараёнларда бу энергияларнинг сарфланишидаги мутаносиблик.

2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдорлари ва сифатлилиги организмдаги озиқ-овқатларга бўлган талабларни қондириши.

3. Овқатланиш режимиининг сақланиши.

Рационал овқатланишга қўйидаги талаблар кўйилади:

- озиқ-овқатларда етарли энергетик манбаларнинг бўлишлиги;
- озиқ-овқатларнинг тури кам лекин сифатлилиги юқори бўлишлиги;
- озиқ-овқатларнинг ҳажми ва суюқлилиги суткалик рационга қисмлар бўйича бўлинганлиги;
- озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишда уларнинг бири-бирига мос келиши;
- қайта ишланмаган янги озиқ-овқат маҳсулотлари билан овқатланишнинг ташкиллаштирилганлиги.

Овқатлантиришда оқсиллар, ёғлар, углеводларнинг бири-бирига 1:1:4 нисбатларда бўлишиги қабул қилинган. Бунда танани суткалик энергиянинг сақланишида оқсилларнинг миқдори 15% ни, ҳар хил ёғлар 30% ни, углеводлар 50-55% ни ташкил қилиши тавсия қилинган.

Туристларни овқатлантиришда энг муҳим тадбирлардан бири-тўғри овқатлантириш режимини тузиб олиш ҳисобланади. Бу режим туристларни овқатлантиришнинг дастурининг энг муҳим талабларидан биридир. Тўғри овқатлантириш режимида овқатларнинг берилиши сони, берилиши вақти, овқатларни беришдаги муддатлар, уйқудан кейинги биринчи овқатлар ва ичимликлар, уйқуга кетишдан олдинги овқатланишдаги овқатлар туристларнинг вазни ва бу вазнга қанчалик энергияли овқатлар берилиши каби муҳим кўрсаткичлар қайд қилиниши белгиланган.

Будай овқатланиш режимини ва дастурларини ишлаб чиқиш албатда кучли парҳезшуносларни, маҳсус мутахассисларни талаб қиласади. Лекин ёдда тутиш керак-ки, бу масканда даволанаётган турист даволанаётган маҳаллий фуқароларга нисбатан анча кўп маблағ тўлайди.

Туристлар учун рационал овқатлантириш менюларини тузишдаги энг биринчи талаблар ҳар бир туристнинг организмларига керак бўлган энергияли овқатлар танланиши ҳисоблаб чиқилиши керак. Рационал овқатлантириш – туристлар соғлигининг асоси деб қаралиши талаб қилинади.

Туристларни рационал овқатлантириш 7 кунга мўлжалланган бўлиб турист ёки туристлар яна шу ерда қолишини ҳохласалар яна 7 кунга рационал овқатлантириш дастури ишлаб чиқиласди. Албатда бу дастурлар «Ахолининг турли гурухларини «Энергетик овқатлантириш Меъёрлари» кўрсатмаларига асосланиб тузилиши керак.

Туристларнинг кўп кунлик рационал овқатлантириш қўйидаги икки босқичда амлга оширилади:

1. Озиқ-овқатларнинг энергетик баҳосини ҳисоблаш ва овқатларнинг баҳолари, мажмуали овқатларнинг таркибини тузиш.

2. Мажмуали овқатларда туристларнинг танлаб олишини эътиборда олиш, уларнинг мувозанатлашган овқатланишига шароитлар яратиш.

Парҳезли овқатланишини ташкил қилиши. Парҳезли овқатлантириш оавқатлантириш рационида бази бир мақсулотларни ё камайтириш ёки кўпайтиришни чегаралаш ҳисобланади. Бундай чегаралаш касал, соғаяётган ва сурункали касалларга мўлжалланган бўлади. Парҳез инсон танасининг, организмининг маълум бир жойларига ёки тананинг барча қисмига таъсир этиши мумкин.

Парҳезни ташкил қилишда қуидаги 3 та тамойилга амал қилинади:

- озиқ-овқатларга механик ишловлар бериш – озиқ-овқатлар майдаланади;
- озиқ-овқатларга кимёвий ишловлар бериш – озиқ-овқатларнинг шўрлилиги аниқланиб улардаги шўр маҳсулотлар олиб ташланади, қийин хазм бўладиган клетчаткали маҳсулотлар олинади;
- озиқ-овқатларга ҳароратли ишловлар бериш. Овқатларнинг жуда иссиклиги ва жуда совуклигининг олдини олиш.

Параҳезли овқатлантириш суткасига 5-6 маротаба бўлиши керак.

Парҳез овқатланишининг таснифи қуидагича:

1. Ошқозон яраси ва 12 бармоқли ичакнинг касаллиги, сурункали гастритда – ёғсиз гўшт ва балиқ, карамдан бошка сабзавотлар. Дуккакли ўсимликлар, ош тузи, печеньелар, дудланган овқатлар, кофелар миқдори чегараланган. Овқатлантириш кўп карали.
2. Ошқозонда кислоталикнинг пасайиши ва сурункали гастрит – бунда овқатлантириш биринчи парҳезда кўрсатилганидек, факат сут ва сут маҳсулотлари чегараланган.
3. Ингичка ва йўғон ичакнинг касалланишида – кўп углеводли парҳез тайинланади. Қаттиқ моддалари бор ўсимлик маҳсулотларини, мақсадли сутни, ош тузини, печеньеларни, маринадларни ва совук овқатларни истеъмол қилиш чегараланган.
4. Жигар касаллиги, ошқозон ости бези касллигига ва ўт халтасининг касллигига – юқори оқсилли парҳез тайинланади. Ёғлар умуман манн қилинади.
5. Юрек қон-томир ва буйраклар касалланганда – туз, балиқлар, қўзиқоринлар ва гўшт маҳсулотлари парҳез таомларига қўшилмайди.
6. Сут ва сут маҳсулотларидан фойдаланиш парҳези.
7. Суюқликларни чегаралаш парҳези.

Таянч сўзлар: функция, номерлар, конгресс отел, конференц отел, бизнес отел, туристик базалар, таймшер, апартамент, апарт отел, мотеллар, кемпинглар, люкс класс, юқори класс, биринчи класс, французча усул, русча усул, инглизча усул, немисча усул, европача усул, парҳез таомлар.

Назорат саволлари:

1. Люкс отелларнинг тавсифлари нималардан иборат?
2. Ўрта класс меҳмонхоналарнинг тавсифлари нималардан иборат?
3. Апартамент меҳмонхоналар қандай фаолият олиб боришади?
4. Нима учун иқтисодий класс меҳмонхоналар дейилади?

5. Таймшер меҳмонхоналарнинг фаолиятига нималар киради?
6. Овқатлантириш хизматлари қандай даражаларга бўлинади?
7. Континентал нонушта қандай ташкил қилинади?
8. Кенгайтирилган нонушта қандай ташкил қилинади?
9. Америкача нонушта қандай ташкил қилинади?
10. Русча нонушта қандай ташкил қилинади?

Мавзуу бўйича топшириқлар:

1. Меҳмонхоналарнинг типологиясини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
2. Флайтелларнинг фаолияти ва улардаги хизматларни тушунтириб беринг.
3. Кемпингнинг фаолияти ва ундаги хизматларни тушунтириб беринг.
4. Мотелларнинг фаолияти ва улардаги хизматларни тушунтириб беринг.
5. Меҳмонхоналарнинг классларга ажратилишининг асосий сабабларини тушунтиринг.
6. Автотранспортларда туристларни овқатлантиришни ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
7. Темир йўл транспортларида туристларни овқатлантиришни ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
8. Сув транспортларида туристларни овқатлантиришни ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
9. Авиа транспортларида туристларни овқатлантиришни ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
10. Парҳезли овқатлантириш қандай ташкил қилинади?.
11. «Энергетик овқатлантириш Меъёрлари» кўрсатмаларини ўрганинг

Мавзууни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

- 1. Апартаментли меҳмонхоналар ... яшашга мослаштирилган меҳмонхоналардир.**
 - а) қисқа муддатларда
 - б) узоқ муддатларда
 - в) шартнома асосида
 - г) буюртма асосида
- 2. Меҳмонхоналарнинг сифими бўйича таснифлашда кичик меҳмонхоналар неча ўринли бўлади?**
 - а) 150 ўрингача

- б) 200 ўрингача
- в) 150дан зиёд
- г) 200дан зиёд

3. Туризмда жойлаштириш усуллари қайсилари?

- а) жамоавий, индивидуал
- б) ресторан, ошхона
- в) темирйўл, автомобил
- г) меҳмонхона

4. Меҳмонхоналар сифимига қўра неча турга ажратилади?

- а) кичик, ўрта, катта
- б) кичик, катта
- в) кичик, ўрта
- г) кичик, ўрта, катта, майда

5. Ротеллар меҳмонхоналардир.

- а) кўчиб юрувчи
- б) шаҳарлардаги
- в) кишлоқлардаги
- г) сув ҳавзаларидағи

6. Таом қўйишнинг нечта усули бор?

- а) 5 та
- б) 4 та
- в) 3 та
- г) 10 та

7. Туристларга транспорт хизматларини қўрсатиш деганда нимани тушунасиз?

а) туристларни ва уларнинг юкларини бир жойдан иккинчи жойга мумкин қадар тез ва қулай шароитларда ташиш учун мўлжалланган хизматлар мажмуига айтилади.

б) йўловчиларнинг юкларини бир жойдан иккинчи жойга элтиб қўйиш

в) туристларни борадиган мамлакатидаги диққатга сазовор жойларига олиб бориш

г) туристларни транзит ташиш

8. Транспорт воситаларининг ривожланиши билан халқаро туризмда нима ўзгарди?

- а) вақт тежалди, нарх арzonлашди
- б) аҳоли турмуш даражаси яхшиланди
- в) хизмат турлари кўпайди

г) аҳоли иш билан таъминланади

9. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси қачон ташкил этилган?

- а) 1992 йил 28 январда
- б) 1991 йил 25 апрелда
- в) 1993 йил 27 майда
- г) 1992 йил 16 марта

10. «Бухоро» халқаро аэропорти нечанчи йилда халқаро мақомга эришган?

- а) 1999 йилда
- б) 1997 йилда
- в) 1998 йилда
- г) 1996 йилда

8 – БОБ. ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ОШХОНАЛАРИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

8.1. МДҲ давлатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар

Мамлакатимизда хорижий давлатлардаги машхур ошхоналарининг таомларини тайёрловчи ошхоналар ташкил қилинмоқда. Лекин ҳозирда ҳам яқин вақтларда ҳам ушбу янгидан ташкил қилинаётган ошхоналар хориж давлатларининг ошхоналарида тайёрланган таомларни улардагидек тайёрлай олмасликлари ҳам маълум ҳақиқат.

Қайд қилингандарни эътиборга олиб ушбу мавзуда имконият даражаларида хориж давлатларининг ошхонасидаги асосий хусусиятларни ўрганиш зарурлигини англалик. Шунингдек, хориж давлатларидаги ошхоналарда тайёрланадиган асосий таомларнинг расмларини тўплашга харакат қилинди²⁹.

Ошхоналаримиздаги ошпазларимиз ушбу расмлардаги овқатларнинг тайёрланишини маҳаллий усулларда тайёрлаб туристларга таклиф килишса, ўйлаймизки, хорижий туристлар учун улар сўраган ҳар қандай давлатларнинг таомларини тайёрлашнинг уддасидан чиқишиади. Талабаларнинг ҳам хориж давлатларидаги ошхоналарнинг таомларига қизиқиши ортади.

Халқларнинг ошхонаси ва овқатланиши – инсоннинг майиий ҳаётида ўта муҳим ва миллий маданияти. Озиқ-овқатларни тайёрлаш санъати – инсониятнинг энг қадимги фаолиятидир.

Миллий ошхоналар шаклланишининг асоси омиллари қуийидагиларни ташкил этади:

- давлатнинг иқтисодий хусусиятлари;
- давлатнинг географик жойланиши ва иқлимий шароитлари;
- тарихий сабаблар;
- қадимий ва диний урф-одатлар;
- дунёдаги турли халқларнинг кулинария маданиятининг бири-бирига кириб бориши ва ўзаро таъсири;
- этногенез;
- дастлабки маҳсулотларнинг сони ва бири-бири билан қўшилиб бориши;

²⁹Мясникова Е.Н. Традиции и культуры питания народов мира. Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова, Москва. 2018.- 67 с.

- маҳсулотларни кулинария максадида қайта ишлашнинг хусусиятли усуслари, қўлланилиши;

- зираворлар, қўшимчалар ва соуслардан фойдаланиш
- овқатланиш режими.

Рус оиҳонасининг асосий хусусиятлари:

- таомлар тайёrlашда ишлатиладиган маҳсулотларнинг турлитуманлиги;

- турли хил хамиртурушлардан ейимлик маҳсулотларини тайёrlаш;
- турли хил тоблама ва ёрмалардан тайёrlланган таомлар;
- сабзавотлардан қилинган совук газаклар, шўрвалар ва иккинчи овқатлар;
- корамол, қўй, эчки, чўчқа ва уй паррандаларининг гўштларидан таомлар тайёrlаш;
- чорвачилик маҳсулотларидан фойдаланиш – сут, творог, қаймоклар ва айникса сметана;
- таомлар тайёrlашда табиий бойликлардан фойдаланиш;
- озик-овқатларни турли талаблар ва ҳароратларда тайёrlаш.



13-расм. Рус халқининг миллий таомлари.



14-расм. Рус халқининг миллий таомлари.

Белорус ошхонасининг асосий ҳусусиятлари:

- православ, католик ва униат черковларининг, литваликлар, латишлар, поляклар, руслар ва украинлардаги миллий анъаналарнинг таъсири.
- ҳар хил тоифаларнинг фарқланиши: дворянлик, майда поляк дворянлари, крестьянлик;
- уннинг ҳар хилларидан бир йўла фойдаланиш: қора ун, сули уни, гречиха уни нўхат уни;
- севимли сабзавотлари: карам, нўхат, сабзи;
- картошкадан 200 хилдан зиёд овқатларни тайёрлаши;
- қўзиқоринларни, ўрмон меваларини, пишмаган меваларни, дарё баликларини, қисқичбакаларни, сут, творог, сметанани кенг қўллаши ва ишлатиши;
- лойдан килинган идишларда таомлар тайёрлаши.



15-расм. Белорус халқининг миллий суюқ ва қуюқ таомлари.



16-расм. Белорус халқининг миллий хамирли таомлари.

Қозоқ ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- асосий таомлари – гүштли ва улар бу овқатларни номламасдан, ҳаммасини эт дейишади;
- таомлар тайёрлашда кўй, корамол, от гүштларини кенг ишлатишади, туя гүштини камроқ;
- кайнатилган колбаса – кази (от гүштидан колбаса) кенг тарқалган, бу колбасаларни ёғлилиги бўйича – карта, шужик деб аташади;
- сут маҳсулотларидан ва айрон, катиқлардан тайёрланган таомларнинг катта хилма – хиллиги;
- анъанавий нонлари икки хил – бовурсоқ (қозонда кайнатилган ёғда хамирни хар-хил шаклларда кесиб ковуриш, тандирда пиширилган нон;
- асосий ичимлиги – чой - ҳар бир киши бир йилда - 1,2 кг чой ичишади.



17-расм. Қозоқ халқининг миллий суюқ ва қуюқ таомлари.

Арман ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- ошхонанинг асослари-қўкатлар, пишлоқлар, сабзавотлар, гүшtlар ва лаваш;

- таомлар тайёрлашда ўтлар ва зираворларнинг 100 дан ортиқ турлари ишлатилади (газаклар, пишлоклар, гўштли овқатлар ва х.к.);
- оддий рецептлар, маҳсулотларни минимал ишлайди;
- ўсимликлар ёғларидан фойдаланиш чегараланган, ҳайвонларнинг ёғларидан фойдаланиш кенгроқ;
- таомлар ичida шўрвалар мухим ўринни эгаллади (хаш, мол гўштидан яйни ўсимлигининг куритилган меваси қўшилган шўрва, товук шўрва-тархана, анушапур, чирапур номли мевали шўрвалар);
- димланган ва қовурилган гўштлардан тайёрланган таомларни кенг истеъмол қилишади.



18-расм. Арман халкининг миллий суюқ ва куюқ таомлари.

8.2. Европа мамлакатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар

Франция ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- фойдаланилдиган маҳсулотларнинг кенг ассортименти;
- маҳсулотларга ҳароратли ишлов бериш усусларининг хилмачиллиги;
- факат янги маҳсулотлардан фойдаланиши;
- зираворла ва печенъелардан, илдизмевалар ва сабзавотларни истеъмол қилишнинг кенглиги;
- турли хил таомлар тайёрлаш учун винолардан фойдаланиши;
- овқатланишда соусларнинг ўрни мухимлиги;
- ёрмалар ва сут маҳсулотларидан (пишлокдан бошка) чегаралангандиги.



19-расм. Француз халкининг миллий таомлари.

Англия ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- совуқ газакларнинг мўллиги, айниқса, баликли гастрономида, сэндвичлар;
- табиий гўшtlардан (корамол, бузоқ, кўй, семирмаган чўчка) таъйёрланган таомларни хуш кўриши, фаршли овқатлар;
- сабзавотлар ассортименти чегараланган, шолғом, карам, пиёз, сабзи, яшил салатлар, картошка, кўкатлар кўп истеъмол килинади;
- тухумни яхши кўришади, нон кам ейишади;
- иккинчи таом сифатида турли пудингларни (гўшти, ёрмали, сабзавотли) ва десерт сифатида ширин мевали пудингларнинг кенг истеъмол қилишади;

- кун давомида совук сут қўшилган кучли кора чой ичиш англияда жуда оммавийлашган;
- хушбўй тайёр соуслар, масалан уорчер соуси;
- крекер ва бисквитли пишлокларнинг яхши хилларини танлаш;
- зираволар ва хуштаъм кулчаларнинг мўтадил сонлари.



20-расм. Инглиз халкининг миллий таомлари.

Немислар ошхонасининг асосий хусусиялари:

- бутербродарнинг кенг таркалганлиги;
- гўштли маҳсулотларни кенг истеъмол қилиши;
- газаклар, шўрвалар, ва иккинчи таомлар учун колбасалар, сосискалар ва сарделкалардан кенг фойдаланиш;
- турли маҳсулотлардан(сабзавотлар, чўчқа гўшти, паррандалар, ёввойи қушлар, бузоқ, корамол гўшти ва балиқтар) турли хил таомлар тайёрлаш;
- шўрваларни катта порцияларда(300г) бериш;
- сабзавотларни кўп истеъмол қилиш, айниқса қайнатилган холатларда;
- қайнатилган нўҳат ва ловиядошларнинг кенг истеъмоли;
- қайнатилган картошка ва нон;
- кўплаб таомларга гарнирни алоҳида бериш;
- тузни, хушбўй кулчаларни, булкаларни ва зираворларни мўтадил кўллаш;
- севимли ичимликлари-пиволар.



к.тн. Масникова

21-расм. Немис халқининг миллий таомлари.

Италия ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- хамир (макаронлар, спагетти, гноции, лапша, пицца, риволи ва бошқ. тезкор тайёрланадиган) махсулотлардан тайёрланган барча озик-овкатларниң кенг истеъмоли;
- рационда пишлоқ, кўкатлар, ва сабзавотларниң(кўпи - томатлар ва саримсок пиёз) катта миқдорларда эканлиги;
- сабзавотларни димлама ҳолда истеъмол қилишнинг кўплиги;
- таомларда аччиқ зираворлар ва зайдун ёғи миқдорларининг кўплиги;
- турли таомлар тайёрлашда асосан зайдун ёғини ишлатилиши.



22-расм. Италия халқининг миллий таомлари.

Испания ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- оддий-пиёз, саримсок пиёз, ширин қалампир ва кўкатлар;

- «аралашмайдиганларни аралаштириш»-битта товоқда балиқ, денгиз маҳсулотлари, колбасалар, яшил нўхатлар, сабзи, картошка, қалампир, кўкатлар ва помидорлар;
- балиқлардан (сардинкалар, скумбриялар, тунец, трескалар), денгиз маҳсулотларидан (кисқичбақалар, малюскалар ва бошк..) тайёрланган таомларнинг кенг тарқалганлиги;
- гўшт маҳсулотларини (қорамол, кўй, эчки, чўчка, паррандалар) истеъмол қилишнинг чекланганлиги, кўплаб таомларнинг дудланганлиги;
- сабзавотлар ва меваларнинг катта ассортименти (помидорлар, ширин қалампир, баклажонлар, карамнинг барча турлари, кабачкилар, картошка, ловиядошлар, каштанлар, қовулар);
- сут ва сут маҳсулотларини, айниқса пишлокларни табиий ҳолатларида истеъмол қилиш ва уларнинг кўплаб таомларга қўшилиши;
- зайдун ёғи ва саримсок пиёзнинг кенг истеъмоли;
- турли хил хушбўй ва кучли таъмли ўтларни пишлокларни кент қўллаш.

Испания ошхонасидан намуналар:



23-расм. Италия халқининг миллӣ таомлари.

Норвегия ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- балиқлар, гўшtlар ва сут маҳсулотлари норвегия ошхонасининг асосий компонентлари ҳисобланади;
- экологик тоза маҳсулотларни ишлатиши;

- бошокли ўсимликларнинг истеъмоли чегараланган, сули ва арпадан фойдаланишади;
- юпқа, қаттиқ нонлар (узоқ муддатларга сакланади) тайёрлаш;
- оммавий хуш кўрган баликлар-сельд, треска, сардиналар, скумбрия;
- балиқларни тайёрлаш усувлари-шўрда, мариновкалаш, дудлаш, чала пишириш;
- ёрмалардан тайёрланган кашалар роса оммавийлашган;
- кенг тарқалган гўштлар-корамол гўшти, қўй гўшти, ёввойи кушларнинг гўшти, кит гўшти;
- картошкадан гарнир сифатида ва алоҳида таомлар тайёрлашда кенг фойдаланишади;
- сут маҳсулотлари шу жумладан каймокли ёғлар ва пишлоклар кенг тарқалган;
- оммавийлашган ичимликлари-кофе, пиво, аллаголли ичимлиги-аквавит.



24-расм. Норвег халкининг миллий таомлари.

8.3. Араб мамлакатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар

Араб мамлакатлари ошхоналари ўзига хос хусусиятта эга. Бу мамлакат халқларининг турли таомлари, қандолат маҳсулотлари ва ичимликлари мавжуд.

Араб мамлакатлари халқларининг ошхоналардаги асосий хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- гўшти овқатлар (корамол, эчки, бузоқ, қуш);
- гўшти овқатларга ёғ қўшмасдан иссиқда пишириш;

- ловиядошлар, гуруч;
- сабзавотлар, консерваланган ва янги мевалар;
- балиқлар ва денгиз маҳсулотларидан таомлар, турли қисқичбақалар ва акулаларнинг гўштлари, балиқларни анъаналар бўйича кўмир чўғида пиширишади;
- тухумдан таомлар, сут ва ва читка маҳсулотлари (айниқса пишлок);
- турли-туман хушбўй ўтлар ва сабзавотлар: пиёз, саримсоқ пиёз, зайдун, қора ва қизил қалампир, долчин, турли хушбўй ўтлар;
- буғдой унидан гўштли, сабзавотли, пишлоқли, исмалокли пирожкилар;
- анъанавий ичимлиги – шакарсиз, чиннигул, зафарон, кардамон, мускат ёнғоги қўшилган кофе, қора ва араб кофелари жуда оммавийлашган.



25-расм. Араб халқининг миллий таомлари.

Ливан ошхонасининг асосий ҳусусиятлари:

- хилма-хил вегетериан таомлар;
- лимон шарбати, зайдун ёғи ва саримсоқ пиёздан фойдаланиш кенг тарқалган;
- ловиядошлар, янги мевалар ва сабзавотлар (баклажанлар, помидорлар, қалампирлар, балиқлар, қуш гўштлари оммавийлашган);
- гўштли овқатлар чегараланган, қўй гўштини кўпроқ ишлатишади;
- ёғда ва зайдун ёғидаги ковурилган грили таомлар;
- газаклар – иссик ва совук-умумий номи - «меззе», майда тарелкага камида 10 хилини кўйиш одат тусига кирган;

- десертлар – пахлава, пудинглар, ширин пишлок, мевалар, ливанча «кол-вашкор», «кинэфе», «карбуж», «лифет-ал-кади», «бурма-би-фушок», «эшел-булбул», «басма-бил-жос» жуда кенг таркалган;
- анъанавий ичимликлари – кучли араб кофеси, ялпизли чой;
- салқин ичимликлари - муз солинган турли шарбатлар, узумдан компо, айрон.
- диний эътиқодлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликларнинг ва овқатланишнинг қатъий чегалантанлиги.



26-расм. Ливан халкининг миллий таомлари.

8.4. Америка мамлакатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар

Канада ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- яримфабрикатлар, консерваланган маҳсулотлар;
- газак ўрнида сандвич ва сосикалар кенг ишлатилади;
- сабзавотлар, мевалар, сут маҳсулотлари, тухум кўп ишлатилади;
- гуруч, сули, макажӯхори ёрмалари;
- иссиқ овқатларни хуш кўриши;
- ичимликларни кучли совутилган ҳолда бериш;
- кундалик севимли овқатлари- ловияли печеньелар, нўхат, ветчина;
- ёввойи ўтлар ва ёввойи меваларни кўп истеъмол килиш;
- миллий ичимлиги-кофе.



27-расм. Канада халқининг миллий таомлари.

Бразилия ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- кучли фойдаланадиган гўштлар-чўчка, корамол, товук, жўжа, ўрдак;
- гуруч, маккажўхори, ловия, ловиядошлар;
- сабзавотлар-карам, помидорлар, ошқовоқлар;
- мевалар-апелсин, гуава, банан, ананас, манго, папайя;
- денгиз маҳсулотлари-баликлар, молюскалар, майда ва катта кисқичбақалар;
- регионлари бўйлаб катта фарклар;
- турли-туман мевали шарбатлар ва коктейллар;
- шакарқамиш, лимон ва шакардандан тайёрланган спиртли ичимлик-«кайпиринъя»-арак жуда кенг таркалган;
- оммавийлашган – қизил вино - «кастел-шателье», оқ вино - «шардоннэ-аврора» ва»шэндон»;
- анъанавий овқатлари-«такака но тукупи»-аралаш пасталар, ун, соуслар билан ва «мангуза»-маккажўхори дони кокос ёнғоги билан;
- кундалик ичимлик-кофе.



28-расм. Бразилия халқининг миллий таомлари.

Чили ошхонасининг асосий ҳусусиятлари:

- Чили ошхонаси Испания, Германия, Италия, Хорватия, Франция ва бази бир Яқин Шарқ мамлакатларининг тасири остида шаклланган;
- турли-туман денгиз маҳсулотлари ва баликлар;
- анъанавий ичимликлари – кўк чой ва кора кофе.



29-расм. Чили халқининг миллий таомлари.



30-расм. Чили халқининг ичимлеклари.

8.5. Осиё мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятлар

Япония ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- ошхонанинг асослари-баликлар, денгиз маҳсулотлари ва гуруч;
- шўр ва рангланган сабзавотлар(шолғом, саримсоқ пиёз, бодринглар. буларни шўрва ва бошқа овкатлар билан беришади;
- тухум, сабзавотлар, кўкатлар ва ловиядошли таомлар кенг тарқалган;
- гўшtlар-корамол, чўчқа, қўй ва қушлар. гўштни майдалаб кесишни ёқтиришмайди;
- кучли зираворлар, аччиқ кўкатлар чегараланган;
- туздан мўтадил фойдаланиш, кўплаб таомларига туз солишмайди.



31-расм. Япон халқининг миллий таомлари.

Хитой ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- регионларида овқатланишинг фарклари;
- гүштни таомларда жуда кам ишлатиш;
- таомларда сабзвотлар, гуруч, гүштларнинг бирлаштирилиши;
- асосий оксиллар-ер ёнғок, нўхат, мош, соя, ловиядошлар деб билиш;
- асосий озиқ-овқатлари-сабзавотлар ва мевалар;
- зирворлар ва хушбўй кўкатларни кўп ишлатиш;
- аччиқ, шўр, нордон, ширин, ўткир таъмларни аралаштириб таом тайёрлаш;
- таомлар тайёрлашда занжабил, сирка, туз, виноларни кенг ишлатиши;
- севимли ичимликлари–чой, чойни тайёрлаш, ичиш учун турли шакллардаги идишлар тайёрлаш.



32-расм. Хитой халқининг миллий таомлари

Австралия ошхонасининг асосий хусусиятлари:

- европа, вьетнам, япония, хитой ошхоналарининг таъсири. турли давлатлардан австралияга борганлар ўзларининг давлатларидағи ошхоналардаги анъаналарни сақлаб келмоқда;
- миллий гүштлари-кенгуру гүшти, копчиқли қаламуш гүшти, эму туяқуши гүшти ва тимсоҳ гүшти;
- денгиз маҳсулотлари ва балиқларнинг тури жуда кўплиги;
- маҳаллий сабзавотлар ва маҳаллий меваларни кўп истеъмол қилиши;
- факат маҳаллий зираворларни хуш кўриши;
- гўштли ва балиқли таомларга қовурилган банан, янги папайя ёки консерваланган ананас қўшишади.
- гўштларни қовуришдан олдин хар-хил шарбатларга солиб қўйиш;
- кофе, сут, мевали арақ, пиво, вино ичишни хуш кўриш;
- салқинли ичимликлари-лимон, ялпиз барги, занжабил қўшилган меваларнинг шарбатлари;
- музқаймоқлар ва сутли коктейллар жуда оммавийлашган.



33-расм. Австралия халкининг миллий таомлари

8.6. Ўзбек миллий ошхонасининг асосий хусусиятлари

Ўзбек пазандачилиги кўп асрлик тарихга эга бўлиб, унда халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, меҳнат фаолияти тури ва иқлим шароитлари ўз аксини топган. Ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги, катталарга нисбатан хурмат, бошка халкларнинг, шу жумладан, тоҷик, туркман, қирғиз, татар, қозок, қоракалпок, рус, украин, арман, озарбайжон каби халкларнинг анъаналарини ва маданиятини хурмат ва эътироф қилиши билан ажралиб туради.

Ўзбек халкининг ошхоналардаги асосий хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- гўштли овқатлар (корамол, қуй, эчки, парранда);
- гўштли овқатлар тайёрланиш технологиясига қараб асосан қовуриб пишириш;
- дуккаклилар ва гуруч;
- сабзавотлар, консервалар ва янги мевалар;
- балиқларни анъанага кўра кўп ёғда қовуриб пишириш;
- сут ва сут махсулотларидан миллий таомлар тайёрлаш;
- сабзавотлардан: картошка, сабзи, пиёз, ковоқ, шолғом, саримсоқ пиёз, карам ва булғор қалампир, зираворлардан: кора мурч ва қизил қалампир, зира, турли хушбўй ўтлар;
- буғдой унидан гўштли, сабзавотли, исмалоқли хамирли таомлар;

- ёғлардан: пахта, зигир, кунжут, хайвонлар (кора мол ва қуй) ёғи ҳамда кунгабоқар ёғи;

- анъанавий ичимликлар – кўк ва кора чой, мева шарбатлари, қуритилган мевалардан турли дамламалар, айрон, сутли шакарли ва кора кофелар жуда оммавийлашган.



34-расм. Ўзбек миллтий таомлари

Таянч сўзлар: асосий хусусиятлар, спагетти, бисквит, ошхона анъанаси, ловиядошлар, кол-вашкор, кнэфе, карбуж, лифт-ал-кади, бурмаби-фушок, эшел-булбул, басма-бил-жос, такака-но-туники, менгеза, менгуза, шэндон, молюскалар, тобламалар, ёрмалар, кайпиранъя, аврора.

Назорат саволлари:

1. МДҲ давлатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар нималардан иборат?
2. Европа мамлакатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар нималардан иборат?
3. Араб мамлакатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар нималардан иборат?
4. Америка мамлакатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар нималардан иборат?
5. Осиё мамлакатларининг ошхоналаридағи асосий хусусиятлар нималардан иборат?

6. Европа халқлари билан Осиёдаги халқларнинг овқатланишида фарқлар борми?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. МДХ давлатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятларни ўрганиб, улардан қайси хусусиятларни мамлакатимиз ошхоналарида қўллаш бўйича ўз таклифларингизни гапириб беринг?

2. Европа мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятларни ўрганиб, улардан қайси хусусиятларни мамлакатимиз ошхоналарида қўллаш бўйича ўз таклифларингизни гапириб беринг?

3. Араб мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятларни ўрганиб, улардан қайси хусусиятларни мамлакатимиз ошхоналарида қўллаш бўйича ўз таклифларингизни гапириб беринг?

4. Америка мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятларни ўрганиб, улардан қайси хусусиятларни мамлакатимиз ошхоналарида қўллаш бўйича ўз таклифларингизни гапириб беринг?

5. Осиё мамлакатларининг ошхоналаридаги асосий хусусиятларни ўрганиб, улардан қайси хусусиятларни мамлакатимиз ошхоналарида қўллаш бўйича ўз таклифларингизни гапириб беринг?

6. Қайси давлатларнинг ошхоналаридаги асосий хусусиятлар Сизда кўпроқ таъсуротлар ҳосил қилганлигини тушунтириб беринг?

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Дунё мамлакатларининг ошхоналарида Ўзбекистоннинг таомларига ўхшаш хусусиятлар борми?

- а) йўқ
- б) бор
- в) мумкин эмас
- г) иккilanаман

2. Дунё мамлакатларининг ошхоналаридаги таомларини тайёрлашга қизиқиш керакми?

- а) умуман қизиқмаслик керак, миллийлик устивор бўлиши лозим
- б) қизиқиш керак
- в) қулай жиҳатларини олиш керак
- г) ўзларидек тайёрлашни ўзлаштириш керак

3. Дунё мамлакатларининг ошхоналарида тайёрланаётган таомлар диний эътиқодларни ҳисобга оляяптими?

- а) ҳисобга олайпти
- б) ҳисобга олмаяпти
- в) эътибор бермаслик керак
- г) ҳисобга ва асосий эътиборга олиш керак.

4. Дунё мамлакатларининг ошхоналарида тайёрланаётган таомлар дунё қитъалари бўйича фарқланадими?

- а) бироз фарқланади
- б) кескин фарқланади
- в) фарқлар сезилмайди
- г) диний фарқлар бор

5. Қандайдир давлатларнинг миллий таомларини дунё бўйича кўз-кўз қилиш мумкинми?

- а) умуман мумкин эмас. чунки, ҳар бир давлатда яшаётган миллатлар ва халқларнинг миллий таъомлари ҳам бор
- б) реклама учун мумкин
- в) миллий таъомларга эътибор бериш керак
- г) миллий таъомларнинг ҳақиқатдан ҳам миллийлигини исботлаш керак.

9. ТУРИСЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИ ОВҚАТЛАНИШГА МАЖМУАЛИ ТАЙЁРЛАШ

9.1. Туристларнинг меҳмонхоналарда овқатланишни ташкил қилишдаги тайёргарлик

Маълумки, жаҳон туризмидан туристларнинг овқатланиши асосан меҳмонхоналарнинг ресторанлари ва кафеларида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам меҳмонхона хўжаликлари имкониятлари даражаларида ўз меҳмонхоналарда шинам безатилган, овқатланишга кулай бўлган ресторанларни, кафеларни кўришга ҳаракат қилишади.

Туризм бизнесида меҳмонхона хўжаликлари фойда-даромадининг катта қисмини улардаги овқатлантириш корхоналари келтиришади. Ҳозирги вактда Ўзбекистонда қурилган янги меҳмонхона хўжаликлари ва улардаги овқатлантириш корхоналарида овқатлантириш шароитлари ва хизматлари жаҳондаги талаблар ва андазалардан паст эмас.

Шунинг учун ҳам туризм таълимидағи бўлғуси мутахассислар ва туризмдаги тадбиркорлар туристларни айниқса, халқаро туристларнинг овқатланишига мўлжалланган овқатланиш корхоналарини уларнинг овқатланишига тайёрлашнинг тўлиқ уддасидан чиқишни мукаммал ўрганиб олишлари зарур.

Туристларнинг овқатланишини ташкил қилувчилар (туроператор, гид бошловчи, туристик фирма ёки туристик ташкилот вакили ва бошқ.) қатъий талабларни билишлари лозимки, уларнинг асосий вазифаси белгиланган ўз вақтида туристларни сифатли ва самарали овқатлантириш ҳисобланади. Улар овқатлантириш корхоналарини қуриш ишларига қатнашмайдилар. Лекин улар овқатлантириш корхоналарининг маркибий тузилиши ва корхоналарда ишловчиларнинг вазифаларини ёддан билишлари керак. Бу туристларни овқатлантириш корхоналарида улар меҳмонхоналардаги овқатлантириш корхоналарида кимга ва нима учун мурожсаат қилишларида жуда қўл келади.

Кайд қилганимиздек, туристлар, айниқса халқаро туристлар асосан меҳмонхоналардаги ресторан ва кафеларда овқатланишади. Бу овқатланиш корхоналарини овқатланишга тайёрлаш жараёни қўйида бажариладиган ишлардан иборат.

Меҳмонхоналарда овқатланишни ташкил қилиш. Биринчи навбатда меҳмонхоналарда овқатланишни ташкил қилувчи ресторанлар ёки кафеларнинг бинолари ва уларга бориш йўлида яхши рангларда безатилган стрелкали кўрсаткичлар қўйилиши керак. Овқатланиш биносига киришдаги

вестибюлда ресторан ёки кафенинг унга берилган класс ёки бошқа даражаларини билдирувчи сертификат ва лицензиянинг нусхалари кўринадиган жойда, камида уч тилда, чиройли безатилган рамкаларда осиб кўйилади.

Мехмонхоналарда овқатлантириш корхоналарининг бошқарув таркиби. Мехмонхоналарда овқатлантириш хизматлари ёки овқатлантириш мажмуаси меҳмонхоналардаги алоҳида бўлган таркибий бўлим ҳисобланади. Бу бўлимга меҳмонхона директорига ҳисоб берувчи (овқатлантириш бўлими бошлиғи, директори, ресторан директори ва бошқ.) – директор раҳбарлик қиласи.

Овқатлантириш мажмуасининг директори қуйидаги ишларнинг бажарилишини назорат қиласи:

- ошхоналарнинг ишини;
- буфетларнинг ишини;
- банкет залининг ишларини;
- ресторанлардаги хизматларни ташкил қилишни;
- номерларда овқатлантиришни ташкил қилишни;
- кичик-барларнинг таъминотини;
- хоналар ва дам олиш жойларида хизматларни;
- барларда меҳмонларга хизматлар кўрсатишни;
- идиш-товоқ ювгичлар ва ҳаммоларнинг хизматларини.

Катта (Шеф)ошпаз-ошхоналардаги ишларни ташкиллаштириш ва тайёрланадиган озиқ-овқатларнинг сони ва сифати учун жавобгар, бу ишлардаги гурхларнинг раҳбарлари унинг ўринbosарлари бўлишади. У маъмурий фаолият кўрсатади ва молиявий сметаларни тушиб чиқади.

Йиғиштириши ва идиш-товоқларни ювиш бўлими мудири овқатлантириш мажмуасининг директорига бўйсинади ва қуйидаги ишларнинг бажарилишига жавоб беради:

- меҳмонхона ва меҳмонхона ичидаги хоналарнинг йиғиштириш тозалаш;
- идиш-товоқларни ювиш ва тозалаш;
- идиш-товоқлар ва бошқа ускуна-асбобларнинг сони ва заҳираларини ҳисоблаб бориш;
- идиш-товоқлар ва ҳар хил ишларга мослаштирилган машиналарни текшириб туриш;
- тозаловчи ва ювиш воситаларини таъминлаш, ҳисобини олиб бориш;

- биноларнинг ва хоналарнинг санитария-гигиена меъёрларида сақланишини назорат қилиш;
- дезинфекция ишларини бошқариш;
- йиғиштириш ва тозалаш ишларининг тунда ва тушлик ўртасида бажарилишини таъминш ва назорат қилиш.

Ресторан менежерининг вазифалари:

- хизматларнинг юқори сифатларда бажарилишини доимо назорат қилиш;
- ходимларни ишга таклиф қилиш, ўқитиш ва ўргатиш;
- номерларда ва кичик барлардаги хизматларни ташкил қилиш;
- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- навбатдаги ҳафтага, ойга, йилга бюджет ва бизнес-башоратларни директорга тақдим қилиш.

Озиқ-овқат мажмуасининг директори барлар фаолиятини қаттиқ назорат қиласи, белгиланган меъёрлардан, тартиблардан оғишни ўз вақтида жазолайди.

Ресторан менежерларининг ишларида рестораннинг савдо залларида қуйидаги ишларни, хизматларга тайёрлашни ташкиллаштириш ҳисобланади:

- биноларни ва хоналарни йиғиштириш ва тозалаш;
- мебелларни қўйиб чиқиш;
- ошхоналарнинг дастурхонларини, асбоб-ускуналари, идишларини олиш ва тайёрлаш.

Банкет менежерининг вазифалари:

- оммавий тадбирларнинг барчасидаги хизматларга раҳбарлик қилиш;
- банкет залларининг тозалигини назорат қилиш;
- официантларнинг ишлаш графикларини кузатиб бориш;
- катта ошпаз билан таомнома ҳақида келишиш;
- аниқлик рўйхатларини текшириб бориш;
- банкет ҳисоб-китобларини ўз вақтида бажариш;
- ёнғинга қарши тадбирларга қаттиқ риоя қилиш.

Банкет менежери ресторан хизматларидаги энг кучли ва йирик мутахассис ҳисобланади. У барча банкет типларини ва уларнинг фаолиятларини, хизматларини, газакларни, овқатларни ва ичимликларни узатиш, қўйиш ва бошқаларни ўта кучли даражаларда ўзлаштириши талаб

қилинади. Ҳар қандай банкетни ташкиллаштириш-буортмани қабул қилиш, банкетни ўтказишга тайёрланиш ва хизматлар кўрсатишдан иборат.

9.2. Номерларга хизмат қилиш бўлимидаги хизматлар

Олдинлари “Номерларга хизмат қилиш” деганда меҳмонлар яшайдиган номерларнинг тозалиги ва йиғиширилганлиги тушунилар эди. Ҳозирда “Номерларга хизмат қилиш” деганда – номерга овқатлар ва ичимликларни етказиб бериш ҳам тушунилади. Бу бўлимнинг менежери овқатларни номерларга ташиш аравачаларини ташкил қилиш, термосларни олиш, овқатлантириш мажмуасига буюртма овқатларнинг рўйхатларини ўз вақида етказиш, номерлардаги меҳмонлардан буюртма олиш, уларни етказиб бериш, қаватларга овқат ва ичимликларни ташувчиларни ўз вақтида алмаштириб туриш, номерларда бўшаган идиш-товоқларни ошхоналарга етказиб бериш, кўрсатилган хизматлар учун номердагилар билан ҳисобкитоблар қилиш каби ишларни бажаради.

Меҳмонхоналардаги номерларга хизматлар кўрсатиш жаҳон туризмидаги тобора оммавийлашиб бормоқда. Туристлар меҳмонхона ресторонларига бориши, овқатланиши ва қайтишини ҳам хуш кўрмасдан овқатланиши номерларда ўтказишни қўпроқ талаб қилмоқда. Айниқса, кичик туристик гурӯҳлар ва оиласалар номерларда овқатланишмоқда. Шунинг учун ҳам туристларни оақатлантирувчилар меҳмонхоналарнинг номерларида туристларни овқатлантириш хизматларини яхши ўзлаштириб олишлари керак.

Меҳмонхона номерларида овқатлантиришда таомномага имконият борича лаззатли таомлар ва ичимликларни қўйиш урф бўлмоқда. Манбалардан маълумки деярли барча номерлар учун (арzon, қиммат, жуда қиммат) тайёрланган таомномаларда гамбургерлар қўйилмоқда. Шу сабабли меҳмонхона ошхонасида гамбургерларнинг тайёрланишини таъминлаш лозим бўлади.

Таомномада таомларнинг нархи ҳақиқий бўлиши лозим. Баъзида ҳақиқий баҳолар ҳам туристлар учун жуда қимматдай бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда туристлар тавсия қилган овқатлантириш хизматларини рад қиласди.

Меҳмонхона номерларида хизмат кўрсатишда маҳсус ошхона ва анжомлари (қопқоғли чуқур метал идишлар) метал кофейник, чойник, таом ва ичимликларни номернинг ўзида иситиш ва ҳароратини ушлаб туриш учун анжомлар ва жиҳозлар, тўғри бурчак шаклидаги лаганлар, турли

конструкциядаги сервис салфеткалари, енгил – йиғиштириладиган столлар ишлатилади.

Мәҳмонарда номерларда махсус хизмат қўрсатишнинг қуидаги қоидалари мавжуд:

- буюртма (нонушта, тушлик, кечки овқат) лаганда, харакатланувчи сервис аравачаси ёки столида узатилади. лаганда хизмат қўрсатишда официантни ўнг қўли эшикни очиш ва ёпиш, лаганга у ёки бу предметни қўйиш учун эркин ҳолда бўлади. коридорда ёки ўтиш жойларида лаганни елка баландлигида, номерга кирганда эса уни кўкрак даражасигача туширилади;
- номерга киришдан олдин эшикни тақиллатиши ва рухсат олгандан сўнг кириши;
 - меҳмон билан саломлашиши;
 - агар меҳмон караватда овқатланмоқчи бўлса, лаганни унга ташқарида берилади. агар караватда икки киши овқатланса, уларнинг ҳар бирига алоҳида лаган узатилади;
- битта одам учун буюртма (нонушта, тушлик ва кечки овқат) сервировка қилиш ресторон столига ўхшаш барча нарсаларни лаганга худди шундай тартибда қўйилади;
- агар меҳмон номерда – столда ёки балконда овқатланмоқчи бўлса, у ҳолда стол устига дастурхон ёзилади. Лаган стол устига қўйилади ёки бўлмаса лагандаги нарсаларни олиб столга қўйилади;
- официантни номерда белгиланган вақтдан узоқ бўлиши талаб этилмайди. меҳмон агар бирор нарса сўраган ҳолдагина официант у билан гаплашиш мумкин. ҳар қандай ҳолда ҳам официант мулозаматли бўлиши лозим.

Туристларнинг буюртмаларига биноан уларга таомларни яшаб турган хоналарига келтириб бериш мумкин. Ресторон маъмурияти уларнинг буюртмаларини қабул қиласи, хизмат қиласи ва бунинг учун берилган овқат, ичимликлар баҳосига 10% дан ошмаган сумма қўшиб олинади.

Буюртмалар меҳмонхона қаватларидаги буфетлар томонидан қабул қилинади. Бунинг учун телефон ёки сигнализациядан фойдаланилади. Буюртмани телефон орқали ёки навбатчи ходимни чақириб бериш мумкин. Қаватларга чиқиб-тушиш қулай бўлиши учун официантларга алоҳида хона ажратилиши мумкин. Официантлар хонасида идиш-анжомлар саклаш учун шкаф ёки сервант бўлиши керак. Бу ерда дастурхонлар, салфетка, столлар, электр чой қайнатгич, электр плита, совутгич бўлиши лозим.

Унча катта бўлмаган меҳмонхоналарда қаватлараро буфетлар бўлади. буюртмаларни бош официант ёки навбатчи қабул қилиб олиши мумкин. Катта меҳмонхоналарда маҳсус диспетчер пунктлари ташкил этилади. Бунда бир неча навбатчи официантлар буюртмалар қабул қиласди ва уларни бажаради. Бундай ҳолатларда идиш-анжомлар олинади, совуқ газаклар, иккинчи таом, ширин таомлар, иссиқ ичимликлар ошхонадан берилади, маъданли сувлар, мева шарбатлари, вино, мевалар, қандолат маҳсулотлари ва бошқалар ресторон буфетидан келади.

Буюртмалар қаерда қабул қилинишидан қатъий назар, олдиндан буюртмалар қабул қилиш дафтарига ёзилиши шарт. Дафтарда меҳмонхонанинг қайси хонасига, қайси вақтда, неча кишига, қандай таом ва ичимликлар келтириб бериш лозимлиги ёзилиши керак. Официантларнинг ёрдамчи хонасида етарли идиш-анжомлар борлигини хизмат қилувчилар аниқ билишлари лозим.

Қаватлараро хизмат қилинганда телефон орқали ёки сигнализациядан навбатчи официант чақирилади. Официант хонага келиб киришга рухсат сўрайди. Саломлашгач, официант чақирилганига ишонч ҳосил қиласди. Таом ва ичимликлар танлашда ёрдамлашади, хизмат қилиш вақтини белгилаб, буюртма қабул қиласди. Хизмат хонасидан официант телефон орқали, ресторон ошхонаси ёки буфетга буюртма беради, ўзи идиш-анжомлар, зираворлар ва бошқа керакли нарсаларни патнисга қўяди. Сўнгра буюрилган таом ва ичимликларни меҳмоннинг хонасига келтиради.

Санитария-гигиена қоидалари талабига биноан таом ва маҳсулотлар қопқоқ билан ёпиладиган идишларда бўлиши ёки салфетка билан беркитилиши керак. Идиш ва маҳсулотларни фақат салфеткалар устига қўйиш керак. Ресторандан олиб келинадиган идиш-товоқлар, маҳсулотлар меҳмонхонадаги буфетларга маҳсус аравачаларда ёки патнисларда ташилади. Энг яхши ресторан тажрибалари шуни қўрсатадики, меҳмонхонага бирданига 2-3 хонадаги меҳмонларга овқат олиб борилса, иш анча тезлашади.

Буюртма меҳмонхонадан бош официантга берилганда ўз навбатида уни официантга топширади. Тайёргарлик қўрган официант маҳсулотларни ресторандан олади. Ичимлик, мева, нон олиш учун худди шундай буюртма буфетга ҳам берилади. Агар бу ишни иккита официант бажарса, хизмат қилиш жараёни анча унумли ўтади. Битта официант буфетга буюртма тайёрлайди, идиш-анжомлар, сочиқ-салфетка, нон ва бошқа керакли нарсаларни аравача ёки патнисга жойлайди. Газак, ичимликларни хонага киритиб беради, янги буюртма қабул қиласди. Бошқа официант ресторондан

ўз ёрдамчи хонасига маҳсулотлар олиб келади. Бўш вақтларида биринчи официантга ёрдам беради.

Буюртмани беришдан олдин хизмат учун счёт тайёрлаб қўйиш керак. Мижоз билан ҳисоб-китоб тез бўлиши учун официантда майда пуллар бўлиши лозим. Буюртма бажариб бўлингандан сўнг официант меҳмон айтилган вақтда хонага келади, қолдирилган счёт бўйича ҳисоб-китоб қилади, идишларни йиғиштириб олиб буфетга келтиради.

Меҳмонлар яшайдиган хоналарга тушликка қараганда нонушталар тез-тез берилиб туради. Таомномада қўрсатилган суюқ, қуюқ, иссиқ овқатларни, ичимлик, ширинликларни официант маҳсус идишларда беради. Меҳмонхонада яшайдиганлага хизмат қилишда одатдаги ошхона идиш-анжомларидан фойдаланилмасдан, маҳсус меҳмонлар учун аталган идиштоворқларни ишлатиш лозим.

Буюртмалар кўп бўлганда таомларни буфетдан хоналарга аравачаларда келтириш мумкин. Бу аравача-столларда асосан ресторандан буфетларга маҳсулотлар ташишда фойдаланилади. Айникса, буюртмачилар хоналарда бир неча киши бўлганда, бу аравача-столларда овқат ташиш унумли бўлади. Официант меҳнатини патнислар, лаганлар ҳам енгиллаштиради, тўртбурчак патнисларда, лаганларда идишлар, таомлар келтирилади. Металлдан ясалган ичи чуқур идишларда бир йўла бир неча киши учун таомлар келтириш мумкин. Бу идишнинг ўзига мос қопқоғи бўлади, қопқоқ ёпилгач, унинг устига ҳам тарелкалар қўйиш мумкин, у шундай ишланганки, ҳеч нарса сидирилиб тушиб кетмайди.

Қаватлар бўйича буфетлари йўқ меҳмонхоналарда меҳмонларга хизмат қилиш учун официантлар звеноси ташкил қилинади. Чет тилларни биладиган навбатчи официант хоналарда яшовчи меҳмонлардан буюртмалар қабул қиласи. Бунинг учун телефон ўрнатилган маҳсус стол бўлади. Навбатчи официант ҳамма хоналар билан телефон орқали боғланиши мумкин. Бош официант, ошхона, буфетларга қўнғироқ қилиб, қандай таом ва маҳсулотлар борлигидан хабардор бўлиб туради.

Хоналарда яшовчи меҳмонлар ҳам телефон орқали буюртма бериши, навбатчи официантни чақириши мумкин. Буюртмани қабул қилиб олар экан, официант хона рақамини, хўрандалар миқдори, таомлар номи, миқдори, буюртма қабул қилинган вақт ва уни бериш фурсатини ёзиб олади. Буюртмани қабул қилган навбатчи официант уни ижро этиш учун топширади.

9.3. Таомномаларни тайёрлаш

Таомномаларнинг (меню) тавсифлари ва турлари. Меню атамаси фарангларнинг тилидан келиб чиққан ва меню (таомнома) овқатлантириш корхоналарида меҳмонларни овқатлантиришдаги муҳим хужжат ҳисобланади. Таомномада газаклар, овқатлар, ичимликларнинг номи, ҳажми, сони, баҳоси ва бошқалар кетма-кетлиқда ёзилади.

Таомномани тузишда таомлар ва ичимликларнинг кетма-кетлиги қуидагича:

- фирма таомлари;
- газаклар (иссиқ, совук);
- шўрвалар (тиник, қўшилмалар билан, пюРЕЛИ, пюРЕСИМОН);
- асосий овқатлар(балиқли, қайнатмали, қовурмали, гўштли, соусли, парранда гўштлари билан, сабзавотли ва х..);
- ширин таомлар (биринчи иссиқ таомлар, сўнгра совуқ таомлар);
- ичимликлар (алкоголи, алкогиз, газланган минерал сувлар, газланмаган минерал сувлар совуқ сувлар, иссиқ сувлар ва х.к.);
- шарбатлар (номлари келтирилади).

Агар ичимликларнинг ассортименти кўп бўлса, ичимликлар учун алоҳида меню тузилади. Туристларга, меҳмонларга турли-туман ичимликларни таклиф қилиш овқатлантириш корхоналарига кўплаб фойдалар келтиради.

Ичимликлар қуидаги иккита катта гурухларга бўлинади:

- алкоголли ичимликлар;
- алкогиз ичимликлар.

Алкоголли ичимликлар ўз навбатида қуидаги 3 та гурухларга бўлинади:

- винолар;
- пиволар:
- алкоголли ичимликлар (ароқлар, коняклар ва бошқалар).

Сўнги йилларда минерал сувлар яхши овқатланишнинг асосий қисмига айланиб бормоқда. Алкоголсиз ичимликларнинг кетма-кетлиги қуидагича бўлиши мумкин:

- маҳаллий табиий сувлар;
- миллий табиий минерал сувлар;
- халқаро аҳамиятга эга минерал сувлар;
- газланган минерал сувлар;
- газланмаган минерал сувлар;

- булоқ сувлари;
- ошхона сувлари(бонақва).

Менюда ичимликлар қуйидагича ажратилиши ҳам мүмкін:

- қуйиб бериш шакллари бўйича (бокалга, фужерга, рюмкага, графинга, бутилкага);
- ичимликнинг ёши бўйича (ёш вино, сақланган вино, кучли вино ва бошқ.);
- баҳолар бўйича (арzon, қиммат, ўта қиммат).

Меню тузганда таклиф қилинадиган таом ва ичимликларнинг эни ва чуқурлигига (ассортиментлигига) катта эътибор ажратиш лозим.

Эни ёки кенглиги бўйича деганда, турли таом ва ичимликлар тушунилади: гўштли таомлар, куш, чўчқа, бузоқ, балиқ ва денгиз маҳсулотлари, вегетериан таомлар, унли таомлар, иссиқ, спиртли, спиртсиз ичимликлар.

Чуқурлиги бўйича деганда, баъзи корхоналар маҳсуслашган бўлади. Масалан, балиқ, сут, вегетериан ресторанлар, пиццалар, чучваралар, кенг ассортиментли бўлади.

Овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиладиган меҳмонларнинг турига кўра қабул қилинган хизмат тури ва ташкиллаштириш бўйича турли меню кўринишлари мавжуд:

- «*A ля карт*» менюси (*a la carte*). Ҳар бир таом учун аниқланган нарх асосида тақсимланган таомлар рўйхати келтирилади. Бу кўриниш асосан олий тоифали меҳмонлар бор меҳмонхоналар ресторанларида ва жуда қиммат ресторанларда қўлланилади. Бунда юқори малакали шароитлар яратилади;
- «*Табльдот*» (*table d'hotе*) менюси. Бир ёки бир неча турдаги таомларни таклиф этади. Лекин белгиланган нарх бўйича. Менюнинг бундай кўриниши меҳмонхона овқатланиш корхоналарида кенг қўлланилади. Меҳмонлар эса буни тежамкорлик деб ҳисоблайдилар;
- «*Дюжур*» (*du juur*) менюси. Навбатчи таомлар (кундузги) менюси;
- *Туристик меню*—туристлар ва саёҳатчилар эътиборини қозониш, истеъмол қилинадиган таъомлар сифатли ва арzon нархда бўлишилиги эътиборга олиб тузилади. Туристлар учун аниқланган бўлиши керак;
- *Калифорния менюси*. Баъзи калифорния ресторанларида истаган таомни, истаган вақтда буюртма бериш мүмкін.

Баъзи ресторанларда куни бўйи ўзгармайдиган менюлар тузилади. Бундай меню статистик дейилади. *Статистик меню* таркиби факат фаслий ўзгаришда бўлиши мүмкін.

Статистик менюга қарама-қарши циклик меню ҳисобланади. Қанчадир вақтдан сўнг таомлар рўйхати қайтарилиб ўзгаради.

Менюни тузишда катта тажрибавий маҳорат ва турли сабабларни инобатга олиш керак бўлади. Уларга энг аввало қуидагилар киради:

- истеъмолчиларнинг ҳоҳиш ва истаклари;
- ходимларнинг малакаси ва сони;
- турли ошхона жиҳозлари ва уларнинг (фойдалилигини) инобатга олиш;
- керак бўладиган ингредиентлар миқдори ва сифати.

Меню ресторон услуби ва дастурига тўғри келиши лозим. Масалан, дастур кенгайтирилган ҳолда бўлса, унда тузиладиган менюда ҳам кенг ассортиментли таом ва ичимликлар, ўртacha нарҳда ташкил қилиниши керак. Кўпгина овқатланиш корхоналарининг машҳурлиги, улар меню тузишдан олдин, меҳмонларнинг истак, ҳоҳишлари ва тахминий талабларини инобатга олишганлиги сабабдир.

Ходимлар малакаси ва сони қуидаги талабларни инобатга олиши керак:

- тиғиз вақтда буюртмани бажара оладиган ходимлар сони етарли бўлиши;
- меҳмонларни кутиб олиш учун ходимларнинг малакаси етарли бўлиши (ошпаз, официантлар).

Корхоналарнинг энг катта муаммоси бу кенг ассортиментли меню асосида хизмат кўрсатганда бутун кун давомида иш вақтини тақсимлаб беришдир. Бу муаммони ечиш учун аввало хизмат кўрсатувчи ходимлар сони, иш жадвалини тузилиши ва меҳмонларнинг сони эътиборга олиниши керак. Меню бу овқатланиш корхоналарининг асосий хужжати ҳисобланади ва баҳоловчи, аналитик, стимуллаштирувчи функцияни бажаради.

Менюнинг баҳолаши функцияси шундан иборатки, унда корхонанинг ва ошпазлар хусусиятининг аҳамияти тасвиранади. Корхона аниқланган меню асосида келтириладиган хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларнинг миқдори ва сифати тўғрисида ҳисоб-китоб қилиш керак. Ошхона, омборхонадаги маҳсулотлар билан меню тўғридан-тўғри боғликдир. Маҳсулотнинг аниқ миқдори, жиҳоз ва керакли жойда тайёрланади.

Таянч сўзлар: овқатланиш корхоналари, банкет, дезинфекция, номерлар, гамбургерлар, вегетериан, пицца, салфетка, бокал, чучвара, график, санитария, графин, фужер, буюртма.

Назорат саволлари:

1. Туристларни меҳмонхоналарнинг ресторонларида овқатлантиришда нималарга асосий эътиборни қаратиш керак?
2. Туристларни меҳмонхона номерларида овқатлантирганда қандай хизматларни амалга ошириш керак?
3. Кенг ассортиментли меню тузилгандан кейин нима ишлаб чиқилади?
4. Туристларни меҳмонхона ресторонларида овқатлантиришдаги тайёргарликда овқатлантирувчи ресторан бошқаруви таркибини ўрганиши керакми?
5. Меҳмонхона номеридаги турист буюртмасини қандай амалга ошириши мумкин?
6. Вегетарианлар кимлар?
7. Таомноманинг баҳолаш функцияларига нималар киради ва улар қандай амалга оширилади?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Чойхоналаримизнинг таъомномасини тузинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
2. Швед столи тартибида овқатлантиришни айтиб беринг.
3. «Табльот» (table d'hote) менюсини миллий ресторанларимиз шароитида тузиб чиқинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
4. Миллий таъомларимизнинг биринчилари ва иккинчи овқатларини гапириб беринг.
5. Вегетерианларнинг овқатланишини ўрганинг ва нима сабаблардан улар шундай овқатланишини амалий дарсларда гапириб беринг.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

- 1. Баъзи ... ресторонларида исталган таомга исталган вактда буюртма бериш мумкин.**
 - а) Германия
 - б) Бразилия
 - в) Калифорния
 - г) Москва
- 2. Таомнома тайёрлашда овқатлар ва ичимликларнинг кетмакетлиги қандай?**
 - а) биринчи ва иккинчи овқатлар, ичимликлар, газаклар
 - б) газаклар, ичимликлар, биринчи ва иккинчи овқатлар

- в) ичимликлар, биринчи ва иккинчи овқатлар, газаклар
- г) биринчи ва иккинчи овқатлар, газаклар, ичимликлар

3. Алкоголи ичимликлар нечта гурухга ажратилади?

- а) 2 та
- б) 3 та
- в) 4 та
- г) 5 та

4. Вегетерианлар ... овқатларни умуман истеъмол қилишмайди.

- а) гүштли
- б) сабзавотли
- в) ёғли
- г) сутли

5. ... таомномада биринчи ва иккинчи овқатлардан кейин тортилади.

- а) газаклар
- б) балиқлар
- в) шарбатлар
- г) дисертлар

10 – БОБ. ТУРИСТЛАРНИ КУТИБ ОЛИШ ВА ОВҚАТЛАНТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ

10.1. Туристларни кутиб олиш

Биз халқимиздаги меҳмондўстлик анъаналаримиз бўйича туристларни қаердан ва ким бўлишидан қатъий назар бир хилда кутиб олишимиз ва овқатлантиришимиз керак. Шунинг учун ҳам ресторанларда хизмат қилишнинг қуидаги анъанавий шаклларини ҳам мукаммал даражаларда ўрганиб олшимиз зарур:

1. Кундалик хизматлар.
2. Банкетлардаги хизматлар.
3. Махсус хизматлар.

Ресторанга меҳмонларнинг оқими келиши узлуксиз давом этганда мижозларга кундалик хизмат қилиш кучаяди. Ресторан хизмати қуидаги асосий элементлардан иборат:

- хўрандаларни кутиб олиш ва жой-жойига ўтқазиш;
- буюртмаларни қабул қилиш;
- буюртмаларни бажариш;
- буюрилган таом ва ичимликларни олиб келиб бериш;
- хизмат сўнгига ҳисоб-китоб қилиш.

Ресторан залига киришда келувчилар кутиб олинади, столларга кузатиб қўйилади, ўтқазилади ва таомнома билан таништирилади. Таом ва ичимликлар танлашда ёрдам берилади. Буюртма қабул қилинади. Келувчиларни кутилган азиз меҳмон каби, биринчи кимга рўпаро бўлса, улар кутиб олади: энг аввал меҳмонларни швейцар ва гардероб сохиби, сўнгра бош официант ва официант қабул қиласи. Гардероб сохиби келувчиларнинг уст кийими билан бирга қўлларидаги портфел, дипломат ва бошқа нарсаларни ҳам топширишни тавсия қиласи.

Бош официант мижозлар билан ресторан хизмат қилувчиларини бир-бирига боғловчи звено. Бош официант ресторан зали олдида туриб, меҳмонларни кутиб олиши шарт, улар танлаган жойга кузатиб қўйиши ёки ўзи жой кўрсатиб ўтқазиши керак. Шу билан бирга бош официант мезбонлик вазифасини бажаради: келувчиларни хуш келибсиз деб кутиб олиши, уларга қараб мулойим жилмайиши лозим. Меҳмонларнинг олдида то столгача юриб ўтиришга ёрдам қилиб таомнома тавсия этади.

Агар меҳмон ўзи жой танлаган бўлса, бош официант унинг орқасидан боради, танламаган тақдирда улар олдида бориб хоҳлаган жойига ўтқазади. Келувчилар гурух бўлса, неча кишига жой кераклиги ва залнинг қайси

томонидан бўлишини сўрайди. Уларнинг хоҳишини ҳисобга олиб, бош официант столларни кўрсатади ва меҳмонларни ўтқазади, у ерга бориш учун қулай йўлни кўрсатиб, ўзи сал олдинроқда боради.

Бош официант ёки официант мижозлардан кимнинг қаерга ўтириши лозимлигини тавсия қиласди ва унинг билан бирга ахлоқ-одоб юзасидан қуидагиларни амалга ошириши мумкин:

- ўтиришга таклиф қилинган одам столини қулайроқ қилиб қўйиб бериш;
- олдин аёлларни, сўнгра эркакларни ўтқазиш керак, аёллар эркаклардан ўнг томонда, эркаклар столнинг ўнг бурчагида ёки аёлга қарама-қарши томонда ўтириши лозим;
- агар мижоз аёл билан келса, аёлни эркадан олдин ўтқазади, эркакка эса ўтиришда бош официант ёрдам қиласди;
- бордию аёл официант хизмат қилаётган бўлса, у ҳолда ёши улуғларгагина ўтиришда ёрдам қилиши мумкин;
- мижозлар ўзлари жой танлаб ўтириб олсалар, уларни безовта қилиб бошқа столга ўтқазишнинг ҳожати йўқ;
- бир жойдан иккинчи жойга ўтқазиш мижозлар хоҳиши билангина бўлиши мумкин;
- тайёрланмаган столга таклиф қилиш мумкин эмас;
- доимий мижозлар келса, уларни ҳар доим ўтирадиган жойга таклиф қилиш керак;
- иш юзасидан учрашадиган меҳмонлар келса, уларни ҳам ўзларига қулай жойга ўтқазиш мақсадга мувофиқдир;
- гуллар столнинг марказига қўйилади.

Ресторанга гуруҳ меҳмонлар таклиф қилинганда таклиф қилган киши уларни кутиб олади. Бунинг учун бош официант кутувчининг қаерда туриши кераклигини олдиндан айтади. Таклиф қилинганлар ресторан олдида тўпланиши ва залга баробар киришлари мумкин. Таклиф қилган киши албатта уларни бошлаб олдида киради.

10.2. Буюртма қабул қилиш

Меҳмонлар жой-жойларига ўтирганларидан сўнг бош официант ёки официант уларга таом ва ичимлик танлаш учун таомнома тавсия этади. Буюртма қабул қилинади ва бажариш учун киришилади. Бундай ҳолларда бош официант ҳам хизмат қилувчи официантга ёрдамлашиши мумкин. Одатда официант столнинг чап томонидан келиб ичига таомномани меҳмонларга

беради. Гурухга хизмат қилаётганда таомномани ёши улуғ кишига тақдим этади, агар аёллар бўлса, улар орасидаги ёши каттароғига таомнома тутилади.

Агар мижозлар икки киши-эркак ва аёл бўлса, таомнома эркак кишига берилади, ўз навбатида эркак киши таомномани аёлга узатади. Аёл таом танлаб бўлгач, эркак киши официантга буюртма беради. Гурух қўпчилик бўлган тақдирда таомномани официантга мурожаат қилган одамга берилади. Официант икки ва ундан ортиқ таомнома келтириши ҳам мумкин. Агар ресторонга ҳарбий хизматчилар келган бўлса, таомнома унвони юқорироқ кишига тавсия этилади.

Таомномани бериб, официант ичкарига кириб кетади. Мехмонларга таом танлашда имкон яратади, қайтиб келган официант ўнг томонда туриб буюртмани қабул қилиб олади. Бордию, мижозлар таом танлашда қийналса, официант ёрдам беради. Овқатлар номини ва сифатини айтиб тавсия қиласи. Агар официант билимдон, тажрибали бўлсагина таомлар мактовини ўрнига қўйиши мумкин, мавсумларга қараб таомлар, сабзавот, мевалар ҳақида қисқача маълумотлар беради, қандай суюқ овқатлар, иккинчи овқатлар ва ичимликлар, балиқли, сутли, хамирли таомлар ҳақида гапириб тавсия қиласи. Совук тушиши билан калорияли таомларга эҳтиёж ошади, буни ҳам хисобга олиш керак.

Таом танлашда хўрандаларга малакали ёрдам қилиш учун официант қуидагиларни билиши шарт:

- хизмат қилиш жараёнини тезлатиш учун иссиқ цехда қанча тайёр таом борлигини;
- қанча вакт ичидан овқат тайёр бўлишини;
- мавжуд гарнирлар ва соуслар ассортиментини;
- таомларга тавсифлар беришни.

Официант мижозларнинг энг нозик имо-ишораларини сезадиган бўлиши керак. Агар хўрандалар ўзаро гапга тушиб кетишича, официант, буюртмаларингни қабул қилишга тайёрман, деб огохлантириши лозим. Истеъмолчилар шошилаётганлигини айтишича, официант доимий мавжуд таомларни тавсия қилиши мумкин ва шу заҳотиёқ овқат келтирилади. Буюртма қабул қилганда официант тикка туриши ёки буюртма берувчига сал энгашини мумкин, аммо столга блокнотни қўйиб ёзиши мумкин эмас. Буюртма икки нусхада ёзилади. Чап қўлда рақамланган бланка дафтарчаси, ўнг қўлда қалам бўлади. Таомнинг номи, баҳоси аниқ ёзилиши керак. Ҳар бир таом ҳақидаги ёзув бир қаторга жойлансин. Мижоз таом ҳақида баъзи мулоҳазаларини айтиши мумкин, официант уни хисобга олиб, қаноатлантиришга харакат қиласи.

Алкоголли ичимликларнинг ишлаб чиқарилган жойи, қуввати айтилади, уларга мос газаклар буюрилади. Кофе, қора кофе буюрилганда нима қўшилиши, чой лимон биланми ёки бошқа ширинлик биланми, айтилади. Буюртма қабул

қилиб олингандан сўнг официант тезлиқда кетиб қолмасдан ёзилган нарсаларни хўранда иштирокида такрорлаб текширади ва тўла ишонч ҳосил қилиб, буюртмани бажаришга киришади. Шундай қилингандан официант баъзи хатолардан ҳоли бўлади ва иккинчи маротаба меҳмоннинг олдига бориб таомномани қайта текшириб юрмайди. Ҳар бир таомга официант қисқача тавсиф беради: шўрва, мастава, мошхўрда, угра, палов, манти, чучвара ва ҳоказо.

Истеъмолчилардан буюртма қабул қилиб олиш ҳам ўз йўлига рестораннынг тегишли даражада ўзига хос рекламасидир. Официант мижозлар эътиборини таомномада мавжуд таомлар, ичимликларга қаратиши керақ, маҳсулотларнинг сифатига яхши баҳо бериши лозим.

Официант учун мураккаб ишлардан бири бир неча якка келган истеъмолчилардан бирданига буюртма олишдир. Буларнинг ҳар бирига алоҳида ҳисоб очиши ва бир неча хил таомлар, ичимликларни олиб келиб, кимга қайсиси тегишли бўлса, алоҳида-алоҳида бериши лозим. Буюртма қабул қилган официант столдаги идиши, қошиқ, вилка ва бошқалар келтириладиган таомларга етарли ва мос келадими, буни ҳам текшириб кўради.

Уларда камчилик бўлса, ўрнини тўлдиради. Бордию, балиқ билан оқ мусаллас буюрилган бўлса, балиқ ейишга хос нарсалар келтирилади, битта вилка ўнг томонга қўйилади, ортиқчалари олинади, вино учун рюмка қолдирилади, бошқа рюмкаларни йиғишириб олиш мумкин, аммо фужер овқатланиш охиригача туриши керак. Официант хўрандаларга овқатларни келтириш мумкинлиги, буюртмалар 10—15 дақиқадан сўнг тайёрланишини айтади.

10.3. Буюртмаларни бажариш

Буюртма қабул қилингандан сўнг официант уни навбат билан бажаришга киришади, хизмат қилиш жараёнини қуидаги тизим бўйича амалга ошириш мумкин:

- официант идиш-товоқ турадиган хонага кириб, керакли нарсаларни олиб чиқади;
- совуқ таом ва газаклар учун идишлар олади;
- ўзи қабул қилган буюртмани беради.
- иссиқ таомлар буюради;
- касса машинасида маҳсулотларни олиш учун чек ёздиради. Чекни ошпазга бермагунча официант овқат тарқатадиган жойдан кетмаслиги керак.

Баъзи ресторанларда буюртманинг анча мураккаб усули мавжуд. Бир неча турли буюртмаларни бажаришга тўғри келиб қолса, мижозлар гуруҳда 4-6 киши бўлса, буюртмаларни бажариш бошқача бўлади. Аввал официант идиш-товорклар олади ва совуқ газак буюради. Бошқа таомларни ҳам олиб, ёрдамчи стол устига қўяди, сув ёки пивони тўғридан-тўғри столга беради. Бу пайт буюрилган совуқ газак тайёр бўлади.

Уларни спиртли ичимликлар билан столга қўйилади ва иссиқ овқат буюрилади. Уларни ҳам белгиланган дақиқада олиши керак. Агар официант таомни вақтида олиб келиб мижозларга бермаса, у совиб қолади. Таомни тайёр бўлгандан сўнг дарҳол бериш зарур. Бир неча кишиларга бир хил таом, салат бериладиган бўлса, официант уни олади ва тарелкаларга бўлиб хўрандалар олдига қўяди.

Тарқатиш жойидан таомларни олган официант уларнинг ҳар бирини қўриқдан ўtkазиши керак. Бир хил шаклланган таомларда ҳар хил қўриниш бўлса, бири оз, бири кўп бўлса, официант бундай таомларни хўранда олдига қўймаслиги лозим. Бундай ҳолларда бош официант ёки ишлаб чиқариш мудири чақирилади, йўл қўйилган хато тузатилади. Яхши шаклланмаган, куйган ёки совуб қолган таомни мижозга бериш – ресторан обруйига путур етказишидир.

Буюртмага мувофиқ стол устига дастурхон ясатиш. Официант дастурхон ясатишда қуидаги қоидаларни бажариши шарт:

- ошхона анжомлари марказдаги тарелкадан ўнг ва сўл томонга қўйилади, пичноқнинг ўткир томони ўнгга қаратилади, вилка чапга уч томони юқорига қаратиб қўйилади;
- стол ясатиш пичноқдан бошланади, у чапдан ўнгга қаратиб қўйилади;
- вилкалар ўнгдан чапга қаратилади;
- столга уч комплект анжомлар қўйилади, тўртинчиси газак тарелкасида салфетка остида туради;
- ёғ учун ишлатиладиган пичноқ пирожки тарелкасининг ўнг томонига қўйилади;
- ширин таомлар учун анжомлар: пичноқ, вилка, қошиқ ва бошқалар ҳам қоидага биноан терилади;
- анжомларни шундай қўйиш керакки, улар бир-бирларига тегмасин.

Овқатланиш анжомларини ҳар бир хўранда учун алоҳида берилади: энг аввал ошхона кичик тарелкалари, газак учун тарелкалар, чап томонга гумма учун тарелкалар қўйилади. Гумма ва кичик ошхона тарелкалари оралиғида иккита вилка учлари тепага қаратилган ҳолда қўйилади,

тарелканинг ўнг томонига иккита пичоқ ҳар иккаласи ўткир томони билан тарелкага қаратилган бўлади. Нонушта ва тушлик учун бу анжомлар етарли. Тушлик пайтида қўшимча равишда қошиқ берилиши мумкин. Овқатланиш анжомлари микдори бериладиган таом ва ичимликлар ассортиментига боғлиқ. Мисол учун европача нонушта учун қўйидагилар назарда тутилади (колбасадан тайёрланган совуқ газак): биринчи тур-газак тарелкаси ва газак анжомлари: иккинчи тур (иссиқ таъом) майда ошхона тарелкаси ва ошхона анжоми; агар туристлар гуруҳига хизмат қилинаётган бўлса, столга ҳар эҳтимолга қарши кофе ва чой чашкалари, кофе идиши, сут солиш учун идиш, қанддон, қиём ва лимон учун идишлар ва бошқалар қўйилади; ҳар икки турда ҳам ёғ учун пичоқ қўйилади.

Таомномага мувофиқ нонушта, тушлик, кечки овқат дастурхонларини официантлар безатади, тўлдиради. Шунинг билан бирга дастурхонни қўшимча безаш бўйича ҳар хил вазиятлар ҳам вужудга келиши кўзда тутилади. Бир неча мисоллар келтирамиз. Тушлик таомномасида чинни идишлар ва ошхона анжомларидан ташқари қўшимча шиша ва биллур идишлар қўйилади; фужерлар, қадаҳлар, рюмкалар ўрнига факат фужерлар қўйилади, чунки мижозлар алкоголли ичимликлар ичадими-йўқми олдиндан айтиш қийин. Анжомлар мўл бўлгандагина фужерлар ёнига рюмкалар қўйиш мумкин.

Кечки пайларда люкс ва олий тоифали ресторанларда фужер ва рюмкадан ташқари кучли ичимликлар учун алоҳида рюмкалар қўйилади.

Стол ясатишда биллур, шиша идишлар қўйилиши таомномада қўрсатилган вино-ароқ ичимликлари мавжудлигига боғлиқ. Буни ҳисобга олган ҳолда қўшимча қўйидагилар қўйилади:

- шампан виноси учун қадаҳ (биринчи қаторга чапдан ўнгга), фужер, ёнига-вино учун рюмка қўйилади, сўнгра ароқ учун рюмка; иккинчи қаторга шампан виноси учун қўшимча фужер қўйилади;
- шампан виноси учун ўша фужер, оқ мусаллас учун рюмка (биринчи қаторда ўша тартибда, фужер, кейин-вино ва ароқ учун рюмкалар; иккинчи қаторда-шампан виноси учун қадаҳ ва вино учун рюмка қўйилади);
- шампан виноси учун қадаҳ, оқ мусаллас учун рюмка, қизил мусаллас виноси учун рюмка (биринчи қаторда фужер, вино ва ароқлар учун рюмкалар; иккинчи қаторда шампан виноси учун қадаҳ, винолар учун рюмкалар қўйилади).

Стол безатишда юқорида айтилган рюмка, қадаҳ ва фужерлар ичимликлар берилиши тартибига мос келиши керак. Алкоголсиз

ресторанларда вино-ароқ бўлмайди, шунинг учун столга фақат фужер қўйилади.

Кўп ҳолларда газак столга хизмат жараёнида берилади. Бундай пайтларда столга ширинликлар учун анжомлар: пичоқ, вилка, қошиқ ёки пичоқ билан вилка қўйилади. Пичноқнинг ўткир тарафи тарелкага қаратиб қўйилади. Официант олти кишилик столга хизмат қилса, шампан виноси солинган челакча ёки мева солинган ваза қўйилиши мумкин. Стол ўртасига бўйи пастроқ vazada гул қўйилади.

Рестораннинг дахлизи ва бошқа очик жойларда ҳам стол ясатиб қўйилиши мумкин, аммо чанг тушмаслиги учун рюмкалар тескари қилиб қўйилади. Газак тарелкалари салфетка билан ёпиб қўйилади, ёки стол устига дастурхонга салфетка солиниб, устига тарелкани тескари қилиб қўйилади. Алоҳида холатларда ресторанда шароитга қараб иш қилинади. Чунки туристлар томонидан қўшимча буортмалар ҳам тушиши эҳтимолини ҳам хисобга олиш керак бўлади.

Хизмат вақтига қараб стол ясатилиши ҳам ўзгариб туриши мумкин. Масалан, нонушта пайти бир хил, тушлик ва кечки овқат пайти бошқа хил бўлади. Хизмат жараёнида ҳам стол усти анжомлари ўзгариб қолиши мумкин. Таомномада баликли ва гўштли овқатлар назарда тутилса, столга фақат газак анжомлари-иккитадан пичоқ ва вилка қўйилади, иссиқ овқат берилганда яна керакли нарсалар қўшилади.

10.4. Столни сервировкалаш (безатиш)


Дастлаб қайд қилиш керак-ки, сервировка сўзи бизнинг тилимизда сервислаш, тузамоқ, ясатиш, ясамоқ маъноларини беради. Лекин бу сўзлар ишлатилмасдан асосан сервировка сўзи ишлатилмоқда. Сервировка – ресторандами, кафедами ёки уйдами дастурхонни меҳмон учун тузатиш, овқатланиш учун керакли ошхона идиш-товоқларини қўйиш ҳисобланади.

Ҳозирда ресторан ва кафеларда дастлаб буортмалар ёки эркин ҳолатларда мижозларни қабул қилиш учун столлар танланади ва уларни жой-жойига қўйиш ҳам анча лойихалаштиришни талаб қиласади.

Столларни сервировкалашнинг учта усулини келтиришади: *тўлиқ сервировка, банкет учун сервировка ва стандарт сервировка*. Ресторанларда столларни сервировкалашдан олдин албатда столларнинг қўйилишига эътибор беришади. Ресторанлар ва кафеларда столларнинг қўйилиши бўйича мажбурий кўрсатмалар йўқ.

Кўп ҳолларда ресторан ёки кафеларнинг менжерлари столларни ўзининг ҳохиши ва диди бўйича қўйдиради. Лекин ҳозирда столларнинг



шакли бўйича танлаш ва уларни аралаштириб қўйиш кўпроқ одат тусига кирган. Улар қўйидаги жойлаштирилади (35-расм).



35-расм. Ресторан ва кафеларда столларнинг қўйилиши.


Туристлар овқатланадиган столни сервировкалаш қўйидаги икки босқичда амалга оширилади (36-расм).

Биринчи босқич



Иккинчи босқич

36-расм. Столлар сервировкаси.



37-расм. Столлар сервировкаси учун идиш-товоқлар.

1.- ёг учун пичноқ; 2-нөн ва ёг учун тарелка; 3-кошиқ; 4-денгиз маҳсулотлари учун вилка; 5-денгиз маҳсулотлари учун пичноқ; 6-гүшт ва салат учун вилка; 7-ошхона пичоги; 8-манзараали тарелка; 9-шўрва учун тарелка; 10-десерт пичоги; 11-десерт вилкаси; 12-сув учун стакан; 13-шампан виноси учун бокал; 14-қизил вино учун бокал; 15-оқ вино учун бокал.

Стол сервировкаси. Сервировкалашнинг сонсиз-саноқсиз кўринишлари мавжуд. Чунки давлатлардаги ресторандарнинг менежерлари албатта стол сервислашида ўзларининг ҳоҳишлиари бўйича иш тутишади. Лекин халқаро туризмда бир неча вариантлари мавжуд: нонушта учун, банкетлар, коктейллар, маҳсус таомлар (сир, лобстер, устрица, дудланган балиқ) ва бошқалар. Столга кўйиладиган ошхона асбоб-ускуналарига келганда эса икки хил усулни кўпроқ ишлатишади.

Биринчи усулда иккита кошиқ, иккита санчик, шўрва қошиғи, десерт қошиқ ва санчикиси кўйилади. Официант эса мижознинг буюртмасига қараб кераксиз анжомларни олиб ташлайди. Иккинчи усулда – битта қошиқ, санчик, пичноқ, салфетка, нон ва ёғ учун ликопча кўйилади. Баъзида туристларнинг буюртмаси анча кимматлилигидан столга кўйиладиган ошхона идишлари кўпайтирилади.



a)



б)

38-расм. Столни бир кишига сервислашинг икки варианти. а) - оддий буюртма; б) - қиммат буюртма.



39-расм. Столни түрт кишиликга сервислаш.



40-расм. Столни яңги йилга сервислаш.



41-расм. Столни түйларга сервислаш.




42-расм. Столни никоҳ түйлари учун сервислаш.



43-расм. Банкет сотолини сервислаш.



44-расм. Столни сервислашыда салфеткаларни құйиши варианtlари.



45-расм. Столни Европача сервислашынинг қулай варианти.



46-расм. Столни сервировкалам учун ғуллар.

10.5. Официантнинг иш техникаси

Таом ва ичимлик беришга киришар экан официант қуйидаги хизмат қилиш техникасининг умумий қоидаларига риоя қилиши шарт:

- міжозларга тез ва шовкин-суронсиз, осойишталык билан хизмат қилиш, аммо атрофдагилар күз олдида шошма-шошарлык билан ҳаракат

қилиши ҳам ўринли эмас. биринчи овқат берилишини мижозлар 20 дақикадан ортиқ кутмасликлари лозим;

- официант идиш-товоқ ва бошқа анжомларни мижозлар олдига шовқинсиз, шошмасдан, эхтиёт бўлиб, тартиб билан кўйишни билиши;
- официант таом ва ичимликларни мижознинг ўнг томонидан ўнг қўли билан кўйиши. навбатдаги таом стол устидан фойдаланилган идишлар йиғиширилиб олингач берилади;
- таомнома бўйича буюрилган таомларни официант маҳсус идишларда олиб келади: шўрва ва бошқа суюқ овқатларни косаларда, иккинчи иссиқ таомларни тарелкаларда, ширинликларни ўзига хос идишларда;
- иссиқ таомлар беришдан оддин улар остига қўйиладиган илиқ тарелкалар бўлиши шарт. агар иссиқ овқатга гарнир ёки кўкатлардан салат бериладиган бўлса, улар таомли тарелканинг чап томонига қўйилади. бўшаган идишларни ёки ейилмай қолган овқат қолдиклари бор идишларни официант мижоз рухсати билан олиши керак. бу ишларнинг ҳаммаси навбатдаги таом келишига қадар бажарилади;
- официант таомнома бўйича буюрилган таомни патнисда олиб келади, кўп ҳолларда овқатланиш анжомлари билан бирга келтиради. патнисни ёрдамчи столга қўйиб, овқатни тарқатиш мумкин;
- таомлар бир-бирига мосланган ҳолда тарқатилади: увидириқ сариёғ билан, кам тузланган балиқ янги сабзавот билан, бу маҳсулотлар ҳаммаси бирга берилади. буларни усти ёпилган патнисда олиб келинади. вазаларни қўйишда эхтиёт бўлиш керак, узун оёкли вазаларни юқорироқ томонидан ушланади. тарелкани ушлашда панжанинг тўрт бармоғи остига қўйилиб бошбармоқ билан чети тутилади;
- баъзи тарелкаларнинг таг томонидаги қўйиладиган қисми noctorроқ бўлади, уларни ушлашда эхтиёт бўлиш керак. уларни кафтда бошбармоқ билан қисган ҳолда олиб юриш лозим;
- салат ва гарнирлар соус билан аралаштирилганда қошиққа ёпишиб қолади, уни вилка билан қириб тозалаш мумкин;
- овқатларни бир идишдан иккинчисига солишда ҳам тегишли тартиб мавжуд. олдин асосий таом, сўнгра гарнир ва соус солинади. бунда эхтиётлик билан ҳаракат қилиш керак, овқат қисмлари бир-бирларига аралашиб кетмасин.

Овқатланиш анжомлари – тарелка, пичоқ, вилка, қошиклар, таом келтиришда официант қуидаги қоидага риоя қилиши керак:

- таом олиб келишда официантнинг бош бармоғи тарелка чеккасининг тепа томонида бўлиши шарт;

- пиёла, стакан лабларига қўл теккизиш мумкин эмас;
- стакан, пиёла қўйиладиган идишлар куруқ бўлиши керак;
- овқат жиҳозларининг сопи, балдокларидан ушлаш тавсия қилинади;
- рюмка, стакан, чашка ва бошқаларни столга шовқинсиз қўйиш керак;
- стол йиғиширилганда дастурхондаги увоқларни полга қоқиш ярамайди;
- истеъмол килиб бўлинган таом идишлари йиғишириб олингандан сўнг навбатдаги таом берилади;
 - таом тарқатишда балдоғидан ушлаш, идиш тагини артиш керак;
 - ёрдамчи столда овқат сузилганда мижозга кўриниб турсин;
 - овқатни қайта сузишда қошиқ, вилкадан фойдаланилади, қошиқ ўнг кўлда, вилка чап кўлда бўлиши лозим;
 - овқат идишга ошхонада қандай солинган бўлса, қайта сузишда ҳам шундай бўлиши шарт, унинг ташки кўриниши бузилмасин;
 - агар овқат бир неча мижозга тарқатиладиган бўлса, улар орасида аёллар бор бўлса, энг аввало таом аёлларга берилади (агар болалар бўлса, биринчи навбатда уларга бериш керак).

Кўп ҳолларда столга қайноқ таомлар берилади, бундай ҳолларда официант мижозни огоҳлантириши зарур.

Патнис билан овқат ташиши қоидалари:

1. Официантнинг асосий асбоби патнисдир, унда официант шакли ва массаси ҳар хил бўлган нарсаларни ташийди. Патнислар: олтитагача ошхона тарелкаси сиғадиган катта, 3—4 та тарелкага мўлжалланган ўртacha, ўртачанинг ярмига teng ҳажмдаги кичик турларга бўлинади.

2. Патнис ташишнинг бир неча усувлари бор: патнис икки қўл кафтига қўйиб кўтарилади, бармоқлар очик ҳолда туради; енгил патнисларни беш бармоқ учлари билан кўтарилади. Ҳар қандай ҳолат бўлса ҳам патнис елкадан баланд кўтариilmайди. Патнисда олиб борилаётган нарсалар салфетка билан ёпилади, бу идишларнинг силжиши ва бир-бирига урилишининг олдини олади.

3. Таом ва ичимликлар патнисга бир сидра қилиб терилади; оғирроқ идишлар официант томонга қўйилади, бўйи узунлари ўртада бўлади. Буфет маҳсулотлари ва ошхона таомлари алоҳида-алоҳида олиб келинади, чунки бирга олиб келиш-хизмат муддатини чўзади ва идишлар бир-бирига тўқнашиб кетиши мумкин. Буюртмани бажаришда биринчи буфет маҳсулотлари ва сув келтирилиши лозим. Патнисни паст қилиб тизза тенглигида кўтариш ярамайди.

4. Овқат тарқатадиган жойдан патниснинг икки четидан ушлаб кўтариб кетилади. Сўнгра ўнг қўли билан уни ушлаб, чап қўли бармоқларини патниснинг остига ўртасига йўналтиради. Официант озгина эгилган тўрт бармоқлари учлари

билан патнисни кўтаради. Официант столга хўранданинг чап томонидан ёндашади. Официантнинг ўнг қўли деярли бўш бўлади, эшик очиши ва бошқа юмушларни бажариши мумкин.

5. Официантнинг иш жараёнида кичик патнислар қўл келади. Уни ушлаб туриш осон, даст силкиб кафтга қўндириш мумкин. Патнисни тирсак баробарида кўтариш тавсия қилинади.

Агар официант хизмат қилиш техникаси қоидаларини яхши ўзлаштиrsa, патнис билан ишлаш муваффакиятли бўлади:

- таом идишлари қопқоғи ёрдамчи столга тескари қилиб қўйилади;
- навбатдаги таомни беришдан олдин столда жой ҳозирлайди, фойдаланилган идишларни йиғишириб олади, янги анжомлар қўяди. Идишларни йиғиширишда ҳар бир мижоз олдига келиб чап томондан хизмат қилади. Идишларни стол тепасидан олиш мумкин эмас;
- газаклар, иссиқ таомлар, ичимликлар тегишли идишларда қуйидаги тартибда берилади: биринчи навбатда столга маъданли ёки мева сувлари қўйилади, сўнгра нон, агар буюрилган бўлса, газак, вино берилади, булардан сўнг иссиқ овқат келтирилади.

10.6. Банкетларда хизмат кўрсатиш

Банкет ўтказища мебеллар қуйидагича ўрнатилади. Столлар, стуллар, кресло, яrim креслолар, официант учун ёрдамчи стол, сервантлар қўйилади. Агар буюртма берилишида айтилган бўлса, қаҳва учун алоҳида зал тайёрланади ва шунга мосланган стол, стул, кресло, яrim кресло, диван қўйилади.

Ресторанда ҳамма вақт ҳам тегишли банкет столлари бўлавермайди. Булар одатдаги қвадрат столлар билан алмаштирилиши мумкин, чунки бундай столлардан исталган банкет столлари ясаш имкони бор.

Агар банкет қатнашчилари унча кўп бўлмаса, думалоқ стол атрофига ўтқазиш лозим, бу анча қулай, ҳамма қатнашчилар бир-бирларини куриб турадилар, бундай столларга 8 дан 25 кишигача жойлаштириш мумкин. Алоҳида залда қаҳва тарқатишда думалоқ ёки чўзинчоқ столлардан фойдаланиш тавсия этилади, буларга 10-12 меҳмон сифиши мўлжалланади.

Банкет столларини жойлаштиришда залнинг майдони хисобга олинади, унинг сифими, банкет иштирокчиларининг миқдори, ойна-эшиклар жойлашуви, устунлар, токчалар мавжудлиги назарда тутилади. Столларни бир қатор бир-бирига параллел қилиб қўйиш мумкин. Бунда хурматли меҳмонлар учун алоҳида жой ажратилади.

Энг мұхими шундаки, залдагиларнинг биронтаси хурматли меҳмонларга орқа томони билан ўтирасин. Бу хақда бош официант ғамхурлиқ қилиши керак. Ўринларни режалаштирганда буюртмачи билан келишиб олиш керак. Айниқса, хорижий меҳмонлар, туристлар зиёфатида ўша мамлакатларга хос удумлар қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Банкет столлари эни бўйича бир текис, тўғри туриши учун майдачуда нуқсонларни ҳам тугатиш керак. Бунинг учун стол оёқлари остига тегишли нарсалар тиқишириш керак. Столларни бир-бирига зичлаб қўйиш билан ҳам бунга эришиш мумкин. Айниқса, хурматли меҳмонлар ўтирадиган столларга эхтиёт бўлиш керак. Меҳмон столи билан кўндаланг қўйилган асосий столлар орасида 1-2 мли йўлак бўлиши зарур. Хурматли меҳмонлар учун стол факат бир томондан ясатилади, унинг эни энсиизроқ бўлади, лекин 70 см дан кам бўлмаслиги керак.

Залда банкет столларидан ташқари ёрдамчи столлар, сервантлар девор ёнларига, бурчаклар, устунлар атрофига қўйилади. Улар идиш-анжомлар ва ичимликлар қўйишида фойдаланилади. Буларнинг сони зал майдонига боғлиқ. Битта ёрдамчи стол ёки сервант 12-15 кишига хизмат қўрсатиш учун етади.

Официантлар столлар атрофига стул ва креслолар қўйиб чиқади, стуллар мижозларнинг стол томон ўтишида халақит бермаслиги керак. Сўнгра официантлар столларни тўғрилайди ва дастурхон ёзади.

Столларга дастурхон ёзилиши. Аввал столлар устига қалинроқ юмшоқ мато солинади, сўнгра дастурхон ёзилади. Устига идишлар қўйилганда тақир-туқур овоз чиқмайди, чинни, шиша ва бошқа хил идишлар синмайди, идиш туби столда текис туради, тўқилган суюқлиқ намини ўзига тортади.

Ресторандаги банкет столлари устига ёзиладиган дастурхонлар уларга мос келиши зарур. Бир дастурхонни битта столга солиш мумкин, унинг четлари стол четидан 20-30 см осилиб туриши керак. Агар бундан узун бўлса, осилиб қолади, калта бўлса, хунук кўринади. Агар столнинг ён томонига киши ўтирамайдиган бўлса, стол четидан 30-40 см осилиб туриши мумкин.

Думалоқ столларга бир ёки бир неча дастурхон ёзиш мумкин, осилган бурчакларини мослаб қайтарилади.

Стол безатиши. Банкет столига идишлар, қадаҳ, фужер, рюмка ва бошқа анжомлар қўйилиши ресторан таомномасига ва газак, таом, ичимликлар берилишига боғлиқ. Банкет столига аввал майдада ошхона тарелкалари қўйилади, булар устига газак ва бошқа чукур тарелкалар

қўйилади. Тарелкаларни қўйиш тартиби қўйидагича.

Официант мўлжал билан стол марказини аниқлади ва уни ўртадан бўлади. Бир томонига марказий тарелкани қўяди, унинг ўнг ва чап томонларига бошқа тарелкаларни қўйиб чиқади. Ҳар бир кишига 0,8-1 метр жой мўлжалланади. Мехмонлар сонига караб тарелка терилади. Бир томонга тарелкалар қўйиб чиқсан официант столнинг иккинчи томонига ўтади ва қарши томондаги тарелкалар рўпарасига бир қатор тарелкалар қўйиб чиқади.

Яна бошқа усули ҳам бор, аввал стуллар қўйиб чиқилади, столнинг нариги томонидан хар бир стул рўпарасига тарелка қўйилади ва уларга мослаб столнинг иккинчи томонига ҳам тарелкалар терилади.

Банкет столига тарелкалар териш қўйидагича бўлади:

1. Тарелканинг чети стол четидан 1-2 см ичкарида бўлади.
2. Тарелканинг ресторон эмблемаси ёки белгиси туширилган томони меҳмонга юзланиши керак.
3. Хурматли меҳмонлар ўтирадиган жойлардаги дастурхон маҳсус усулда ясатилади, тарелкалар оралиғи бошқаларга қараганда кенгроқ қолдирилади.

4. Тарелкаларни стол оёқлари тепасига қўйилмайди. Ошхона анжомлари қўйилганда шу нарсага эътибор бериш керакки, тарелканинг ўнг томонига ошхона пичноғи ўткир томони тарелкага қаратиб қўйилади, сал ўнгрокда балиқ учун пичоқ яна ўнгрокда суюқ таом ичиш учун қошиқ ич томони тепага қаратиб қўйилади, яна ўнгрокда газак пичноғи ўткир томони тарелкага қаратиб қўйилади.

Ошхона тарелкасининг чап томонига тишларини юқорига қаратиб вилка қўйилади. Чапроқда ош қошиқ ёнида балиқ учун вилка турди, унинг ёнида газак вилкаси тишлари юқорига қаратилган ҳолда қўйилади. Ҳамма анжомлар соплари бир чизиқда бўлади. Қошиқ ва пичоқлар сопи ўнгга, вилка сопи чапга қаратилади.

Таомномада белгиланган анжомлардан ташқари бошқа нарсалар олиб келиш тавсия этилмайди. Банкетларда стол безатишнинг ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, пичоқ ва вилка дастурхон устига эмас, газак тарелкасига қўйилади ва усти салфетка билан ёпилади.

Банкет столига фужерлар қўйилганда официант шу нарсага эътибор бериши керакки, фужерлар тарелка чеккасида 3-5 см оралиқда турсин. Столнинг чиройли чиқиши кўп ҳолларда фужерларнинг дид билан терилишига боғлик. Фужерлардан ўнг томонда, стол четига параллел қилиб рюмкалар терилади. Фужер ва рюмкалар орасига шампан кадаҳлари

қўйилади. Конъяк ёки ликёр учун рюмкалар бу ичимликлар келтирилганда олиб келинади.

Агар таомномада қувватли винолар белгиланган бўлса, вино учун рюмкалар ароқ ва вино рюмкалари орасига қўйилади. Шарбат ичиш учун стакан иккинчи қаторга вино рюмкаларидан чап томонга қўйилади.

Банкет столи безакларидан ажралмас бир қисми – сочиқ-салфеткалардир. Улар чиройли тахланган ва газак тарелкаларига солинган бўлади.

Янги узилган гуллар сувли гулдонларда қўйилади. Гул қўйилган гулдонлар унча баланд бўлмаслиги керак, чунки гуллар баланд бўлса, столнинг икки томонида ўтирувчи меҳмонларнинг ўзаро сухбатига халақит беради. Гул гулдонларини одатда стол марказига бир қатор қилиб қўйилади, улар ораси бир хил узунликда бўлиши, гуллар бир текис туриши лозим. Бу ишлар официант зиммасига юклатилади. Энг чиройли, манзарали гул стол марказига қўйилади. Чунки бу ерда банкет ташкилотчилари ва хурматли меҳмонлар ўтиради.

Кўп ҳолларда гул солинадиган гулдонлар ичига яхши ювилган шағал ташланади. Ана шундай қилинганда хар бир гулнинг тупини шағал ораларига киритиб исталган томонга қаратиб қўйиш мумкин. Гуллар бир-бирларига муносиб ўрнашишлари учун сим тўғноғичлардан ҳам фойдаланилади, улар гулларнинг тик туришини таъминлайди. Натижада гулдонда худди жонли гул ўсаётгандай манзара хосил бўлади. Баъзан банкет столларини гул билан безашда гулдонларга бир донадан ёки бир неча донадангача гуллар солинади, бу дам ўзига хос чиройли манзара яратади. Думалоқ банкет столларини гул билан безашда гуллар катта гулдонга солиниб, стол ўртасига қўйилади.

Ясатилган банкет столида ортиқча хеч нарса бўлмаслиги, у ўзига хос бадиий қўринишли бўлиши керак. Зираворлар солинган идишчалар жуфт-жуфт қўйилади. Туз чап томонда, гаримдори - ўнг томонда бўлади. Усти очиқ идишли зираворларга кичкина қошиқча қўйилади.

Стол устига олдиндан кулдон қўйиб чиқиши, чекиш воситалари ва гугурт қўйиш тавсия этилмайди. Дипломатия қоидаларига кўра қаҳва берилгандан кейингина чекилади. Бу қоидага риоя қилмай, меҳмон сигарета чека бошласа, официант кулдон келтириб бериши керак. Стол ясатилаётгандан буюртмачи кулдон қўйишни талаб қилган тақдирдагина, официант олдиндан кулдон қўйиши мумкин. Кулдон чекувчига яқинроқ, стол устидага бўшроқ жойга қўйилади. Кулдонлар кичикроқ бўлгани мақсадга мувофиқдир. Сигареталарни официант пачкани очиб тавсия

қилади, бирга гугурт қўшиб беради.

Банкет столи безатишдаги ўзига хос хусусиятлардан яна бири шундан иборатки, хар бир банкет қатнашчиси тарелкасининг ўнг томонида стол марказига яқин жойда таомнома карточкаси бўлади, бу карточка босмахонада босилган ёки компьютердан чиқарилган бўлади, шунингдек, меҳмоннинг ташриф карточкаси қўйилади. Ҳар бир таомнома - карточкада банкетнинг тури кўрсатилади. Агар банкет хорижий делегатлар шарафига ўтказилаётган бўлса, карточка икки тилда - меҳмон миллати тилида ва банкетни ташкил қилувчилар тилида чоп қилинади.

Буханка нонлар, булочкалар кесилиб берилади. Тандирда ёпган нон бутунлайича ёки кесилиб, тўртта бўлиниб қўйилади. Банкет бошланишидан 15 дақиқа аввал бош официант ичимлик сувларини олиб кириш ҳақида буйруқ беради. Официант шу нарсага эътибор бериши лозимки, сувшишалари тоза бўлсин, шиша оғизлари тозалаб артилсин. Ичимликлар официантнинг хизмат столига этикеткаси залга қаратилган холда қўйилади. Шиshalар усти сочиқ-салфеткалар билан ёпилади.

Банкет бошланишидан аввал ичимликлар тарқатиш назарда тутилган бўлса, рестораннинг зал пешида банкет бошланишига 15-20 дақиқа қолганда бу тадбир бошланади. Алкоголсиз ичимликлар, мусаллас, шарбатлар тавсия этилади. Иссиқ пайтлар мева ва маъданли сувлар берилади. Кулдон, гугуртлар куйилади.

Рюмкаларга, фюжерларга куйилган ичимликларни официантлар патнисларда меҳмонларга тавсия этиб юради. Ичимликлар қуйилган рюмкалар тўла бўлмаслиги керак. Патнисда оралари 2-5 см оралиқда туришлари лозим. Бўйи баланд рюмкалар патниснинг ўрта томонига қўйилади. Бирданига жуда кўп рюмкалар тўлдирилмаслиги, эҳтиёжга биноан ичимликлар келтирилиши керак.

Банкетда унча кўп киши қатнашмайдиган бўлса, зал-пешда буфет-бар ташкил қилиш ҳам мумкин. Меҳмонлар исталган ичимликларни олиб ичишлари мумкин. Меҳмонлар четроқда сухбат билан банд бўлсалар, официант бардан олган ичимликларни уларга тавсия қилиши мумкин. Официантлар бўшаган идишларни йиғишириб олишлари, кулдонларни алмаштириб, тозалаб туришлари зарур. Бу маросим тугагач, меҳмонлар залга ўтади ва банкет тантанаси бошланади.

Банкет столига меҳмонларни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатишни бошлаш.

Расмий қабул-банкетларда меҳмонларни стол атрофига жойлаштиришда қуйидаги коидаларга риоя қилиш назарда тутилади:

1. Эшикдан кириш қаршисида хурматли мөхмөн учун ўрин белгиланади, агар эшик ёнбошда бўлса, хурматли мөхмөн ўрни қўча томондаги деразалар қаршисидан белгиланади.

2. Қабул-банкет аёл сардорнинг ўнг томонидаги ўрин, хурматли жой ҳисобланади, хўжайиннинг ўнг томони - иккинчи жой бўлади.

3. Аёллар бўлмаса, хурматли ўринлар қабул-банкет сардоридан ўнг томондаги ва ундан чапдаги - иккинчи ўрин ҳисобланади.

4. Азиз мөхмөн банкет сардори рўпарасида ўтиради. Бунда сардордан чап томондаги жой иккинчи ўрин бўлади.

5. Агар қабул-банкет сардори аёли йўқ бўлса, унинг розилиги билан мөхмөнлардан бирон аёл бу жойни эгаллаши мумкин.

Ахлоқ-одоб қоидаларига биноан банкетда аёлларга биринчи навбатда хизмат қилинади. Хурмат нуқтаи назаридан баъзан банкет сардори аёл розилиги билан хурматли мөхмөнларга аввал хизмат кўрсатилади.

Агар мөхмөнлар қаерга ўтиришлари лозимлигини олдиндан билсалар, яна ҳам яхшироқ бўларди. Бунинг учун мөхмөнлар катта залда йиғилишгандаёқ ўтириладиган жойлар режаси уларга кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ресторанда банкет залига кириш учун кўрсаткичлар қўйилади.

Банкет столлари безатилиб бўлгандан сўнг, бош официант банкет хизматининг хусусиятлари ҳакида официантларга тушунтиради, уларни секторларга, столларга бириктиради. Хар бир официантга вино ва таомлар бериш, секторлар хизматида навбат қоидаларига риоя қилиш ҳакида тушунтирилади. Мөхмөнлар залга кириши билан хар бир официант ўз секторида уларга ўтиришида ёрдам қиласи. Хурматли мөхмөнларга бош официант қарайди. Мөхмөн кутишнинг энг мураккаб томони-мөхмөнлар сони кўп бўлган банкетларда хизмат кўрсатишdir. Хизмат кўрсатиш қулай бўлсин деб секторлардаги ҳамма столларга рақамлар қўйиб чиқилади.

Одатда рақам қўйиш тўрга қўйилган столлардан бошланади. Эшикка якин столларга охирги рақамлар берилади. Хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари ҳакида бош официант олдиндан режа тузиб олади. Режада столлар, секторлар, хизмат бажарадиган официантлар фамилиялари ёзилади. Олдиндан хар бир официант учун ёрдамчи стол белгланади, бош официант раҳбарлигига официантлар улардан фойдаланади.

Хар бир официант гурухи учун бош официант хизмат соҳасини режалаштиради, таом, ичимлик ва бошқа нарсаларни ким, қачон олиб келишини буюради ва назорат қилиб туради. У ким, қачон фойдаланилган идиш-анжомларни йиғиштириб олади, тозаларини олиб келиб столга қўяди

-олдиндан белгилайди. Қайси официант бу вазифани бажаришини ўзи хизмат бошланмасдан билиши керак. Мехмонлар қаҳва залига ўтганларидан сўнг қайси официантлар хизмат қиласди, шу вақт банкет столларини кимлар йиғиширади ҳаммаси бош официантнинг кўрсатмаси ва назорати остида амалга оширилади.

Банкетнинг муваффақиятли ўтишида кўп нарса бош официантга боғлиқ. У ошхона ходимлари, таом тайёрловчилар билан келишилган ҳолда таомномага киритилган таомлар, газакларни тайёрлаш ва столга тортиш вақтини белгилайди. Официантлар бош официант қўрсатмаларини сўзсиз амалга оширишлари зарур. Хизмат жараёнининг бажарилишини назорат қилиб турган бош официант таомларни залга бериш муддатида бажарилаяптими, навбатдаги таом келдими, тоза идишлар столларга кўйилдими - ҳаммасини кузатиб туриши керак.

Банкетда кишилар кўп бўлганда биргина бош официант ҳаракати етарли бўлмай қолади. Бундай холларда бош официант бир-икки официантни ўзига ёрдамчи қилиб олади. Ёрдамчилар рестораннынг ишлаб чиқариш бўлими билан боғланади ва банкет залининг айрим бўлимларида хизмат қилаётган бошқа официантларга раҳбарлик қиласди. Бош официант бу вақтда залда бўлади.

Хизмат кўрсатиш жараёнида энг масъулиятли давр – ҳамма официантларнинг залга бир вақтда таом ва ичимликлар келтириши ва залдан чиқишидир. Бу ерда албатта навбат тартибини саклаш керак, агар навбат тартиби бузилса, официантлар орасида шовқин-сурон, бир-бирига тўқнашиш, стулларга тегиб кетиш, қоқилиш ҳолатлари хосил бўлади ва хизмат кўрсатиш жараёни сусаяди. Шунинг учун бош официант официантлар билан маҳсус дарс ўтказади.

Банкетларга хизмат кўрсатиша айниқса официантнинг касб маҳорати керак. У хушмуомала, эътиборли, хушчақчак, зукко бўлиши талаб қилинади. Бу хизмат кўрсатишнинг юксак маданий даражасини вужудга келтиради ва меҳмонларда яхши кайфият уйғотади. Банкет ўтказишдаги яна бир муҳим шарт шундан иборатки, официант нафақат бош официант билан, балки бошқа ҳамма официантлар билан ҳам яхши муомалада бўлиши шарт. Официант ёнларидаги секторларда ким хизмат кўрсатишни яхши билиши керак. Таом ва ичимликлар берилганда ҳам официант хушёр бўлиши, белгиланган таомни ўз эгасига янглишмасдан етказиши керак.

Банкетларга хизмат кўрсатиш официант учун синов бўлиши лозим. Тез, хотиржамлик билан, паришонхотир бўлмасдан, шошқалоклиқ қилмасдан ишлаш керак. Официант ортиқча шовқинларга йўл кўймаслиги,

идиш-товоркелар йиғиширилаётганда тақир-тукур қилмаслиги талаб қилинади. Иложи бўлса, официант залда шивирлашиб гаплашсин. Официант қўшни столлардаги шериклари ишини ҳам имконияти борича кузатсин, ортиқча харакатлар бўлса, секин тартибга чакирсин. Бироқ меҳмонларнинг биронта илтимоси ёки таклифи эътиборсиз қолмаслиги керак. Бажариш имкони бўлмаса, меҳмонга тушунтириш, кечирим сўраш лозим. Банкетга хизмат кўрсатиш вақтида официантнинг умумий иш тартиби қуидагича бўлиши керак:

- расмий банкетларда официантлар юпқа оқ қўлқоп билан ишлайди;
- таом олиш учун таом тарқатиш жойига борища официантнинг чап билагида сочиқча, зарур бўлса патнис ва анжомлар бўлиши мумкин;
- таом тарқатиш жойида, таомларга яхши шакл берилишига эътибор қилиши керак, тарелка четлари тоза ва бошқа анжомлар ҳам талабга жавоб берсин. Камчиликлар сезилса, тезлик билан ишлаб чиқариш бошлиғи ёки ошпазларга хабар қилинсин;
- гарнир, соус алоҳида бериладиган бўлса, асосий таом билан бирга олинсин;
- таомлар олингандан сўнг официантлар залга белгиланган рақам навбати билан киради.

Навбатдаги таом бериш учун банкет столи тайёр эканлигини қўрган бош официант залга кириш учун официантларга ишора қиласди. Ўз навбати ва рақамига риоя қилган холда официантлар залга киради, ўз секторлари томон боради, меҳмонлар орқасида икки-уч қадам масофада туради. Бош официант ҳамма нарса тайёrlигига, таомлар келтирилганлигига ишонч хосил қилиб, хизматни бошлаш ҳақида имо-ишора қиласди. Шундан сўнггина официантлар бир вақтда меҳмонлар олдига келиб таом қўйишни бошлайди.

Таомлар тарқатишнинг эстетик хусусияти шундан иборатки, залда харакат қилаётган ҳамма официантлар бир тартибда таомларни чап қўлда ёки патнисда олиб қелишлари лозим, идишлар баландлиги тирсак баробарида бўлиши керак. Залда факат бош официант қўрсатган йўналишлар бўйича харакат қилиш лозим. Залда ҳаракат қилганда тез ва майда қадам ташлаб юриш тавсия қилинади.

Банкетнинг шаклига қараб умумий қоидаларга риоя қилинади. Рюмкаларга ичимликлар таом келганга қадар қўйилади. Табрик сўzlари айтилаётган пайтда официант ҳаракатни тўхтатади, ўз секторида меҳмонлардан орқа томонда туради. Меҳмонлар аввал қўйилган таомларни истеъмол қилиб бўлгач, официантлар идишларни йиғиширишга тушади.

Банкетнинг расмий қисми тугаганлиги белгиси зиёфат сохибининг ёки сохибасининг ўрнидан туриши билан билинади.

Банкетдан сўнг бош официант меҳмонларни қаҳва залига таклиф қилади. Агар қаҳва зали бўлмаса ёки банкет залидан узокда жойлашган бўлса, қаҳва ичиш катта залда ўтказилади.

Банкет залидаги тантаналардан сўнг вақтни шинам жиҳозланган, мебеллар қўйилган манзарали қаҳва залидаги ўтқазиш меҳмонларга қувонч баҳш этади. Бу ерда ўтириш учун юмшоқ, кресло, диванлар, яримкресло, стуллар қўйилади. Имконият борича бўйи паст, думалоқ. ёки чўзинчоқ, столлар қўйилади. Бу столлар атрофида 6-12 киши ўтириши мумкин. Меҳмонлар бу ерда ўзларини эркин тутишлари керак.

Дипломатик ахлоқ-одоб нуқтаи назаридан аёллар учун алоҳида қаҳва зали бўлиши мақсадга мувофиқ. Агар бундай имконият ресторанда бўлмаса, умумий залда бир неча столлар қаҳва ичишга мослаштирилади. Бу столлар оралари узок-узоқ қўйилади, меҳмонлар эркин ўтириши ва хизмат кўрсатиш осон бўлиши учун шундай қилинади.

Қаҳва столлари қўйидаги ясатилади. Агар стол устига дастурхон ёзилмаган бўлса, столнинг ўртасига сочиқ-салфетка солинади ва уни саккиз бурчакли қилиб қайрилади. Салфетка марказига мевалар солинган гулдон қўйилади. Банкет столига мевалар қўйилмаган бўлса, шундай қилинади. Ширинликлар учун икки-уч тахлам тарелкалар келтирилади. Уларнинг ёнига салфеткалар устига мева учун анжомлар қўйилади. Тарелкалар олдида думалоқланган салфеткалар бўлади. Қаҳва столининг ўттароғида гулдон ёки қутичаларда қонфетлар, печений, пирожний, ширин ёнғоқ, қанд, кулдон, сигаретлар, гугурт ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хорижий меҳмонларга хизмат қилганда уларнинг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, қаҳва билан спиртли ичимликлар ҳам берилади. Шунинг учун официант стол ясатганда факат қаҳва ичадиган идиш билан чекланиб қолмай, конъяк рюмкаларини ҳам қўйиши керак. Қаҳва чашкалари чап томонга, стол четидан 5-10 см ичкарига қўйилади. Қаҳва қошигини ўнг томонга, қаҳва идиши ичига қўйилади. Конъяк рюмкалари чашкалар ёнига алоҳида-алоҳида ёки 3-4 донаси бирга бир жойга қўйилади.

Хорижий меҳмонлар конъяк сифатига ишонч хосил қилишлари учун конъяклар столга шишаси билан қўйилади. Одатда ликёр рюмкалари столга қўйилмайди. Улар ёрдамчи столларда туради, агар меҳмонлар ликёр ичиш истагини билдирсалар, рюмкалар келтирилади.

Меҳмонлар қаҳва залига ўтириб олишганларидан сўнг официантлар

уларга қаҳва қуиб берса бошлайди. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, баъзи меҳмонлар чой ичишни афзал қўрадилар. Бундай пайтларда қаҳва идиши столдан олинади, европа одатига биноан чашкаларда чой берилади. Ўзбекистон шароитида чой бериш тартиби бошқача. Кўк ёки қора чой чойнакларга дамланади, пиёлалар билан тарелкаларда меҳмонлар олдига келтирилади, официант чойни Ўзбек миллий удумига қўра қайтаради, бир зум тиниб олгач, чойни пиёлаларга қуиб, таъзим билан ўнг қўлда пиёлани меҳмонга узатади. Кичкина идишчаларда лимон келтирилади. Иссиқ ичимликлар тарқатиб бўлингандан сўнг официантлар рюмкаларга конъяк ёки ликёр қуиб, меҳмонларга тавсия этади.

Қаҳва столларига қаҳва чашкалари ва қонъяк рюмкалари кўйиш меҳмонлар ўтириб олганларидан сўнг амалга оширилади. Қаҳва ва чойларни ёрдамчи столларда официантлар қуиб олиб, патнисда қаҳва залига олиб киради ва ҳар бир меҳмон олдига қуяди. Сут ва қиёмларни хар бир меҳмонга тавсия қиласи ва исталғанларига қуиб беради. Булар қаҳва столи устида қолдирилади.

Қаҳва тарқатиш усулларининг бир неча хиллари бор:

1. Официант хар бир меҳмонга тарелкага қўйилган қаҳва чашкасини чой қошиқ, билан тақдим этади. Патнисдан чашкани ўнг қўли билан олиб, меҳмоннинг ўнг томонидан столга қуяди.

2. Қўйилган тарелкани чашка ва қошиқ билан бирга чап қўли билан олади, ўнг қўли билан қаҳва идшини олиб, чашкани тўлдиради ва тарелкани қаҳва билан чап қўлида меҳмоннинг чап томонига қуяди. Чапдан ўнгга қараб харакат қилиб официант хизматни давом эттиради.

3. Официант чашка ва қошиқ қўйилган тарелкани ўнг қўли билан олади ва чап қўлида қаҳва қуяди, сўнгра ўнг қўли билан меҳмоннинг чап томонига тарелкани қуяди. Официант стол бўйлаб унгдан чапга томон юриб хизмат қиласи.

4. Официант стол бўйлаб ўнгдан чапга ҳаракат қилиб, хар бир меҳмон ёнида тўхтайди, устига салфетка ёпилган қаҳва идшини ўнг қўли билан олиб, столга қўйилган чашкаларни тўлдириб боради.

Хизмат кўрсатиш жараёнида столга кулдон қўйилади ва вақти-вақти билан олиб тозаланади, ўрнига бошқаси қўйилади. Официант қуидагида ҳаракат қиласи, кулдонларнинг бирини устига, иккинчисини тескари ёпиб олиб чиқиб кетади.

Спиртли ичимликлар тарқатиш техникаси официантларнинг ўзаро муомалада бўлишини талаб қиласи. Официант конъяк ва рюмкалар терилган патнисни қўтариб меҳмон ёнига келади, бошқа официант ҳам

қўлида кичикроқ патнис билан унинг ёнига келади, меҳмонлар билан муносабатда бўлгач, улар розилиги билан рюмкаларга конъяк қуиб, патнисдан меҳмонларга узатади.

Бўшаган шишалар шеригининг патнисига қўйилади. Бўшаган қахва чашкаси ёки рюмкага меҳмонлар розилиги билан ичимлик қўйиш меҳмон кутиш қоидасига зид эмас, аммо чой остида лимон қолдиғи бўлса, унинг устига чой қўйиш мумкин эмас. Бу идишни олиш ва бошқа идишда чой қуиб бериш керак.

Меҳмонларга қахва залида хизмат қилинаётганда официант қуидаги қоидага риоя қилиши керак:

- стол, стулда тартиб бўлиши, фойдаланилган кулдонларни олиб алмаштириб туриши, стол устидаги ортиқча нарсалар йифиштириб олиниши зарур;
- хизмат охирида официант меҳмонларга муздай маъданли сувлар, шарбатлар тавсия қилади.

Таянч сўзлар: расмий қабул, мижоз, хўранда, ташриф карточкиси , иссиқ цех, совук цех, гарнирлар, соуслар, касса машинаси, касса чеки, тоблама, гумма, фужерлар.

Назорат саволлари:

1. Ресторанларда туристларни ким кутиб олади ва у кутиб олишда қандай ишларни амалга оширади?
2. Бош официант туристларни қандай тартибда ўтқазади?
3. Туристлардан буюртмалар қандай қабул қилинади?
4. Столни безашда рюмкалар, қадаҳлар ва фужерлар қандай тартибда қўйилади?
5. Патнис (лаган) билан қандай ишланади?
6. Столни безашда қабул қилинган стандартлар борми?
7. Туристларни қабул қилишда кутилмаган вазиятларнинг келиб чиқиши мумкинми?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Ресторанларнинг бирига бориб туристларни кутиб олишни кузатинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
2. Столларни миллий усулларда безашни ўрганинг ва амалий дарсларда курсдошларингиз билан муҳокама қилинг.
3. Банкет залларида туристларга хизмат қилишни ўрганинг

4. Столларга биринчи ва иккинчи овқатларни қўйишни ўрганинг
5. Столларга ичимликларни қўйишни ўрганинг
6. Уйингизда столни безашни ўрганинг ва амалий дарсларда курсдошларингиз билан столни безаш бўйича ўқитувчи раҳбарлигида сухбат уюштиринг
7. Столни миллий усулларда безашни ўрганинг

Мавзууни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Мехмонларга қаҳва тарқатишининг оммавийлашган усуллари нечта?

- а) 4 та
- б) 3 та
- в) 2 та
- г) 5 та

2. Расмий банкетларда официантлар ... ишлайди.

- а) юпқа оқ қўлқоп билан
- б) патнис билан
- в) стол аравачаси билан
- г) ёрдамчи билан

3. Столларга рақамлар қўйиш қандай амалга оширилади?

- а) эшик олдидан бошланади
- б) ресторон тўридан бошланади
- в) ресторон ўртасидан бошланади
- г) рақамлар қўйиш шарт эмас

4. Спиртли ичимликлар столга ... қўйилади.

- а) туристларнинг талаби билан
- б) бош официант руҳсати билан
- в) официант ҳоҳиши билан
- г) овқатланишдан олдин

5. Бош официант меҳмонларни қачон қаҳва залига таклиф қиласи?

- а) банкет тугагандан кейин
- б) биринчи овқатдан кейин
- в) иккинчи овқатдан кейин
- г) меҳмонлар кетишни бошлаганда

11 – БОБ. ТУРИСТЛАРГА ХИЗМАТЛАР КҮРСАТУВЧИЛАРГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

11.1. Чет эллик туристларга хизмат қиладиган ходимлар ташқи қиёфасига қўйиладиган талаблар

Чет эллик туристларга хизмат қилувчи ходимларнинг, айниқса официант, бармен ташқи қиёфасига, шахсий гигиенасига, муомаласига ва чет тилларни билишига катта эътибор берилади, чунки хизмат кўрсатувчи ходимларнинг кийинишига, шахсий гигиенасига, хушмуомалалигига, ҳатти–ҳаракатига, хизмат қилишда этикет қоидаларига риоя қилишига ва ишчанлигига қараб овқатлантириш корхонасининг ва бу ерда тайёрланаётган таомларнинг ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг сифати тўғрисида хулоса чиқарилади.

Официантлар, барменлар ташқи қиёфасига таъсир қилувчи асосий омилларни иш вақтида киядиган устки ва оёқ кийимлари, уларнинг тозалиги ва соқол–мўйловлари ва сочининг ҳолати ташкил қиласди. Шу сабабли ҳам ходимларнинг иш кийимлари бугунги кун модасига кўра бичилган, тикилган, қадди–қоматига ярашган ва нафис кўринишли бўлиши лозим. Бундан ташқари иш кийимлари дид билан дазмолланган бўлиши керак. Иш кийимларининг материалларида, бичилишида ёки тикилишида ўзбек миллий анъаналари ўз ифодасини топса мақсадга мувофик бўлади.

Ходимларнинг униформаларида корхона мавқейига мос ва дизайн талабларига жавоб берадиган эмблема тамғаси солинган бўлиши лозим. Амалдаги қоидаларга кўра иш кийимларига бошқа тақинчоқларни тақиб хизмат қилиш ман этилади. Оёқ кийимларига ҳам қатор талаблар қўйилади. Улардан энг асосийси туфли рангининг иш кийими рангига мос келишидир. Бундан ташқари оёқ кийимлари ярқиратиб тозаланган, ходимларнинг хизмат қилишда чарчамаслиги ва шовқин чиқармаслиги учун паст пошинали бўлиши шарт.

Хизматчи ходимлар хизмат истеъмолчиларининг доимо назорати остида бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг соchlари қисқа қилиб олинган, яхшилаб таралган бўлиши ва юзини қоплаб турмаслиги керак. Ходимларнинг соқол-мўйловлари эса қиртишлаб олинган бўлиши ҳамда уларнинг прическалари корхонанинг мавқейига мос келиши шарт.

Аёл официантлар иш даврида косметика ва парфюмериядан ҳамда тақинчоқлардан фойдаланишлари мумкин, лекин улар кучли ҳид, ярқираган ранг бермасликлари, тақинчоқлар эса яққол кўзга ташланмаслиги ва шу билан бирга ҳуснига ҳусн қўшадиган бўлиши керак.

Чет эллик мөхмөнларга хизмат қиласынан ходимлар шахсий гигиена талабларында жуда ҳам катта итоат қилишлари лозим: ички кийимлар ва пайпоқлар ҳар куни тозасын алмаштирилиб кийилиши, бадан ва юз-құллар совунлаб ювилиши шарт. Бундан ташқари тирноклар ҳам қисқа қилиб олинган бўлиши лозим.

Хизмат қилувчи ходимларнинг ички ва иш кийимлари нафакат ишлашга ҳалақит бермаслиги, табиий материаллардан тикилган ва иссиқликни яхши ўтказадиган бўлиши керак. Кўрсатилганлардан ташқари турист ва аҳолига хизмат қилувчи ходимлар ўткир ҳидли таомларни истеъмол қиласликлари ва ўткир атирупалардан фойдаланмасликлари лозим.

11.2. Овқатланиш корхоналари ходимларининг хизмати сифатига қўйиладиган талаблар

Хорижий туристларга хизмат қилишда уларнинг овқатланишига хос хусусиятларни, ходимлар қиёфасини ва шахсий гигиенасини ҳисобга олишдан ташқари кўрсатилаётган хизмат сифатига ўта катта аҳамият берилени лозим, чунки чет эллик туристлар ходимлар қиёфаси, шахсий гигиенаси, корхонанинг санитария ҳолати ва хизмат сифатига қараб республиканинг барча овқатланиш корхоналари ва миллат маданияти тўғрисида хулоса чиқарилари мумкин. Шу сабабли ҳам ҳар куни чет эллик туристларга хизмат қилувчи бош официант улардан корхона хизмати сифати ва санитария ҳолати тўғрисида уларнинг фикрларини олади ва корхона раҳбарига (соҳибига) етказади. Олинган маълумотлар асосида камчиликларни тузатиш бўйича зудлик билан чоралар кўрилади.

Юқорида кўрсатилганларни ҳисобга олган ҳолда овқатлантириш корхоналари ходимлари ўзларининг кўрсатаётган хизматлари сифатига катта аҳамият берилени лозим ва улар доимо мөхмөнлар назорати остида эканлигини унумасликлари керак.

Ташқи гўзал қиёфага эга, шахсий гигиенага қатъий риоя ва ҳеч қандай камчиликсиз хизмат қиласынан ходимлар ўзларига ва корхонага ишонч ҳосил қилишдан ташқари корхона вакили сифатида мөхмөнлар назарида унинг шухратини оширади.

Чет эллик туристларга хизмат қиласынан хар бир корхона кўрсатаётган хизмат сифатини кўтариш мақсадида корхона мавқейига мос келадиган ва уни янада оширадиган шахсий хизмат кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқарилари ва амалда уларга қатъий риоя қилишлари лозим.

Корхонада чет эллик туристларга хизмат кўрсатиш сифатига қўйидагилар катта таъсир кўрсатади: ҳар бир ишнинг жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ва аниқ бажарилиши; ходимлар томонидан меҳмонларга ғамхўрлик кўрсатилиши, хизмат вақтини аниқ режалаштирилиши, ўз-ўзини назорат қилиши, профессионал ва социал коммуникативлиги.

Юқорида кўрсатилган ишларни сифатли бажариш ходимларнинг касбий маҳоратига боғлиқ бўлади. Касбий маҳорат деганда хизмат қилиш тезлиги, хизмат қилиш бўйича ҳар қандай ишни бажаришда тозаликка ва этикет қоидаларига қатъий риоя, хизмат истеъмолчиларига ғамхўрлик қилиш ва маслаҳатлар бериш маҳорати тушунилади. Хизмат қилиш тезлиги - бу хизмат истеъмолчиларининг кутиш вақтини минимум қисқартиришdir. Бу официантлар, барменлар ва метрдотелларнинг ишлаши учун қулай шароитларни яратиш ва овқатланиш зали бўйича ҳаракат қилишни автоматлаштириш даражасигача етказиш орқали эришилади.

Хизмат истеъмолчиларига ғамхўрлик деганда хизмат қилувчи ходимларнинг уларга хурмат билан қарashi, уларнинг истак ва ҳоҳишлирини бажаришга доимо тайёрлиги, хушмуомалалиги, сабртоқатлилиги ва одоблилиги тушунилади. Демак, хизмат истеъмолчиларига ғамхўрлик қилиш метрдотель, официант ва барменлардан этикет қоидаларига қатъий риоя қилишни талаб қилади. Бундан ташқари ғамхўрлик тез ва сифатли хизмат қилишни ҳам ўз ичига олади.

Хизмат қилишда тозаликка риоя қилиш чиройли хизмат кўрсатиш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни билдиради. Ижтимоий коммуникативлилик-хизмат қилувчи ходимларнинг хизмат истеъмолчилари билан тез муомалага туша олиш қобилиятини билдиради. Коммуникативлиикда хорижий истеъмолчилар тилларини билиш, гапга чечанлик, очиқ чехралилик ва самимийлик ҳамда берган ваъдасининг ўз вақтида устидан чиқа олиши катта аҳамиятга эга.

Хизмат қилувчи ходимларнинг зийраклилиги хизмат истеъмолчиларининг истакларини олдиндан била олиш қобилиятини ва ҳар бир меҳмонга нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатишни билдиради. Кўрсатилганлардан ташқари ходимлар хизмат бошланишидан олдин устки ва оёқ кийимларини тартибга келтиришлари, соchlарини яхшилаб тарашлари, қўлларини совунлаб ювиб, дезинфекция қилишлари ва зарур бўлса, оғиз бўшликларини тозалаб ювишлари керак. Чет эллик меҳмонларга хизмат қилувчи ходимлар улар билан хизмат соҳасидан ташқари бошқа масалалар юзасидан гаплашишлари мумкин эмас.

11.3. Туристларга хизмат кўрсатишнинг психологик хусусиятлари

Сервисда истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни психологик хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда фирма ходимлари, раҳбарлари ўз ишларини қўйидаги талабларга эътибор қаратишлари керак:

1. Туристларлар билан алоқада бўлаётган ходимларни конструктив шахсий-психологик сифатларини ўстириш.
2. Хизмат кўрсатиш аҳволини позитив руҳий йўлга йўналтириш.
3. Туристларни позитив руҳий хусусиятларини намоён бўлиши учун шароит яратиш.

Биринчи ҳолда, туристлар билан алоқада бўлувчи, алоқа зонаси чегарасида меҳнат қилувчи ходимларни пухта танлашни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Ҳар бир ходимни руҳий хусусиятларини лавозим мажбуриятларига киритилган меҳнат тавсифи ва операцияларга мос келишига эришиш осон кечмайди. Бу ҳолларда ходим руҳияти ва меҳнат тавсифи ўртасидаги мос келмасликни четлаб ўтиш керак бўлади. Масалан, суст руҳиятли ходимга тез реакцияни талаб қилувчи ишни топширмаслик лозим.

Алоқа зонаси ходими турист билан алоқага киришиш, уни талабларини мажбурламасдан аниқлаш ва керакли товар ёки хизматни таклиф эта олиш қобилиятига эга бўлиши муҳимдир. Масалан, нарса, буюм намунасини кўрсата туриб ёки ишлаб чиқариладиган хизматни устун томонларини тушунтира туриб, ходим туристни руҳий хафсаласини тушуниши лозим. Намунани намойиш қила туриб, дикқатни унинг устунлиги ва аниқ тавсифларига жамлаш керак. Бу ҳолда ўз баҳосини мажбурламаслик, турист унинг маслаҳатини кутаётган бўлса маслаҳат беришдан бош тортмаслик муҳимдир.

Ходим туристлар билан алоқа даврида ҳайрихоҳ ва вазмин бўлиши лозим. У ҳаттоқи, товар ёки хизматни сотиб олишга иккиланиб турса, унга норозилигини билдириш у ёқда турсин, бетоқатликни кўрсатиш мумкин эмас. Агар турист харид қилмаган бўлса ҳам, фирма ходими уни келгусида ташриф буоришига таклиф этиб, унга бўлғуси харидор сифатида қараши керак.

Сервисни касбий ва руҳий жиҳатлари хизмат кўрсатишни этикаси билан боғланган. Сервис фаолиятини этик асослари сервис ходимларини касбий ўзини тутишини ва истеъмолчилар билан муносабатини ростлайдиган бойликлари асосида шаклланади. Этик тамойиллар сервис корхонаси ходимига жамиятимизда маъқулланадиган, замонавий сервис амалиёти томонидан рағбатлантириладиган туристлар билан бўлган

муносабатни амр қилади ва бу билан хизмат кўрсатиш жараёнини енгиллаштиради, уни иккала томон учун ёқимли ва самарали қилади.

Фаолият учун қуйидаги этик тамойиллар ва ахлоқий категориялар эътиборга сазовор ҳисобланади:

- атрофдагиларга нисбатан инсофли ва андишали бўлиш;
- истеъмолчиларга нисбатан виждонли ва очик юзли бўлиш;
- уларни қадр-қимматини ҳурмат қилиш;
- улар билан ўзаро таъсирда ўз касбий бурчини англаши.

Бу тамойиллар шундай ахлоқий асосни ташкил қиладики, уни қабул қилмасдан туриб сервис соҳасидаги ишга киришиш мумкин эмас. Сервис соҳасини кўпгина ходимлари ўз касбини этик асосларини чуқур фикрлаб кўриш қобилиятига эга бўлиб, улар ўзини ривожлантириш имконини беради, қониқканлик келтиради. Шу билан бирга сервис корхонаси фаолиятида ҳамма умумётик тамойиллар ва меъёрлар эмас, фақат сервисни моҳиятига мос келувчилари жалб қилинади. Масалан, персонал турист билан оиласвий ва дўстона муносабатларга хос тамойиллар (шахсий меҳр қўйиш, муҳаббат, тўлиқ ишониш) асосида ўзаро таъсир қилиши шарт эмас. Ходим ва турист ўртасидаги муносабатларда уларни бозор алмашинуви доирасидаги ижтимоий функционал мавқелари келтириб чиқарган маълум масофа сақланиши керак. Касбий-хизмат этикаси дейилгандан, сервис фирмаларини ходимларига нисбатан қўйиладиган талаблар ва ахлоқий меъёрлар тўплами тушунилиб, улар ходимлар томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришларида мажбурий тартибда реализация қилиниши керак.

Касбий этика юқорида келтирилган умумий этик тамойилларини аниқлаштиришга имкон беради. Маслан, инсофилик ва андишалик тамойилларини қабул қилиш истеъмолчиларни алдашга улар манфаатларини инобатга олмасликка йўл қўймайди; виждонлиликка асосланиш туристларга зарар ёки нохушлик келтирадиган ҳаракатлардан огоҳ қилади; ўз касбий бурчини англаши эса ходим томонидан ўз касбий мажбуриятини аник тасаввур қилишга, ҳар бир лаҳзада истеъмолчига касбий ёрдам кўрсата олишига тайёр бўлишига олиб келади.

Агар ходим хатоликка йўл қўйдими, у ўзида турист олдида кечирим сўрашга куч топиши керак. Ўз моҳирлиги ва қобилиятини туристни тилакларига кенг ёйиб ҳар бир туристга ёндашиши керак. Бунда бу сифатлар тескарисига ўтиб кетмаслигини ҳам кузатиб бориш керак. Маслан, туристга ёрдам беришга таёрик кўнгилни топишга, очик

чөхралилиги шилқимликка, сабрлилиги бефарқликка ўтиб кетмаслиги керак.

Хизматлар соҳасида этик меъёрларни муҳимлиги, нафақат ходимларни истеъмолчилар билан ўзаро таъсирида, шунингдек ходимларни ўзаро таъсирида ҳам сезилади. Ходим юқорида кўрсатилган ахлоқий тамойиллар ва этик меъёрларни ўз ҳамкасбларига нисбатан ҳам сақлаши керак. Сервис корхонасида зиддиятлар бўлмаган, камситилган, ғазабланган, бефарқлилар йўқ бўлган, барча бир-бирига ҳурмат ва тушуниш билан муносабатда бўлган ахлоқий қиммат катта аҳамиятга эга.

Сервис жамоасида бир-бирига ёрдам, ходимларни биргаликда маҳсус хизмат кўрсатиш гурухларида меҳнат қилиш кўнинмасини яратиш ўта муҳимдир. Буларни ҳаммаси истеъмолчиларга самарали хизмат кўрсатиш умумий мақсадига ёрдамлашади. Бундай мулоқот ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатни муваффақиятли ростлайди, меҳнат жараёни енгиллашади ва катта самара билан ишлаш имконини беради. Булар ходим томонидан қанчалик тиник кўрилса, уларда бундай мулоқот тарзини самарадорлигига ишончлари шунчалик мустаҳкамланиб боради.

Яъни, уддабуронлик, эпчиллик – инсоннинг билими, заковати, хар қандай вазиятда ижобий натижа ва таъсурот билан чиқиб кетиш, ўзига бўлган ишончни атрофдагиларга ҳам етказа олишининг умумий номи, яъни бир сўзли ифодасидир

11.4. Этика, этикет ва эстетикани хизмат кўрсатишдаги ўрни

Хизмат кўрсатишда маданиятининг профессионал ва психологик жиҳатлари хизмат кўрсатиш этикаси билан чамбарчас боғлиқдир. Сервис ходимларининг профессионал ўзларини тутишлари ва уларнинг истеъмолчилар билан муносабатларини тартибга солиб туришни аниклайдиган дунёкараш тасавурларидан, маънавий қадриятлардан шаклланади. Этик тамойиллар сервис корхонаси ходимига турист билан шундай муносабатларни ўзлаштиришни кўрсатма берадики, улар бизнинг жамиятимизда исталган, мақулланган, сервиснинг замонавий амалиёти томонидан рақобатлантириладиган бўлиши лозим. Бу ўз навбатида хизмат кўрсатиш жараёнини енгиллаштиради ва уни икки томон учун ҳам ёқимли ва самарали қиласи.

Қайси этик тамойиллар ва ахлоқий категорияларни сервис фаолияти учун асосий деб олиш лозим?. Улар ичida муҳимлари бўлиб қуйидагилар хисобланади:

- атрофдагиларга нисбатан ҳалоллик ва инсофлиник;
- истеъмолчилар билан муносабатларда виждонлилик ва очиқлилик;
- уларнинг қадр-қимматини ҳурмат килиш;
- ўз профессионал бурчини (мажбуриятларини) англаш.

Қайд қилинган тамойиллар шундай аҳлоқий тамойилларни қайд этадики, уларни қабул қиласдан, сервис тизими соҳасида ишга уринишнинг маъноси бўлмайди. Сервис соҳаси ходимларининг кўпчилиги ўз мутахассисликларининг этик асосларини чуқурроқ ўйлашга қодирлар, яъни унда шундай томонларни кўришлари мумкинки, улар ўз ўзини ривожлантириш, уларга қониқиши ҳосил қилиш ва улар меҳнатини аҳлоқий потенциал билан таъминлаши мумкин.

Шу билан бирга умумётик тамойиллар ва меъёрларнинг барчасини сервис фаолиятига жалб қилиш шарт эмас, балки сервис соҳасининг моҳиятига боғлиқ бўлғанларни. Жумладан ходимлар туристлар билан шахсий боғланиб қолганликлари, севгиси, абсолют ишониши асосида ўзаро ҳаракат қилишлари шарт эмас. Ходим ва турист ўртасидаги муносабатларда бозор алмашинуви маконидаги асосланган уларнинг ижтимоий функционал ролларига кўра, улар ўртасида маълум масофа сақланиши лозим. Ўзларининг туристлар билан муносабатлари жараёнларида этик тамойилларни танлашни, сервис ходимлари профессионал-хизмат этикаси қаттиқ талаблари асосида амалга оширадилар.

Сервиснинг профессионал-хизмат этикаси деганда сервис шакллари, ходимларига нисбатан аҳлоқий талаблари ва нормалари йигиндиси тушинилади. Улар мажбурий тартибда ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида қўлланилиши лозим. Профессионал этика юқорида қайт қилинган умумий этик тамойилларни конкретлаштириш имконини беради. Жумладан ҳалоллик ва виждонлилик тамойилларининг қабул қилиниши истеъмолчиларни алдаш, уларнинг манфаатларини писанд қиласликка йўл қўймайди; ҳаққонийликка таяниш, туристларга зарар ва ноқулайликлар етказилишининг олдини олади; ўз профессионал бурчини англаш шунга олиб келадики, ходим ўз хизмат мажбуриятларини аниқ тасаввур қиласди ва ҳар қандай лаҳзада истеъмолчига профессионал ёрдам кўрсатишга тайёр туради.

Ходимларининг барчасига, уларнинг иш жойлари қайерда бўлишларидан қаттий равишда тўғри келадиган хизмат этикасининг асосий нормалари кўйидагилардан иборат:

- хушёрлик ва хушмомалалик;
- вазминлик, чидамлилик ва ўзини тута олиш;

- яхши одатлар ва сўз маданияти;
- можороли ҳолатларни чеклаб ўтиш имкониятлари, агарда улар вужудга келса икки томоннинг манфаатларига риоя қилган ҳолда, уларни мувоффақиятли ечиш.

Юқорида қайд қилинган этик нормаларга қўшимча сифатида контакт зонаси ходимлари шунингдек қўйидагиларни намоён қилишлари лозим:

- мулойимлик ва илтифотлилик;
- самимиyлиc, ҳайрихохлиc;
- одоблилиc, босиқлиc, истеъмолчига ғамҳўрлик қилиш;
- ўзига нисбатан танқидли бўлиш;
- хизмат кўrsatiш жараёнида амалга оширилган турли операциялар ёки бир неча кишини эътибор зонасида ушлаб турган ҳолда тез таъсир кўrsatiшга тайёр туриш;
- инжиқ туристга хизмат кўrsatiшда ўзини хотиржам ва ҳайрихоҳ ушлаш маҳорати;
- туристлар норозилиги ва можороларини четлаб ўтиш маҳорати.

Ходимларга умуман тўғри келмайдиган нарсалар қўйидагилардан иборат:

- қўполлик, беодоблик, дикқатсизлик, бағритошлиc;
- нопоклик, тилёғламачилиc;
- ўғирлик, очкўзлик, худбинлик;
- кўп гаплилиc, туристлар тўғрисидаги ғайри расмий маълумотларни ошкора қилиш, уларнинг камчиликлари ва заифликларини ҳар ким билан муҳокама қилиш;
- гапга қўнmasлиc, туристдан устун туриш, уни ўз манфаатларига бўйсундиришни хохлаш.

Туристларга хизмат кўrsatiш жараёнида уларни ўзгартириш ёки қайта тарбиялашга ҳаракат қилишга интилмаслик лозим – улар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш лозим. Ишни энди бошловчи сервис ходимларининг жиддий хатолари кўпчилик ҳолатларда ҳафачилиc, туристларга нисбатан юқори этик талаблар билан боғлиқ бўлади. Бундай камчиликлардан ҳолос бўлиш муҳим ҳисобланади.

Агарда ходим хато қилса, у ўзида турист олдида кечирим сўраш учун куч топиши керак. Мақсадга мувофиқ бўлиб ҳар бир туристга мослашиш, ўз маҳорати ва тажрибасини унинг хошишларига пешвоз чиқиши лозим. Шу билан бирга хизмат кўrsatiш жараёнида қайд қилинган жиҳатлар

ўзларининг қарама-қарши томонларига ўтиб кетмаслигини қузатиш муҳим ҳисобланади.

Хизмат қўрсатиш амалиёти шундай ҳолатларни вужудга келтирадики, тажрибасиз ходимга этик муқобилларни тушиниш жуда қийин бўлади. Қандай қилиш керак, агарда турист сервис корхонаси ходимидан унинг мажбуриятларига кирмайдиган қўшимча хизматни қўрсатишни талаб қилса?. Бундай ҳолатда ходимнинг жавоб реакцияси конкрет ҳолатдан келиб чиқиши лозим.

Агарда илтимос мулойим шаклда бўлса, қўшимча хизмат кўп вақтни олмаса ва фирма туристнинг сақланишидан манфаатдор бўлса, унда илтимосни бажариш лозим. Лекин ходим туристнинг сабабсиз қўполлиги, асосланмаган инжиқликларига йўл қўёлмайди. Бу балки ходимнинг қадр-қиммати пасайиши ва фирма имиджининг тушишига олиб келиши мумкин.

Хизмат қўрсатиш соҳасида этик нормаларнинг муҳимлиги нафоқат ишловчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларда, балки ишловчиларнинг ўртасида ҳам сезилади. Юқорида қайд қилинган аҳлоқий тамойилларнинг ва этик нормаларнинг кўпчилигини ходим ўз ҳамкасларига нисбатан риоя қилиши лозим.

Сервис корхонасида алоҳида аҳамиятни аҳлоқий иқлим эгаллайди. Унда можоролар ва миш-мишлар бўлмайди, камситилганлар, ғазабланганлар, бефарқлар йўқ, ҳамма бир бирига ҳурмат муносабатида бўлишадилар. Ўта муҳим бўлиб, сервис жамоасида ўзаро ёрдам бериш муҳитини яратиш, ишловчиларнинг биргаликда, шунингдек маҳсус хизмат қўрсатиш гуруҳларида меҳнат қилиш маҳоратини ташкил қилиш ҳисобланади. Буларнинг барчаси умумий мақсадга ёрдам беради: истеъмолчиларга самарали хизмат қўрсатишга эришишга.

Сервис корхоналари ишловчиларининг ўз ўзларини тутишларининг юқорида қайд қилинган этик томонларига талаблар билан бир қаторда, уларнинг аҳлоқий ўз ўзларини такомиллаштиришлари ва ўзларини ҳиссиётлар жиҳатидан иш аҳиллигига ҳафсалаш масалаларига тўхталиш муҳим ҳисобланади. Сервис фаолиятининг этикасига юқорида қайд қилинган профессионал ва ижтимоий талаблар, шундай тасаввурни яратмаслиги лозимки, сервис хизмат қўрсатишда фақат аҳлоқий жиҳатдан такомиллашган шахслар ишлашлари мумкиндири. Маълумки бу ерда турли хил инсонлар ишлашадилар, шу жумладан профессионал ҳаракатлари ҳамма вақт ҳам этик талабларга мос келмайдиганлар ҳам.

Бундай ҳолатда ишловчи ўзининг ички ривожланишига ҳаракат қилишини инобатга олиш лозим. Инсон ўзининг тавсифи кирралари ва

ижтимоий жиҳатлари бўйича имкониятларга эга ва ҳақиқатдан сервис соҳасида ишлашни хохлайдиган бўлса, эртами кечми этик талаблар ва маданий меъёрларнинг муҳимлигини тан олишга мажбур бўлади. Унда ўзида ўхшаш тавсиф жиҳатлари ва ўз ўзини тутишнинг таъалуқли тамойилларига амал қилишни шакллантиришга ситқидилдан ҳоҳиш пайдо бўлади. У ўзи учун ушбу тамойиллар чуқур ривожланган хизмат қўрсатиш усталаридан ўрганишни уят деб билмайди.

Буларнинг барчаси шуни англатадики, сервиснинг профессионал этикаси тамойилларини эгаллаш, сервис соҳаси ходимларининг жуда кўп сонига ҳаммабоб бўлиб ҳисобланади. Лекин ушбу жараён мувоффақиятли бўлиши учун ходим ўзида таъалуқли қимматли мўлжаллар, тавсиф жиҳатлари, одатларини шакллантириш учун катта ҳаракатлар қилиши лозим бўлади. Бу осон эмас ва инсон томонидан кўп сонли ҳаракатларни талаб қиласи. Ушбу жараённи хизмат этикетига сўзсиз риоя қилиш қоидалари кўпчилик ҳолатларда енгиллаштиради.

Сервис соҳаси ходимларининг хизмат этикети деганда ходим одатда каришиб автоматик равишда риоя қиласи, ўз хизмат қоидасига боғлиқ равишда қайд қилинган меъёрлар, муқобилсиз ўзини тутиш қоидалари мажмуи тушинилади.

Масалан, буюртмани қабул қилувчи ёки хизмат қўрсатишни амалга оширувчи уста ташриф буюрувчини илиқ кулги ёки бошқа бир ўзига жалб қиласи белги билан кутиб олиши лозим; улар унга сухбат чоғида юзига қараб «сиз» деб мурожат қилишадилар, кескин заруриятсиз бошқа ишларга чалғишимайдилар. Бундай ҳолатда хизмат этикети талабларига уларнинг ўзларини тутишнинг барча элементлари бўйсунади: сўзлашиши, муомаласи, одатлари, кайфияти, ишоралари ва юзининг акси. Аксинча ахмоқона қиликлар, ёмон гаплар, туристни писанд қилмаслик ва ҳокозоларга йўл қўйилмайди.

Хизмат қўрсатиш маданияти эстетик компонентларсиз мумкин бўлмайди. Хизмат қўрсатиш эстетикаси хизматнинг бадиий жиҳатлари, ўраб турадиган предметларнинг ташқи шакли билан боғлиқ. Улар чиройли ва монанд деб баҳоланади. Яхши дид, қулайлик ва монандлик хизмат қўрсатиш жараёнини кузатиб борувчи барча предметларда сезилиши лозим: бинода ва унинг меъморчилигига, бинолар интерерида, декоратив-амалий санъати элементларида, иш жойларини ташкил этишда. Асосий эътибор ёритиш ва интерер колоритига қаратилади

Сервис ходимининг эстетик маданияти унинг ташқи кўриниши билан боғлиқ (кийими, оёқ кийими, соч турмаки ва бошқа томонлари). Унинг

ташқи кўриниши умумий ҳолда хизмат мақсадларига ва интерерга мос келиши лозим. Шу сабабли кўпчилик фирмаларда ходимларни маҳсус яратиладиган иш кийимиға кийинтиришни афзал кўришадилар. Улар кўримсиз ёки стандарт бўлмаслиги лозим. Эстетика элементлари шунингдек фирманинг эмблемасида бўлиши, асбоб-ускуна дизайннида, товарнинг ўралишида акс эттирилиши лозим.

Агарда хизмат кўрсатишнинг барча элементлари-профессионал-мехнат, психологик, этик, эстетиклар- фирманинг барча ходимларига хос бўлиб, гармоник бирликда бўлишсалар, унда у хизмат кўрсатишнинг умумий конструктив стилини яратади. Бундай стил сервис корхонаси имиджининг ўта муҳим элементи бўлиб ҳисобланади, шу сабабли уни кўпинча фирмали стил деб номлашадилар.

Чой чақа ҳақида. Чой чақа бериш ресторон хизматида одат бўлиб қолган. Бу кўпгина муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади, бир-бирига икки хил зид қараш мавжуд. Бу бир томондан официантларга маълум миқдорда моддий манфаат базаси бўлиб хизмат қиласи. Иккинчи томондан, официантларнинг кўпроқ чой чақа олишга бўлган иштахасини қучайтиради, аммо ресторан мижозларининг норозилигига сабаб бўлади.

Бутун дунё ресторанларида мижозларга хизмат қилган официант овқатланиш охирида чой чақа ҳақида эслатса, бу ёмон иллат ҳисобланади. Бироқ ресторанларда мижозлардан официантлар хизмат чой чақаси сўраш ҳолатлар учраб туради. Баъзи ресторанларда официантлар хизмат ҳақи учун счётга 15% қўшимча қиласи. Аммо официант хеч қачон мижозларга чой чақа ҳақида гап очмаслиги лозим. Рестораннинг донишманд мутахассислари фикрича, агар официант «хасис меҳмонлар» ҳақида ўз доирасида гап юритар экан, демак, у бу соҳада ишлашга яроқсиздир.

АҚШда чой чақа бериш қоидага айланган. Ҳатто баъзи америкаликлар чой чақа бериш фоизини кўрсатувчи жадвал олиб юрадилар, официантни овора қилмай, чой чақа суммасини ўзлари аниқлаб тўлаб кетаверади. Кўпчилик ресторанларда, қаҳвахоналарда официант ойлигининг 95% ини мижозлардан олинадиган чой чақа ташкил қиласи. Ресторан сохиблари мижозларнинг чиройли ўтиришларини таъминлаш, ходимлар орасида чой чақа сабаб низолар чиқишига йўл қўймаслиги керак.

Бошқа мамлакатлар ресторанларида чой чақа масаласига турлича ёндашадилар. Баъзиларида чой чақа официантлар орасида баравар бўлинади. Бу кўпинча ўнтагача официант ишлайдиган ресторанларда бўлади. Баъзиларида эса, официант чой чақанинг ярмисини ўзига олиб колади, ярмисини бош официант, вино сотувчи ва бошқаларга беради.

Баъзи холларда чой чақанинг бир қисмини зал менежерига, бош официантта, гарчи уларнинг маошлари усиз ҳам юқори бўлсада, берилади. Баъзи ресторанларда очиқ айтилмаса ҳам чой чақа қолдириш учун имоишора қилинади. Чекларда қуидагича ёзув бўлади: «Хизмат хақи таъомлар баҳосига қўшилмаган». Аммо хизмат олий даражада маданиятли ресторанларда бундай харакатларга йўл қўйилмайди.

Таянч сўзлар: миллий анъана, униформа, шахсий гигиена, атир-упа, касбий маҳорат, дезинфекция, коммуникативлик, психологик хусусиятлар, этик тамойиллар, профессионал бурч.

Назорат саволлари:

1. Ходимлар иш кийимларига, соч ва соқол-мўйловларининг олинишига қандай талаблар қўйилиши мумкин?
2. Овқатланиш корхоналари ходимларига қайси тақинчоқларни тақиб хизмат қилишга рухсат берилган?
3. Чет эллик туристларга хизмат қилувчи ходимлар шахсий гигиенасига қандай талаблар қўйилади?
4. Чет эллардан келган туристларнинг овқатланиши қаерларда ташкил қилиниши ва уларга хизмат кўрсатадиган официант ва барменларга қандай касбий талаблар қўйилишини биласизми?
5. Қайси вақтларда туристлардан овқатлантириш хизмати бўйича қўшимча ҳақ олинади?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Ресторан ва кафеларда хизмат қилувчиларга миллий униформани таклиф қилинг ва амалий дарсларда муҳокама қилинг.
2. Ресторан ва кафеларнинг бирортасига эмблема ишлаб беришга харакат қилинг.
3. Сервис ходимининг эстетик маданияти нималарида намоён бўлишлигини айтиб беринг.
4. Сервис ходимининг касбий фаолиятини айтиб беринг.

Мавзууни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Ресторанларда официантлар хизмат хақи учун счётга қанча тўлов қўшимча қиласди?

- a) 15%

- б) 10%
- в) 20%
- г) 5%

2. Ходимларнинг униформаларида корхона мавқеийига мос ва дизайн талаблариiga жавоб берадиган қандай белги бўлиши лозим?

- а) эмблемаси
- б) ресторан номи
- в) официант исми
- г) хеч қандай белги қўйилмайди

3. Хизмат истеъмолчилариiga ғамхўрлик кўрсатиш деганда нима тушинилади?

- а) хизмат қилувчи ходимларнинг уларга ҳурмат билан қараши, уларнинг истак ва ҳохишларини бажаришга доимо тайёрги, хушмуомалалиги, сабр-тоқатлилиги ва одоблилиги
- б) тозаликка риоя қилиш чиройли хизмат кўрсатиш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш
- в) нарса, буюм намунасини кўрсата туриб ёки ишлаб чиқариладиган хизматни устун томонларини тушунтириш
- г) професионал хизмат кўрсатиш

4. Ресторан ва қаҳвахоналарда официант ойлигининг неча фоизини mijozlardan olinadigan choy chaqa tashkil қиласи?

- а) 95%
- б) 85%
- в) 100%
- г) 60%

5. Сервис ходимиининг эстетик маданияти нималарга боғлиқ?

- а) кийими, оёқ кийими, соч турмаки
- б) кўрсатаётган хизматига
- в) ёшига ва жинсига
- г) хушмуомалалиги ва одобига

12 – БОБ. ТУРИСТЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ОШХОНА ЖИҲОЗЛАРИ

12.1. Ошхона столлари

Столлар овқатланишдаги асосий восита ҳисобланади. Афсуски, овқатланишда халқимизда қадимдан урф бўлган хонтахталар аста-секинлик билан фойдаланишдан чиқиб бораяпти. Ресторан ва кафеларда меҳмонларни овқатлантиришда асосан 3 хил ҳажмдаги столлар ишлатилади:

- думалоқ стол - диметри-100 см;
- тўртбурчак стол - 90x90 см;
- тўғри бурчакли стол - 85x120 см.

Овқатланиш столининг баландлиги одатда 70-75 см атрофида бўлади. Ҳар бир одамга стол юзасида энига-80 см, ичкаридан-40 см жой тўғри келиши керак.

Ресторанлар учун энг қулай стол икки томонга кенгаядиган столдир. Бу столнинг қўшимча тахталари бўлиб, уни кенгайтириш ёки кичрайтириш мумкин. Тўртбурчак ва тўғри бурчакли столларни деворнинг энсиз томонига тақаб қўйиш мумкин. Бунда майдон тежалади. Айлана стол факат ўртага қўйилганда чиройли кўринади³⁰.

Юрадиган (кўчма) стол таом ва ичимликларни овқатланиш столига олиб боришда, идиш-товоқларни йиғиб олишда фойдаланилади.

Юрадиган(кўчма) бар столча шиша идишлар учун, унда рюмка ва бокаллар туради.

12.2. Ошхона дастурхонлари

Дид билан танланган ошхона дастурхони байрамона кўринишни ҳосил қиласи. Унинг ранги ва тузилиши, гуллари ошхонадаги идишлар, жиҳозлар ва деворнинг рангига, безагига мос тушиши керак. Ошхона дастурхонлари бир тусли ёки рангли бўлиши мумкин. Банкетлар ўтказилаётганда столга гулли нақшлар туширилган дастурхонлар ёзилади. Сўнги пайтларда пастел тусли дастурхонлар одатга кирди. Дастурхонлар столнинг тўрт тарафидан 25 см тушиб туриши керак.

Дастурхонлар қуйидаги ўлчамларда бўлиши мумкин:

- 173x173 см - оқ ва сидирға рангда;
- 135x135 см - рангли;

³⁰. Сабрина, Этикетнинг олтин китоби. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2013-424 б.

- 150x150 см - рангли;
- 173x208 см; 173x280; 173x500 см - зиёфатлар учун сидирға ва тилларанг нақшли.

Тарелка остига қўйиладиган қўл сочиқ дастурхон билан бирга фойдаланилади. Бундай қўл сочиқлар ҳар хил ўлчамда бўлади:

- ранглиси - 50x35 см;
- тўрсимон оқ - 46x46 см

Кичкина қўл сочиқлар стол тузашда ажралмас қисмдир. Улар дастурхоннинг материалидан тайёрланган бўлиши, крахмалланган ва дазмолланган бўлиши лозим. Бирор шаклга солинган қўл сочиқлар газаклар солинадиган тарелкаларга жойлаштирилади. Бундай қўл сочиқлар овқатланишда бир неча функцияни бажаради: биринчидан, столни безатиш учун, иккинчидан, ёғли овқатлардан кейин қўл артиш учун фойдаланилади. Банкетларда фойдаланиладиган қўл сочиқларнинг ўлчами 46x46 см бўлади. Чой ичиладиган столни тузишда 35x35 см ли қўл сочиқ ишлатилади.

Патнис учун қўл сочиқлар идишлар турадиган патнис устига идишларнинг сирғалиб кетмаслиги учун ёзилади.

Дастурхон остига солинадиган чойшаб столга овқатлар тортилаётганда, идишлар алмаштирилаётганда уларнинг тарақлаб овоз чиқармаслиги ва иссик овқатлар стол устига қўйилганда дастурхоннинг яхши сақланиши учун қўйилади.

Хозирги вактда ошхона идишларининг умумий номланишлари жуда кўпайиб кетган. Қуйида ресторон ва кафеларда энг кўп ишлатиладиган ошхона идиш-товорқлари ва анжомлари ҳақидаги маълумотларни келтирамиз.

12.3. Форфорли ва фаянсли идишлар

Ошхона идиш-товорқлари ва приборлари бир хил стилда бажарилган бўлиши керак. Ошхона идиш-товорқлари тайёрланиш жиҳатидан металли, форфорли, фаянсли, шиша ва хрусталли бўлади. Приборларнинг барчаси металдан тайёрланади. Форфорли ва фаянсли идишлар юпқа керамика маҳсулотига қарайди. Улар таркибидағи (асосий компонент каолин тупроғи) компонентларга ва қиздириш ҳарорати билан фарқ қиласи.

Форфордан тайёрланган идишлар оппоқ, яъни оқ қор кўринишида бўлиб, енгил зарба берилганда давомли тиник товуш чиқаради.

Фаянс идишлар сарикроқ товланади ва кичик зарба берилганда яхши товуш чиқармайди. Деворлари қалин ва товланмайди. У нисбатан механик жиҳатдан ҳамда рангларни чидамсизлиги томонидан форфор идишларга

тенг кела олмайди. Форфор ва фаянс идишларга тасвир иш безак беришда айрим ҳолларда ресторанни номи күрсатилиши билан белгиланади. Люкс ва олий категорияли ресторанларда махсус буюртма асосида тайёрланган ва ресторанни номи күрсатилған идишлар ишлатилади (4-жадвал).

4-жадвал

Форфор-фаянс идишлар

Номи	Тавсифи	Фойдаланиши
Тарелкалар: - ошхона чуқур тарелкаси - ошхона кичик тарелкаси - кичик газак тарелкаси - кичик ва чуқур десерт тарелкаси - пирожка тарелкаси	240 мм 240 мм 200 мм 200 мм 175 мм	биринчи таомлар иккинчи таомлар учун, газак тарелкасини тагига күйиш учун, ошхона чуқур тарелкаси тагига күйиш учун газак учун ширин таом ва мевалар учун нон, бутерброд, пирожки, грепки кермекни ва бакалларни узатиша, ширин таом ва ичимликларни тарқатиши
Айлана ва овалсимон	6-12 порцияли	гүшт ва балиқдан тайёрланган иссиқ таомлар ва яхна газаклар
Айлана, овалсимон, түртбурчакли, учбурчакли (1, 2, 3, 4, 6 порцияли) ваза ва салатниклар	120, 240, 360, 480, 720 см ³	салатлар
Овалсимон шаклдаги селедочница	узунлиги 135, 250, 270, 300 мм	сельдли газаклар, иссиқ ва совук дудланган балиқлар ва бошқа балиқли газаклар
Соус соладиган идишлар	1-6 порцияли	соуслар (асосан совук)
Айлана ва овалсимон шаклдаги биринчи таом мискалари	1-4 порцияли	таомлар

Чашкалар:		
- бульонли (бир ва икки ушлагичли)	350-400 см ³	бульонлар
- чойли	200-250 см ³	чой, сутли кофе, какао
- кофели	75-100 см ³	кора кофе ва шарқона кофе

12. 4. Шиша ва хрустал идишлар

Шиша идишилар кўриниши жиҳатидан тиник, озуқавий кислота ва ишқорларга чидамли бўлиб, шакли ва ранги жиҳатидан хилма-хил кўринишга эга. Асосий хом ашё маҳсулотига (кврац қумига) турли металл оксидларини қўшиш натижасида шишани иссиқликка чидамли, тобланадиган ва турли хил рангга эга бўлади.

Хрустал идишлар асосан қалин деворларли, чиройли кесилган расмли, маҳсус тобланадиган ва ёқимли товушга эга бўлади. Шиша ва хрустал идишлар асосан ичимликлар, салатлар, винегретлар, маринадланган ва барра мева-сабзавотларни ҳамда кондитер маҳсулотларни узатишда кенг қўлланилади (5-жадвал).

Шишадан ўлчов идишлар ҳам тайёрланади. Бундай стаканларга цилиндр ва конус шаклидаги, сиғими 100, 200, 250 мл, 150, 200 мл.ли фужер ва сиғими 100 мл.ли бокаллар киради.

5-жадвал

Шиша ва хрустал идишлар

Номи	Тавсифи	Фойдаланиши
Рюмкалар:		
- бочка ёки лола шаклли - керманка шаклли - конуссимон, ноксимон шаклли ёки керманкасимон шаклли	25 см ³ 25 см ³ 125-150 см ³	конъяк ликёр шампан
Фужер:		
- цилиндр ва конуссимон шаклдаги идишлар тўплами - цилиндр ва конуссимон шаклдаги стаканлар - таги қалин конуссимон шаклдаги стаканлар - таги конуссимон шаклда	200-250 см ³ 20-150 см ³ 200-250 см ³ 250-320 см ³ 250-300 см ³	мева ва минерал суви, пиво конъяк, ароқ, вино шарбат, пиво, сув шарбат, коктейллар юмшоқ музқаймок

кенгайтирилган устунли - цилиндерсімін стаканлар - конуссімін графинлар	200-250 см ³ 250-1200 см ³	чой, сутли кофе, какао алькогол ичимдіклар
Графинлар	1,5-2,0 л	сув
Кувшинлар	1,2-1,5 л	шарбатлар, морс, фирма, ичимдіклари, сув
Слатниклар	1-6 порцияли	салатлар, винегретлар, маринадланған ва барра мевалар
Керманкалар	1 порцияли	кремлар, мусаллалар ва бошқа шириң таомлар
Ликопчалар	90-100 мм	мураббо, джем, асал, лимон
Вазалар: - (турли хилдаги) - (юпқа) - (турли хилдаги)	- - -	мева, конфет, кондитер махсулотлари торт гуллар
Йиғмалар (рюмкалы графин ёки түплам)	6-32 персон	вино, арок, коньяқ, ликер
Крушкалар	250-500 см ³	пиво
Чойнаклар: - дамлайдыған - қуйилмали - кофейниклар	250, 500, 600, 800 см ³ 800-1600 см ³ 500-1400 см ³	чой тайёрлаш ва узатиши қайнот сув қора кофе
Чой ва кофе сервиси	6-12 ва ундан ортиқ персонга	гурұхли хизмат күрсатиши
Қаймоқлы (сливочки) идиш	150, 250, 300, 425 см ³	қаймоқ (сливка)
Сут (молочиники) идиши	500, 750, 1000 см ³	сут
Пиала ва косалар	220, 250, 350, 400 см ³	марказий осиё давлатлари чой ва миллий таомлари
Компот идиш	1 порцияли	компот
Солонкалар	40 см ³	зираворлар учун
Тухум тәгіга қўйгич	1 порцияли	енгил қайнатылған ва халтача кўринишидаги

		тухумлар
Калта таёқчада вазалар	200-300 мм	салатлар
Вазалар	200-300 мм	гуллар
Ликопча	90-100 мм	мураббо, шакар, лимон
Чой ликопчаси	1 порцияли	стаканлар
Кулдонлар		стол сервировкаси

12.5. Метал идишлар

Метал идишлар таомларни иситишда кўлланилади (6-жадвал). Ресторанда мельхорли (мис ва никель қоришмали) ва зангламайдиган металлардан тайёрланган идишлардан фойдаланилади. Алюминийдан тайёрланган идишлар фақат ошхоналардагина қўлланилади. Мельхорли идишлар чиройли оқ-кумуш тобланиб, байрам столига ўзига хос тантана беради.

6-жадвал

Металл идишлар

Номи	Тавсифи	Фойдаланиши
Суюқ овқатлар учун мискалар	1, 2, 4 порционли	пюресимон ва суюқ таомлар
Баранчиклар: - айлана - овалсимон	1-2 порцияли 1, 2, 3, 4 порцияли	соусли балиқли ва гўштли таомлар, қайнатилган ва димланган куш, қайнатилган ва димланган сабзавотли таомлар
Ликоплар: - айлана - овалсимон	6-10 порцияли 1, 2, 3, 4, 5 ва 10 порцияли	қовурилган порцияли иккинчи таомлар, яхна газаклар
Сосус идиши	1, 2 порцияли	иссиқ соуслар
Товалар	1, 2, 3 порцияли	тухум-глаупъе тайёрлаш ва узатиш, айрим иссиқ газаклар тайёрлаш
Икра идиш	1, 2, 4 порцияли	икралар
Кофе идиш	2, 4 порцияли	кора кофе
Қаймоқ идиши	2, 4 порцияли	қаймоқ
Чойнаклар:		

- дамлаш идиш	0,5 л	чой дамлаш
- күйиш идиш	3,5 л	қайнатилган сув
Шакар идиш	-	рафинадланган оқ қанд
Керманкалар	1 порцияли	музқаймоқ
Стакан тагига қўйгич	1 порцияли	чой стаканлари учун
Сомоварлар	2,5 л	чой
Конфет идиш	-	конфет
Сатилча	-	совитилган шампан виноси

Рус миллий таомлари кенг тақдим этиладиган умумий овқатланиш корхоналарида ёғочдан тайёрланган идишлар, гул учун вазалар, шакар солинадиган идишлар, рюмкалар, зираворлар, тарелкалар, қошиқлар ва бошқа маҳсулотлар қўлланилади.

Столни сервировкаси учун худди шундай пластмассадан ясалган идиш ва инвентарлар қўлланилади. Пластмассадан тайёрланган идишлар шиша ва форфор-фаянс идишларига нисбатан юқори чидамлилиги, кимёвий турғуналилиги ва енгиллилиги жиҳатидан юқори туради. Худди шундай пластмассадан салфетка солгичлар, тиш ковлагичлар, коктейл учун найчалар, патнислар, рюмкалар, стакан солгичлар, бутерброд учун шпонкалар, сихлар тайёрланади.

12.6. Ошхона анжомлари, асбоблари


Овқатланиш корхоналарда турли хилдаги ошхона анжомлари ва асбоблар ишлатилиади. Буларнинг ўзига хос қўлланилиш техникаси мавжуд. Ошхона анжомлари хом ашёларга ишлов бериш жараёнлари, яrim тайёр ва тайёр таомлар учун қўлланилиш, шунингдек, десерт ва мевалар учун турли хиллари ишлатилинадли ошхона анжом ва асбобларнинг номи ва фойдаланиш тавсифи 6-жадвалда келтириб ўтилган.

6-жадвал

Ошхона анжомлар тавсифи

Номи	Фойдаланиши
Қошиқ:	
- ошхона	биринчи таомлар
- десерт	мева ва ширин таомлар, чашкада бериладиган бульонлар
- чой	чой, сутли кофе, какао
- кофе	қора кофе
- гарнир	гарнирларни солиш
- соус	соусни куйиш

<ul style="list-style-type: none"> - салат - коктейл 	салатни солиш биринчи суюқ таомларни мискага қуиши
Вилкалар (санчқилар) <ul style="list-style-type: none"> - ошхона - балиқ - газак - десерт - мева - салат - лимон - устриц - шпрот - рок - шашлик 	иккинчи таомлар иссик балиқ таомлари газаклар ширин таомлар мевалар салат ва совуқ газакларни солиши лимонни солиши устрицарап шпротларни солиши ракни майдалаш ва истеъмол қиласиган қисмини ажратиш шашликни сихдан ажратиш ва ликопчага қўйиши
Пичоқлар: <ul style="list-style-type: none"> - ошхона - балиқ - газак - десерт - мева - лимон - сариқ ёғ - пишлоқ 	иккинчи таомлар иссик балиқ таомлари газаклар ширин таомлар меваларни кесиши лимонни кесиши сариқ ёғни нонга суртиши пишлоқни кесиши
Қисқичлар: <ul style="list-style-type: none"> - шаҳар - муз 	олиб қўйиши



47-расм. Ошхона анжомлари.

1-ошхона қошиғи, санчиқ ва пичоғи; 2-газаклар учун санчиқ ва пичоқ; 3-десерт таомлар учун қошиқ, санчиқ ва пичоқ; 4-балиқли таомлар учун санчиқ ва пичок; 5-чой қошиқ; 6-кофе қошиғи.



48-расм. Ичимликлар учун ишлатиладиган анжомлар.



49-расм. Таомларни истеъмол қилишда қўлланиладиган ошхона анжомлари.



50-расм. Таом тайёрлашда қўлланиладиган ошхона асбоблари.



51-расм. Ичимликларни истеъмол қилишда қўлланиладиган шиша анжомлари.

1. Мартини бокали, коктейл рюмкаси сифатида ҳам фойдаланилади.
2. "Флюте" шампанкаси, газланувчи винолар ва шампан виноси учун.
3. Снифтер бокали-коняк учун.
4. Харрикейн-тропик коктейллар учун.
5. Хайбол ёки "Зомби" - ўртача ва катта ҳажмдаги ичимликлар учун.
6. Виски учун стакан.
7. Ликёр рюмкаси.
8. Стопка –кучли спиртли ичимликлар учун.
9. Пус кафе - бир неча қатламли коктейллар учун.
10. Айриш кофе-иссик коктейллар учун бокал.
11. Шампан рюмкаси - газланувчи винолар ва шампан виноси учун.
12. Шерри - кучли винолар ва вермутлар учун.
13. Маргарита-коктейл учун бокал.
14. Гоблит-винолар, коктейллар ва пиволардан кубок қилиш учун.
15. Сауэр-Сауэр гурухидаги коктейллар учун.
16. Пиво бокали.
17. Пива кружкаси.

18. Оқ вино учун бокал.
19. Қизил вино учун бокал.
20. Пунш учун чашка.

Таянч сўзлар: фарфор, фаянс, хрустал, кўчма столча, чойшаб, порция, бульон, кварц, каолин, конус, соус, морс, рафинад, санчиқ, десерт.

Назорат саволлари:

1. Ошхона идишлари қандай номланади ?.
2. Ошхона анжомларининг номлари қандай ва нима мақсадларда ишлатилади?
3. Таомларни истеъмол қилишда қандай ошхона асбоблари ишлатилади?
4. Таомларни тайёрлашда қандай анжомлар қўлланилади?

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Расмлардаги келтирилган анжом ва асбобларини ўрганиб олинг.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

- 1. Ошхона думалоқ столининг диаметри қандай?**
 - а) 100 см
 - б) 150 см
 - в) 155 см
 - г) 160 см
- 2. Ошхона дастурхонларининг нечта ўлчамлари бор?**
 - а) 6 та
 - б) 7 та
 - в) 8 та
 - г) 10 та
- 3. Шиша ва хрустал идишлар ... қўйишда ишлатилади.**
 - а) гўштларни
 - б) ичимликлар, салатлар, винегретлар, маринадланган ва барра мева-сабзавотларни ҳамда кондитер маҳсулотларини
 - в) иссиқ овқатларни
 - г) совуқ овқатларни
- 4. Таомларни иситишда қандай идишлар ишлатилади?**
 - а) чўян идишлар
 - б) алюмин идишлар
 - в) метал идишлар

г) қозонлар

5. Маргарита бокали нималар учун мүлжалланган?

а) коктейллар учун

б) кофе учун

в) чой учун

г) пиво учун

6. Снифтер бокали нима учун ишлатилади?

а) коняк учун

б) пиво учун

в) кофе учун

г) вино учун

7. Харрикейн бокали нима учун ишлатилади?

а) тропик коктейллар учун

б) шарбатлар учун

в) винолар учун

г) минерал сув учун

ГЛОССАРИЙ

Аванзал - туристларни(мехмонларни) кутиш ва дастлабки учрашув зали(хонаси).

Англияча нонушта - одат бўйича меваларнинг шарбатлари, ветчина, мурабболар, кофе ёки чой билан нонушта.

American Breakfast – америкача нонуштага континентал нонуштадагиларга қўшимча қилиб ҳар хил тўғрамалар ва иссиқ таом берилади.

Америкача нонушта - Бунда қўшимча равишда: муз бўлаклари билан оддий сув, мевали шарбат, мевалар (грейпрут, тарвуз, қаймоқли майда мевалар) ёки мевали компотлар (олхўри, шафтоли). Ёрмали таомлар (маккажўхорили, гуручли), оз микдордаги гўштли, ҳар хил пироглар ва бошқалар ҳам берилади.

A-la carte – туристлар учун анча қулай вариант. Чунки менюда ҳар бир таомнинг баҳоси кўрсатилган. Турист молиявий ҳолатига қараб таъомга буюртма бериши мумкин.

ALL, All (all inclusive) – овқатланишнинг тўлиқ варианти. Нонушта, тушлик ва кечки овқатдан ташқари туристлар швед столидаги алкоголи ва алкогиз ичмилкларни чегарланмаган ҳолда ичишлари мумкин. Булар туристнинг меҳмонхонада яшashi нархларига қўшилган. Шунингдек, турист меҳмонхона барларида иккинchi нонушта, чала тушлик ва эрта кечки овқатни ҳам олиши мумкин, булар ҳам туристнинг меҳмонхонада яшashi нархига қўшилган бўлади.

Автосайёҳлар учун ресторон – катта йўл чорраҳаларида, йирик автостанцияларда жойлашади, сайёҳлар бу ерларда овқатланади, хордиқ чиқаради.

«А парт (apart)» - меҳмонларга бундай усулда хизмат кўрсатишида, тахминий буюртма олиниб, берилган вақт асосида бажарилади. Кўпгина дам олиш уйларида ва меҳмонхоналарда фойдаланилади.

Банкет – жамоавий кўринишдаги ёки одамларнинг ҳар хил зиёфатларни, байрамларни буюртма билан ташкил қилиши.

Бар – кичкина ресторан, илгари майхона деб ҳам атаганлар. Кенг ассортиментда ҳар хил ичимликлар сотилади. Шунинг билан бирга барда таомлар, газаклар, қандолат маҳсулотлари ҳам бўлиши мумкин.

Бариста – кофе тайёрловчи мутахассис.

Бранч-(branch) – breakfast-нонушта, Lunch-эрта тушлик сўзларидан келиб чиқган.

Биокимёвий жараён – ачитиш.

Буффет (швед столи) – мижоз ўз идишига ўзи овқат солади. Бунда бир неча варианлар мавжуд: таом катта лаълиларда ёки иситиладиган идишларга жойлаштирилади. Ошпаз мижозга гўшт кесиб беради, ошпаз турган столга мижозлар навбат кутиб турадилар ва б.

Буфет – бу истеъмолчиларга чекланган турдаги қайноқ ва салқин ичимликлар, совуқ таомлар, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари шунингдек, осон тайёрланадиган иссиқ ва ширин таомлар билан тезкор хизмат кўрсатишга мўлжалланган корхона.

Вагон-ресторанлар узок масофаларга қатновчи темир йўл поездларида бўлади. Одатда бундай ресторанлар бир кеча-кундуздан ортиқроқ сафарга борувчи йўловчилар учун хизмат қиласди.

BB (bed & breakfast) – туристнинг меҳмонхонада яшаши учун тўлаган маблағига фақат бу ерда нонушта қилиш (швед столи) қўшилган. Турист қўшимча овқатланишига алоҳида пул тўлайди.

Грил – инфрақизил ёки иссиқ ҳароратда таомлар тайёрланади

Гидромеханик жараён - ювиш, ивitiш, сувга солиб қўйиш, маҳсулотни фильтрдан ўтказиш.

Guaridon service – ресторон сервисининг энг олий тури бўлиб, унда официант таомни маҳсус аравачада меҳмон столи олдида тайёрлайди. Таъкидлаш жоизки, официант таомнинг фақат якунловчи босқичини кўрсатади (спирт алсанасида қовуриш). Нима қилаётганлигини у меҳмонларга тушунтира олиши керак. Францияда сервиснинг бу турини русча деб аташади.

Диско-барлар – кундуз кунлари кафе сифатида иш олиб боради, кечқурин эса бар хизматини ўтайди. Бу ерларда доимо дискотека ўюштирилади.

«Дюжур» (du juur) менюси – Навбатчи таомлар (кундузги) менюси;

English Breakfast – Англияча нонушта. Континертал нонуштага нисбатан тўлиқроқ. Шарбатлар, қовурилган тухумлар, ёғ, мурабболар ва кофе, чой.

Иссиқлик бериш жараёни – иситиш, совутиш, буғлаш, бир ҳароратда сақлаш.

Инглизча нонушта – Инглиз нонуштаси асосан хонага чой ёки кофе олиб келишдан иборат (иссиқ школад ҳам). Шунингдек, шакар, булочка маҳсулотлари, сариёғ, жем, асал, мурабболардан ҳам тайёрлаш мумкин. Бундай нонушта «Shortbreakfast» (қисқа нонушта) деб аталади, унга қўшимча равишда тухум, балиқ, ёрмалардан тайёрланган таомлар ташкил

этади. Бу нонушта худди кенгайтирилган нонушта каби сервировкаланади. Агар меҳмон тухум ўрнига балиқли ёки сули ёрмасидан тайёрланган таомларга буюртма берса, унда қўшимча равишда балиқка приболар ёки қошиклар билан сервировкаланади.

Кафетерийлар – йирик озиқ-овқат ёки ноозик-овқат магазинларида ташкил қилинади. Кафетерийларда иссиқ ичимликлар, сут-қатиқ маҳсулотлари, бутербродлар, қандолат маҳсулотлари ва бошқалар тайёрланиши ва сотилиши мумкин, унча қийин бўлмаган маҳсулотлар бўлади. Алкогол ичимликлар сотиш тақиқланади. Ҳисоб-китобни буфетчининг ўзи бажаради.

Кенгайтирилган нонушта – бу турдаги нонушта 60 йил ўрталарида Европада кенг тарқалган бўлиб, континентал нонуштадан фарқли равишида меҳмонларга шарбатлар (апельсинлар, грейпфрубли, томатли), ветченали, пишлокли, колбасали, тухумли таомлар, йогуртлар, твороглар, куруқ мевалардан иборат бўлади. Нонушта вақтида буфет сервиси асосида официантлар хизмат қиласи ёки шкопчаларни столга келтириб қўяди. Тухумли таом буюртма асосида тайёрланади.

Кимёвий жараён – маҳсулотга бирон модда қўшиб сифатини ўзгартириш. Бунда сирка ёки бошқа нарса қўшилиб, маҳсулотда ўзгариш хосил қилинади.

Кофехона – истеъмолчиларга кенг ассортиментли кофе ичимлигини тавсия қиласиган маҳсус корхона.

Калифорния менюси – Баъзи калифорния ресторанларида истаган таъомни, истаган вақтда буюртма бериш мумкин.

Кулинар маҳсулотлар – кулинар тайёргарлик даражасига етказилган, яна озгина иситилса ёки ишлов, шакл берилиб сузилса бўлаверадиган босқичда.

Купе-буфетлар – бир кеча-кундуздан кам йўл юрадиган поездларда бўлади. Купе-буфетлар учун поездда 2—3 та купе савдо қилиш ва ёрдамчи хона сифатида ажратилади. Купе-буфет салондан тўсиқ-витрина билан ажратилади, совутгич шкаф ва вагон ости яшикларига эга. Асосий ассортименти: бутерброд, пиширилган тухум, сут-қатиқ маҳсулотлари, сосискалар, сарделкалар, иссиқ ичимликлардан-чой, кофе, какао бўлади, қандолат ва нон-булка маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, мева ва бошқалардир. Йўловчиларга буфетчи хизмат қиласи. Овқат ташувчи официант бошқа вагонлардаги йўловчиларга таомлар етказиб беради.

Continental Breakfast – бу континентал нонушта дейилади. Яшаш нархларига қўшилган. Енгил нонушта-одатда чой, кофе, булкалар, ёғ ва мурабболардан иборат.

Люкс тоифа - стандартда айтилишича, ресторан ва барларга берилади. Улар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: бино ички безагининг олий даражада бўлиши, қўзни қамаштирадиган чирой, хизмат қилиш соҳасининг кенглиги, ноёб ассортимент, кўнгилдагидек буюртма ва фирма таомларининг бўлиши, ресторан маҳсулотлари, буюртма ва фирма ичимликларининг кенг ассортименти.

Механик жараён – маҳсулотларни турларга ажратиш, майдалаш, тўғраш, аралаштириш, эзиш, пресслаш, микдорларга бўлиш, маҳсулотга шакл бериш.

Mini all inclusive – тўлик пансион. Бунда туристга маҳаллий шароитларда тайёрланган ичимликлар овқатланиш вақтида ҳам, кун давомида ҳам бепул берилади.

HB (half board) – бу ярим пансион. Мехмонхонада яшаш нархларига нонушта ва кечки овқатланиш нархи қўшилган.

HB+ (half board +, extended half board) – кенгайтирилган ярим пансион. Бунда турист кун давомида алкогизиз ичимликларни ичиши мумкин.

HCAL (high class all inclusive) – бунда телефондан, врач хизматларидан, сартарошона ва бошқа белгиланган хизматлардан фойдаланиш туристнинг меҳмонхонада яшаш нархларига қўшилган.

OB, NA (only bad) – овқатлантириш йўқ. Мехмонхона мижозларига фақат тунашни таклиф қиласди. Мижоз тунашдан кейин меҳмонхонанинг ташқарисида ўз ишлари билан машғул бўлади. *Меню бўйича овқатланиши.* – фақат менюдаги овқатларни танлаш ва овқатланиш мумкин.

Олий тоифа - номи ҳам ресторан ва барларга берилади. Уларнинг ҳам ноёб бинолари, бино ичи безаклари, чиройли жиҳозлари, ноёб ассортимент, кўнгилдагидек буюртма ва фирма таомлари ва маҳсулотлари, шунингдек, мураккаб усулда тайёрланган ичимликлар, алкогизиз ичимликлари бўлади.

Plate service (америкача) – официантлар мижознинг чап томонидан туриб унинг тарелкасига таомни қўядилар, бўш тарелкаларни эса мижознинг ўнг томонидан оладилар.

Ресторан – мураккаб тарзда тайёрланган таомларнинг кенг ассортиментини тайёрлайдиган умумий овқатланиш корхонасидир. Булар ичига буюртма ва фирма таъомлари, вино-ароқлар, тамаки ва қандолат

маҳсулотлари киради. Мижозларнинг яхши дам олишлари учун юксак даражада хизмат қилинади.

«Табльот (tabled'ote)» - «А парт»дан хизмат кўрсатиладиган меҳмонларга бир хил меню асосида, бир вақтда хизмат кўрсатиш билан фарқланади. Ҳамма столга ўтиргандан кейин хизмат кўрсатиш бошланади. Одатда пансионатларда, дам олиш уйларида ва бошқа биноларда фойдаланилади.

Туристик меню – туристлар ва саёҳатчилар эътиборини қозониш, истеъмол қилинадиган таомлар сифатли ва арzon нархда бўлишлиги эътиборга олиб тузилади. Туристлар учун аниқланган бўлиши керак.

Фаст-Фуд – унча қиммат бўлмаган нархларда истеъмолчиларга тезкор тарзда таомлар етказиш.

Франчайзинг – ресторон бизнесида бир компания бошқа компанияга ўзининг савдо маркаларидан ва технологияларидан фойдаланиш хуқуқини бериши тизими.

Стол-экспресс – 20 кишига мўлжалланган бўлиб, марказий қисми айлана ҳаракатига эга бўлади. Столда ҳар хил яхналар, таомлар, қандолатчилик маҳсулотлари, шарбатлар, ҳар хил салқин ичимликлар қўйилади. Истеъмолчи столга ўтириб марказий айланмани айлантириб керак бўладиган таомларни танлаши мумкин. Иссиқ ичимликларни эса официант талабга кўра олиб келди ва ҳисоб-китоб қилинади.

Silver service – таъом официантлар томонидан катта идишда столга қўйилади, ушбу идишдан официант меҳмонлар тарелкасига чап томондан порциялар қўяди, тарелкаларни эса меҳмоннинг ўнг томонидан қўйиб чиқади. Ресторон сервисининг ушбу турини АҚШ ва Германияда русча, Францияда эса французча дейишади.

Сомелье - ресторанда ичимликлар берувчи маъсул ходим.

UAL, UAI (ultra all inclusive) – энг тўлиқ вариант. Бунда турист нонушта, тушлик ва кечки овқатланишда ҳоҳлаган таоми ва ҳоҳлаган ичилигини олиши мумкин. Шу билан бирга турист ресторондаги бошқа халқларнинг ошхонасига мансуб миллий таъомларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Ҳаммасига тўланган.

Family service (оилавий) – таом стол ўртасида туради ва ҳар бир мижоз ўз тарелкасига ўзи олиб солади. Баъзida столда факат гарнирлар туради, гўшт (балиқ) эса официантлар томонидан тарелкага қўйилади. Сервиснинг бу турини инглизча ҳам дейишади.

FB (full board) – тўлиқ пансион-нонушта, тушлик ва кечки овқатланиш швед столи усулида.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Меъёрий манбалар

Ўзбекистон Республикасининг қонуни:

1. “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент, Адолат, 2019 йил 18 июль,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони .2016 йил 2-декабр, ПФ-4861
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 февралда “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сонли Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2018 йил 7 февраль, ПҚ-3514-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 3 феврал.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

1. “Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларининг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилдаги 289-сонли қарори.

Асосий адабиётлар:

1. Асланова Д., Т.Худайшукуров, Н.Мўминов. Дунё ҳалқлари овқатланишининг ўзига хос хусусиятлари. Дарслик. Т.: “Иқтисодиётмолия”, 2011.-356 б.
2. Александрова А.Ю. География туризма. Москва, КноРУС, 2010 - 592 с.
3. Джум Т. А., Ольщанская С.А. Организация и технология питания туристов. Учебное пособие. Магистр: ИНФРА-М, 2011.-320 с.

4. Биржаков М.Б.Введение в туризм. Издания 9-е переработанное и дополненное –Спб.: «Издательский дом Герда», 2007.-576 с.
5. Волков Ю.Ф. Введение в гостиничный и туристический бизнес- Ростов н/Д: «Финикс», 2004.-352с.
6. Дурович А.П. Организация туризма. Минск, «Новое знание», 2006.-632 с.
7. Зайко Г. М., Джум Т.А. Организация производства и обслуживания на предприятиях общественного питания. Учебное пособие. Москва, Магистр: НИЦ-ИНФРА, 2013-560 с.
8. Квартальнов В.А., Теория и практика туризма. Москва, "Финансы и статистика". 2003.-660 с.
9. Кусков А.С., Голубева В.Л., Одинцова Т.Н. Рекреационная география. Саратовский государственный университет. Саратов - 2005.-503 с.
10. Похлебкин В.В. Поварское искусство. М.: Центрополиграф, 2009. с. 352-470.
11. Пучкова В.Ф., Васюкова А., Мячикова Н.Т. Технология кулинарной продукции за рубежом. Москва, Дашков и К° , 2015.-368 с.
12. Тимохина Т. Л. Организация приема и обслуживания туристов, Учебное пособие, Москва, ИД ФОРУМ, НИЦ ИНФРА-М, 2013-285 с.
13. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г. Туризм асослари. Дарслик. Тошкент. 2014.-330 б.
14. Абдуллаев Р.В. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари туризм индустрияси ривожидаги тенденциялар. «Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида туризмнинг аҳамияти» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. 11 май 2019 йил Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, Тошкент, 2019.-17-19 б.
15. Ердавлетов С. Р. География туризма: история, теория, методы, практика. Алматы, 2000.-331 с.
16. Маматқұлов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Маъruzalар курси. СамИСИ. 2009.-212 б.
17. Мясникова Е.Н. Традиции и культуры питания народов мира. Российский экономический университет им. Г.В.Плеханова. Москва. 2018.-67 с.
18. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, 2006.-76 б
19. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Мехмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография, Тошкент, «Иқтисодиёт», 2013.-212 б.
20. Сабрина, Этикетнинг олтин китоби. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2013.-424 б.

21. Тухлиев И.С., Кудратов Ф.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш. Дарслик, Тошкент, 2010, 208 б.
22. Ҳайитбоев Р. Туризмнинг турлари ва соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тадқик қилишнинг назарий масалалари. «SERVIS» журнали, №3, Самарқанд, 2015.- 43-48 бетлар.
23. Ҳайитбоев Р. Экологик туризм. Ўқув кўлланма, «Барҳаёт файл медиа», Тошкент, 2016.-248 б.
24. Ҳайитбоев Р., Ҳайдаров С., Абдухамидов С. ва бошқ. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиши. Ўқув кўлланма, Самарқанд, 2016.-180 б.
25. Ҳайитбоев Р. Ассалом Малайзия. Туристик рисола. Самарқанд, 2019.-46 б.
26. “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил 3 июн.
27. Худойшукуров Т., Н.Мухамадиев, Н.Мўминов, И.Шукров. Овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш асослари. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт-молия, 2009.-256 б.
28. Шеникова Н. В. Традиции и культура питания народов мира. Учебное пособие для вузов. Москва, Форум, 2015.-293 с.
29. Шукров И.Х. ва бошқалар. Санитария ва гигиена. Ўқув кўлланма. Тошкент, 2017 й.
30. Энциклопедия этикета. М.: Рипол-Классик, 2001. стр. 396-402.

Интернет материаллари:

www.reestr.russiatourism.ru
<http://www.unwto.org>
www.uza.uz
www.uzbektourism.uz
www.welcomeuzbekistan.com
www.Turkistonpress.uz

ШАДИЕВА Г.М. , КАЛАНОВА М.Б.

Туристларнинг овқатланишини ташкил қилиш

Ўқув қўлланма

Муҳаррир: Бободустов З.Н.

Мусаҳҳих: Мелиев З.

Ўқув қулланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг (2021 йил 25-декабрдаги 538-сонли буйруғига асосан) нашр руҳсатномасини олган.

© «FAN BULOG’I» nashriyoti, Samarqand - 2022.

ISBN: 978-9943-8336-1-6

Nashriyot lisenziyasi:

№ 4341-5160-642c-944b-ab74-5062-3969

Bosishga ruxsat etildi: 24.06.2022 у.

© «FAN BULOG’I» nashriyoti, Samarqand sh.

S.Buhoriy ko’chasi, 1-11 uy.

Qog‘oz bichimi A5, Offset qog‘izi.

“Times New Roman” garniturası

Nashr bosma tabog‘i 16,5

Buyurtma № 074 А. Adadi 30 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining

matbaa bo‘limida chop etildi.

11.04.2022 yil. LICENSE № 025316

REESTR № X-119112

Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.

32950

75.819 73



ISBN: 978-9943-8336-1-6

9 789943 833616